


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ
ФРАНЦУЗ ИНСТИТУТИ IFEAS

Адҳамжон Аширов

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҚАДИМИЙ ЭЪТИҚОД ВА МАРОСИМЛАРИ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2007

*Ушбу китоб ўзбек халқи этнографиясининг зукко билимдони,
устоз академик Карим Шониёзов хотирасига бағишланади.*

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор
Д. А. АЛИМОВА.

Илмий муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор
М. М. ИСҲОҚОВ.

Тақризчилар: тарих фанлари доктори А. Х. ДОНИЁРОВ,
тарих фанлари доктори У. С. АБДУЛЛАЕВ.

Мазкур монография ўзбек халқининг қадимий диний эътиқодлари ва маросимлари таҳлилига бағишланган. Китобда Ўрта Осиё ҳудудида ислом дини кириб келгунга қадар бўлган даврдаги диний эътиқодлар тарихи, эволюцияси ва уларнинг анъанавий жамиятдаги излари борасида мулоҳазалар билдирилган.

Асарда илк бора ўзбек халқи турмуш тарзи — оилавий маросимлар, хўжалик анъаналари ва моддий маданиятда исломий ва исломгача бўлган диний эътиқодлар симбиози тарихий-этнографик материаллар асосида ёритиб берилган.

Монография асосан этнолог, диншунос ва тарихчи мутахассисларга, ўзбек халқининг ўтмиш тарихи, этномиллий мероси, диний эътиқодий қарашлари тарихи, этномаданияти, миллий маросим ва анъаналари, бир сўз билан айтганда, ўзбекнинг ўзлиги билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	4
1-БОБ. ҚАДИМИЙ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР ВА ДИНЛАР	
1.1. Тотемизм ва тотемистик маросимлар: тарихи, эволюцияси ва ўзига хос хусусиятлари.....	9
1.2. Шомонлик генезиси ва локал хусусиятлари.....	31
1.4. Зардуштийлик дини билан боғлиқ анъана ва маросимлар.....	53
2-БОБ. АНЪАНАВИЙ ОИЛА ТУРМУШ МАРОСИМЛАРДА ҚАДИМИЙ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР	
2.1. Фарзанд туғилиши ва бола тарбияси билан боғлиқ маросим ва урф-одатларда қадимий диний эътиқодлар излари.....	73
2.2. Никоҳ тўйи маросимларида афсунгарликлар ва қадимий диний эътиқодлар симбиози.....	88
2.3. Мотам маросимларида архаик диний эътиқодлар излари.....	104
3-БОБ. ЎЗБЕКЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК АНЪАНАЛАРИДА ДИНИЙ ЭЪТИҚОДИЙ ҚАРАШЛАР СИМБИОЗИ	
3.1. Анъанавий деҳқончилик машғулотида аграр культлар ва қадимий диний эътиқодлар симбиози....	127
3.2. Чорвачилик билан боғлиқ маросимларда қадимий диний эътиқодлар излари.....	145
4-БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИДА ҚАДИМИЙ ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАР ВА ЭЪТИҚОДИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ АРХАИК ИЗЛАРИ	
4.1. Турар жойлар билан боғлиқ урф-одатларда қадимий диний эътиқодлар.....	159
4.2. Анъанавий миллий кийимларда қадимий диний тасаввурлар ва афсунгарликлар.....	177
4.3. Маросим таомлари ва уларнинг моҳияти.....	195
ХОТИМА	219
Фойдаланилган манба ва адабиётлар	
РЎЙХАТИ	228
РЕЗЮМЕ	264
Кўрсаткичлар	270

МУҚАДДИМА

Инсоният яратган моддий ва маънавий маданият яхлит бир бутунликни ташкил этади. Дин, тарих, фалсафа, қадриятлар, урф-одат ва маросимлар шу муаззам дарахтнинг шохлари, халқ ижоди, дунёқараш ва фикрий кашфиётлари эса унинг илдизидир. Машхур инглиз файласуфи К. Доусон ҳақли тарзда таъкидлаганидек, “дин тарих учун калитдир ва агар биз маданиятнинг диний илдизларини англамас эканмиз маданиятнинг ўзини ҳам тушуна олмаймиз”¹. Дарҳақиқат, ҳар қандай маданий тараққиёт замирида маълум бир диний ғояга бўлган эътиқод мавжуд. Фақат диний эътиқодларни англаш орқалигина цивилизациялар тараққиётини англаш мумкин. Чунончи, энг дастлабки маданият асарларининг аксарияти ҳам дин масалаларига бағишланган бўлиб, улар диний ғоялардан илҳомланган ҳолда яратилган. Қолаверса, дин адабиёт, санъат ва фалсафанинг ҳам илк сарчашмасидир².

Дунёдаги бошқа халқлар қатори ўзбек халқининг ҳам маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқнинг маънавий ўчоқларидан бири бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари, биз яшаб турган ҳудуд ғоят хилма-хил диний эътиқодлар, динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган минтақа ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ҳудуди нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган³.

Археологик материаллар ва тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиёга ислом кириб келгунига қадар аждодлар эътиқоди, ўлиб қайта тирилувчи табиат култи ва аграр культлар, каби маҳаллий культлар билан бирга зардуштийлик, шомоний-

¹ Dawson Ch. God, History and Historians: an anthology of modern Christian views of history. – New York, 1977. – P. 121.

² Dawson Ch. God, History and Historians: an anthology of modern Christian views of history.. – P. 122.

³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 3.

лик, буддизм, монийлик, христианлик каби динлар ҳам кенг тарқалган⁴. Турли динлар, эътиқодлар ҳамда культларга эътиқод, шубҳасиз Фарғона водийси аҳолисига хос хусусиятлардан бири бўлган⁵. Юртимизга ислом дини кириб келганидан кейин ҳам ушбу эътиқодлар билан боғлиқ маросим ва урф-одатлар халқ ҳаётидан буткул йўқолиб кетмаган. Улар маҳаллий аҳоли маросим ва урф-одатларида исломий анъаналар билан синкретлашган тарзда сақланиб келмоқда. Айнан мазкур хусусият, бир томондан, ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзининг тарихий асослари ва ўзига хослигини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга молик. Бошқа тарафдан эса минтақадаги ислом дини маҳаллий хусусиятларни чуқур илмий асосли тарзда ўрганиш имкониятини бериши билан аҳамиятлидир.

Хуллас, ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзидаги қадимий диний эътиқодлар изларини тарихий-этнологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш, бизнингча, асосан, қуйидаги омилларга кўра ўта долзарб илмий муаммолардан бири ҳисобланади:

биринчидан, ҳозирги даврга қадар нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё этнологиясида ҳам маҳаллий халқлар анъанавий турмуш тарзидаги қадимий диний эътиқодлар излари яхлит бир илмий муаммо сифатида этнографик материаллар асосида чуқур, ҳар томонлама комплекс тарзда тадқиқ қилинмаган;

иккинчидан, ўзбек халқининг исломгача бўлган қарашлари ва диний эътиқодларини тарихий-этнологик жиҳатдан тадқиқ этиш орқали биз халқимизнинг исломдан олдинги маданияти, мафкураси, анъаналари ва урф-одатлари ҳақида бирмунча муфассал тасаввурга эга бўламиз. Қолаверса, айнан мазкур мавзунга тадқиқ қилиш анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқ кўплаб урф-одат ва маросимлар генезиси ҳамда мазмун-моҳиятини тўлақонли англаш ва таҳлил этиш имконини беради;

учинчидан, ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзидаги қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларни илмий асосда таҳлил этиш мазкур минтақада яшовчи этносларнинг

⁴ *Ставиский Б.Я.*, *Большаков О.Г.*, *Мончадская Е.А.* Пянджикентский некрополь // Труды Таджикской археологической экспедиции. Т. 11. (МИА, № 37). — М.—Л., 1953. — С. 64-95; *Беленицкий А.М.* Вопросы идеологии и и культов Согда по материалам пянджикентских храмов // Живопись древнего Пянджикента. — М., 1954. — С. 26-82; *Пугаченкова Г.А.* О культах Бактрии в свете археологии // ВДИ. — 1974. — № 3. — С. 127-128; *Сулейманов Р.* Древней Нахшаб. — Ташкент-Самарканд, 1999.

⁵ *Булатова В.А.* Древняя Кува. — Т., 1974. — С. 51-93; *Брыкина Г.А.* Юго-Западная Фергана в первой половине I тысячелетия нашей эры. — М., 1982. — С. 88-116.

ташқи олам, коинот, табиат тўғрисидаги тасаввурларининг энг қадимги қатламларини аниқлашга, ўзбекларнинг қадимги аждодлари илк диний-эътиқодий қарашлари, мафкураси борасида мушоҳада юриштишга имкон беради. Бу эса, мазкур минтақанинг азалий автохтон аҳолиси бўлган ўзбек халқининг эътиқодий қарашлари, маънавияти нечоғлик буюклиги ҳамда унинг жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўрнига эгаллигини яна бир бор тасдиқлаши шубҳасиздир;

тўртинчидан, мазкур муаммони этнологик жиҳатдан тадқиқ этиш ўзбек халқи турмуш тарзида ислом динининг тутган ўрни ва ўзига хослигини, яъни маҳаллий “халқона ислом”ни бирмунча тўлақонли англаш имконини яратади. Бинобарин, ислом динининг моҳияти, Қуръони карим тавсифи ва таҳлили, шариат, мусулмон уламолар фаолияти асосий тадқиқот объекти бўлган исломшунос олимлар илмий тадқиқотларидан фарқли тарзда этнологик изланишларда маҳаллий аҳоли турмуш тарзи, эътиқодига оид йиғилган дала этнографик материалларини архив ҳужжатлари ва илмий адабиётлар билан ўзаро қиёслаш, ўрганиш орқали исломнинг ўзига хос локал хусусиятлари комплекс тарзда тадқиқ қилинади. Бу эса ўз навбатида ўзбек халқи диний қарашлари, этномиллий маданияти ва қадриятларининг ўзига хослигини кенг жамоатчиликка етказишда нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан ҳам долзарб аҳамият касб этади;

бешинчидан, ўзбек халқи турмуш тарзи билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларни илмий таҳлил этиш унинг этномиллий психологияси ва локал маҳаллий маданияти борасидаги билимларни бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, ушбу мавзунини тадқиқ қилиш ўзбек халқи анъанавий ҳаёт тарзи ва диний эътиқодлар тизимида толерантлик феноменининг тутган ўрни ва аҳамиятини ҳамда унинг тарихий асосларини этнологиянинг янгича назарий-методологик концепциялари асосида ўрганишда ҳам муҳим илмий аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Монография бир қатор манбалар асосида ёзилган бўлиб, улар характери ва мавзунини ўрганишдаги аҳамияти жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажралади:

а) *Дала этнографик материаллар*. Ушбу гуруҳга кирувчи манбалар муаллиф томонидан 1996—2006 йиллар мобайнида Фарғона водийсининг Ўзбекистон Республикаси таркибидаги — Андижон, Наманган, Фарғона, Қирғизистон Республикасига кирувчи — Ўш, Жалолобод, Боткент ҳамда Тожикистон Республикасининг — Сўғд

(Ленинобод) маъмурий вилоятларидан тўпланган. Дала этнографик материаллари водийнинг турли ҳудудларидан индивидуал экспедициялар вақтида ва ЎЗР ФА Тарих институти “Этнология” бўлими томонидан уюштирилган “Фарғона водийси этнографик экспедицияси” таркибида йиғилган.

Дала материалларини тўплаш жараёнида муаллиф кекса информаторлар билан бевосита суҳбатлашиш, улар хотирасида сақланиб қолган мавзуга тааллуқли айрим маълумотларни ёзиб олиш, фотосуратга ва видеотасвирга тушириш, ўрганилаётган этнос турмуш тарзини кузатиш каби этнографик тадқиқотларнинг махсус усуллари билан кенг фойдаланди.

б) Тадқиқотнинг манбавий асослари орасида диний эътиқодлар ва динлар тарихига бевосита ҳамда билвосита тааллуқли *ёзма манбалар* ҳам алоҳида ўрин тутди. Чунончи, зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авеста”, ислом дини ва шариат асослари зикр этилган Қуръони карим ва ҳадислар, машҳур қомусий олим Абу Райҳон Бериунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, ўрта асрларнинг машҳур тилшунос олими Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк”, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” каби фундаментал асарлар, шунингдек, буюк ватандошларимиз Мирзо Улуғбек, Заҳрирдин Муҳаммад Бобур ва Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий томонидан ёзилган тарихий-этнографик асарларда акс этган қадимий диний эътиқодлар ва маросимлар ҳақидаги маълумотлар монография учун қимматли манба бўлиб хизмат қилди.

в) Тадқиқотни бажаришда Ўзбекистон тарихи, Ўзбекистон маданияти тарихи, Санъат тарихи ҳамда Фарғона водийси ўлкашунослик музейларида сақланаётган экспонатлардан ҳам унумли фойдаланилди. Шунингдек, қадимий диний эътиқодларнинг у ёки бу қирраларини акс эттирувчи деворий тасвирлар ҳам ишга манбавий асос бўлиб хизмат қилди.

Мавзуни ўрганиш ва уни илмий асосда ёритишда ўзбек халқи қадимий диний эътиқодий қарашлари, оилавий турмуш тарзи, хўжалик хусусиятлари, моддий ва маънавий маданиятининг у ёки бу жиҳатларига алоқадор материаллар, мавжуд илмий адабиётлар ва интернет материалларидан ҳам кенг фойдаланилди. Хуллас, асар ўзбек ва жаҳон этнологиясида эришилган тажрибалар ва сўнги ютуқлар асосида яратилди.

Асарни нашрга тайёрлаш ишлари ЎЗР ФА Тарих институтида

бажарилди ва бу жараёнда ўзларининг самимий ёрдамлари аямаган тарих фанлари доктори, профессор Д.А. Алимовага ва китобни нашрга тайёрлаш жараёнида қимматли маслаҳатлари билан кўмак берган тарих фанлари доктори, профессор М.М.Исҳоқовга ҳамда монографияни бадиий таҳрир ишларида беғараз ёрдам берган тарих фанлари номзодлари Б. Р. Исоқов ва И.Шойимардоновларга чексиз эҳтиромимизни билдирамыз.

Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий диний эътиқодлар, миллий маросимларимиз ва уларнинг ривожланиш босқичлари ва тарихий асослари ҳамда маҳаллий хусусиятлари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган мазкур асар, шубҳасиз айрим хато ва камчиликлардан ҳам холи эмас, албатта.

Муҳтарам зукко ва синчков китобхонлар ушбу китоб билан яқиндан танишиб чиқиб, ўзларининг холисона истакларини билдиришади деб умид қилиб қоламыз.

БИРИНЧИ БОБ.

ҚАДИМИЙ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР ВА ДИНЛАР

1.1. Тотемизм ва тотемистик маросимлар: тарихи, эволюцияси ва ўзига хос хусусиятлари

Халқона анъана ва маросимларда бани-башар хотирасида элас-элас сақланиб келаётган диний тасаввурлар, узоқ тарих қаъридаги эътиқодий қараш ва тушунчалар, асрлар давомида кузатишлардан ҳосил бўлган ҳаётий ҳикматлар қаймоғи—инсон тафаккур тажрибасининг инъикоси мужассамлашган. Узоқ ўтмишда яшаган аждодларимиз табиат ва турмушдаги айрим нарса ва ҳодисаларни илоҳийлаштирганлар. Уларни Тангри томонидан берилган эҳсон, омон (идеал), қадрият, одамлар эса уларга топиниб сиғиниб яшаши лозим деб ўйлаганлар. Ҳар бир қадрият, маросимнинг келиб чиқishi турли диний қарашлар билан изоҳлашга уринганлар. Шу боис ҳам аждодларимиз *тотемизм*, *фетишизм*, *анимизм*, *шомонлик* каби қадимги диний эътиқодларга топинишган.

Дунёда пайдо бўлган илк дин шаклларида бири *тотемизм* деб юритилади. Дин тарихига оид махсус илмий адабиётлардан маълумки, тотемизм илк уруғчилик даврида юзага келган диний эътиқод бўлиб, унга кўра маълум бир уруғ ёки қабила аъзолари ўзларини бирор ҳайвон, ўсимлик, буюмларга алоқадор ҳисоблаганлар. Бу алоқа ўзига хос қариндошлик сифатида анланган. Шунга кўра, бундай ҳайвон, ўсимлик ёки нарса муқаддаслаштирилган ва унга сиғинилган⁶.

Тотемизм илк дин шаклларида бири бўлибгина қолмай, унинг жуда мураккаб кўринишларида бири ҳамдир. Айнан ана шу мураккаблик кўплаб тадқиқотчи олимларнинг мазкур муаммога мурожаат қилишларига ва бу борада ўзларининг илмий-назарий мулоҳазаларини билдиришларига сабаб бўлган. Биз қуйида тотемизм ва тотемистик қарашлар тарихи ва унинг ўзига хос хусусиятлари борасида мулоҳазалар билдиришдан аввал “тотемизм” ибораси ва унинг тарихига қисқача изоҳ беришни жоиз деб билдик.

⁶ Frazer J. Totemism and Exogamy. – London, 1910. – P. 3.

«Тотемизм» атамаси Шимолий Америка ҳиндуларининг алгонкин гуруҳига мансуб «ожибве» қабиласи лаҳжасидаги «от-отем» ёки «от-отам»- сўзларидан олинган бўлиб, «унинг уруғи» деган маънони билдиради⁷. Лекин бу атама тотемизм асосий диний эътиқоди бўлган барча халқларда ҳам доимо бир шаклда қўлланмаган ва турлича номлар билан юритилган. Масалан, Фарбий Австралияда «қобонг», Жанубий Австралияда «нтаитъё» дейилади⁸. «Тотем» атамасини биринчи марта XVIII аср охирида инглиз савдогари Жон Лонг инсоннинг ҳайвон ва ўсимликлар билан қон-қариндошлиги ҳақидаги ишончни англатувчи сўз сифатида қўллаган.

Эволюционист Э.Б. Тайлор тотемизм инсоният маданиятининг куйи босқичида пайдо бўлганлиги, Мак-Леннан унинг инсоният тарихидаги ўрни ва аҳамиятини биринчилардан бўлиб кўрсатиб берганлигини эътироф этган⁹. Ҳақиқатдан ҳам *тотемизм* сўзи шотландиялик ҳуқуқшунос Жон Фергюссон Мак-Леннан томонидан 1869—1870 йиллари ёзилган «*Ўсимликлар ва ҳайвонларни эъзозлаш*» номли асари орқали жаҳон фанига илмий атама сифатида кириб келган¹⁰.

Тотемизм муаммоси, жумладан, унинг келиб чиқиши ва ўзига хос жиҳатлари XIX аср охири—XX аср биринчи ярмида кўплаб мутахассислар диққат марказида бўлган. Бу муаммо ечимига бағишланган қатор фундаментал тадқиқотлар эълон қилинган. Тотемизм муаммосини ҳал қилишда Г. Спенсор, Э. Тайлор, Робертсон Смит, Ж. Фрээр, Ван Геннеп, С.П. Толстов, С.А. Токарев, Д.Е. Хайтун сингари диншунос ва элшунос олимлар хизматлари алоҳида аҳамиятга молик. Ўтган йиллар давомида тотемизм муаммосига оид йиғилган кўплаб ранг-баранг материаллар асосида 50 дан зиёд концепциялар ҳамда қатор кўп жилдлик тадқиқотлар бажарилган. Жумладан, машҳур инглиз олими Ж. Фрээр 1910 йилда тотемизм муаммосига бағишланган 4 жилддан иборат бўлган «*Тотемизм ва эззогамия*» номли йирик асарини нашр эттирган¹¹. Ушбу асар диншунос ва этнограф олимлар орасида тотемизм муаммосига оид баҳс-

⁷ Mac Lennan J.F. On the worship of animals and plants // Fortnightly Review. 1869. Oct., nov.; 1870. Febr.: Токарев С.Н. Ранние формы религии. — М.: Политиздат, 1990. — С. 51.

⁸ Хайтун Д.Е. Тотемизм его сущность и происхождение. — Сталибанад, 1958. — С. 3.

⁹ Тайлор Э.Б. Первобытная культура. — М.: Политиздат, 1989. — С. 154.

¹⁰ Қаранг: Mac Lennan J.F. On the worship of animals and plants.

¹¹ Frazer J. Totemism and Exogamy. — London, 1910. — P. 1-7.

ларнинг янада қизгин авж олишига сабаб бўлган. Бу даврда чоп этилган қатор илмий журналлар саҳифаларида «Тотемизм муаммоси» деган махсус рукнда ўн йиллар мобайнида қатор илмий мунозаралар эълон қилиниб борилган. Бу баҳслар XX аср 50—70-йилларигача давом этиб келган. Умуман олганда, ҳозирга қадар дунё миқёсида тотемизм муаммосига оид кўп материаллар йиғилганига ва бу борада кўплаб мулоҳазалар билдирилганига қарамай, ҳанузгача мазкур муаммо фанда ўзининг тўла-тўқис ечимини топган деб бўлмайди. Қолаверса, амалга оширилган тадқиқотларнинг асосий қисми Австралия, Океания, Жанубий ва Шимолий Америка халқлари тотемистик эътиқодларига бағишланган бўлиб, ҳозирга қадар Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи орасидаги тотемизм ва ушбу диний эътиқод билан у ёки бу даражада боғланган маросимлар таҳлилига оид бирор-бир жиддий иш яратилмаган. Шу боис биз монографиянинг ушбу қисмида тотемизм тарихи, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўзбек халқи турмуш тарзидаги тотемизм билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимларни илмий асосда ёритишга ҳаракат қилдик.

Авалло шуни таъкидлаш жоизки, тотемизмнинг классик шакли ҳукмрон бўлган қадимги тотемистик қабилалар уруғ-аймоқларга бўлинганлар. Ҳар бир аймақ ўзаро бирор-бир ҳайвон, ўсимлик, ашё (аксарият ҳолларда ҳайвон) билан боғланган. Бир тотемга эътиқод қилувчилар ўртасида ўзаро никоҳга йўл қўйилмаган. Тотем пайдо бўлишида табиий жинсларга бўлиниш асосий ўринда турган. Бу ҳолат, ўз навбатида, жинсий тотемизм ривожига таъсир кўрсатган. Одатда, жинсий тотемизмда бир уруғдаги барча эркаклар тотемни алоҳида, аёлларники алоҳида бўлган, яъни ҳар бир жинсий гуруҳ қандайдир ҳайвон, ўсимлик, ашё билан дўстона ё қариндошлик муносабатларига киришган. Жинс тотемизмида кўпинча сут эмизувчи ҳайвонлар, қушлар ва ўсимликлар тотем бўлган. Жинс тотемизми отадан ўғилга, онадан қизга ўтиб келган¹².

Тотемизмга дахлдор фикрларни тўлдириш ва далиллашда ибтидоий замонга оид турли ҳайвонлар тасвирлари алоҳида аҳамият касб этади. С.П. Толстов кўпгина археологик ашёлар ва тарихий манбалар асосида Шарқ халқлари, хусусан, туркий қавмлар ҳаётида от, илон, хўкиз ва бошқа ҳайвонлар тотемига сиғиниш ҳамда уларни илоҳийлаштириш ҳоллари тарихий ҳақиқат эканлигини

¹² Токарев С.А. Ранние формы религии... — С. 81

этироф этган. Унинг фикрича, тотемизм юқори палеолит даврида пайдо бўлган¹³.

Тотемистик тасаввурлар, тадқиқотчи А. Элкин таъбири билан айтганда, ҳайвон ва табиат, коинот ва олам ҳақидаги тасаввурлар мевасидир. У ижтимоий гуруҳларга алоҳида ранг беради. Унинг мифологиясига таъсир этади, урф-одатларини жонлантиради, одамларни ўз ўтмиши билан боғлайди¹⁴.

Тотемизм қадимги туркий халқлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Тотемизмда баъзи ўсимлик (дарахт) ва ҳайвонлар одамларнинг кўриқловчиси ва тангрилари ҳисобланган. Муайян қавм аъзолари аниқ бир ҳайвон ёки ўсимлик зотидан тарқалган деган тасаввур шаклланган. Шу боисдан ҳам тотем улар учун илоҳий (муқаддас) ҳисобланган. Илмий адабиётлар туркий халқларнинг ўтмишда бўри, айиқ, бургут, илон, эчки, қўй, ҳўкиз, дарахт ва бошқа ҳоказо тотемларга эътиқод қилганликларидан гувоҳлик беради¹⁵. Масалан, ўзбек, қозоқ, туркман, Жанубий Сибир халқларидан Олтой турклари, яъни ёқутлар, чувашлар, осиеликлар - мўғуллар орасида бўри, от, айиқ, ҳўкиз каби ҳайвонларга нисбатан тотемистик эътиқод ниҳоятда кучли бўлган. Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи тарокима» асарида қайд этилишича, Ўғузхон даврида шунқор, бургут, укки, қарчиғай, турунбой, лочин, хумой, туйғун, қарға муқаддас қуш — тотем ҳисобланган¹⁶. Машҳур шарқшунос олим В.В. Бартольд Рашидиддин маълумотларига асосланиб, ўғизларда ҳатто ислом даврида ҳам тотемизм сақланганлиги ва улар ҳар бир қушни эъзозлаши, уруғ аъзоси деб ҳисоблаганлиги, уларга тегмагани ва гўштини емагани хусусида ёзган¹⁷. Қолаверса, ўзбеклар таркибида *бургут*, *бурқут* каби этнонимга эга уруғлар пайдо бўлиши ҳам тотемистик қарашлар билан боғлиқ бўлган¹⁸.

Хуллас, сўнгги йилларда амалга оширилган тарихий-этнографик ва фолклоршунослик йўналишлардаги илмий изланишлар натижасида тадқиқотчилар томонидан тотемик эътиқодлар билан боғлиқ қатор топонимлар аниқланиб, илмий истемолга олиб кирилди. Жум-

¹³ Толстов С.П. Проблема родового общества // СЭ. – 1931. – № 3-4. – С. 92.

¹⁴ Элкин А. Коренное население Австралии. – М., 1952. – С. 131.

¹⁵ Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948. – С. 223-226; Традиционное мировоззрение тюрков Южной Сибири. Знак и ритуал. – Новосибирск, 1987. – С. 35-38.

¹⁶ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. – Т., 1995. – Б. 48.

¹⁷ Бартольд В.В. Собр.соч. Т. 2. Ч. 1 – М., 1964. – С. 576.

¹⁸ Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Т., 1968. – Б. 81.

ладан, тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ этнонимларни ўрганиш асносида *авжин, буқа, бағиш, баҳрин, овшин, буғун, бойбўри, гувалак, илонли, калтатой, кожар, керайит, кийикчи, жавли, олчин, сари, тойлоқ, тулки, тулга, тўпичоқ, энака, эсабой, ёби(ёбу), човган, чувалай, қарға, қийғочли, қорабура, қоралочин, қорақуш, қорақўйли, қорақурсоқ, қуйин, қўзичи, қўнғирот, қўчқорқулоқ* каби 40 га яқин туркий этнонимларнинг тотемик эътиқодлар билан алоқадорлиги аниқланган¹⁹.

Дарҳақиқат, қадимги туркий этнонимларнинг кўплари асосан қуш, ҳайвон номидан иборат бўлиб, тотемни билдирган. Жумладан, қадимги туркий ёдномаларда бундай тотем номларини кўплаб учратиш мумкин. Қадимги туркий уруғлардан бири барлосларнинг номланиши ҳам тотем билан боғлиқ бўлиб, ҳам йўлбарс (шер), ҳам бургутни англатади. *Барлослар* Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шахрисабз, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Денов, Сариосиё туманларида яшайдилар. Шунингдек, ўзбекларда *барқут* этнонимли уруғ бўлган²⁰. Қолаверса, мўғуллар орасида ҳам *барга, барлаг* деган қабилалар борлиги маълум.

Туркий *бахрин* уруғининг келиб чиқиши ҳам тотем билан боғлиқ бўлиб, у қуш номини, яъни лочиннинг бир турини англатади. Баҳринлар XII—XIV асрларга қадар Даштиқипчоқда яшаганлар ва XVII—XIX асрларда Ўзбекистоннинг Фарғона водийси ва Зарафшон воҳасига кўчиб келиб ўрнашганлар. Қадимда баҳрин уруғига мансуб кишилар учун баҳрин тотем, қабиланинг муқаддас жонзоти бўлган ва унга сиғинилган. Тотем эса кейинчалик қabila номига айланган²¹.

Машҳур муаррихлар Рашидиддин ва Абулғозий Баҳодирхон ҳамда археолог С.П. Толстов асарларида қадимги қипчоқларда дарахт тотемни ёки ушбу тотем излари бўлганлиги қайд этилган²². Қолаверса қадимги туркий халқлар тасаввурида ота — дарахт, она — дарахт бўлади, деб ишониш мумкин. Инсон ҳаёти моҳиятига кўра ўз эгизак дарахти ҳаёти билан боғлиқ ҳисобланган. Боз устига туркийлар орасида ҳар бир уруғнинг қадимда ўзига хос шажара дарахти бўлган. Бу дарахт шу уруғ аъзолари учун муқаддас саналган. Р.Г. Ахметьянов

¹⁹ Қаранг: *Марқаев К.* Тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ этнонимлар // Ўзбек тили ва адабиёти. — 2005. — № 1. — Б. 95.

²⁰ *Нафасов Т.* Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати ... — Б. 27.

²¹ *Нафасов Т.* Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати ... — Б. 29.

²² *Рашид-ад-дин.* Сборник летописей. Т. I. Книга 1. — М.-Л., 1952. — С. 84; Абулғозий. Шажарайи турк. — Т., 1992. — Б. 21; *Толстов С.П.* Юқоридаги асар. — С. 296.

фикрича, қирғизча *танғрим бир ёғса, терагим икки ёғади*, татарча *тирагинг бўлса, тиргагинг бўлар* мақолларида терак сўзи ҳимоячи уруғ, ҳомий маъносида сақланиб қолган²³. Шубҳасиз буларнинг бари туркийларнинг қадимий тотемистик қарашлари билан боғлиқ бўлиб, ушбу эътиқодлар туфайли қабила аъзолари ўз тотемларига қараб уруғ-аймоқларга бўлинган. Шунга мувофиқ қабила ва уруғ номлари тотем сифатида қабул қилинган ва жонивор номи билан номланган. Вақтлар ўтиши билан тотемизм янада такомиллашади. Натижада қатор ҳайвонлардан бирининг панжаси, иккинчисининг тумшуғи, қуйруғи (думи) ва оёқлари каби аъзоларидан бирови олиниб шакл берилган ва шу тариқа ажойиб тимсол бунёд этилиб, улар муқаддас ва яратувчи сифатида эъзозланган.

Тотем тасвири турар жойлар, ашёлар ва мозорларга қўйилади. Одамлар баданларига ҳам тотемлар тасвирини солар эдилар. Бора-бора тотем ҳисобланган ҳайвон яратувчи ва асровчи эканлиги ҳақидаги диний эътиқодлар заифлашган ва унинг ўрнини миллий тушунчалар эгаллаган. Шундан кейин у ҳайвоннинг бутун танаси ёхуд бирор аъзоси кўпларнинг яловлари ва тамгаларида этномиллий рамз, тарихий бир ёдгорлик сифатида ўрин олган.

Қадимги туркий халқларда ҳар бир уруғ томонидан муқаддаслаштирилган ҳайвон — ўнгун бўлган. Ўнгун сифатида топинилган жонзот гўшти ейилмаган, унга ўқ отилмаган ва табиийки, асло ранжитилмаган.

Ўғузхон ўғиллари ва йигирма тўрт набирасидан ҳар бирининг ўзига дахлдор, туркий қавмларга мос бир ҳайвон — ўнгунни бўлган. Ўнгунлар асосан овчи қушлар бўлган.²⁴ Элшунос К. Шониёзовнинг ёзишича, Қорлуқ давлатида Арслонхон ва Буғрахон унвонлари бўлиб, бу номлар қорлуқ ва бошқа қатор туркий қавмларнинг муқаддас ўнгунни ҳисобланган²⁵.

Тотем билан ўнгун ўртасидаги фарқ шундан иборатки, тотемизмда қавмлар ўзларига тотемлар номини берадилар, бу қавм ичида бири бошқасига уйланмайди. Ўнгунларда эса бу шартга амал қилинмайди.

Халқимиз ҳаётида тотемизм ўрни ва салоҳияти, умуман тотемистик қарашларни таҳлил қилар эканмиз, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, туркий халқлар тотемистик қарашлари асосан икки йўна-

²³ Ахметьянов Р.Г. «Лес», «дерево» и «барс» у тюрков (этимологическиие заметки) // СТ — 1980. — № 5. — С. 87.

²⁴ Қаранг: *Абулғозий Баҳодирхон*. Шажарайи тарокима... — Б. 22-23.

²⁵ Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. — Т.: Шарқ, 1999. — Б. 41-42.

лишда тараққий этган. Биринчиси, қондош аجدод боши бобокалон тотемлар бўлса, иккинчиси эса инсонларга ҳомий, дўст ҳайвон ва ўсимликлар тўғрисидаги қарашлар мажмуидан иборат. Ўзбек асотир (миф)ларида кенг тасвирланган аждод боши тотемларидан бири бўри ҳисобланади.

Бўри. Ўтмишда жуда кўп уруғ—қабилалар бўрини ўз тотеми — илк аждоди деб ҳисоблаганлар. Жумладан, қадимий афсоналарда бўри туркий қабилалардан бир қисмининг буюк аждоди сифатида улуғланган ва шу боисдан у туркий халқларда муқаддас ҳайвон саналган. Бўри тотем сифатида қабул қилинган, ота-она каби халоскор, йўл кўрсатувчи, қаҳрамонларга ёрдам берувчи, шавкатли, жасоратли, яхшиликсевар жонзод сифатида танилган. Бундан ташқари, халқимизнинг бўри билан боғлиқ афсона ва ривоятларида у одамларни барча кулфатлар, касалликлар ва ёвузликлардан асровчи ҳомий ҳимоячи сифатида ҳам тасвирланади.

Қадимги турк асотирларида бўри, рангига кўра, Кўк бўри, Оқ бўри, Қизил Бўри деб аталган. У турк асотирларида Бўри, Бўрта, Бўржу, Оссано, Сино, Жино, Жина, Жину, Яшқар, Қашқир, қурт номлари билан юритилади²⁶.

Хитойшунос олим Н.Я. Бичуриннинг ёзишича, қадимий туркийлар қабиласи босқинчиларнинг кутилмаган ҳужуми чоғида батамом қириб ташланган. Фақатгина ўн ёшли бир бола омон қолган холос. Босқинчилар уни ўлдирмай қўл-оёқларини чопиб, қўл бўйидаги ўтлоққа ташлаб кетадилар. Мажруҳ болани бир урғочи бўри топиб олиб уни боқа бошлаган. Боланинг тириклигидан хабар топган ганим ҳукмдори уни ўлдириш учун одам юборади. Бундан беҳабар бўри эса болани олиб, шарқ томондаги тоққа қараб қочади ва ўша ерда яшаб, ундан ўнта ўғил туғади. Кейин улар улғайиб, ҳар бири алоҳида уруққа асос солганлар²⁷. Бу афсона жаҳонда шу даражада кенг тарқалганки, у айрим ўзгаришлар билан Э. Тайлорнинг «Ибтидоий маданият» асарида ҳам келтирилган²⁸.

Бўрига нисбатан шаклланган иззат-ҳурмат ва эҳтиром Ўрта Осиё ва Шимолий Америкада тош давридаёқ мавжуд бўлиб, қадимий туркийлар бўрини бевосита осмон билан боғлаганлар.

Бўрига тотем сифатида сиғиниш бошқа туркий халқлар ҳаётида

²⁶ Мурот Ўроз. Турк асотирлари // Сирли олам. — 1991. — № 6. — Б. 11

²⁷ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ...Т. 2. — С. 220.

²⁸ Тайлор Э.Б. Первобытная культура. — М., 1989. — С. 127.

ҳам кенг тарқалган. Хитой муаллифлари маълумотларига кўра, VI асрда туркийларда *бўри* ва *хон* сўзлари синоним тушунчасини англаган²⁹. Шу тушунчага асосланган бошқирдларда «Қабила бошлиқлари, кейинроқ хонлар, баъзан оқсоқоллар ўз маъмурий ҳукуматининг рамзи сифатида бўри калласи рамзи туширилган белгилари тақиб юрганлар»³⁰.

XI—XIII асрларнинг ноёб тарихий обидаси «Ўғизнома»да бўрига сиғиниш билан боғлиқ тасаввур ва ривоятлар талайгина. Ундаги маълумотларга биноан, афсонавий Ўғузхон кул ранг бўридан туғилган туркийларнинг афсонавий бобокалони ҳисоблангани боис ўғизлар кул ранг эркак бўрига топинишган³¹. Шу сабабдан кўк бўри Ўғузхоннинг жанговар чақириги — урони сифатида қабул қилинган³². Қолаверса, айнан X—XI асрларда ўғиз-қипчоқларнинг асосий тотеми оқ бўри эди.

Қадимги туркий халқлар она бўрига эҳтиром юзасидан ўз яловларини олтин бошли бўри тасвири билан безаганлар. Бундан ташқари олтиндан ясалган бўри калласи тамғаси улар байроғида ҳам ўз аксини топган³³. Байроқдаги тасвир туркийлар ўзларининг илк аجدодини ўзга олам — осмон билан боғлаганликлари рамзидир. Бойқўл, Энасой, Иртиш дарёлари атрофида яшовчи туркий халқлар Мўғулистон, Манжурия худудига ҳужум қилиб, у ерларни ҳам эгаллаганлар. Бу тарқалиш асосида кейинчалик бўри тасвири мўғуллар байроғига ҳам кўчган. Мўғул афсонасига кўра, Чингизхон ҳам кул ранг бўридан келиб чиққан экан³⁴. Дарвоқе, юқорида қайд этилганидек, туркийларнинг ашина уруғи вакиллари ўзларини бўри билан боғлашлари билан бирга «*ашина*» ибораси ҳам *асл бўри* деган маънони билдирган³⁵.

Қолаверса, ўзбек халқи этник компонентларидан бирини ташкил этувчи кўнғиротларда бойбўри, қорақалпоқларда эса *байбура*

²⁹ Гумилев О.Н. Древние тюрки. — М., 1967. — С. 23.

³⁰ Киреев А.Н. Башкирский народный героический эпос. — Уфа, 1979. — С. 26.

³¹ Гордлевский В.А. Что такое «босый волк»? (К толкованию «Слове о полку Игореве»). // Изв. АН СССР. — Т. IV. Вып. 4. — М., 1947. — С. 328.

³² Короглы Х. Огузский героический эпос. — М., 1976. — С. 38-39.

³³ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах. Т. 2... — С. 2 20-221; Карпов Г.И. Родословная туркмен //

Туркменеведение. — М., 1929. — № 8-9. — С. 56.

³⁴ Березин И.Н. Сборник летописей. Истории монголов. Соч. Рашид-Эддина. История Чингизхана до восшествия его на престол // Труды Восточного отделения Императорского Археологического общества. Ч. XII. — СПб., 1868. — С. 148; Раҳмонов Н.А. Ўрхун-Енисей ёдномалари ва туркий эпослар. — Т., 1991. — Б. 197.

³⁵ Гумилёв Л.Н. Древние тюрки ... — С. 23.

деган уруғлар бўлиб, бу уруғлар номланиши ҳам бўри тотеми билан боғлиқ³⁶. Ўзбек ва қирғизлар орасида бўри этнонимли уруғ ҳам бўлиб, бу ном кейинчалик топоним тарзида сақланиб қолган. Жумладан, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида Бўрилик, Самарқанд вилояти Пайариқ туманида Бўри номли қишлоқлар мавжуд. Топонимист олимларнинг таъкидлашларича, мазкур қишлоқлар номи бўри уруғи номидан келиб чиққан³⁷. Ўз навбатида қайд этиш керакки, келиб чиқиши туркий бошқирдлар тотеми ҳам бўри билан боғлиқ бўлиб, «*бош курт*» — бош бўри ёки *бўри калласи* деган маънони билдирган³⁸. Шунингдек, туркманлар орасида *бўри*, *междек* (бўри маъносида), *гурт* (бўри) каби этнонимлар учрайди³⁹.

Бўрига топиниш излари ўзбек халқининг турли урф-одатлари ва иримларида бугунги кунга қадар маълум даражада сақланиб қолган. Ўзбек халқи орасида янги туғилган чақалоқ ҳаётини бевақт ўлим ва турли бало-қазолардан асраш билан боғлиқ ўтказиладиган қатор маросимларда бўри тотеми билан боғлиқ расм-русумлар қадимги туркий халқларнинг тотемистик кўринишлардаги қарашлари билан тўла-тўқис мос келади.

Бўри тотемининг оила ва фарзанд тушунчалари билан боғлиқлиги Фарғона водийсида фарзандсиз аёлларнинг бўри тишини тақиб юришида яққол намоён бўлади. Андижонда бола туғилишини осонлаштириш ниятида бўлғуси онага қуритилган бўри юрагидан оз миқдорда едилган ёки тўлғоқ тутган аёл кўрпасининг ўнг томонига бўри пайи қўйилган. Фарзанд дунёга келгандан сўнг эса у етти кун давомида сақлаб турилган. Сўнгга бўри пайини олиб уйга ёки чақалоқ бешигига осиб қўйилган. Агар оилада фарзанд турмасдан гўдаклигида вафот этаверса, бўрига умр ато этувчи жонзот сифатида қаралган. Бу ҳолат фарзанди вафот этган аёлни бўри терисига ўралганликда намоён бўлган. Бундан ташқари бўри танасининг турли аъзолари ҳам ўзига хос ҳимоя воситаси сифатида болалар бешигига илиб қўйилган. Сурхондарё вилоятида яшовчи қўнғирот ўзбекларида бўри тиши, тирноғи ва этининг парчасини бола бошига ҳимоя воситаси сифатида осиб қўйиш одати бўлган⁴⁰.

³⁶ *Жданко Т.А.* Очерки исторической этнографии каракалпаков. – Л., 1950. – С. 162.

³⁷ *Охунов Н.* Жой номлари таъбири. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 13.

³⁸ *Урманчиев Ф.* По следам белого волка // СТ. – М., 1978. – С. 15.

³⁹ *Атаниязов С.* Словарь туркменских этнонимов. – Ашхабад, 1988.

⁴⁰ *Дала ёзувлари.* Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Гуматак қишлоғи. 2003 йил.

Умуман олганда бўри туморларидан ҳимоя воситаси сифатида фойдаланиш ўзбек халқи турмуш тарзида кенг тарқалган⁴¹.

Ўзбекларда бўри туморларини ёш болалар билан бирга катта ёшлилар ҳам тақиб юрган. Туркий барлослар ўзлари билан бирга бўри ошиғини олиб юрганлар. Фарғона водийси ўзбекларида эркаклар бўри тирноғи ва тишларини осиб юриш одамни ёмон кўздан асрайди деб ҳисоблаб, бўри пўстагини солиб ўтирганлар.

Водий ўзбекларида бўри танасидан қилинган туморларни сотиш тақиқланган, уни фақат совға қилиш мумкин бўлган. Бундай тумор аёл кишига совға қилинса, бу аёл ҳам совға учун совға билан сийлаган. Яъни у тумор совға қилган одамга белбоғ ёки дўппи тикиб берган. Фикримизча, бу одат қадимги эгзогамик (ўз қабиласидаги, уруғидаги кишига уйланиш ёки эрга тегишни ман қилувчи) никоҳ билан боғлиқ бўлса керак.

Андижонлик қипчоқларда қўрқув, руҳий ҳаяжон бўри ошиғи солинган сувни ичириш орқали бартараф этилган. Бу ерлик қирғизларда эса бўри тирноғидан ясалган билагузук тақиш орқали бадандаги тошма (қичитқи) даволанган. Қичитувчи тошмага бўри думини суртиш билан даволаш усули кўнғирот ўзбеклари, қозоқлар ва татарларда кенг қўлланган. Самарқандлик ўзбекларда бахшилар беморларни даволаш жараёнида уларни азоблаган шайтонни қувиш ниятида касалнинг бошига бўри панжаси ёки тирноғи билан чизик чизганлар⁴².

Бўри тиши теккан жониворлар гўштини ейиш келин-куёвлар, бефарзанд аёллар учун фойдали ҳисобланган.

Бўрига илоҳий ҳомий сифатида ишонишни Фарғона водийсидаги баъзи бир афсунгарлик усуллари билан ўғрини топиш одатида ҳам кузатиш мумкин. Наманган вилояти Косонсой, Чуст, Янгиқўрғон туманларида ўғри деб гумон қилинган кишини айбига икром қилдиришда бўри пайи оловга ташланган ва турли дуолар ўқилган. Аждодларимиз айнан шу ҳолатда ўғрининг талвасага тушиб, ўмарган нарсани қайтариб беришига ишонганлар. Андижонда бўри пайи ўтга ташланса ўғрининг қўл ва оёқлари шунчалик тортишадикки, натижада у тузалмас хасталикка гирифтор бўлади, деб ҳисобланган. Шунинг учун бўри пайини куйдиришдан олдин, те-

⁴¹ *Потанов Л.П.* Волк в старинных народных повериях и приметах узбеков // Краткая сообщ.СИЭ. — Т. XXX — М., 1958. — С. 137.

⁴² *Потанов Л.П.* Волк в старинных народных повериях и приметах узбеков...— С. 138.

варак атрофдагилар, маҳалла аҳли, қишлоқ жамоаси хабардор қилинган. Қолаверса, бўри бош суяги уйнинг кираверишига осиб кўйилса, кўз тегмайди ва турли бало-қазолар ушбу хонадонга зарар етказмайди деган ният билдирилган.

Ўзбек халқида азалдан бўрини ўлдириш асло яхшилик келтирмайди, деган қараш яшаб келмоқда. Ислом дини таъсирида туркий халқлар онгида ўрнашиб қолган бир эътиқодга кўра, «бўри Ҳазрати Алининг итидир, уни ўлдирган зарар кўради»-деган тасаввур ҳам мавжуд⁴³. Қолаверса, ўзбеклар орасида иши юришган одамга нисбатан «бўри кўрган» ибораси ишлатилади.

Алпомишнинг отаси Бойбўри каби Бўри номини ташувчи шахслар қадимги Ўрхун ёзувларида ҳам учрайди⁴⁴. XI аср машҳур тилшуноси Маҳмуд Қошғарий «бой» сўзига «уруғ», «қабила», «жамоа» деб изоҳ беради⁴⁵. Демак, биз бундан шуни кўрамизки, «Бой-бўри» — «Бўри қабиласи», бўрига топинувчи уруғ деган маънони англатади. Шу сабабли Бойбўри қадимги туркий уруғлардан бирининг номи бўлиб, кейинчалик исмга, этнонимга айланган. Ўзбеклар орасида кенг тарқалган Бўри, Бўривой, Бўритош, Бўригул сингари исмлар ҳам асли бўри тотеми билан боғлиқ бўлса керак. Чунки киши исмлари тарихи инсоният тарихи, этнографияси билан бевосита боғлиқдир.

От тотеми — жаҳон халқлари тарихида кенг тарқалган илк диний эътиқод кўринишларидан бири ҳисобланади. Ўтмишдаги кўплаб маросим ва байрамлар ана шу эътиқод билан боғлиқ бўлган⁴⁶. Туркий халқларда, жумладан, ўзбек халқи тарихида ҳам от тотеми муҳим ўрин тутган ва унинг излари маиший турмушимизда бола туғилишидан тортиб то азагача бўлган маросимларимиз таркибида бугунги кунгача сақланиб қолган.

Инсоният тарихи жуда қадим замонлардан буён от билан боғлиқдир. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, Еврооисиё даштла-

⁴³ Мурот Ўроз. Турк асотирлари ... — Б. 19.

⁴⁴ Акрамов Ф. Тотемистик мифлар // Ўзбек тили ва адабиёти. — 1977. — № 3. — Б. 39.

⁴⁵ Маҳмуд Қошғарий. Девони луғатит турк. Т. 3. — Б. 155.

⁴⁶ От тасвири ва культига бағишлаб ёзилган махсус илмий адабиётлар борасида батафсилроқ қаранг: Кузьмина Е.Е. Конь в религии и искусстве саков и скифов // Скифы и сарматы. — Киев, 1977; Беленицкий А.М. Конь в культурах и идеологических представлениях народов Средней Азии и евроазиатских степей в древности и раннем средневековье // КСИА. Вып. 154. — М., 1978. — С. ; Ремпель Л.И. Цепь времен ... — С. 25-29.

ри ва Осиёнинг ён бағирлари илк бор маданийлашган отлар ватани ҳисобланган. Мутахассислар отларнинг пайдо бўлиш тарихини олти миллион йил аввалги даврлар билан боғлайдилар⁴⁷.

Қадимги туркийлар илоҳий мўъжиза бўлмиш отга гапиради-ган, уча оладиган ақлли маҳлуқ сифатида қараганлар. Турмушда муҳим ўрин тутган от муқаддаслаштирилиб, топиниш (культ) да-ражасигача кўтарилган.

Дарвоқе, от номи билан боғлиқ дастлабки қарашлар «Авеста»-даги қуёш илоҳи Митрага бағишланган «Яшт» (гимн)ларда учрай-ди. «Авеста» Яштларида таъкидланишича, от Шарқий Эрон ва Ўрта Осиёдаги қадимги халқлар, яъни буқа тотемли Атвья қавмига қарши курашувчи Пурушасп қавмининг фратрийси сифатида ифо-даланган⁴⁸. Бироқ, кейинги давр зардуштийлик ёзувларида от Ах-риман тимсоли сифатида, яъни қора от кўринишида тасвирлана-ди⁴⁹. Шунингдек, Авестада Ардвиссура, Анахита бир хил зотли тўрт оқ от қўшилган аравада Тангри даргоҳидай ерга — бандалари ҳузурига учиб тушган ҳолда тасвирланган⁵⁰.

Маздопарастлик динидаги энг буюк илоҳлардан бири Суруш-нинг аравасини худди Митра каби туёқлари заррин, соясиз оппоқ дуррашоҳ тўртта тулпор элтиб юрган⁵¹.

С.П. Толстов тадқиқотига кўра, массагетларнинг асосий тотем-ларидан бири от чавандоз Тангри образида минг йиллар давомида давлат рамзи бўлиб келган⁵².

Ўзбек уруғларидан бири Фарғона водийси қипчоқларида от тоте-ми билан боғлиқ *тўрт айғир, саманотли, қорабайтал, қулон* каби қатор уруғлар мавжуд бўлган. Ушбу уруғларнинг келиб чиқиши бе-восита от тотеми билан боғлиқ бўлиб, қадимда от қипчоқлар ва уларнинг баъзи бир уруғларида уруғ аждоди — тотеми ҳисобланган. Кейинчалик эса от тотеми ўз кўринишини ўзгартириб, дафн маро-симларидаги қурбонликлар билан боғланган⁵³. Шунингдек, тур-

⁴⁷ Ковалевская Б. Конь и всадник. — М.: Наука, 1977. — С. 7.

⁴⁸ Толстов С.А. Древний Хорезм ... — С. 208; Буқа тотеми ўғизларнинг ҳам муқаддас тотеми бўлган. Бу тўғрисида батафсил қаранг: Толстов С.П. Пережитки тотемизма и дуальной организации у туркмен // ПИДО. — 1935. — № 9-10. — С. 3-41.

⁴⁹ Толстов С.П. Древний Хорезм ... — С. 304.

⁵⁰ Авесто. Тарихий адабий мерос / А. Маҳкам таржимаси. — Т., 2001. — Б. 171.

⁵¹ Авесто. / А. Маҳкам таржимаси... — Б. 314.

⁵² Толстов С.А. Древний Хорезм ... — С. 202.

⁵³ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа... — С.144.

кий уруғлар орасида калтатой уруғининг номи ҳам от тотеми билан боғлиқдир. Калтатой сўзи кичик жуссали, калта бўйинли отни англатган ва у тотем ҳисобланган⁵⁴.

Қадимда кўпгина халқларда жангчини оти, хотини, буюмлари, озиқ-овқатлари билан бирга дафн этиш одати бўлган. Бундай маросимлар анимистик тасаввурлар, инсон руҳининг у дунёда ҳам яшашига ишонч билан боғлиқдир.

Турк олими Усмон Турон ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлаган ҳолда, «Туркий халқларда ўлгандан кейин отлари ва қурол-аслаҳалари билан кўмилишига сабаб, ҳайвонга миниб жаннатга кетишларига ишонч бўлган» — деб ёзади⁵⁵. Инсонни тириклигида миниб юрган оти билан бирга кўмиш одати милоддан аввалги VII—VIII асрлардаги скифлар давридан то милодий VII асригача давом этган. Бу маросим асосан VI асрда Турк хоқонлигида кенг тарқалган эди.

Қадимги туркий халқлар икки дунёни ҳам отсиз тасаввур эта олмаганлар. Уларда жангчи вафот этгач, удумга кўра, сеvimли отини эгар-жабдуқлари билан эгасининг ёнига иззат-ҳурмат ила дафн этилган. Агар марҳумнинг қариндошлари от кўмишга қурби етмаса, унда от эгар-жабдуғи, анжомлари кўмилган. Бундан ташқари қадимий туркийларда қурбонлик учун отлар ҳам танланган. Маълумки, қурбонликнинг моҳияти Тангрини севинтириш, ундан нажот сўрашдир. Шу сабаб, қадимги массагетлар «энг буюк», энг тезкор қуёш Тангрисига «энг тезкор» ҳайвон, яъни отни қурбонлик қилганлар⁵⁶. XV асрда ёзилган “Додо кўрқут” китобининг қаҳрамони Бамсий Берек ўз отига “Сени от деб атамасман. Сени оғам деб атайман... сени дўстим деб атайман”-деб мурожаат қилади⁵⁷. Қаҳрамонлик эпосида жанговар от инсон нутқини тушунади, баҳодирни хавф-хатардан огоҳлантиради, унга маслаҳат беради, ярадор бўлганда эса уруш майдонидан олиб чиқади. Бундай от қаҳра-

⁵⁴ Марқаев К. Тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ этнонимлар // Ўзбек тили ва адабиёти. — 2005. — № 1. — Б. 95-94.

⁵⁵ Osman Turan. Turk cinon hakimyete mefkuresi tarihi. Gild.1, 6 bosk. — Istanbul. 1993. — P.51.

⁵⁶ Геродот. История в девяти кнгигах. — Л. 1972. — С. 79

⁵⁷ Липец Р.С. Отражение погребального обряда в тюрко-монгольском эпосе // Обряды и обрядовый фольклор. — М: Наука, 1982. — С. 217.

монни сувсиз чўллардан, ўтиб бўлмас тоғ ва ўрмонлардан олиб ўтишга ҳамда қисқа муддатда исталган мақсадга етказишга қодир⁵⁸.

Туркий халқлар эпоси ва мифологияси анъаналарига кўра, қаҳрамоннинг яқин қариндоши ва дўсти ҳисобланган эпик от кўпинча оқ ёки бўз (кўк) тусли тулпор сифатида тасвирланган. Умуман, қадимда отлар ранги ҳам маросимий аҳамият касб этиб, ғолиб шоҳлар ва саркардалар мағлуб шаҳарларга доимо оқ отда тантанали равишда кириб борганлар. Оқ ранг туркийларда муваффақият, ғалаба, омад рамзи ҳисобланган. Масалан, ҳоқон Култегин оқ рангли отини миниб жангга кирганда доимо ғалаба қозонган экан⁵⁹. Халқ оғзаки ижодида, “*От — йигитнинг қаноти*”, деган нақл бежиз туғилмаган, айниқса, эртақларда отлар қаҳрамоннинг ёрдамчиси сифатида ифодаланadi⁶⁰. Қозоқ халқининг “Қобланди ботир” эпосида “Ботир ва унинг отининг жони бир бўлар,” деган нақл келтирилган.⁶¹ Бу мисоллар отнинг инсон ҳаётида тутган ўрни нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

Туркий халқлар дунёқарашларида от тотеми муҳим ўрин тутганлигини хитой манбалари ҳам тасдиқлайди. Манбаларда баён этилишича, туркийларнинг бобокалонлари вафот этган кишининг оти ва эгар-жабдуғларини ёқиб, унинг кулини марҳум ортидан олиб борганлар⁶².

От тотемига эътиқод излари ўзбекларнинг йиғи йўқлов маросимларида ҳам ўз ифодасини топган. Ахборотчиларнинг таъкидлашларича, яқин ўтмишда ҳам ўзига тўқ киши оламдан ўтганида онаси, хотини, синглиси ва бир қатор қариндошлари унинг отини тузаб, кийимларини от устига ташлаб, атрофида айланиб, марҳум амалга оширган эзгу ишларини эслаб йиғлаганлар. Бу маросим отга «*давра солиш*» деб аталган⁶³. Маросим якунида отнинг думи кесилиб, ўз ихтиёрига қўйиб юборилган ва бу отни ҳеч ким минмаган. Кесилган дум эса от эгасининг марҳумлигини англаган. В.В. Радлов қозоқларда ҳам шу одат бўлганлиги хусусида ёзади⁶⁴.

Дафн маросимларидаги отга давра солиш маросими қадимда

⁵⁸ Мирзаев Т. Алпомиш достонининг ўзбек вариантлари. — Т.: Фан, 1968. — Б. 103.

⁵⁹ Раҳмонов Н. Ўрхун Енисей ёдномалари ... — Б. 172.

⁶⁰ Афзалов М. И. Ўзбек эртақлари ҳақида. — Т.: Фан, 1964.

⁶¹ Орлов А. С. Казахский героический эпос. — М.-Л., 1945. — С. 85.

⁶² Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах. Т. 2... — С. 144.

⁶³ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 1998 йил.

⁶⁴ Радлов В. Из Сибири. — М.: Наука, 1989. — С. 282.

марҳумларни оти ва унга дахлдор нарсалари билан бирга дафн этиш маросимининг трансформацияга учраган кўриниши ҳисобланади.

Ўзбеклар орасида муқаддас жонивор — отнинг боши тураржой томонга қаратиб боғланса, у ўз нафаси билан уйга қут-барака беради, деб ҳисобланган. От нафаси баъзи хасталикларга ҳам даводир. Кекса ёшли ахборотчиларнинг таъкидлашларича, одатда, от бор хонадонга инс-жинслар кирмайди. Қолаверса, турар жойларни турли бало-қазолардан сақлаш ниятида дарвозага ишлатилган от тақаси қоқиб қўйилган. Баъзида эса момолар томонидан чақалоққа илк кўйлакни—чилла кўйлак кийдиришдан аввал уни от қозигига кийдириб олганлар. Бундай хатти-ҳаракатдан кўзланган мақсад отнинг куч-қудрати, чидамлилигини афсунгарлик йўли билан чақалоққа ўтказишдан иборат бўлган.

Халқда от бошига қамчи билан уриш гуноҳ ишлардан бири ҳисобланади. Мучал йилларидан бўлмиш от йили қадимдан қутли, баракали келади деб ишонилган. Қизлар тушида от кўрса, унга совчи келади, йигит тушида от кўрганда эса унинг мартабаси улуг бўлади, деб ирим қиладилар. Бундан ташқари илгари аёллар паранжиси остидан бетга тўсиладиган тўр парда, яъни чачвон, чиммат от ёлидан тўқилган. Чақалоқ бўйнига ҳам яхши ният билан от толасини боғлаб қўйишган. Ҳомиладор аёлларни инсу жинслардан асраш ниятида эшик тепасига айғир югани илиб қўйилган⁶⁵. Бундай этнографик деталларнинг барчаси мажик ҳимоя воситасига қаратилган.

От билан боғлиқ муқаддас жойлар, айниқса мусулмон оламида Ҳазрат Али ҳамда унинг Дулдул оти билан боғлиқ кўплаб қадамжой ва зиёратгоҳлар ҳам мавжуд. Ўрта Осиё халқлари исломнинг дастлабки давридан бошлаб қаерда от туёғига ўхшаш ўнқир-чўнқир жойлар бўлса, бу изларни Ҳазрат Али Дулдулининг изи сифатида англаганлар. Дулдул билан боғлиқ жойлар тўғрисида Ҳ. Ҳасанов кўйидаги маълумотларни келтирган: «Амударёнинг Хоразмга кираверишида, сувнинг икки қирғоғида Дулдул ўтлаган деган қоятошлар кўриниб туради. Айни шу номли қирғоқлар Кофирниҳон дарёсида ҳам, Ўзбекистон билан Тожикистон чегарасига яқин Хонақо қишлоғи ёнида ҳам бор. Булар афсонавий учар Дулдул шарафига аталган»⁶⁶. Тожикистоннинг Ҳисор туманидаги Жонбулоқ қишлоғида ҳам, «Пойи Дулдул» деб аталувчи мазор мавжуд бўлиб, у

⁶⁵ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғи. 2004 йил.

⁶⁶ *Ҳасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан.*—Т., 1965. — Б. 27

қишлоқ аҳолисининг зиёратгоҳи ҳисобланади. Ҳатто Хитойнинг ғарбий қисмидаги Уч Турфонда ҳазрат Алининг дулдулига бағишлаб мазор мавжуд⁶⁷.

Фарғона водийсининг ҳар бир вилоятида Дулдул билан боғлиқ зиёратгоҳлар бор десак, хато қилмаймиз. Ўш вилоятининг Аравон қишлоғида «Дулдул ота» мазори бўлиб, бу ерда ҳазрат Али чилла-хонаси ҳам мавжуд. Ривоятларга кўра, ҳазрат Али тулпорини шу ерга боғлаб ўзи Деви Сафед билан урушгани Аравонга яқин жойдаги Чилустун ғорига жўнаган экан⁶⁸.

Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги Дул ота, Кўқон яқинидаги Кишноғич тўра мазорларини ҳам Дулдул билан боғлашади. Шубҳасиз, турли жой номлари ва зиёратгоҳларнинг от, жумладан, Дулдул от номи билан боғланиши ҳам маълум маънода отларни илоҳийлаштиришнинг бир кўринишидир.

Демак, биз юқоридаги факт ва далиллардан шунга амин бўлдикки, қадимги аждодларимиз илоҳий мўъжиза бўлмиш отга уча оладиган, келажак бало-қазоларини сезувчи, дўст-душманни танийдиган, ақлли маҳлуқ сифатида қараганлар ва муқаддас тотем сифатида улуғлаганлар.

Биз энди аждодларимизнинг асотирий дунёқарашидаги илон тотеми ва култи билан боғлиқ айрим саҳифалар, маросим ва одатларида сақланиб қолган кўринишларига эътибор қаратамиз.

Илон. Илонларга сиғиниш инсоният маънавий маданиятида муҳим аҳамият касб этган бўлиб, у фанда *офиолатрия* деб юритилади. Офиолатрия дунёнинг турли халқлари орасида тарқалган *зоолатрия* (хайвонлар култи)да марказий ўринни эгаллайди ва *фитолатрия* (ўсимликлар култи) билан чамбарчас боғланган⁶⁹.

Қадимдан жаҳон халқлари диний тарихида илонлар доимо маълум бир юқори мавқени эгаллаб келганлар: Финикияликлар ўз думини тишлаб турган илон тасвирини дунё ва Коинот ҳамда мангулик рамзи деб билганлар. Бобилликлар маъбудаси Мардук (яхудийча Мордухай) эса ярим илон, ярим қуш кўринишида тасвирланган. Хитойда ХХ асрга қадар илон император каналининг ҳомийси ҳисобланган. Италия олими А. Донини фикрича, илон Фаластинда

⁶⁷ Климович Л.И. Ислам. — М.: Наука, 1962. — С. 272.

⁶⁸ Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. Материалы и исследования по археологии — М.-Л.: Наука, 1952. — С. 226.

⁶⁹ Гордеев Н.П. Змея в обрядово-религиозных системах различных народов // ЭО. — 2002. — № 6. — С. 45.

тотем ва ҳосилдорлик илоҳи сифатида биринчи ўринда турган⁷⁰. Афсонага кўра скифлар Геракл билан ярми аёл, ярми илон жонзоднинг никоҳидан пайдо бўлганлар⁷¹.

Ўрта Осиё халқлари орасида илон қадимдан тупроқ ва сув рамзи бўлган. У қадим-қадимдан маҳаллий аҳоли диний маросимлари ҳамда тасвирий санъатида муҳим ўрин тутган. Ривоятларда XX асрга қадар илон образи ҳосилдорлик рамзи бўлиш билан бирга сув илоҳининг асосий вазифаларидан бирини бажарган⁷². Фарбда юнон ва римликлардан тортиб Шарқда Ҳиндистон ва Хитойга қадар бўлган кўпгина қадимий халқлар асотирларида илон ёки аждаҳо намлик кўриқчиси ҳисобланган⁷³. Варахша ва Панжикентдаги деворий суратларда аждаҳо оғзидан фаввора отилиб турган ҳолда тасвирланган.

Мамлакат ҳукмдорининг ёғин-сочинни тартибга солиш, мамлакат тараққиётини таъминлаш мақсадида самовий намлик илоҳаси билан сирли никоҳ орқали намликни сақловчи аждаҳо билан бирлашиш мавзуси сак-сўғд мифологик туркумларида бош мавзу ҳисобланган. Таниқли археолог олим Р. Сулаймоновнинг ёзишича, бу мавзу «Авеста» мифологиясига алоқадор бўлмай, унинг илдизлари архаик умумҳинд-европа мифологик туркумларига бориб тақалади. Сак-сўғдлар қаҳрамони Рустам ҳақида «Авеста»да ҳеч қандай маълумот учрамайди. «Шоҳнома» асарига кўра эса у она томонидан аждаҳо Заҳҳокнинг невараси ва мажусий сифатида, зардуштийликнинг душмани бўлиб майдонга чиқади⁷⁴.

Зардуштийлик динида эса илонлар салбий кўринишда тасвирланган. «Авеста»да ёзилишича, ёвузлик илоҳи Ахриманнинг дўсти Аждаҳо уч калла, олти кўзlidir. Унинг мақсади жаҳонни одам зотидан тозалашдан иборат. Ёмонлик илоҳи Ахриман уни шу мақсад йўлида яратган⁷⁵. «Шоҳнома»да эса аждаҳо афсонавий Рустамнинг аждоди тарзида зикр этилган. Ўз ўрнида таъкидлаш керакки, XIX аср охирларида Фарғона вилояти Сўх туманидан қора тошдан

⁷⁰ Донини А. Люди, идолы и боги. – М.: Политиздат, 1962. – С. 152.

⁷¹ Криничная Н.А. Персонажи предании. Становление и эволюция образа. – Л., 1988. – С. 75.

⁷² Қаранг: Хамиджанова М. Некоторые представления таджиков, связанные со змеей // Труды Института истории, археологии и этнографии АН ТаджССР. Т. СХХ. ; 1960; Кармышева Б.Х. Земледельческая обрядность у казахов // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М., 1986. – С. 62.

⁷³ Сулейманов Р. Унутилган тамаддун сирлари. – Т.:Маънавият, 2004. – Б. 27.

⁷⁴ Сулейманов Р. Унутилган тамаддун сирлари ... – Б. 35.

⁷⁵ Авесто. / А. Маҳкам таржимаси ... – Б. 335.

қилинган бир-бирига чирмашган машхур иккита илон тасвиридаги тумор топилган⁷⁶. Бу илон образи зардуштийлар дунёқарашидаги ёруғлик ва зулмат кучларининг азалий ва абадий кураши рамзи бўлса керак. Қолаверса, илон қора рангдаги тош билан тасвирланганлиги ҳам ушбу образнинг зардуштийлик билан алоқадорлигини тасдиқлайди. Чунки «Авеста»да айнан қора ранг ёмонлик, ёвузлик, зулмат ва ўлим тимсоли тарзида талқин қилинади.

Ж. Фрэзер одамзоднинг дастлабки гуноҳи хусусидаги мифлар, ривоятларга якун ясаб, “Яратувчи эркак ва аёлга илон орқали ўлим дарахтининг мевасини емаслик ҳақида хабар юборди. Аммо илон уларни алдаб, ўлим дарахтининг мевасини егизди. Ўзи эса ҳаёт дарахтининг мевасини еди. Шунинг учун ўлим инсонларга, барҳаётлик илонларга хос бўлиб қолди” - деган хулосага келади⁷⁷. С.П. Толстовнинг таъкидлашича, қадим замонларда Ўрта Осиёда *хўкиз ва илон* ҳукмрон тотемлар бўлган⁷⁸. Ўзбеклар орасида ҳам *илонлик-илонни-жилонни* каби уруғлар учрайди⁷⁹. Тилшунос олим Х. Дониёров *илонли* (илонсой) асосий ўзбек уруғларидан бири деб ҳисоблайди⁸⁰. Тожикистон ҳудудида истиқомат қилувчи дўрмонларда *илонли* *жилонни*, найманларда эса *жилонни* уруғи бор⁸¹. Шунингдек, найман уруғининг яна бир тармоғи ҳам жилонтамғали (илонтамғали) деб юритилган⁸². Умуман олганда, қатор туркий халқларда илон билан боғлиқ этнонимлар мавжуд бўлиб, бошқирларда *елан*, *илан*, *идел-елан* тарзида учрайди⁸³. Шубҳасиз, мазкур этнонимларнинг пайдо бўлиши ҳам илон тотеми билан боғлиқдир.

Ислом динида илон ижобий маънода талқин этилади. Муқаддас Қуръони Каримнинг ўзбекча таржимасига кўра, Аллоҳ Мусони пайғамбарликка танлаганда, унинг қўлидаги ҳассасини илонга айлантириб, мўъжиза кўрсатади. Кофирлар Аллоҳнинг ягоналигини тан олишмаганида ҳам Мусо ҳассасини улкан илонга айлантиради. Ўз ўрнида шуни ҳам қайд этиш ўринлики, зардуштийликнинг илонга бўлган салбий муносабати ва ислом ақидаларининг жонли

⁷⁶ Воронец М.Э. Каменное изображение змеи из кишлака Сох Ферганской области // КСИИМК. Вып. 61. – М., 1956. – С. 53.

⁷⁷ Фрэзер Д. Фольклор в ветхом завете. – М., 1986. – С. 34.

⁷⁸ Толстов С.П. Древний Хорезм. ... – С. 237.

⁷⁹ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати.Т.,Ўқитувчи, 1988. – Б. 84.

⁸⁰ Дониёров Х. Ўзбек шажара ва шевалари.. – Б. 80.

⁸¹ Додхудоев Р.Х. Памирская микропонимия. Душанбе, 1975. – С. 225. Кармышева Б.Х. Черки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М., 1976. – С. 89

⁸² Қораев С. Географик номлар маъноси.Т.:Ўзбекистон, 1978. – Б. 55.

⁸³ Кузеев Р. Происхождение башкирского народа. – М., 1970. – С. 221, 235, 247, 332.

мавжудот суратини тақиқлашига қарамай, Туркманистоннинг Анов шаҳрида XV асрда бунёд этилган масжид пештоқи икки ажойиб аждаҳо тасвири билан безатилган⁸⁴. Масжид пештоқидаги аждар тасвири хусусида қатор фикрлар билдирилган бўлиб, биз учун машҳур санъатшунос Г.А. Пугаченкова мулоҳазалари аҳамиятлидир. Академик олима Ановдаги ушбу масжид тарихига бағишланган махсус монография ёзган. Унинг фикрича, илон ушбу масжиднинг рамзий ҳомий ҳимоячиси ҳисобланган. Бундан ташқари, илон-аждаҳо XV асрда Анов ҳудудига кўчиб келган туркман уруғларидан бирининг тотеми бўлган⁸⁵.

Илонлар жаҳон халқлари қадимий тасаввур ва асотирларида сезиларли ўринда турган. Шу билан бирга илонга топиниш излари ҳозирги даврда ҳам учрайди. Халқимизда уй илонлари, айниқса, оқ илон мўътабар саналган. Хонадонда, ҳовлида оқ илон пайдо бўлиши кут-барака ва яхшилиқдан далолат беради, деб ҳисобланади. Шу сабабга кўра Фарғона водийсида оқ илонни кўрган кишилар унинг устига ун сепганлар, косада сут қўйганлар. Бундай ҳолат Хоразм воҳасида ҳам учрайди⁸⁶.

Водийнинг Косонсой тумани аҳолиси орасида оқ илонни ўлдириш гуноҳ ҳисобланган. Чунки оқ илон кўринишида мусулмон парилар яшайди, деб тасаввур қилинади. Оқ илон шаклида яшовчи мусулмон пари овқатланишда мушук, саёҳатга чиқишда эса кабутар кўринишига айлана олган. Шунинг учун ҳам оқ илонни ўлдириш оғир гуноҳ ҳисобланган. Маълумотларга кўра, Оқ ота мазорига дафн этилган Офоқ ота доим қўли ёки қўйнида бир қулочдан каттароқ бошида тожи бор оқ илонни олиб юрган экан. Офоқ ота оламдан ўтганидан сўнг унинг мазорига зиёратга келганлар оқ илонни ўша ерда учратганлар. Зиёратчилар илонга косада сут қолдириб кетишга ҳам одатланган эканлар. Айтишларича, бу илонлар асли парилар бўлиб, бундай илонлар одатда, ҳар кимга ҳам кўриниш бермаганлар. Фақат қалби пок, ҳалол инсонгина уни кўриш бахтига муяссар бўлармиш. Агар ўша инсон илон парини кўрган заҳоти уни ушлаб олиб нимани ният қилса, унинг орзуси ушалади деган тасаввур кенг тарқалган⁸⁷. Қолаверса, Ўрта Осиё халқларида пари-

⁸⁴ Демидов С.Н. Драконы в туркменской мифологии//Культура ценности. – Спб., 1996. – С. 65.

⁸⁵ Пугаченкова Г.А. Мечеть Анау. Ашхабад, 1959. – С. 48-49.: Ўша муаллиф. Драконы мечета Анау//СЭ.1959. – С. 125-129.

⁸⁶ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков.. – С. 114.

⁸⁷ Мазкур маълумотлар фарғоналик этнолог Н.Абдулаҳатовдан ёзиб олинди.

ларнинг илон қиёфасида кўриниши ҳақидаги тасаввурлар қадимдан мавжуд бўлиб, мозорлардаги илонлар эса қабристон кўриқчилари ҳисобланган⁸⁸.

Мархумлар руҳи илонга эврилади деган асотирий тасаввурлар дунёнинг кўпгина халқларига хосдир. Бухоро вилояти аҳолиси бошида қора чизиғи бўлган «кокилли оқ илон» кўринса, уни момолар арвоҳи ҳисоблаб, устидан ун сепадилар. Андижон аҳолиси наздида одам тушига илон кириши ниҳоятда катта муваффақият, бойлик аломати саналган. Шу боисдан ҳам халқимизда илон ҳақида «*Тушда кўрсанг - ганч, ўнгда кўрсанг — янч!*» деган мақол дунёга келган.

Шарқда, жумладан, ўзбекларда мучал йилларидан бири илонга тегишлидир. Илон халқимизда донолик, фаросат, ирода, гўзаллик рамзи, деб эъзозланади.

Балиқ. Ўрта Осиёда яшовчи бошқа халқлар сингари ўзбекларда ҳам балиқ тотеми билан боғлиқ қарашлар мавжуд. Балиқ култи қадимдан Ўрта Осиёда кенг тарқалган⁸⁹.

Самовий уммонда сузиб юрвучи афсонавий балиқ ҳақидаги мифологик тасаввурлар қадимги аждодларимизнинг «Авеста» асотириларида ҳам маълум бўлган. «Авеста»да бу ғаройиб балиқ Кара деб аталади. У Фароғ Карт дарёсида яшайди ва қавакирна (оқ ҳавм) дарахтини Ахриманнинг зараридан сақлайди⁹⁰.

Олам ҳалокатининг балиқ билан боғлиқлигига оид афсона ҳам диққатга сазовордир. Афсонада ҳикоя қилинишича, гўзал Хоразм воҳасининг ҳалокатига Орол денгизида яшовчи бир жуфт наҳанг балиқ сабабчи бўлар эмиш. Бу балиқ ҳамиша денгизда яшар, ҳеч қачон дарё ҳавзасига яқин келмас экан. Қачонки, шу балиқлар Амударё бўйлаб сузиб ўтса, дарё сатҳи қирқ газ пасайиб кетар, изма-из қувалашиб юрган балиқлар ортага сузиб ўтганда яна қирқ газ чуқурлашиб сув жуда пасайиб, далаларга чиқмай қолармиш. Оқибатда одамлари қурғоқчиликдан қийналиб, воҳани ташлаб кетармиш⁹¹. Бу афсона оламнинг интиҳоси тўғрисидаги қадимги турк асотириларидаги кербалиқ образи заминида юзага келган бўлса керак. Қадимги турклар кербалиқ ёки кёрбалықни ер ости оламида

⁸⁸ *Мустафина Р.М.* Представления. Культы, обряды у казахов.. — С. 100.

⁸⁹ *Снесарев Г.П.* Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии ...— С. 82.

⁹⁰ *Авесто.* / А. Маҳкам таржимаси... — Б. 357.

⁹¹ *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков ... — С. 327-328.

яшовчи афсонавий жонзот сифатида тасаввур қилишган. Гўё заминнинг осойишталиги ҳам ана шу балиқларга боғлиқ эмиш. Агар кербалиқлар сув тубига шўнғиса ёки бошини юқори кўтаришса, ер қимирлаб, дарёлар ўзанидан тошиб кетар экан. Шунинг учун Мангдий Шира деган афсонавий баҳодир шу балиқлар думига боғланган арқон воситасида уларни назорат қилиб турар экан.

Балиқларни муқаддаслаштириш шумерларнинг уч пантеонларидан бири бўлган сув тошқинлари худоси Еа билан боғлиқ⁹².

Н. Логафет XIX аср охирида 102 ўзбек уруғи номларини қайд этар экан, балиқчи деган уруғни ҳам санаб ўтади⁹³. Балиқчи умумтуркий этноним бўлиб, бошқирларнинг «балиқсы» уруғ, қабиласи бўлган. Қозоқларнинг улуг жузида *балық*, *балықчы* уруғи борлиги маълум. С.М. Абрамзоннинг ёзишича, *балиқчи* уруғи қирғизларнинг саруу қабиласига ҳам мансуб бўлган⁹⁴. Бундан ташқари туркманларнинг ёвмут қабиласида ҳам *балықсы*, *балиқчи* уруғи мавжуд⁹⁵. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш зарурки, балиқчи уруғига мансуб кишилар яшаб турган ерларига ҳам ўзларининг номларини берганлар. Бунинг натижасида уруғ номи билан юритилувчи қатор этнопонимлар пайдо бўлган. Жумладан, Тошкент вилояти Бўка туманидаги Оқбалиқ, Андижон вилоятида Балиқчи, Наманган вилоятининг Чортоқ туманида ва Қашқадарё вилоятининг Косон туманида Балиқчи номли қишлоқлар, Марғилон шаҳрида Балиқчи атамаси билан маҳалланинг номланиши тарихи ушбу этноним билан чамбарчас боғлиқдир⁹⁶.

Биз балиқларни муқаддаслаштириш изларини зиёратгоҳлар билан боғлиқ балиқларни истеъмол қилишга бўлган тақиқларда ҳам учратамиз. Ҳозирга қадар Фарғона водийсининг Чуст шаҳрида Мавлоно бува, Чортоқ туманидаги Балиқликўл қадамжоларидаги балиқлар муқаддас ҳисобланиб, уларни тутиш, ейиш маън қилинган. Айниқса, муқаддас жойлар булоқларидаги балиқлар азиз, уларга қараган киши касалликдан халос бўлади деб ҳисобланган. Маҳаллий одамларнинг таъкидлашларича, ушбу зиёратгоҳлардаги балиқ-

⁹² *Робакадзе А.И.* К вопросу о некоторых пережитках культа рыбы // СЭ. – 1948. – № 3. – С. 127.

⁹³ *Логофет Д.Н.* Бухарское ханство под русским протекторатом. – Спб., 1911. – С. 111; *Дониёров Х.* Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Т., 1968. – Б. 48.

⁹⁴ *Абрамзон С.М.* Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л., Наука, 1971. – С. 67.

⁹⁵ *Толстов С.П.* Пережитки тотемизма и дуальной организации у туркмен ... – С. 9.

⁹⁶ *Қораев С.* Географик номлар маъноси ... – Б. 92.

ларни тутган ёки еган одамлар пес, мохов каби давосиз хасталикларга чалинар ёки ўша заҳотиёқ ҳалок бўлар эканлар⁹⁷.

Шунингдек, муқаддас зиёратгоҳлардаги қабр тошларининг балиқ шаклида ифодаланиши марҳумлар рамзини англатиб келган. Бу ҳолат Самарқанддаги Рухобод, Қусам ибн Аббос мақбаралари эшикларидagi тасвирларда ҳам акс этган. Балиқларнинг бу тарзда тасвирланишида аجدодлар култи билан боғлиқ қарашларга хос тушунчалар мавжуд бўлиши мумкин⁹⁸.

Фарғона вилояти Фарғона туманидаги Садкак ота зиёратгоҳи булоқларидаги балиқларга маҳаллий аҳоли балиқ қиёфасидаги авлиё сифатида муносабат билдиради. Шу сабабга кўра бу балиқларни ўлдириш ёки ушлаш оғир оқибатларга олиб келади деб қаралган. Айниқса муқаддас жойлар булоқларидаги балиқлар азизланади. Масалан, Садкак ота, Сўхдаги Ҳазрат Али мозоридаги балиқларга сариқ касали (гепатит) билан оғриган кишилар қараса касаллик балиқларга ўтиб дарддан фориғ бўлади деган қараш мавжуд⁹⁹.

Диншунос олим Ж. Фрэзер ҳам бир қатор халқларда муқаддас ҳисобланган кўллардаги ҳар бир балиқда бир одамнинг жони мавжуд бўлади, агар балиқ тутилса, бир одам ўлади, деган тушунчалар кенг тарқалганлиги хусусида ёзган¹⁰⁰.

Балиқ ибтидоий кишилар онгида ғайритабиий ҳодиса, атрофини ёвуз руҳлардан тозаловчи, одамларга тетиклик, куч ва ғайрат ато этувчи илоҳий жонзот тимсолида гавдаланган. Шу сабабга биноан қавмлар орасида ўзи билан боғлиқ турли хил урф-одат, удумлар тизимининг юзага келишига сабаб бўлган. Айрим кекса ахборотчилар таъкидлашича, қадимда баъзи шомонлар касални ўқиб, бемор баданига жойлашиб олган ёвуз руҳларни ҳайдаб чиқариш мақсадида унинг елкасига тирик сазан билан уриб даволайдилар. Демак, мифологик тадқиқотларда таъкидланганидек, балиқ бор жойда ёвуз руҳ чекинади, соғлик ва ҳалоллик пайдо бўлади¹⁰¹.

Тотемизм эътиқоди билан боғлиқ бўлган тадқиқотимиз ушбу қисми якунида хулоса тарзида таъкидлаш жоизки туркий халқлар қадимда бўри, балиқ, от, илон каби бир қатор ҳайвонларнигина тотем сифатида илоҳийлаштириб қолмасдан, балки сигир, қўй,

⁹⁷ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Чуст шаҳри. 1997 йил

⁹⁸ Ремпель Л.И. Цепь времен... – С. 37.

⁹⁹ Мазкур маълумотлар фарғонлик этнолог Н. Абдулаҳатовдан ёзиб олинди.

¹⁰⁰ Фрэзер Д. Золотая ветвь ... – С. 761.

¹⁰¹ Имомов К. Ўқ йўлини тўсган балиқ. // Фольклоршунослик. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётига доир тадқиқотлар. – Навоий, 2003. – Б. 9.

эчки, бургут, туя каби жонивор ва паррандаларни ҳам муқаддас билганлар. Биз бунга турли-туман архео-этнографик материаллар, тарихий манбалар ва Фарғона водийси бўйлаб тўплаган дала этнографик материалларимиз асосида ҳам амин бўлдик. Тўғри, бугунги кунда ўзбек халқи орасида тотемистик эътиқодларнинг асл кўриниши тўла сақланиб қолмаган. Чунки, ислом дини кириб келгандан сўнг аجدодларимиз ўртасида Тавҳид эътиқоди ўрнашиб, бу каби эътиқодлар ботил (сохта, асоссиз) ҳисобланган. Лекин тотемистик эътиқодлар ўзбек халқининг турли-туман маросим ва урф-одатларида исломий қарашлар билан ўзаро қоришган ҳолда сақланиб қолган. Қолаверса, халқимизнинг ҳайвонлар билан боғлиқ асотир ва афсоналарида ҳам тотемизм эътиқоди ўзини яққол намоён этганлигига тадқиқот жараёнида амин бўлдик. Айнан тотемистик маросимлар ва урф-одатларда нафақат бирор-бир жонзотни илоҳийлаштириш, балки инсон ва табиат, инсоният ва ҳайвонот олами ўртасидаги муносабатни, дунёқараш тизимини ҳам кўриш мумкин.

Ўзбек халқи дунёқарашини тизимида тотемистик қарашларни ўрганиш ушбу эътиқодий қарашнинг тарихий асослари, мазмун-моҳияти борасидаги билимларни бойитади. Шу билан бирга ўзбеклар этногенези ва этник тарихи, локал этномиллий маданияти, инсон ва табиат орасидаги ўзаро муносабатлар, мифологик дунёқарашлар тарихини тадқиқ этишда ҳам илмий-амалий аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.

1.2. Шомонлик генезиси ва локал хусусиятлари

Шомонлик қадимда Ўрта Осиёда кенг тарқалган бўлиб, туркий халқлар тарихида муҳим ўрин тутган¹⁰². Тарихий манбалар шохидлик беришича, шомонлик анимистик эътиқодларнинг маълум босқичида пайдо бўлган. Туркий халқлар аجدодлари ёрдамчи руҳлар, яъни парихонлар, отахонлар ва момолар мавжудлигига, шунингдек, дев ва жинлар борлигига қаттиқ ишонганлар. Фақат ишонибгина қолмай, балки шомонлар орқали улар билан руҳан ҳамкорликда иш кўрганлар. Одамлар руҳлар шомонларга хизмат қилади,

¹⁰² Қаранг: Roux J.P. Elements shamaniques dans les textes pre-non gols // Anthros. – 1958. – № 53. – P. 441-456; Inan A. Tarihte ve bugunsamanizm. Materiallari lor ve Arastrmalar. – Ankara, 1972; Агаджанов С.Г. Огузские племена Средней Азии IX – XIII в. // Страны и народы Востока. – М., 1971. Вып.10. – С. 181-184; Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа ... – С. 324-330.

унинг турли топширикларини бажаради деб ҳисоблаганлар. Шомонлар одамлар билан руҳлар ўртасида мулоқот қила олиш қудратига эга, деб ишонганлар. Шомонлар турли касалликларни даволаш ва даф этиш, йўқолган одамлар, жонивор ҳамда нарса-буюмларни топиш, келажакни олдиндан башорат қилиш, турли макон ва замонда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан бохабар бўлиш, табиат ҳодисаларини ўрганиш, ўлимдан сўнг марҳумлар руҳини охиратга кузатиб бориш ва ҳатто ёвуз руҳлар билан жанг қилиш қобилиятига ҳам қодир деб ҳисобланган.

Шомонликнинг асосий белгиси руҳлар ёрдамида танланган, ўргатилган одамларнинг руҳлар билан алоқада бўлишига, шунингдек, уларнинг илоҳий қудратига ишонишдан иборат. Шомонлар жазава ҳолатида руҳлар билан мулоқотга кирганлар. Бунда ҳомий руҳ шомон билан бир бутун бўлиб бирлашади ёки у ҳомий руҳ кўринишини олади.

Мавжуд адабиётларда шомонлик термини билан бирга «шомонизм» атамаси ҳам учрайди. Шомонлик деганда шомон фаолияти билан боғлиқ бўлган маросим ва асотирлар тушунилади. Шомонийлик атамаси эса кундалик ҳаётида шомонлар муҳим роль ўйнаган халқлар қарашлари тизимини англатади¹⁰³.

Шомон сўзи тунгус-манжур тилидаги «саман» сўзидан олиниб, одатда, «*телбасифат*», «*дали-демона*» кишиларга нисбатан қўлланилган¹⁰⁴. Турк асотирларида эса *шомон* сўзи чинча (хитойча): «*истакларни енга олувчи кимса*» — деб таъкидланади¹⁰⁵.

Мазкур атама фанга Сибирни ўрганган рус сайёҳ олимларининг тадқиқотлари орқали кириб келган. У XVIII аср иккинчи ярмидан илмий термин сифатида жаҳон фанида қўллана бошланган бўлсада, шомонларни турли халқлар ўз лаҳжаларида турлича номлаганлар. Масалан, ёқутлар «*оюн*» (эркак шомон) ва *удаган* (аёл шомон), ненецлар «*тадебя*», туркманлар «*пархон*», уйғурлар ва қадимги туркийлар «*қом*», қозоқлар «*баксы*», тожиклар «*парихон*», ўзбеклар эса «*бахши*», «*парихон*» ва «*фолбин*» деб атаганлар.

Қадимий туркий халқлар шомонларни *қомлар* деб номлаганлар. «Қомлар» тўғрисидаги дастлабки маълумотни X асрда ёзилган хитой йилномаси «Тан-шу»да учратамиз. Бу йилномада хакас (хягас)лар ва уларнинг қом (шомон) лари тўғрисида фикр билдирилган.¹⁰⁶ Бундай маълумотлар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу би-

¹⁰³ *Басилов В.Н.* Избранники духов. – М.: Политиздат, 1984. – С. 7.

¹⁰⁴ *Токарев С.А.* Ранние формы религии. – М., Политиздат, 1990. – С. 262.

¹⁰⁵ *Мурот Уроз.* Турк асотирлари // Сирли Олам. – 1991. – № 10. – Б. 8.

¹⁰⁶ *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.-Л., 1950. Т. 2. – С. 353.

лиг» (XI аср), Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотут - турк» (XI аср) асарларида ҳам шомон маъносида учрайди.

«Қом» термини нафақат туркий, балки дунёнинг кўплаб халқларида ҳам учрайди. Масалан, замонавий венгерлар шеvasида «қом» сўзи эркак фолбин, сеҳргарга нисбатан қўлланилса, Корейда XIX асрда уларга нисбатан «де-гам» (теэкам) — катта шомон атамаси ишлатилган. Бу хитойча «де» - катта ва туркий «қом» —, яъни «катта қом» сўзидан ташкил топган¹⁰⁷. «Қом» сўзи шомон маъносида ҳозирги олтойликлар, хакаслар, туваликлар, моjarлар, хитой уйғурларида ишлатилади.

Фарғона водийсида даволовчи шомонларни *бахши*,¹⁰⁸ *парихон*, *фолбин* деб аташади. Жанубий Қозоғистон ўзбеклари шомонларни «*тауб*» (арабча табиб, врач) деб атайдилар, баъзида ўзбеклар шомонларни «қушноч» ёки «қора қушноч» ҳам дейишган. Хоразм воҳасида шомонларни асосан «парихон» деб аташган¹⁰⁹. Шимолий Афғонистон ўзбекларида ҳам одамларни руҳлар ёрдамида даволовчи кишиларга нисбатан «*бахши*» ва «*фолбин*» атамаси қўлланган бўлса-да, бу минтақада иккинчи термин остида кенг маънода фол очувчи кишилар тушуниланган¹¹⁰.

В.В. Бартольд фикрича, *бахши* сўзи санскрит тилидан олинган бўлиб дастлаб *бикшу* — буддавий зоҳидни, кейинчалик шомон қоҳинни ва табибни билдирган¹¹¹. В.В. Владимирцованинг таъкидлашича, *бахши* сўзи мўғул тилидан олинган бўлиб, у ўрта асрларда мўғулларнинг зиёли кишиларига нисбатан қўлланган. Ўзбек академиги Карим Шониёзов эса *бахши* - туркий «*боқмоқ*» сўзидан олинган бўлиб, қараб туриш, даволаш маъносида ишлатилган, деб ёзади¹¹².

Бу хусусида бошқача қарашлар ҳам мавжуд. Қадимги туркий тил луғати тузувчилари фикрича «*BAQSI*» хитойча боши, «*bag-si*» сўзидан олинган бўлиб, «*устоз*», «*муаллим*» маъносини билдиради¹¹³. Ўз ўрнида шуни ҳам қайд этиш керакки, бугунги кунда

¹⁰⁷ Ионовa Ю.В. Шоманства в Корее (XIX — начало XX в) // Символика культур и ритуалов зарубежной Азии. — М., 1980. — С. 180.

¹⁰⁸ Олдинлари туркманларда ва ярим ўтроқ ўзбекларда бахши сўзи шоир бахшиларга нисбатан ҳам қўлланилган. Табиб шомон маъносида қозоқларда — баксы, қирғизларда — бакшы, ўзбекларда —бахши кўринишида қўлланилган. Бу тўғрисида қаранг: *Сухарева О.* Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. — М., 1975. — С. 58.

¹⁰⁹ *Басилов В.Н.* Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. — М.: Наука, 1992. — С.48.

¹¹⁰ *Centliveres M., Slobin M.A.* Muslim shaman of Afghan Turkestan // *Etnology.* — 1971. — Vol. X. — N. 2. — P. 161, 164.

¹¹¹ *Бартольд В.В.* Бахши. / Сочинения. — М., 1968. Т. V. — С. 501.

¹¹² *Шаниязов К.* К этнической истории узбекского народа ... — С. 327.

¹¹³ *Древнетюркский словарь.* — Л., 1969. — С. 82.

қолмиқлар, мўғуллар ва манжурларда бахши атамаси юқори мартабаи руҳонийни англатади.

Профессор Э.Р. Танишев “бахсе” сўзи уйғур тилининг шарқий лаҳжасида “бахши”, “табиб”, “шомон”, шунингдек, долан лаҳжасида “baqshu” — “афсунгар”, “фолбин”, оқсуй лаҳжасида baqsi, baxshu — (касаллик келтирувчи жинларни қувиш йўли билан) хасталикни даволовчи; уйғур адабий тилида — baxshi; X—XIII асрларга оид уйғур ёдномаларида эса, “устоз”, “шоғирд” маъноларини ифодалаганини ёзади. Шунингдек, “boshi”, “bosi”, “baqsi”нинг хитой тилидан ўзлаштирилганлиги таъкидлайди¹¹⁴.

Демак, юқоридаги мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкинки, дастлаб хитой тилида ишлатилган “baksi”, “boshi”, “bosi”, “baqsi” сўзи дастлаб устоз, ёзувчи, котиб маъноларини англатган, сўнгра уйғурлар таъсирида туркий халқлар орасида кенг тарқалган¹¹⁵. Кейинчалик бу сўз анъанавий маъносини сақлаган ҳолда одамларни руҳлар ёрдамида даволовчи кишиларга нисбатан ҳам қўлланила бошлаган. Чунончи, биз шомонликка оид адабиётларда бахши сўзининг илк бора одамларни даволовчи кишиларга нисбатан XIV асрда тилга олинганлигини учратамиз¹¹⁶.

Бахши атамаси Фарғона водийсида асосан даволовчи шомонларга нисбатан қўлланилади. Бахшилар кўпинча жин, дев, ажина каби ёвуз руҳлар таъсирига чалиниб қолган беморларни даволайдилар. Бу атама, айниқса Фарғона қипчоқлари ва қирғизларида кўп ишлатилади¹¹⁷.

Водийда парихон атамаси ҳам кенг тарқалган. *Парихон* — форс-тожикча «*пари*—руҳ, «*хон*» — сўз ясовчи қўшимча бўлиб, одамга зарар етказган руҳларга қарши дуо ўқувчи маъносини билдиради¹¹⁸. Манбаларда парихон атамаси дастлаб тарихчи Жувайнийнинг (XIII аср) Бухорода бўлган Маҳмуд Таробий қўзғолони ҳақидаги асарида учрайди¹¹⁹.

¹¹⁴ Танишев Э.Р. Уйгурский диалектный словарь. — М., 1990. — С. 22.

¹¹⁵ Буюк Бобурийлар салтанатида «бахши» атамаси вилоят қўшинларини ташкил этувчи амалдорларга нисбатан қўлланган бўлиб, улар вазифасига янги навкарларни қабул қилиш, ҳарбий интизом, машғулотлар, эҳтиёжлар ҳақида бош қотириш ва айрим ҳолларда воқеанавислик ҳам кирган. Бундан ташқари Бобурийлар давлатида ҳарбий ишлар ноziри ҳам Мир Бахши деб номланган. гаранг: *Шарма Л.П.* Бобурийлар салтанати. — Т.: Маънавият, 1998. — Б. 142.

¹¹⁶ Boyle J.A. Turkish and Mongol shamanism in the Middle Ages // Folklore. — 1972. — P. 184.

¹¹⁷ Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа ... — С. 327-329.

¹¹⁸ Басилов В.Н. Шаманство у народов Средний Азии и Казахстана.. — С. 49.

¹¹⁹ Jarrina G. A notion shamanism in Eastern Turkistan // Ethnos. — 1961. vol. 26. — № 1-2. — P. 3-4.

«Парихон» атамаси Фарғона водийсидан ташқари Хоразм, Тошкент воҳаларида, қорақалпоқларда ҳам кенг қўлланган. Тошкент воҳасида фақат руҳлар билан алоқа қилувчи кишиларгагина нисбатан парихон ибораси ишлатилган.

«Фолбин» атамаси водийда даволовчи шомонларга нисбатан жуда кам қўлланган бўлсада, биз ушбу тушунча этимологиясига ҳам қисқача изоҳ беришни лозим топдик.

«Фолбин» сўзи арабча бўлиб, «фол» — тақдир, «бин» — кўрувчи, яъни инсонлар тақдирини кўрувчи маъносини билдиради¹²⁰. Бу атама Самарқандда, айниқса шомонларга нисбатан кўп қўлланган. Биз шу ўринда шомонларнинг шунчаки фол очувчилардан фарқини англаб олмоғимиз лозим. Фол очишнинг мақсади бирор воқеани юзага келтириш, яъни даволаш ёки зарар етказиш эмас, балки унинг сабабларини аниқлаш, уни билишдан иборатдир. Ҳақиқий фолбин ёки бахшилар эса фол кўришдан ташқари даволаш қобилиятига ҳам эга бўладилар. Улар ўзига хос психотерапевт вазифасини бажарадилар.

Машҳур диншунос олим С.А. Токарев «шомонлик (шаманизм)-ни дастлабки дин шакллари гуруҳига киритган¹²¹. Бизнингча, шомонлик инсоният тарихининг илк даврларидан бошлаб тараққий этган диний маросимларни ўз ичига олганлиги учун ҳам диннинг дастлабки шакли деган номни олган. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, илк дегани оддий деган маънони англатмайди. Чунки шомонлик фаолияти аксарият ҳолда ғоят мураккаб ва кўп қиррали маросимлардан ташкил топган. Шомонлик маросимлари ўз навбатида турли хил уйдирмалар билан бирга инсониятнинг қандайдир даражадаги илғор тажрибаларини ҳам ўз ичига олган.

Шомонлик қачон пайдо бўлган, деган саволга баъзи археолог олимлар мавжуд топилмаларга таяниб шомонлик тош асрида ҳам мавжуд бўлган, деб тахмин қиладилар¹²². Германиянинг Мюнхен шаҳридаги Парапсихология ва Сарҳад Фанлари институти томонидан чоп этилган рисолада ёзилишича, Франциянинг Труа Фрер ғорида милoddан тахминан ўн икки минг йил муқаддам чизилган расмда шомон ҳайвон терисига ёпинган ҳолда рақс тушаётгани тасвирланган¹²³.

¹²⁰ Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков ... — С. 58.

¹²¹ Токарев А.С. Ранние формы религии. — М., 1990. — С. 266.

¹²² Басилов В.Н. Избранники духов ... — С. 9.

¹²³ Жаҳон илми тасхири тарихидан. // Қалб кўзи. 1997.– Июль..

Тўғри, одатда, муайян расм-русумларни талқин қилиш ҳамиша мунозарали бўлиб келган. Жумладан, шомонлик этиқоди учун хос бўлган хусусият руҳларга ишонишдан ташкил топган бўлиб, бусиз шомонликни тасаввур қилиб бўлмайди. Руҳларга ишониш шомонликда анимизмнинг таъсири борлигини кўрсатади. Руҳларга сиғиниш палеолит даврида шаклланган бўлса, бундан руҳлар билан боғлиқ бўлган шомонлик ҳам бевосита ўша даврда пайдо бўлган деган хулоса ҳам чиқади. Бу тўғрида бошқача қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, этнограф олим В.Н. Басиловнинг таъкидлашича, «шомонлик маросимлари овчилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи халқларда анча ривожланган. Деҳқончиликнинг пайдо бўлиши туфайли табиат кучларини илоҳийлаштириш билан боғлиқ маросимлар асосий ўринни эгаллаган ва бу маросимлар шомонликни жамиятдаги муҳим ўрнидан маҳрум этиб, сиқиб чиқарган. Деҳқончиликнинг неолит даврида шаклланганлигини инobatга олсак, шомонлик неолит давригача пайдо бўлган ва ўзининг юксалиш даврини неолитгача босиб ўтган».¹²⁴

Археолог олим Р.Л. Кызласов Хакасиянинг Тузкўл кўлидан топилган қоятош расмларидаги шомонларнинг қадимги тасвирларига асосланиб Сибир туркийларида шомонлик милoddан аввалги I асрда пайдо бўлган деб таъкидлайди¹²⁵.

Туркий халқлардаги шомонлик тўғрисида юнон тарихчиси Зеофилактос: «Турклар тупроқ, сув, олов ва ҳаво (тўрт унсур)ни муқаддас ҳисоблаб, ер ва кўкнинг холиқи бўлган ягона Тангрига топинганлар ҳамда унга от, сигир ва қўй қурбонлик қилганлар, уларнинг келажакдан хабар берувчи қоҳин (қом—шомон)лари бўлган», деб ёзганди¹²⁶.

Буюк ҳоқонлардан бири Мангухон турли дин вакиллариининг мушоҳадаларини тинглагандан сўнг: «Биз Тангрига, унинг амри билан яшаётганимизга ва ўлажагимизга ишонамиз. Тангри сизга берган китобларига муқобил бизга қоҳинлар (қомлар—шомонлар) берган. Биз уларнинг айтганини адо этамиз ва осуда ҳаёт кечирамиз», деб таъкидлайди¹²⁷.

Энди эса шомонлик этиқодининг Фаргона водийси ўзбеклари турмуш тарзида тутган ўрни ва локал хусусиятларига бироз батаф-

¹²⁴ Басилов В.Н. Избранники духов ... — С. 1 0.

¹²⁵ Кызласов Л.Р. О шаманизме древнейших тюрков ...— С. 262.

¹²⁶ Osman Turan. Turk cinon hakimiyeti mefkurasi tarihi: GILD.1: — Istanbul, 1993. — P. 54.

¹²⁷ Усмон Турон. Туркий халқлар мафкураси ... — Б. 68.

силроқ тўхталиб ўтсак. Фарғона водийсида ҳам шомонликнинг аниқ кўринишларини махсус «сайланган» одамлар томонидан касалларни даволаш жараёнида кузатамиз. Шомонлик эътиқодига кўра шомонлар ўз иқтидорларини аждодларидан мерос сифатида ёхуд ер, сув илоҳлари ёки турли руҳлардан олганлар. Шу сабабли зиён келтирган руҳларни аниқлаш, уларни енгиб, беморларни даволаш ўзбек шомонларининг асосий белгиси ҳисобланади.

Водийда ҳам республиканинг бошқа минтақаларида бўлгани сингари *пари, жин, дев, лашкарлар, чилтонлар* каби руҳлар билан мулоқот қила оладиган кишилар ҳозирда ҳам учраб туради. Аслида руҳлар билан мулоқот қилишга дахлдор тасаввурлар қадимий шомонлик эътиқоди билан боғлиқдир. Ўзбекларда кўпинча касалликлар ёвуз руҳлар макр-ҳийласи туфайли келиб чиқади деб ҳисобланади. Ҳали ҳам халқимиз орасида руҳлар ҳокимияти одамлар тақдирини, табиат кўринишларини айтиб беришига ишонувчи кишилар мавжуд. Чилдирма садоси ва маросим айтимлари баъзи замондошларимизни касалликлардан фориг бўлишига ишонишга олиб келмоқда. Шомон-бахшиларга асосан аёллар яқинлари касал бўлиб ётиб қолганда, оилавий ҳаётларида ўзаро келишмовчиликлар юз берганда, бирор буюми ёки жониворлари йуқолганда, фарзандсизлик ҳолатида, умуман, оила турмуш тарзида оғир вазиятлардагина мурожаат қиладилар.

Туркий халқлар шомонлик тизимида шомон бўлиш жараёнидаги ташаббус ҳомий руҳларнинг ўзларидан чиққан бўлиб, баъзида мажбурий куч билан ҳам даъват қилинган. Танланган номзод — ҳақиқий шомон одамлар ва руҳлар олами ўртасида воситачи бўлгунга қадар уч муҳим босқични босиб ўтади. Яъни:

1. Танланганлик (руҳлар томонидан танланган).
2. Шомонлик дардига йўлиқиш.
3. Ҳомий руҳлар томонидан шомон сифатида қайта яралиш.

Кекса ёшли информаторларнинг айтишларича, одамлар орасидан шомон бахшиларни ҳомий руҳларнинг ўзи танлайди ва уларга дастлаб олов, кучли шамол, қуш, от ёки бошқа нарсалар тимсолида намоён бўлиб уни шомонлик фаолияти билан шуғулланишга даъват этади. Жумладан, Лола бахшига ҳомий руҳлар дастлаб 13—14 ёшли пайтида оқ кийимли аёл кўринишида, Саодат бахшига 40 ёшида ҳомиладорлик вақтида қора кийимли одамлар кўринишида намоён бўлган бўлса, Ўнғол бахшига 25 ёшида қўлида эмицикли чақалоғи бор вақтда беш чироқ тарзида кўринган. Сўғд ви-

лояти Хўжанд туманида яшовчи Норбой бахши ҳомий руҳларини дастлаб етти ёшли пайтида отлар уюри кўринишида кўрган ва отлар уни доимо муқаддас қадамжолар ва ғаройиб жойларга бошлаб бориб турган, Турдижон бахшига эса руҳлар дастлаб *илон ва балиқ* шаклида кўринган экан¹²⁸. Бу ҳолатларда ҳомий руҳлар томонидан бўлғуси бахшига шомонлик қуроли ва белгилари — чилдирма, қамчи, дутор, кўбиз, тасбеҳ ва ҳоказолар кўрсатган. Баъзида бўлғуси шомон тушида шомонлик анжомлари ва белгиларни кўрибгина қолмай, ушбу фаолиятга фотиҳа ҳам олган. Ўз ўрнида шуни ҳам қайд этиш лозимки, водий ўзбекларида шомон бўлиш бошқа туркий халқлардаги сингари доимо ҳам наслдан-наслга ўтмайди. Шомонлар асосан ҳомий руҳлар томонидан танланган бўлиб, бунда қон-қариндошлик унчалик аҳамият касб этмаган.

Одатда, бўлғуси шомон (бахши, парихон) тутиниб шомон бўлғунига қадар бир қатор синов босқичларини босиб ўтган ва ғайритабиий ҳолат—«шомон касали»га чалинади. Бу ўринда *“шомон касали”* қандай хасталик — деган савол туғилиши табиийдир. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, шомон касалига чалинган одамлар ақл-идрокони йўқотган кишидек турли-туман ғайритабиий ҳаракатлар қиладилар. Агар танланган киши руҳлар даъватини қабул қилмаса ёки руҳларнинг мажбурлашидан холи бўлиш учун бахшиликни номигагина бажарса ёки амалларни бажаришда бепарволик қилса руҳлар жазосига учраб, руҳий бехаловат бўлиб, турли касалликларга дучор бўлар ва аксар ҳолларда бу оғир оқибатларга олиб келар экан¹²⁹.

Умуман олганда *“шомон касаллиги”* қатор патологик ҳолатларнинг бир бутун мажмуидан иборат бўлиб, бундай ҳолатни ҳомий руҳлар томонидан танланган киши бошидан ўтказади. *«Шомон касаллиги»* кўпинча уйқуда безовталаниш ҳолатида, муттасил бош оғриши тарзида, эшитиш ва кўриш галлюцинациялари кўринишида ва бошқа қатор патологик ҳолатларда намоён бўлади. Касал киши турли-туман руҳлар овозини эшитади ва унинг кўзига турли-туман қиёфада ҳомий руҳлар кўринар экан. Шомонликнинг чилла даврини ўтаган ва шомонликни бўйнига олгандан кейингина бу симптомлар (белгилар) йўқолади ва у соғайиб кетади.

Эътиборга сазовор томони шундаки, «шомон касаллиги» дунё

¹²⁸ Дала ёзувлари. Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Хўжанд шаҳри. 2000 йил.

¹²⁹ Дала ёзувлари. Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Олабуқа тумани Оққўрғон қишлоғи. 2004 йил

нинг кўплаб халқлари орасида мавжуд¹³⁰. Бироқ айнан мазкур кўри-нишни шомонликнинг атрибути деб айтиб бўлмайди. Чунки биз бундай ҳолатта фақатгина шомон ҳомий руҳлар томонидан танлани-ши тўғрисида тасаввурлар тарқалган ҳудудлардагина дуч келамиз. Бу жараёнда бўлғуси шомон ҳомий руҳлари олдида кучсиз ҳисобланади ва бу ҳолат танланган номзоднинг ҳеч қандай шахсий қарашлари билан боғлиқ бўлмайди. Жумладан, совет тузуми даврида олиб бо-рилган атеистик мафкура ва даҳрийлик қарашларга суянган ҳолда тарбия топган оилаларда ҳам “шомон касаллиги”га чалинган ва уни бартараф этиб яширин йўл билан бўлса-да, фаолият олиб борган кўплаб кишилар бўлган. Биз бу ўринда айнан Фарғона водийси ўзбек-лари турмуш тарзида ушбу жараён қандай кечганлиги ва унинг ўзига хос локал хусусиятларига бирмунча батафсилроқ тўхталиб ўтсак.

Наманган вилояти Чуст шаҳрида яшовчи Зулфия бахши Шамо-нованинг таъкидлашича, 1990 йил 28 ёшида тушида оқ кийимли одамларни кўрган. Шундан сўнг у эрталаб уйғонса оёқ-қўли ишла-май қолганлигига гувоҳ бўлган Зулфия бахши бир неча йил даво-мида касал бўлиб ётиб қолган. Кейинчалик уни яқинлари Қирғизистоннинг Чотқол деган жойидаги машҳур бир бахшига олиб бориб кўрсатишган. У Зулфияга парилар кўрингани ва бах-шичиликни бўйнига олсагина тузалиб кетиши ҳақида фикр бил-дирган. Натижада у айнан мазкур бахши кўмагида маълум муддат чиллада ўтирган, бахшичиликни бўйнига олган, шундан кейинги-на бутунлай тузалиб кетган. Қўқон шаҳри яқинидаги Шомирза қишлоғида яшовчи Ҳавоҳон бахши ҳам бахши бўлишидан аввал 7 йил давомида бетоб бўлган. У ҳам бахшичиликни бўйнига олгандан кейингина дарддан фориғ бўлган экан. Олабуқа туманида (Қирғи-зистон Республикаси) яшовчи Ўнғол бахши кўзига бахши бўлиш-дан олдин далада юрган пайтида *бешта чироқ* кўринган ва унинг танасига кириб кетган экан. Шундан сўнг у узоқ-узоқларга кетиб қоладиган, даракларга тирмашадиган, тунлари уй томига чиқиб, сакраб-сакраб ўйнайдиган, қисқаси, турли-туман қилиқлар қиладиган бўлиб қолган. Кейинчалик у бахшичиликни бўйнига олиш оқибатидагина соғайиб кетган экан.

«Шомон касали» феномени кўплаб тадқиқотчилар (Ольмаркс, Ниорадзе, В.Г. Богораз-Тан, Д.Ф. Аберль ва бошқалар) шомонизм

¹³⁰ Торчинов Е.А. Религии мира: опытзапредельного психотехника и трансперсональные состояния. – Спб.: Центр «Петербургское востоковедение», 1998. – С. 78.

илдизларида психопатология, аниқроғи арктика истерикаси (жазава, васваса) кўришлари билан боғлиқ деб таъкидлайдилар. Лекин бу қараш хато мулоҳаза эканлиги ўз даврида шомонлик бўйича таниқли мутахассис М. Элиаде тадқиқотларида исботлаб берилган¹³¹. Сибир шомонлари фаолиятини ўрганган тадқиқотчи Е. Прокофьева шомонлар «шомонлик касали»га асосан ўсмирлик ёшларида йўлиқадилар», деб ёзади¹³². Лекин элшунослик манбалари ва шомонлик адабиётлари ушбу хасталик инсоннинг балоғат ёши билан боғлиқ тана аъзоларида содир бўладиган ўзгаришлар натижаси, деган фикрларни рад этди. Чунки, этнографик материаллар бўлғуси шомонларнинг бу ҳолатга йигирма, ўттиз, қирқ ва ҳатто олтмиш ёшларида йўлиқишларини тасдиқлайди. Жумладан, Наманган вилояти Косонсой тумани Хўжақўрғон қишлоғида яшовчи Саодат бахши ҳам қирқ ёшида «шомонлик касали»га чалинган ва охир оқибатда бахшилиқни бўйнига олгач, тузалиб кетган. Бахшининг айтишича, у хаста бўлиб ётиб қолган пайтида ҳаттоки клиник ўлим ҳолатига ҳам тушган. Унинг оила аъзолари Саодат бахшини вафот этган деб ҳисоблаб, йиғи-сиғи қилиб дафн маросимига ҳам тайёргарлик кўрганлар, яъни уни майит каби жағи, оёқларининг бош бармоқларини боғлаб, кўмиш учун қабр тайёрланган. Шу вақтда у бирданига тилга кириб, Аллоҳга нола қилиб, қорнидаги чақалоғи эсон-омон туғилишини башорат қилган, унинг ўзи эса бу мақсад йўлида ҳар қандай қийинчиликларга тайёрлигини айтган экан. Шундан сўнг бўлғуси бахшини қариндош-уруғлари машҳур Зеби бахши қабулига бошлаб олиб борган эканлар. Зеби бахши Саодатни кўчирик қилиб фотиҳа бергандан кейингина у буткул соғайиб кетган экан.

Шомонлар бажарадиган амаллар жуда хилма-хил ва кенг қамровли бўлиб, ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда шомонлар бениҳоят улкан ғайритабиий қобилият соҳиблари бўлмоғи лозим деб ҳисобланган. Умуман олганда, Фарғона водийси шомонлари ҳомий руҳлар ёрдамида асосан қуйидаги тўртта муҳим вазифани бажарганлар. *Биринчидан*, касаллик сабаби ва уни даволаш йўллари билиш. *Иккинчидан*, турли-туман маросимлар асосида беморларни даволаш. *Учинчидан*, келажак ва инсон тақдирини олдиндан башорат қилиш, шу жумладан, узоқ масофада яшов-

¹³¹ Eliade M. Shamanism: Archaic Techniques of Extasy // Bollingen Series. Vol. 76. – Princeton, 1974. – P. 23-32.

¹³² Прокофьева Е.Д. Материалы по шаманству селькупов // Проблемы истории общественного сознания аборигенов Сибири. – Л., 1981. – С. 65.

чи кишилар тақдирини ҳам олдиндан айтиб бериш ва ниҳоят *тўртинчидан*, бедарак кетган одамлар, йўқолиб қолган ҳайвонлар ва нарса-буюмларни қидириб топиш. Шунингдек, шомонлар буюмлар ким томонидан ўғирланганлигини ҳомий руҳлар кўмагида аниқлаштирган ҳолда қидириб топиш сингари вазифаларни ҳам бажарадилар¹³³.

Шомонлар бу вазифаларни адо этишлари учун махсус қобилиятга эга бўлишлари зарур ҳисобланиб, бу иқтидор кўпинча туғма бўлмасдан, маълум жиддий тайёргарлик натижасидагина эгалланган. Бунинг учун танланган номзод қирқ кун давомида ўз хонадо-нида ташқи дунёдан ажралган ҳолда чиллада ўтиради. Бу давр шомонликнинг «чилла даври» ҳисобланади. Чуст тумани Шўрақўрғон қишлоғида яшовчи Зиёда бахшининг таткидлашича, шомонлар томонидан тугиладиган чилла турлича бўлиб улар орасида энг оғири ва хавфлиси бахшилар томонидан тугиладиган “қора чилла” ҳисобланади. “Қора чилла”да ўтирадиган киши 40 кун мобайнида бир уйдан ташқарига чиқмаган ҳолда чимилдиқнинг ичида ўтириши лозим бўлган. У бу даврда бошқа одамлар билан гаплашмаслиги ва фақат ўз уйида яқин кишиси томонидан пишириб берилган пок овқатни ейиши лозим бўлган. Бу даврда бўлғуси бахшининг қабристонга бориши, ўлик кўриши, ариқда оқаётган сувдан ўтиши қатъий тақиқланган. Зиёда бахши ҳам “қора чилла”да ўтирган¹³⁴. Уларга бу пайтда бегона одамлар, айниқса бегона эркакни кўриш қатъий тақиқланган. Бу жараёнда бўлғуси бахши доимий равишда энг яқин кишиси ёки устоз бахши назоратида бўлган. Чунки, чиллада ўтирган одам ўзи билмаган ҳолда ташқарига чиқиб кетиши ҳам мумкин. Агар бўлғуси бахши бу ҳолатда ташқарига чиқиб кетса руҳий хасталикка чалиниб жинни бўлиб қолар экан.

Фарғона водийсида шомонликни бўйнига олган ҳар бир бахши ёки парихон маросимларни ўтказиш баробарида вақти-вақти билан ҳомий руҳларга бағишлаб қурбонликлар қиладилар. Фарғона вилояти Охунбобоев тумани Шомирза қишлоғида яшовчи Ҳавохон бахши бир йилда тўрт марта чиллада ўтирган ва ҳар йили тўрт мартаба ҳомий руҳларига атаб қўй сўйиб қурбонлик қилар экан.

Ўзбекларда қадимги даврлардан руҳларга дуалистик муносабат-

¹³³ Илмий адабиётларда бошқа минтақаларда яшовчи шомонлар ҳам бундай вазифаларни бажаришлари хусусида маълумотлар мавжуд. Бу тўғрисида қаранг: *Басилов В.Н.* Шамаństwo у народов Средний Азии и Казахстана ... – С. 51

¹³⁴ *Дала ёзувлари.* Наманган вилояти Чуст тумани Шўрақўрғон қишлоғи. 2004 йил.

да бўлиш натижасида уларни момолар, парилар, чилтонлар, муаккиллар, онахон ва отахонлар, қирқ қизлар, фаришталар каби яхши ва дев, алвасти, жин (ажина), суқ, зиён каби ёмонга ажратиб келинган¹³⁵. Руҳларнинг ҳар бирига улар характериға лойиқ муносабатда бўлинган. Эзгу руҳларға сиғиниб, уларға қурбонликлар қилганлар, ёвузларидан сақланиш мақсадида турли чора-тадбирлар белгилаб, дуо-афсунлар ўқиганлар.

Ўзбеклар орасида энг кўп тарқалган ҳомий руҳлардан бири *пари* образидир. Одатда, пари гўзаллик тимсоли ҳисобланади. Парилар тўғрисидаги илк маълумотни зардуштийликка оид манбаларда учратамиз. Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авеста»да ёзилишича, парилар (асл матнда «парика») ёвуз руҳлар ҳисобланиб, чиройли аёллар кўринишида бўлганлар. Улар одамларни йўлдан оздириб, эзгулик худоси Ахура-Маздага эътиқод қилишдан маҳрум этганлар.

Тадқиқотлар давомида шу нарса маълум бўлдики, халқимиз орасида париларға ишонч ҳанузгача учрайди. Жумладан, Чуст туманининг Дам қишлоғида яшовчи Рустам бахшининг таъкидлашича, парилар қачонки рози бўлсалар, йўл берсаларгина, уларнинг номини айтиш мумкин¹³⁶. Парилар мусулмон париси, кофир париси, тарсо париси, жуҳуд парига бўлинган ва ҳар бир парининг ўзига хос вазифаси бўлган. Масалан, илон пари кишини ақлдан оздириб, ёвузликка бошлайди. Беҳишт парилар илон пари ақлдан оздирган кишиларни даволайдилар. Косонсойлик Саодат бахши, «парилар жуда узун либос киядилар. Эрталаб оқ рангда, тунда қора рангда. Улардаги беғубор ранглари таърифлаш қийин. Уларнинг чиройига қараб тўймайсан», — дейди¹³⁷.

Парилар асли оловдан яралганлиги боис ўзбек халқи кулни муқаддас ҳисоблайди. Водийнинг Поп, Чуст, Янгикўрғон туманларида кул билан ўйнашган кишининг оғзи қийшайиши, кулга сийган боланинг кўзи оғриши каби ҳолатларда Кулранг париларнинг кўли бор дейдилар.

¹³⁵ Шомон руҳлари тўғрисида батафсилроқ қаранг: *Андреев Г.В.* Албасты и пари // Туркестанские ведомости. 1916, № 105. — С. 3-4; *Андреев М.С.* Чильтаны в среднеазиатских верованиях // В.В. Бартольд. — Т., 1927. — С. 334-338; *Басилов В.Н.* Шаманство у народов Средний Азии и Казахстана... — С. 229-279; *Турдимов Ш.* Қирқ чилтон пирлар бор // Мактабгача тарбия. — 1992. — № 5-6. — Б. 22-24.

¹³⁶ *Дала ёзувлари.* Наманган вилояти Чуст тумани Дам қишлоғи. 2004 йил.

¹³⁷ *Дала ёзувлари.* Наманган вилояти Косонсой тумани Хўжақўрғон қишлоғи. 2004 йил.

Водийда ҳам шомонларнинг асосий фаолияти касалларни даволаш, яъни бемор танасидан ёвуз руҳларни қувишдан иборат. Чунки хасталарни даволаш шомонларнинг қадимдан мерос бўлиб келаятган асосий вазифасидир. Улар руҳлар ёрдамида касаллик сабабини ва даволаш йўллариини излайдилар. Шомонликка доир адабиётларда шомонлар асосан руҳий касалларни даволайди, деган фикрларни учратамиз. Ҳақиқатдан ҳам шундайми?

Водийда яшовчи кўплаб ўзбек ва тожик шомонлари эса касаллик хуруж қилганда уқалаш орқали танани қиздириб, беморни терлашга мажбурлаганлар. Саодат бахши кўкйўтал, бош оғриғи, бепушт аёлларни даволаган бўлса, Мейли бахши, Лола бахши, Рустам бахшилар шол бўлиб ўтириб қолган, соқов бўлиб қолган, баданига турли тошмалар тошган кишиларни, руҳий касал—жинни бўлиб қолганларни даволар эканлар. Бахши олдига келган беморнинг қайси аъзоси оғриётганлигини бемор ташрифи туфайли унинг ўзининг ҳам танасидаги ўша аъзо оғришидан билиб олар экан.

Водийдаги шомон бахшиларнинг даволаш жараёни кўпинча бир-бирига ўхшайди. Бахшилар дастлаб фол очиб, касални даволаш йўлини аниқлаб олганлар. Фол очишда кўпинча косадаги сувга пахта бўлагини ташлаб, унинг учидан айлантеришган¹³⁸. Шунингдек, водийда тасбеҳ ёки муқаддас китоблар орқали ҳам фол очилган. Водийдаги аксарият бахшилар тасбеҳ орқали фол очганлар. Жумладан, Зулфия бахши, Лола бахши, Ўнғол бахши, Мейли бахши, Муниба бахши тасбеҳ орқали фол очса, Зеби бахши косадаги сувга пахта бўлагини ташлаб айлантериш орқали, Саодат бахши эса қамчи орқали фол очган. Шомирза қишлоғида яшовчи Ҳавохон бахши фол очишидан аввал 3 марта Аллоҳ, Аллоҳ, Аллоҳ деб айтган, лекин Акбар сўзини тилга олмаган. Чунки унинг айтишича, агар у Акбар деса фол тўсилиб қолар экан. Зулфия бахшининг фол очишда ишлатадиган тасбеҳи 105 та тошдан иборат бўлган. Шунингдек, унинг тасбеҳида бўри тиши, кўзmunчоқ ва дўлана ҳам бўлиб, улар бахшини турли-туман бало-қазо, ёмон кўзлардан сақлаб турар эканлар.

Фол очиш жараёнида даволаш усули билан бирга беморга қандай инс-жинслар, парилар зиён етказганлиги ва буни бартараф этиш учун қандай қурбонлик қилиш лозимлиги аён бўлган. Қурбонлик сифатида кўй-қўзи, эчки, товуқ каби жониворлар сўйил-

¹³⁸ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Чак қишлоғи. 2004 йил

ган. Қурбонликдан мақсад парилар, яъни ҳомий руҳларни рози қилиш ва бемор вужудига кириб олган ёвуз руҳларни ҳайдаш эди. Баъзи халқларда руҳларга бағишлаб ҳақиқий овқатлар турли бут, санамлар олдига қўйилади ёки улар оғзига суртилади. Умуман қурбонлик қилиш диннинг дастлабки кўринишларидан тортиб то жаҳон динларигача хос бўлган маросимдир. Масалан, шумерликлар ҳўкиз, сигир, қўй каби ҳайвонлар билан бирга баъзан қушларни ҳам сўйган, тангриларига ноз-неъматлар ҳам эҳсон этган бўлсалар, қадимги зардуштийлар қурбонлик маросимларида ҳўкиз ва қўй сўйилган¹³⁹.

Қадимги туркийлар шомонийлигида оқ шомон кўк (осмон) билан, қора шомон ер ости дунёси билан боғланади. Шу сабабли олтойликлар Улген (туркийларнинг яхшилик ва эзгулик Тангриси)га оқ қўй, Эрлик (қадимги туркийлар ер ости олами - жаҳаннам ва ёмонлик Тангриси)га қора қўй сўйиб қурбонлик қилганлар¹⁴⁰.

Шомонлик маросимларида кўпинча зиён етказган руҳларга бағишлаб қурбонликлар қилинган. Қурбонлик қилинаётган ҳайвон ранги «зиён етказган» руҳлар билан бевосита боғлиқ бўлади. Агар касаллик сабабчиси оқ девлар ё оқ пари бўлса, оқ рангли қўй ёки қора дев, қора момолар зарар етказган бўлсалар қора қўй, эчки, товуқ сўйилган. Одатда, қурбонликка аталган ҳайвон эркак киши томонидан зиён етказган момолар, инс-жинсларнинг номи айтилиб сўйилади. Фарғона водийсида кўпинча қора ва сариқ рангли қўй сўйилган. Қурбонлик сифатида сўйилган жониворнинг қонидан беморнинг танасига суртилар ва бу руҳлар учун гўё озуқа ҳисобланар экан¹⁴¹. Шомирза қишлоғилик Ҳавоҳон баҳши девлар зиён қилиб илиги қуриб қолган одамга қўй қурбонлик қилишни буюрган. Қора қиз момолар зиён етказган беморларга эса товуқ қурбонлик қилинган.

Айрим ҳолларда ҳомий руҳлар қурбонликлар билангина чекланиб қолмаганлар. Ҳомий руҳлар шомонлардан ўзларини севишларини ҳам талаб қилганлар. Танланган одам пари руҳ муҳаббатига жавоб қайтармаса, унинг хизматиغا кирмаса парилар уларни турли касалликлар билан жазолаганлар. Одатда, бундай шомонлар аёл киши

¹³⁹ Сулейманов Р., Исҳоқов М. Заратуштранинг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар // О'zbekiston tarixi. – 1999. – № 1. – Б. 49.

¹⁴⁰ Анохин А.В. Материалы по шаманству у алтайцев. – Л., 1924. – С. 15.

¹⁴¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Қайтмас қишлоғи. 2003 йил

бўлса турмуш ўртоғидан, эркак бўлса аёлидан бирмунча вақт узоқлашган. Водийлик Мейли ва Саодат бахшиларнинг ҳомий руҳлари эркакларни кўришни, уларга фол очишни ва узоқ вақт мулоқотда бўлишликни тақиқлаганлар. Баъзида руҳлар бахшиларни ҳатто ўз «*жинсини алмаштириш*»га ҳам мажбурлар экан. Бунда эркак шомонлар аёлларча кийиниб, аёлларга хос юмушларни бажарганлар, юриш-туриш, муомалада аёлларга тақлид қилганлар. Водийнинг Чуст тумани Фова қишлоғида яшаган Тошмат бахши ҳам «*жинсини алмаштирган*». У доимо аёллар либосини кийиб юрган. Чунки Тошмат бахшига эркаклар кийимини кийишга унинг ҳомий руҳлари йўл қўймас экан¹⁴². «*Жинсини алмаштирган*» шомонлар коряклар, чукчилар, камчаткаликлар орасида ҳам кўплаб учрайди¹⁴³.

Ўрта Осиё, жумладан, Фарғона водийси шомонлари Сибир шомонлари каби маросимларни махсус кийимларда ўтказмайдилар. Улар бошқа оламга саёҳат қилмасдан фақат ёрдамчи руҳлар билан мулоқотга киришадилар, холос. Лекин тадқиқот жараёнида шу нарса маълум бўлдики, водийда яшовчи аксар қирғиз бахшилар бахшиликни бўйинларига олишдан аввал бахшилик касалига чалинган пайтларида узоқ ерларга, бир дарахтдан иккинчи дарахтга учиб юрган эканлар.

Бахшилар даволаш жараёнида чилдирма (доира)дан фойдаланганлар. Доира садолари остида шомон руҳларни чақирар, чилдирманинг мусиқий оҳанги маросим руҳига кўтаринки кайфият бағишлар, гўёки у сеҳрли хислатга эга экан. Биз шомон маросимларида чилдирманинг пайдо бўлиши ва ёйилиши даврини аниқ билмаймиз, лекин Сибир шомонлари билан Шимолий Америка ҳиндулари чилдирмаларининг ўзаро ўхшашлиги Осиёдан Америкага ялпи кўчишдан олдин ҳам бўлган деган хулосага олиб келади¹⁴⁴. Машҳур диншунос олим М. Элиаде «Ўрта Осиё шомонлари, жумладан, туркий халқларда чилдирмадан фойдаланилмайди. Уларга бу нарса маълум эмас» — деб ёзади¹⁴⁵. Аслида бу хато фикр бўлиб, биз тадқиқот давомида туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи шо-

¹⁴² *Басилов В.Н.* Ташмат бола // Советская этнография. — 1975. — № 5. — С. 21.

¹⁴³ *Басилов В.Н.* Избранники духов ... — С. 40.

¹⁴⁴ Чилдирма Ҳиндистонда яратувчилик рамзи ҳисобланади. Шу боис ҳам уни рақсга тушаётган Шива тасвирида учрагами. Япон роҳиблари эса доира товушини ҳаёт яратилиши ҳамда ўлим рамзи деб билганлар. Чилдирма Лапландиядан Сибирга қадар тарқалган. Шимолий Америка эскимослари ва Жанубий Америка ҳиндулари унинг ўрнида шиқилдоғидан фойдаланишади / Қалб кўзи. — 1997. — Июль. — Б.5.

¹⁴⁵ *Eliade M.* Shamanism. Archaic techniques of ecstasy. — Princeton, 1974. — P. 45.

монлик маросимларида бахшининг чилдирма чалиб руҳларни чақириш одати жуда қадимий эканлигига амин бўлдик. Қолаверса, туркий халқлар орасида кенг тарқалган афсонага кўра, Эрликхон теридан бир довул ясаб, илк шомонлик маросимини ўтказган экан. Ўрта Осиёдан ташқарида яшовчи туркий халқлар — уйғур, олтойлик, хакас шомонлари қадимда доира садолари остида фол очадилар¹⁴⁶.

Мамлакатимиз ҳудудига ислом дини кириб келгач, шомонлик эътиқоди тубдан ўзгарган. Шомонлик эътиқодлари ислом ақидалари билан уйғунлашиб кетган. Ҳар бир маросимни бошлашдан олдин шомонлар дастлаб худога, пайғамбарларга ва мусулмон авлиёларга, сўнгра ўзларининг ҳомий руҳларига:

*Алвон кўйлак кийганлар,
Енги ерга текканлар,
Менга мадад беринглр!¹⁴⁷*

— деб мурожаат қиладиган бўлганлар. Кўплаб шомонлар анъанавий чилдирмадан воз кечиб, тасбеҳ билан ишлашга ўтганлар. Жумладан, Лола бахши, Ўнғол бахши, Муниба бахшилар ўз амалларини тасбеҳ орқали бажарганлар. Ҳомий руҳлар мусулмон руҳонийлар Баҳоуддин балоғардон, Ҳазрати Хизр, Ҳазрати Сулаймон, Биби Фотима, Биби Зухра қиёфасида кўринган. Лола бахшига руҳлар оқ рўмолли аёл шаклида, Рустам бахшига эса Ҳазрати Хизр, яъни оқ соқолли нуроний киши тарзида намоён бўлган¹⁴⁸.

Водийдаги аксарият бахшилар пайшанба, жума кунлари беморлар, мижозларни қабул қилмайдилар. Уларнинг асосий иш кунлари сешанба, чоршанба ва шанба ҳисобланади¹⁴⁹. Наманган вилояти Чуст шаҳрида яшовчи Зулфия бахши ўзига хос иш тартибига амал қилади. У одамларни қабул қиладиган хонасининг кираверишига махсус кун тартибини ёзиб осиб қўйган. Зулфия бахши ўзи белгиллаган кун тартибига кўра шифо тилаб келувчиларни душан-

¹⁴⁶ *Басилов В.М.* Шамаństwo у народов Средней Азии и Казахстана ... — С. 5.

¹⁴⁷ *Дала ёзувлари.* Наманган вилояти Косонсой тумани Хонобод қишлоғи. 2000 йил

¹⁴⁸ Хизр култи тўғрисида батафсилроқ қаранг: *Нурмонов Ф.* Ўзбек халқ эпосларида Хизр образининг эпик талқини // *Ўзбек тили ва адабиёти.* 2003. — № 4. — Б. 61-65; *Уша муаллиф.* Хизр образи генезисига доир айрим мулоҳазалар // *Ўзбек тили ва адабиёти.* 2004. — № 2. — Б. 51-54.

¹⁴⁹ *Дала ёзувлари.* Наманган вилояти Косонсой тумани ғайтмас қишлоғи. 2005 йил

ба, сешанба, чоршанба ва шанба кунлари қабул қилади. Пайшанба ва жума кунлари ҳомий руҳлар ҳажга кетганлиги, якшанба эса бахшининг ўзининг дам олиш куни бўлганлиги боис шифо тилаб келган одамлар кўрилмас экан.

Шомонлар ўз эътиқодига кўра жазава пайтида ер ости (марҳумлар), ер усти (тириклар), осмон (руҳлар) дунёсида бемалол кезиб юра оладилар ва у ердагиларга ўз таъсирини ўтказиши мумкин деб ҳисобланади. Шу боисдан ҳам шомонлар ислом дини томонидан қаттиқ қаршиликка учраганлар.

Фарғона водийси шомон-бахшилари дафн маросимларига қатнашмайдилар. Уларга мурдани кўриш тақиқланган. Агар қандайдир тасодиф билан мурдани кўриб қолсалар ёки дафн маросимига қатнашсалар, уларнинг ҳомий руҳлари кетиб қолар экан. Шунинг учун бахшилар тасодифан мурдани кўриб қолган вақтда маросимий қурбонлик қилиб фотиҳаларини янгилар экан. Бундай нуқтаи назар илдизлари Ўрта Осиё халқларининг қадимий маҳаллий анъаналари билан боғлиқ бўлса керак. Зардуштийлик концепциясига кўра марҳум жасади атроф-муҳитни нопок қилади деб ҳисобланган. Шу сабабга кўра XX аср бошларида марҳумлар билан алоқада бўладиган гассоллардан одамлар ўзларини олиб қочганлар ва улар билан доимий алоқада бўлишга уринмаганлар¹⁵⁰. Бошқа томондан қадимги турк асотирларида таъкидланишича, олтойликлар инсон вафот этганидан кейин унинг уйи ичида Олдожи деган ёмон ва нопок ўлим руҳлари маълум бир муддатгача қолишига ишонганлар. Шомонлар ўзларини тоза ҳисоблаганлари учун бу нопок руҳлар томонидан ифлосланмайлик, дея ўлик чиққан уйга кирмайдилар¹⁵¹. Қолаверса, ёқутлар орасида ҳам “оқ” шомонларнинг дафн маросимларида иштирок этишлари тақиқланган¹⁵².

Энди эса водийда яшовчи шомон бахшилар томонидан бажариладиган маросимларнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратсак. Бахшилар томонидан ўтказиладиган энг масъулиятли ва қизиқарли маросимлардан бири — кўчирма ҳисобланади. Ушбу маросим Фарғона водийсида «кўчирма», «кўчирик», «кўчурув», «кўчүрү» деб аталади. Кўчирма маросимини асосан руҳан бақувват, катта ёшли бахши-

¹⁵⁰ *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... – С. 156-163.

¹⁵¹ *Мурот Ўроз.* Турк асотирлари // Сирли олам. – 1991. – № 11. – Б. 9.

¹⁵² *Алексеев Н.А.* Культ айыы – племенных божеств, покровителей якутов: К вопросу о так называемом белом шаманстве // Этнографический сборник. – Улан-Удэ, 1965. Вып. 5. – С. 167.

ларгина ўтказадилар. Жумладан, Саодат, Мейли, Лола бахшилар кўчирма қилганлар. Одатда, оғир ҳолатдаги касаллар кўчирма қилинган. Кўчирмадан мақсад бемор танасига кириб олган ёки зиён етказган инс-жинс, девлар, париларни ҳайдашдан иборат бўлган. Ушбу маросим кўп ҳолларда касал кишининг хонадонидида ўтказилади. Маросим ўтказиладиган куни бахши бемор хонадонига олиб келинади ва зиён етказган руҳларга атаб қурбонлик сўйилади. Курбонликка асосан кўй-кўзи, эчки, улоқ баъзан товук ҳам сўйилади. Косонсойлик Лола бахши кўчирма маросимини қуйидагича олиб борган; аввал беморни кўчирик ўтказиладиган хонага ўтказди ва унинг олдида оқ, қизил ва қора матолар солиб, сув, қуруқ чой, туз ва хамиртуруш сингари нарсалар қўяди. Бахшининг таъкидлашича, парилар келиб солинган матонинг устига ўтириб, гўё бу нарсаларга дам солар эканлар¹⁵³. Баъзида момолар, отахонлар буйруғига кўра касал ҳеч кимни кўрмаслиги, яъни чилла сақлаши лозим бўлган пайтда чимилдиққа олинган.

Маросим ибтидосида бахши турли руҳларга бағишлаб чироқ қўяди. Чуст тумани Гова қишлоғида истиқомат қилган Тошмат бахши қизил, оқ ва қора латталар ўралган чироқ қўйган. Тошмат бахши чироқни ёқишдан аввал уни беморга тегизиб олган¹⁵⁴. Косонсойлик Лола бахши эса дастлаб худо йўлига битта, қирқ чилтонларга атаб қирқта, сўнгра момоларга учта, қоровулга битта, ўн бир раҳматга атаб ўн битта чироқ қўяди. Сўнгра бахши хонадон супрасидаги ундан олиб икки жойга тўплаган ва унга чироқларни суқиб қўйган. Бахши пиликни ёқиб «*супра улуғ нарса, ун—оқлик, пешонангиз оқ бўлсин, бахтингизга бемор тузалиб кетсин*», деб айтиб турган пайтда маросим қатнашчилари касалнинг қариндошлари (асосан аёллар) навбат билан супра олдида келиб, таъзим қилиб, ун уюмини ўпганлар. Шундан кейин касал ётган уйда маросим қатнашчилари иштирокида «кўчирма» маросимининг асосий қисми бажарилган. Бунда бемор хона ўртасида қиблага қараб ўтқизилган ва унинг юзи доқа ёки енгил мато билан ёпиб қўйилган. Курбонлик қилинган ҳайвон қонидан бахши томонидан бир пиёлага олинган ва касалнинг пешонаси, чаккаси, кўкраги, қорни, кафти, товонининг юқори қисмига суртилган. Агар касалга қора девлар зиён етказган бўлса унинг тўққизта бўғимигина қонланар экан. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашлари-

¹⁵³ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Хонобод қишлоғи. 1999 йил.

¹⁵⁴ Басилов В.Н. Шаманства у народов Средней Азии и Казахстана ... — С. 171.

ча, беморнинг тузалиши касал танасига суртилган қоннинг йўқолиши билан боғлиқ бўлган. Агар суртилган қонни руҳлар сўриб олса, бемор жуда тез фурсатда тузалар экан¹⁵⁵. Бахши пиёладаги қонни касалга суртиш пайтида «*Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм, қони-қонига, жони-жонига даво бўлсин*», деган тилак билдирган. Шундай қилиб, гўёки қурбонлик қилинаётган ҳайвон қони ва жони билан касалнинг қони ва жони алмаштирилган. Фарғона вилояти Охунбобоев тумани Шомирза қишлоғилик Фарида бахши кўчирма маросими учун сўйилган ҳайвон қонини косага олиб қолган ва беморнинг олди ҳамда орқа кўкрак қисмига суртган. Бемор қонлангандан сўнг ўз уйига кетган. Шундан кейин бахшининг ўзи қон қуйилган косага 7 кун давомида Ёсин сурасини ўқиган. Сура дастлабки куни 7 марта ўқилган. Ҳар кунига қисқартирилиб борилган ва охири еттинчи кун 1 марта ўқилган. Еттинчи кундан сўнг бахши косада қотиб қолган қонни ва қурбонлик тарзида сўйилган жониворнинг оёқ суягини оқ матога ўраб бемор уйига келади. Сўнгра у суякни қабристонга олиб бориб кўмади ва бемор қонланганда кийган кийимини олиб тез оқар сувга оқишиб юборади¹⁵⁶.

Бу амалларда унга зиён етказган бало-қазолар ва зиён-заҳматлар ушбу суяк билан ерга кўмилсин ҳамда сув билан қўшилиб оқиб кетсин, деган магик ният мужассамлашганини кўришимиз мумкин. Ўз ўрнида шуни ҳам қайд этиш керакки, агар кўчирма маросимида қурбонлик сўйишнинг иложи бўлмаса, янги сўйилган қўйнинг калла-почаси, юраги, териси сотиб олинган. Бундай ҳолатда касалнинг устига қора мато ёпилиб, ҳайвон юрагининг қони билан қонланган¹⁵⁷.

Бахши эса чилдирма садолари остида бемор атрофида айланиб, ёвуз руҳларни қувган. Бунда шомонлар кўпинча «Обло ҳақ!» деб қичқирганлар, маросим иштирокчилари ҳам ушбу даъватни такрорлаб турганлар. Маросим давомида шомон билан бирга беморнинг ёнида ўтирганлар ҳам баъзида жазава ҳолатига тушганлар. Шундан сўнг бахши беморни еттита ёки тўққизта тол ва жийда хивчинлари билан ўнг томонидан бошлаб урган ва жинларни гўё чап тарафдан ҳайдаб чиқарган. Одатда, тол хивчинлари ёки мевали дарахт шохла-ри касалнинг ҳолатига қараб ишлатилган. Агар бемор нисбатан ен-

¹⁵⁵ Дала ёзувлари. Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Олабуқа тумани Олабуқа шаҳарчаси. 2004 йил.

¹⁵⁶ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Охунбобоев тумани Шомирза қишлоғи. 2004 йил.

¹⁵⁷ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Қайтмас қишлоғи. 1997 йил.

гилроқ хаста бўлса мевали дарахт, огиirroқ касал бўлса мевасиз дарахт (тол) хивчинларидан фойдаланилган. Тол ёхуд мевали дарахт хивчинлари ишлатилишига сабаб, гўёки ёвуз руҳларни касал танасидан якуний ҳайдаш бўлган. Кўчирма якунида бахши бемор елкаси, қўлларини силаган ҳолда унинг танглайини кўтариб қўйган.

Сўйилган ҳайвон гўштидан бир қисми бахшиларга берилиб, қолган асосий қисмидан шўрва тайёрланган ва маросим иштирокчиларига тарқатилган. Териси эса бемор ётган уйга осиб қўйилган. Бахшининг таъкидлашича, ёвуз руҳлар кўчирмадан сўнг хонага илиб қўйилган қўй терисига бориб ўтирадилар. Айнан шу сабабга кўра маросим якунида сўйилган қўй суяклари йиғилиб, ўз терисига ўралган ҳолда қабристон ёки қишлоқдан узоқроқ жойга кўмиб келинган ё бўлмаса ёқиб юборилган. Баъзида эса у йиртқич ҳайвонларга емиш сифатида ташланган.

Кўчирма маросимида шомон ва баъзи қатнашчиларнинг васваса ва жазава ҳолатига тушишлари асослари узоқ ўтмиш даврга бориб тақалади. Юнон тарихчиси Геродот Аракс (Амударё назарда тутилган) бўйи аҳолисининг ёнаётган мева ҳидидан жўшиб кетишлари ва охири ўйинга тушиб ашула айтишлари хусусида баъзи маълумотларни ёзиб қолдирган¹⁵⁸.

Фаргона водийси шомон-бахшилари “юраги тушган” одамларни ҳам даволайдилар. Бунга кўра бирор - бир воқеа ёки ҳодисадан қаттиқ кўрқиб юраги жойидан силжиб қолган одамларнинг юраги кўтариб қўйилади. Жумладан, Ўш вилояти Қорасув туманида истиқомат қилган Хадича бахши бирор - бир кишининг юраги тушган ёки тушмаган эканлигини кўрғошинни эритиб косадаги сувга солиш орқали аниқлар экан. Кўрғошин косадаги сувга солинганда коса тубига ми-соли юрак сингари йиғилиб тўпланиб қолса у одамнинг юраги тушган ҳисобланаркан. Бахши бу кишини хўроз ёки товуқ сўйиб қонлаш орқали юрагини жойига тушириб қўяр экан. Юрак кўтариш жараёнида сўйилган парранда қонидан бир пиёлага олиб, юраги тушган одам юраги атрофи қонланар ва унга тошбақа қони ялатилар экан. Шундан кейингина унинг юраги жойига тушади, деб ҳисобланган¹⁵⁹.

Бахшилар фаолиятига иссиқ-совуқ қилиш амаллари ҳам кирган. Одатда, иссиқ-совуқ, яъни иситма-совутма қилиш кўпинча оилада эр-хотин, она ва бола, ота-ўғил, қариндошлар, қўшнилар ўртаси-

¹⁵⁸ Геродот. История. — М., 1988. Т. 1. — С. 201-205.

¹⁵⁹ Дала ёзувлари. Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Қорасув тумани Қизил Меҳнат қишлоғи. 2004 йил.

даги муносабатларга совуқчилик солиш ёки аксинча солинган совуқчиликни бартараф этиш мақсадида бажарилади. Бунда, масалан, эрни хотиндан ёки аёлни эридан совутиш ёки аксинча иситиш учун унинг кийимлари, ейдиган овқати, ичадиган чойига, сепадиган атирига махсус дам—дуо ўқилади. Агар иситма амали қилинган бўлса, уни ечиш мақсадида ўқилган дуо пичоқ билан гўёки кесилган ва турли хил иплардан банд ва тумор қилиб берилган¹⁶⁰.

Фарғона водийси шомонларининг даволаш маросимида яна бир кенг тарқалган кўринишлардан бири касалга «зиён етказган» руҳларни боғлаб «банд» ёки «тумор»лар қилиб беришдир. Чустлик Бўта бахши банд қилиш жараёнини қуйидагича изоҳлайди: “Банд қилишдан олдин товуқ сўйилиб, унинг қонидан пиёлага олинади ва беморнинг танасига суртилади. Сўнгра бахши товуқни пишириб шўрва тайёрлашни буюради ва руҳларга атаб чироқ ёқади. Шундан сўнг у чилдирма чалиб худога, авлиё-анбиёларга ва ёрдамчи руҳларга муурожаат қилади. Бахшининг олдида сув тўлдирилган пиёла бир тутам пахта солинган ҳолда туради. Бахши сувга қараб, чилдирма чалган ҳолда: «*Тўрт кўзли жин келди, боғланг! Оқ нари келди, боғланг! Оқ ит келди, боғланг!*» деб айтиб туради. Бунда бахши ҳар гал боғланг, деб айтганида беморнинг яқинлари ёки бахшининг ўзи ипни тугун қилиб боғлайди. Одатда, иплар турли рангларда бўлиб, улар 7, 9 ёки 11 хил рангда бўлиши мумкин. Косонсойлик Фарид бахши эса бандга олишда етти хил ип ва от ёлидан фойдаланган¹⁶¹.

Банд қилишда бахши дуолар ўқиб ипга «суф-суф» деб дам солиб турган. Банд қилиб бўлингандан сўнг бахши беморга “сенинг инс-жинсларингни боғлаб қўйдим”, деб айтган. Банд оилада ўзаро совуқчилик тушиб эридан нолиб борган аёллар, турли буюмлари йўқолган кишилар, иши юришмаётган одамларга қилиб ҳам берилган¹⁶². Бахши томонидан қилинган бандни бемор ёки бандга муҳтож бўлган киши бахши айтган кунгача тақиб юрган. Сўнгра уни сувга ташлаб ёки ўтда ёқиб юборган. Биз бунга ўхшаш ип тугунларни боғлаш одатини Сибир, Европа ва Олд Осиё халқларида кенг тарқалганлигини кўрамыз. Ж. Фрэзер тугунларнинг аф-

¹⁶⁰ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Хўжақўрғон қишлоғи. 2005 йил.

¹⁶¹ Фольклоршунос А. Мусоқуловнинг ёзишича, халқ тасаввурида от ёли магик ҳимоя восита кудратига эга бўлган. Қаранг: *Мусоқулов А. Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари*. — Б. 143.

¹⁶² Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Қайтмас қишлоғи. 2003 йил.

сунгарлик кучи ва қўлфлар тўғрисидаги асотирлар хусусида ба-тафсил маълумот берган¹⁶³.

Ўзбек халқи турмуш тарзидаги шомонлик эътиқоди изларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида шунга амин бўлдики, шомонлик эътиқодини ижтимоий кўриниш тарзида таҳлил қилиш зарур. Чунки шомонлик ўзбек халқи дунёқараши билан боғлиқ бўлиб, умуммаданиятнинг бир қисми ҳисобланади. Қолаверса, юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар туркий халқлар шомончилиги қадимдан шу заминда мавжуд бўлган, деган хулоса чиқаришга имкон беради. Умуман олганда шомонлик маросим ва урф-одатларига оид тадқиқот якунида унинг айнан Фарғона водийси ўзбекларига хос локал хусусиятлари тарзида асосан қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

1. Водий ўзбеклари орасида шомонлик фаолияти билан асосан аёллар шуғулланганлар. Улар қозоқлар, туркманлар, Дашти қипчоқ ўзбекларидан фарқли равишда асосий даволаш маросимларини қуёш ботгандан кейин эмас, балки кундуз куни ўтказадилар.

2. Фарғона водийсидаги шомонлар томонидан фол чиши жараёни тасбеҳ ёки косадаги сувга пахта ташлаш орқали ёки ойнага қараб амалга оширилади. Қолаверса, даволаш жараёни бошқа мусиқа асбобларидан кўра кўпроқ доира (чилдирма) жўрлигида олиб борилади. Ўз навбатида кўчирма маросими ўтказилишида беморнинг юзи оқ мато билан ёпиб қўйилади. Бошқа минтақалардаги шомонларнинг даволаш жараёнида турли пичоқ, ханжар, қилич орқали ўтказиладиган шомонлик трюклари водий шомон-бахшилари томонидан бажарилмайди.

3. Ҳомий руҳларга атаб маросимий қурбонлик тарзида қўй, эчки каби ҳайвонлар билан бирга товуқ (хўроз) ҳам сўйилади ва қурбонлик сифатида сўйилган жонивор қони билан бемор қонланади. Шунингдек, ҳомий руҳларга атаб маросимий таом сифатида ун маҳсулотларидан таомлар тайёрланади.

4. Шомонлар беморларни даволаш жараёнида тол новдаларидан касалга зиён етказган ёмон руҳларни қувиш мақсадида фойдаландилар.

5. Водий шомонлари орасида ҳам ҳомий руҳлар қистови остида жинсини алмаштириш ҳолатлари учрайди.

6. Турли-туман рангдаги ипларни боғлаш, яъни банд-баст қилиш

¹⁶³ Фрэзер. Д. Золотая ветвь ... – С. 151.

орқали зиён етказувчи руҳларни боғлаш амаллари ҳам бажарилади.

7. Даволаш жараёни сўнггида шомон бахшилар томонидан ёрдамчи руҳлар кўмагида касалга зиён-заҳмат етказган нарса олиб кўрсатилади.

Умуман олганда, Ўрта Осиёнинг кўплаб бошқа ҳудудлари сингари Фарғона водийсида ҳам шомонлик эътиқодининг исломлашуви ўзига хос локал кўриниш касб этишига сабаб бўлди дейиш мумкин. Қолаверса, шомонлик эътиқодига доир билдирган мулоҳазаларимизнинг кўплари афсунгарлик кўринишидаги маросимларга оид. Улар ғайриилмий, ғайри табиий кўринишларда бўлишига қарамай замирида ҳақиқат зарралари мавжуд эмас, дея олмаймиз. Илмий билимнинг бугунги тараққиёти аввал инкор этилган ёки ҳақиқат деб қабул қилинган кўплаб сир-синоатларга, турли ҳодисаларга ақл билан ёндашиб, уларга оз бўлсада, шубҳа билан қараб, ҳақиқий моҳиятини очишни, бу орқали инсоният билимларини мусаффолаштириб, янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Ҳозирда шомонликнинг кўплаб очилмаган қирралари намоян бўлмоқда. Биз бунга юқорида шомон бахшиларнинг даволаш жараёнида, уларнинг руҳлар билан мулоқотида, бахшиларнинг касалларни даволаш жараёнида, руҳлар ёрдамида йўқолган буюм, нарса, жонивор ва одамларни топиш жараёнларида амин бўлдик. Шомонларнинг шомон бўлишдаги ўзига хос «шомон касали» ҳам алоҳида кўринишга эгадир. Лекин бугунги кунда шомонлик эътиқодига оид кўплаб ечилиши зарур бўлган муаммолар турибди. Биз бунини шомонларнинг шомон касалига чалиниб, сўнгра шомонликни бўйнига олганидан сўнг тузалиб кетиш жараёнида, уларнинг ҳомий руҳлар билан мулоқотида ва шу каби шомонлик эътиқоди билан боғлиқ кўплаб кўринишларда учратамиз.

1.4. Зардуштийлик дини билан боғлиқ анъана ва маросимлар

Дунёда янги динларни одамларга етказувчи, ижтимоий-маданий ҳаётда ва тарихда ўчмас из қолдирган сиймолар кўп бўлган. Улардан бири Зардуштдир. У милоддан аввалги VII аср охири—VI аср биринчи ярмида Ахура-Маздани якка-ягона Илоҳ деб эълон қилиб, тарихда биринчи бор ваҳдоният ғоясига таянган — зардуштийлик динига асос солган. Зардушт Спитама қавмидан (сўғдийча

Спитамен деган исм ҳам шундан келиб чиққан) бўлиб, отасини Пурушасп, онасини Дуғдова деб атаганлар¹⁶⁴.

Милоддан аввалги V—IV асрлардаги қадимги юнон олимлари асарларида илк бор Зардушт номи учрайди. Юнонлар уни Зороастра, у асос солган динни эса «зороастризм» номи билан юритганлар¹⁶⁵.

Зардуштийлик атамаси динга нисбатан шартли равишда қўлланган. Бу ҳол динни унинг пайғамбари номи билан боғлашдир. Аслида Зардушт дини Мазда Ясна деб аталган, яъни Маздага, “Мутлоқ оқил” зотга сифиниш демакдир¹⁶⁶.

Зардуштийлик таълимотига кўра бу дунёнинг ибтидоси бўлганлиги каби интиҳоси ҳам муқаррар, яъни борлиқ вақт, замон ўлчамида чексиз эмас. Ҳаёт эса яхшилик ва ёмонлик, рост ва ёлғон, ёруғлик ва зулмат ўртасидаги азалий ва абадий, доимий ва келиштириб бўлмайдиган курашлардан иборат. Ёруғлик, яхшилик ва эзгулик кучларини Ахура-Мазда ва муқаддас руҳ «Спента-Майн», қора зулмат, ёвузлик кучларини эса бузғунчи руҳ Анграманю (кейинчалик Ахриман дейилган—А.А.) бошқаради. Ахриман қўшинлари таркибига девлар, олдинги худолар, ҳасад, ялқовлик, ёлғончилик каби жонлантирилган ёмон тушунчалар, ёвуз кучлар ва жодугарлар кирган бўлиб улар оловга, ерга, сувга, чорвага зиён етказишга уринганлар. Ахриман ўлим, қиш, совуқ, жазирама иссиқ, зарарли ҳайвонлар ва ҳашаротларни яратган. Ахура-Мазда эса яхшилик, соғлик, бахт келтирувчи илоҳ ҳисобланган. Зардушт «Биз Ахура-Маздани улуғлаймиз, у чорвани, сувни, ўсимликларни ва ёруғликни яратган» деб айтади¹⁶⁷. Ахура-Мазда ҳаётни ва дастлабки одамни яратувчи илоҳ деб фараз қилинади.

¹⁶⁴ *Рак И.В.* Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. — Спб., — М.: Журнал «Нева»-«Летний сад», 1998. — С. 249.

¹⁶⁵ *Koster W.* Le mythe de Platon, de Zarathustra et des chaldéens. — Leiden, 1951; *Carnoy A. J.* Lumieres iraniennes et anatoliennes sur l'hieronymie grecque // Proceedings of the Twenty Third International Congress of Orientalists. — London, 1954. — P. 171-172; *Duchesne-Guillemain J.* The Western Response to Zoroaster. — Oxford, 1958; *Afnan R.* Zoroaster's Influence on Greek Thought. — New York, 1965; *Conti R.* Cosmogonie orientale e filosofia presocratica. — Roma, 1967. — P. 292-293, 408; *Biesterfeld W.* Der Platonische Mythos des Er (Politeia 614b-621d). — Mynster, 1970; *West M. L.* Early Greek Philosophy and the Orient. — Oxford, 1971; *Schmeja H.* Iranisches und Griechisches in den Mithramysterien. — Innsbruck, 1975; *Пьянков И. В.* Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. — Душанбе, 1975.

¹⁶⁶ *Авесто:* Яшт китоби / М. Исҳоқов таржимаси.— Т., 2001. —Б. 4.

¹⁶⁷ Ясна 48, I; Ясна 5, 8 / В. А. *Лившиц таржимаси* / История таджикского народа. — М., 1963. — С. 182.

Зардуштийлик фалсафасига кўра яхшилик ва ёмонлик инсонларнинг ботиний — ички дунёсида яшайди. Инсон эса Ахура-Мазда рухидан яратилганлиги туфайли яхшилик учун курашмоғи зарур. Лекин бу дунёнинг асослари яратилишига Ахриман аралашганлиги сабабли инсон қалби ҳам бутун дунё каби яхшилик ва ёмонлик, нафс билан сабр, ҳасад билан саховат каби эзгу фазилатлар ва қабих хусусиятлар кураши майдонидир. Шу туфайли зардуштийлик таълимотини қабул қилган ҳар бир шахс ўзини беҳдидон — эзгу диндаги деб атаган. Зардуштийликнинг асосий ахлоқодоб фалсафаси уч сўзда — «Гуманту» — эзгу фикр, «Гутка» — эзгу сўз, «Гваршита» - эзгу амалда мужассамлашган¹⁶⁸. Демак, зардуштийлик имони фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлигидан иборат бўлган.

Тарихий манбалар ва адабиётлардан маълумки, зардуштийлик дини асосий қонун-қоидалари, ахлоқий ғояси, фалсафаси, урфодатлари ва анъаналари ушбу диннинг муқаддас китоби - “Авеста” да баён этилган.

“Авеста”нинг ўн икки минг қорамол терисига тилло билан ёзилганлиги тўғрисида кўплаб тарихий манба ва адабиётларда маълумотлар мавжуд¹⁶⁹. Ушбу фикрлар ҳозиргача қатор илмий нашрлар ва мақолаларда кўп маротаба таъкидланган. Лекин бу ўринда биз учун мазкур фактнинг уч жиҳати жуда муҳимдир. Биринчидан, “Авеста”нинг 12 минг қорамол терисига ёзилганлиги ўша даврларда ўлкамизда чорвачилик ҳўжалиги жуда тараққий этганлигидан далолат беради. Иккинчидан, биз бундан бир неча минг йиллар олдин мамлакатимиз ҳудудида ёзув маданияти бўлганлиги ва аждодларимизнинг юксак ривожланганлиги ҳамда нозик хаттотлик мактаби билимдонлари етишиб чиққанлигига иқрор бўламиз. Қолаверса, ушбу фактнинг учинчи муҳим жиҳати шундан иборатки, айнан 12 минг қорамол терисига муқаддас китобнинг ёзилганлиги, бу даврда терига ишлов бериш санъат даражасида тараққий этганлигидан далолат беради.

“Авеста” нафақат кўҳна Шарқ дини, тарихи ва маънавияти илк ёзма мероси тарзида қадрли, балки у буюк умуминсоний қадрият ҳам ҳисобланади. Унда маздопарастлик динининг асосий қоидалари, фарз ва суннатлари, Яздони покнинг яккаю ягона яратувчи-

¹⁶⁸ *Маковельский А.О.* Авеста. — Баку: АН АзербСССР, 1960. — С. 100.

¹⁶⁹ *Қаранг:* Абу Райҳон Беруний Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. — Т., 1968. — Б. 238; *Брагинский И.С.* Из истории таджикской народной поэзии. — М., 1956. — С. 188-189; *Сулаймонова Ф.* Шарқ ва ғарб. — Т., 1997. — Б. 25

лик қудрати зикр этилган. “Авеста”да ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар, илк давлатчилик анъаналари, турли ижтимоий табақаларнинг жамиятда тутган ўрни, дунё ва одамнинг нокомиллиги, оилавий турмуш тарзи ва у билан боғлиқ урф-одатларга оид қимматли маълумотлар мавжуд.

Энди эса тадқиқотнинг асосий муаммоси зардуштийлик урф-одатлари ва маросимлари ҳамда уларнинг ўзбек халқи турмуш тарзида исломий анъаналар билан синкретик тарзда сақланиб келаётган кўринишларини таҳлил қилсак.

“Авеста”нинг кўп ўринларида оила, оила аъзолари ва оила бошлиғининг вазифаси ва мажбуриятлари, оила - никоҳ муносабатлари турли ўринларда, ҳар хил муносабатлар билан махсус баён этилган.

Авеста Яшт китобининг X бобида *уй(оила)* — *нмана, уруғ — висья, қабила—зантума, мамлакат—дахйума, руҳоний (бош сиймо)—Зартуштротэша дейилган. Уй (оила) бошлиғи - нманопати, виспати—қабила бошлиғи, дахйупати—юрт боши. Ноф деб қариндош-уруғлар уюшмасига айтилган*¹⁷⁰. Шунингдек, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқини эъзозлаш, оила дахлсизлиги ва мустаҳкамлигига эришиш, ота-онанинг фарзанд олдидаги, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи, фарзандларни оила қуришга тайёрлаш ва кўплаб оила турмуш анъана ва маросимларига оид фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Зардуштийлар бир неча асрлар давомида руҳонийлар қузатуви остида ўзларининг урф-одат ва маросимларини шакллантирганлар. Зардуштийларда йил фасллари билан боғлиқ байрамлар, Наврўз, ойлар байрами, аждодлар эътиқоди, турли дуолар айтиш, покла ниш маросимлари, ўсмирларни зардуштийликка қабул қилиш (сидрапўшлик оқ либос кийиб, белбоғ боғлаш) ва бошқа тантаналар муҳим роль ўйнаган. Бундан ташқари зардуштийларда никоҳ маросими, бола туғилиши ва дафн билан боғлиқ қатор маросимлар ҳам мавжуд бўлиб, буларда асосан яқин қариндошлар, шаҳар ва қишлоқнинг ҳурматли кишилари билан бирга руҳоний ҳам иштирок этган. Зардуштийлик маросимлари сирасига кундалик ибодат ҳам кирган.

Зардуштийлар бир кеча-кундузни беш қисмга бўлиб, ибодат қилганлар. Ибодатдан олдин ҳар бир диндор белбоғини ечиб юз-кўллари ва оёқларини сигирнинг тозаланган сийдиги, қум ва сув

¹⁷⁰ *Авесто.* / А. Маҳкам таржимаси... — Б. 185; *Авесто Яшт китоби* / М.Исҳоқов таржимаси ... — Б. 15.

билан поклаган, сўнгра муқаддас белбоғини боғлаб, «сидра»ни кийган ҳолда белбоғнинг олди тарафини қўли билан ушлаб турган. Унинг нигоҳи тақводорлик рамзи бўлган оловга қаратилган. Ибодат пайтида тақводор зардуштий махсус дуолар ўқиш билан бирга Ахура-Маздани мадҳ этиб, олқишлаб, Ахриманни лаънатлаган. Бутун ибодат даври бир неча минут давом этган. Ҳар бир диндорнинг қўлида (айниқса қурбонлик маросимларида) барсман деган бир тутам хивич бўлган. Хум ҳам, барсман ҳам борлиқ мувозанатини ва тозаликни сақлаш рамзи сифатида қадрланган. Зардуштийларнинг ҳар нафасда қироат қиладиган «ахунвар» деган сўзига хос калимаси ва бундан ташқари овқатланиш, чўмилиш, уйку олдидан, жангга кириш, баъзида ҳатто жанггоҳдан қочаётганда, шунингдек, кун бўйи ўқиладиган қисқа дуолари ҳам бўлган¹⁷¹. Замоनावий зардуштийлар турмуш тарзи бўйича махсус тадқиқотлар олиб борган таниқли олима М. Бойс таъкидлаганидек, “Зардушт ўзининг давомчиларига ўзига хос икки мажбуриятни — кунига беш маҳал ибодат қилиш ва етти байрамни нишонлашни юклаган”¹⁷².

Зардуштийлар жамоаси орасида никоҳ бир умрга муҳрланган, бир эркакка икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ мумкин бўлмаган. Эри-хотиннинг бир-бирига хиёнати қаттиқ қораланган, бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном этилган, жазоланган ва никоҳдаги эр учун “ҳаром” ҳисобланган¹⁷³. “Авеста” Вендидот қисми тўртинчи фаргатида “кимнинг хотини бўлса, у хотинсиз ва дунёдан фарзандсиз ўтаётган кимсадан яхшироқдир”¹⁷⁴, деб таъкидланган.

Асрлар давомида шаклланган зардуштийлик оила турмуш анъаналари кейинчалик ислом даврида ҳам оилавий маросимларимизда ўз кўринишларини йўқотмаган ва ҳаттоки, бугунги кунда ҳам исломий анъаналар таркибида синкретик тарзда сақланиб қолган. Ўзбеклар оила турмуш маросим ва расм-русумларининг кўплари мазмун-моҳиятига кўра зардуштийлик дунёқараши билан вобастадир.

“Авеста”да оила бутунлигини сақлаш, никоҳ тартиблари, эр-хотин мажбуриятлари, никоҳни бекор қилиш сабаб ва шартлари батафсил баён этилган. Авесташунос олим Ҳ. Ҳомидовнинг такидлашича, “Авеста”нинг алоҳида Яштларида Ахура Мазда ёки Зар-

¹⁷¹ Зардуштийларнинг кундалик ибодатлари тўғрисида қаранг: *Boyce M. Zoroastrians. Their Religious Beliefs and Practices.* — London, 1979. — P. 39; *Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи.* — М.: Наука, 1987. — С. 42-43.

¹⁷² *Бойс М. Зороастрийцы ...* — С. 44.

¹⁷³ *Аширов А. «Авесто» ва зардуштийларнинг оила турмуш маросимлари ҳақида// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.* — 2002. — № 1. — Б. 50

¹⁷⁴ *Авесто / А. Маҳкам таржимаси* — Б. 121.

душтийнинг келин-куёвларга даъвати ёки муружаатлари келтирилган¹⁷⁵. Зардуштийлар таомилига кўра уйланмоқчи, оила қурмоқчи бўлган ҳар бир кишига йўл кўрсатмоқ ва моддий ёрдам бермоқ ҳам маънавларнинг вазифасидир.

Ўзбекона удумларга кўра, никоҳ маросимлари бошланишидан то якунига қадар оила, қариндош-уруғлар, маҳалла, қишлоқ оқсоқоллари маслаҳати ва йўл-йўриғи билан бажарилиши анъанага айланган¹⁷⁶. Бу борада ҳар бир муҳим тўй-тантаналар олдида ўтказиладиган “маслаҳат оши” тадбирлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Зардуштийлик дини тартиб-қоидаларига кўра ўз ҳаётини бўйдоқ ўтказиш қораланган. Балоғатга етган қиз ота-она, жамоа райини писанд қилмай зурриёт қолдиришни истамай, қасддан турмушга чиқмай умргузаронлик қилиб юрса, у қопга солиниб 25 дарра калтакланиш билан жазоланган. Зардуштийлик қонунларига кўра, эркаклар 17 ёшдан уйланиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Агар эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босилиб, бадном қилиш мақсадида белига ҳар доим темир камар боғлаб юришга мажбур этилган¹⁷⁷. “Авеста”да қайд қилинишича, эркак киши аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлмоғи лозим, бунинг учун у ўз вақтида тўйиб овқатланиши зарур, акс ҳолда эркак ўз хизмат ва бурчларини бажара олмайди. Еб-ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодат қилишга кучи етмайди. Эр-хотинлик вазифасини адо этишга қуввати етмайди, соғлом фарзандларни дунёга келтира олмайди¹⁷⁸.

Зардуштийлик ахлоқ кодекси мажмуида соғлиқни сақлашга алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, аёлларга ҳомиладорлик даври ва фарзандли бўлганидан сўнг алоҳида ғамхўрлик қилиш лозимлиги таъкидланади¹⁷⁹. Лекин зардуштийлик концепциясига кўра ҳайз кўрган аёл маросимий нопок ҳисобланган. Зардуштийларда ҳомилани тушириш ёки нобуд қилиш қаттиқ қораланган¹⁸⁰. Ҳоми

¹⁷⁵ Ҳамидов Ҳ. «Авесто» файзлари. – Т., 2001. – Б. 59.

¹⁷⁶ Ўзбеклар орасидаги жамоа муносибатлари борасида батафсилроқ қаранг: Буриев О. Большая семья у узбеков на рубеже XIX–XX вв. (на этнографическом материале южных областей Узбекистана).: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Л., 1985; Ҳакимов В.Б. Сельская община Северной Ферганы в конце XIX – в начале XX вв.: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Т., 1998; Холиқов Д., Бўриев О. Ўзбек қишлоқ жамоасида оилавий муносибатлар. – Т., 2000.

¹⁷⁷ Ҳамидов Ҳ. «Авесто»файзлари ... – Б. 60.

¹⁷⁸ Маковельский А.О. Авеста. – Баку, 1960. – С. 84.

¹⁷⁹ Маковельский А.О. Авеста ... – С. 101.

¹⁸⁰ Авесто / А.Маҳкам таржимаси ... – Б. 154.

ланинг қасддан нобуд бўлишига сабабчи аёл жазоланган. Агар бу фожиага эркак алоқадор бўлса, уни қатл этиш ҳақида ҳукм чиқарилган. Дарвоқе, бу ўринда шуни ҳам қайд этиш жоизки, айнан зардуштийликда она қорнида ҳомиланинг шаклланиши, унинг жинсий бўлиниши борасида ҳам биринчилардан бўлиб маълумот берилган. Жумладан, “Авеста”да ёзилишича, аёл қорнидаги гўдак тўрт ой ўн кунликда шаклланиб, вужудига руҳ инган бўлади¹⁸¹.

Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, Фарғона водийсида ҳам аёллар ҳомиладорлик вақти ва кейинчалик бола туғилгандан сўнг ҳам маълум табуларга амал қилиш билан биргаликда хонадон аъзоларининг алоҳида ғамхўрлиги остида бўлганлар¹⁸². Халқимизда, қолаверса, водийда ҳомилани олдириб ташлаш оғир гуноҳ саналган.

Ўзга олам тўғрисидаги инсониятнинг дастлабки тасаввурлари Зардушт ва унинг жаннат ҳамда дўзах тўғрисидаги таълимоти орқали қонунийлаштирилган¹⁸³. Шу боисдан айнан зардуштийликда мураккаб ва ўзига хос дафн маросимлари тартиб-қоидалари ишлаб чиқилган¹⁸⁴.

Зардуштийлар тасаввурича ўлим — бу ёмонлик ифодаси, касаллик ва ўлимни келтирувчи сержаҳл худо Ахримандир. Қазо қилган одамнинг танаси ҳаром ҳисобланган. Шу боис зардуштийлар ўзларининг дунёдан ўтган яқинларини ерга кўмишмаган, оловда ҳам куйдиришмаган, сувга ҳам ташлашмаган, балки зардуштийлик маросимларига мувофиқ ўлимдан сўнг уч кечаю кундуз ўликнинг руҳи нариги дунёга етиб боргунича, махсус хонага қўйилиб, пок нарсалардан маълум масофа узоқликда сақланган. Бунда оловдан ўттиз қадам, сувдан ўттиз қадам узоқлаштирилган ва ҳатто яқин

¹⁸¹ *Авесто* / А.Маҳкам таржимаси ... — Б. 154.

¹⁸² *Дала ёзувлари*. Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Олабуқа тумани Мозор қишлоғи. 2004 йил.

¹⁸³ *Boyce M.* The Pious Foundations of Zoroastrianism // BSOAS. Vol. XXXI. Part II. 1968. — P. 270

¹⁸⁴ Зардуштийларнинг ўлим ва мотам билан боғлиқ қарашлари ва анъаналари илмий адабиётларда маълум даражада ёритилган. Бу борада қаранг: *Мейтарчиян М.Б.* Зороастрийский погребальный обряд (хронологический и локальный варианты). М.: Институт востоковедения РАН, 1992; *Уша муаллиф.* Погребальный обряд зороастрийцев. — М.: Институт востоковедения РАН, 1999; *Хисматулин А.А., Крюкова В.Ю.* Смерть и похоронный обряд в исламе и зороастризме. — Спб.: Центр «Петербургское востоковедение», 1997; *Аширов А.* Ўзбек халқи мотам маросимларида зардуштийлик излари // *Ozbekiston tarixi.* — 2002. — № 1. — Б. 65-72

қариндошларидан ҳам четлатилган. Шу боис марҳумларга ўлик хизматчилари — «насосалар»гина (насу — бу ўлим ифодаси, ўлимни шимолдан учиб келган пашша олиб келади, деб фараз қилинган) шуғулланганлар¹⁸⁵. Умуман олганда, зардуштийларнинг ўлимдан кейинги иккинчи ҳаёт тўғрисидаги концептуал қарашлари гарчи Гоҳлар (гатлар)да учрамасада “Вендидот” қисмида жуда яхши баён этилган.

“Вендидот”да баён қилинишича, марҳумларга тегиб, кетиш натижасида макруҳ бўлган кийимларни куёш нурида поклаш лозим бўлган¹⁸⁶. Фаргона водийси бўйлаб олиб борган дала тадқиқотларимиз жараёнида биз шунга ўхшаш одатни кўплаб кузатдик. Жумладан, Наманган вилоятининг Косонсой, Чуст, Поп, Янгикўрғон туманларида дафн маросими вақтида марҳумни қабристонга олиб боришда ишлатилган кўрпа, ёстиқ, кўрпача, палак каби нарсалар қабристондан қайтиб келинганидан сўнг бир кеча-кундуз «юлдуз кўрсин» деб ташқарига осиб қўйилган¹⁸⁷.

Зардуштийлар дафн маросимларида мўбадлар ва марҳумнинг қариндошлари уч кеча-кундуз давомида махсус дуоларни ўқиб турганлар. Маросимлар давомида сув ичиш ва овқатланиш маън этилган. Тўртинчи кун бошланиши билан, ўликнинг руҳи нариги дунёга учиб кетганидан сўнг мурда шаҳар, қишлоқ кўрғонларидан четдаги тепалик ёки тоғу тошларга чиқариб, очиқ ҳолда қолдирилган. Мурда суяклари қушлар, йиртқич ҳайвонлар томонидан этидан тозалангач, «насосалар» зардуштийларнинг очиқ қабристонларига келиб, суякларни махсус хумчалар ёки сополдан ясалган қутисимон идишларга йиғиб, «наус» деб аталувчи махсус мақбарада сақлашади. Йилда икки мартаба баҳорги Наврўз ва кузги Меҳржон байрамларида ота-боболари арвоҳларига атаб ис чиқариб, садақа ва қурбонликлар қилишган¹⁸⁸. Марҳум чиққан уйда уч кеча-кундуз гўштли таом пишириш тақиқланади¹⁸⁹.

«Авеста»да гўристонларни шаҳар ва қишлоқлардан йироқда, баландликда жойлаштириш, уни ўраб қўйиш кераклиги уқтирилган.

¹⁸⁵ Маковельский А.О. Авеста ... — С. 101; *Авесто* /А. Маҳкам таржимаси. .. — Б. 132.

¹⁸⁶ *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... — С. 135.

¹⁸⁷ *Дала ёзувлари.* Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 1999 йил.

¹⁸⁸ *Сулаймонов Р., Исҳоқов М.* Заратуштранинг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар.. — Б. 46.

¹⁸⁹ *Авесто* / А. Маҳкам таржимаси ... — Б. 154.

Одам ёки ит мурдаси теккан ерда бир йилгача зироат экиш мумкин эмаслиги таъкидланган. «Вендидот»да мурда теккан либос, ерларни қатрон қилиш, ўликни дафнғача асраш, унинг кийимини махсус жойда асраш, уни барахна (яланғоч) қўйиш ва бошқа омиллар хусусидаги маслаҳатлар мавжуд. «Гўристон» ери 50 йилдан сўнггина ўзининг олдинги пок ҳолатига келади. Зардуштийлар ода­тига биноан ана шу муддатдан кейингина бу заминда мевали дарахтлар ўтқазиш ёки зироатчилик билан шуғулланиш мумкин бўлган¹⁹⁰.

Водийда олиб борган кузатишларимиз давомида биз минтақа­нинг аксарият ерларига қабристонлар қишлоқлардан четроқда жой­лашганлигини кузатдик. Ахборотчиларнинг таъкидлашларича, қаб­ристонлар бу ерга марҳумларни қўйиш тўхтатилгандан кейин ҳам маълум муддатгача бузилмаган, бузилган тақдирда ҳам боғ-роғ­ларга айлан­тирилган ёки деҳқончилик қилинган. Яъни бу ерда маълум бир муддат турар жойлар қурилмаган¹⁹¹.

“Авеста”да доимий бадантарбия билан шуғулланиш, кунда юз қўлни бир неча марта ювиш, қўлни ювмасдан туриб тананинг бошқа жойини ушламаслик, сочни тоза тутиб тирноқларни тоза­лаб туриш маслаҳат берилган. Чунончи, “Вендидот”нинг 17-боби­да шайтоннинг нажосати тўпланадиган ва кесиб ташланадиган тир­ноқ ва сочни нима қилиш кераклиги тўғрисида йўл-йўриқ кўр­сал­тилган¹⁹².

Соч ва тирноқларнинг афсунгарлик хоссалари ҳақидаги зар­душтийлик қарашлари излари халқимиз ҳаётида бугунги кунгача сақланиб қолган. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, тир­ноқларни олгандан сўнг уларни чекка ерга ташлаш лозим¹⁹³. Агар чекка ерга ташланмаса, у қиёматда ўша одамнинг оёғи остидан

¹⁹⁰ *Авесто* / А. Маҳкам таржимаси ... – Б. 126-127.

¹⁹¹ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 1999 йил

¹⁹² *Авесто* / А. Маҳкам таржимаси ... – Б. 169-170

¹⁹³ Тирноқ ва соч олиш, уларни сақлаш билан боғлиқ бундай иримлар жуда кўплаб халқларда мавжуд. Бу ҳақда қаранг: *Троицкая А.Л.* Рождения и первые годы жизни ребенка у таджиков долины Зерафшана // СЭ. – 1935. – № 6. – С. 132; *Тайлор Э.М.* Первобытная культура. – М., 1939. – С. 568; *Черчиев А.М.* О мотиве чудесного волос в дагестанской мифологии // Проблемы мифологии и верования народов Дагестана. – Махачкала 1988. – С. 52-60; *Талеев Т.А.* Реликты доисламских верованиях в семейной обрядности казахов ... – С. 76; *Фриштейн А.А.* О некоторых обычаях и поверьях, связанных с рождением ребенка у узбеков Южного Хорезма // Семья и семейный обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1978. – С. 206.

тешиб чиқар эмиш. Шу боисдан ҳам одамлар тирноқларини олганда қоғозга кафанга ўхшатиб ўраб: «*Қора ер сенга топширдим. Шамол сен гувоҳ бўл*», деб четроқ ерга кўмиб қўйганлар¹⁹⁴.

Фаргона водийсида олинган ёки ювилганда тўкилган сочлар ҳам ўтга, сувга ташланмайди. Чунки, сочни ўтга, сувга ташлаш оғир гуноҳ ҳисобланган. Шу нуқтаи назарга биноан олинган ёки тўкилган соч деворлар ковагига тиқиб қўйилади ёки мевали да-рахт тагига кўмилади¹⁹⁵.

Зардуштийлик дини, яъни ягона Тангрига эътиқод расман қабул қилинган, «сидрапўшлик» удуми жорий қилинган. Ҳар бир зардуштий ўн беш ёшга тўлганча балоғат нишонаси ва маздопарастлар сафига қўшилишнинг аломати сифатида сидра кийиб белига камар (белбоғ) боғлайди. Камарбанд боғламоқ ҳар бир зардуштий ҳаётида энг муҳим воқеа бўлганлиги учун у махсус маросим вазифасини ўтайди¹⁹⁶. Бу маросимга кўра Ахура-Мазда фарзлари ҳамда Зардушт ўғитларидаги суннатларни тўла бажарадиган, ҳар жиҳатдан пок, юксак ахлоқли, устоз фотиҳасини олган зардуштийга оқ матодан чакмон, кўйлак кийгизиб, бошига салла ўраш, белига эса оқ қўйнинг етмиш икки тола юнгидан тўқилган белбоғни боғлаш одат тусига киради. Белбоғни боғлашда белидан уч марта ўралади ва олди-орқа тарафидан тугун қилиб боғлаб қўйилади. Эътиқодли зардуштий бутун умри давомида ушбу белбоғни боғлаб, сидрапўшни кийиб юрган. Фақатгина ҳар бир ибодатдан олдин белбоғини ечиб қайта боғлайди. Бу одат салкам ўн уч аср давом этган. Зардуштийлар белбоғ боғлашларининг рамзий маъноси юз йиллар мобайнида шаклланган бўлиб, ўн икки толадан иборат олтита ип ришта, жами етмиш икки толали белбоғ — “Авеста”нинг муҳим қисми бўлган етмиш икки хотлари, ўн икки ой ва йил давомида маздопарастлар нишонлайдиган олтита диний байрамга нишонадир, уларнинг рамзий белгисидир. Бу ўринда уч марта айлангириб боғлаш зардуштийларнинг уч қисмли этикасини билдирган¹⁹⁷.

Авесташунос Меҳрдод Баҳор камар (белбоғ —А.А.) боғлаш хусусида шундай ёзади: ”Камар боғламоқ зардуштийларнинг муқад-

¹⁹⁴ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Косонсой тумани Қозоқовул қишлоғи. 2004 йил

¹⁹⁵ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Чуст тумани Шўрбулоқ қишлоғи. 2003 йил.

¹⁹⁶ *Авесто*. А.Маҳкам таржимаси ... — Б. 307.

¹⁹⁷ Бу ерда зардуштийларнинг 3 этикаси: эзгу фикрат, эзгу сўз, эзгу амаллари ҳақида сўз бормоқда. Қаранг.: *Бойс М. Зороастрийцы*. Верования и обычаи. — С. 42.

дас одатларидандир. Уларнинг фикрига кўра бу инсон танасини иккига ажратиб турувчи пушта ёхуд девор. Тананинг юқори қисмидан яхши амаллар вужудга келади. Пастки қисмидан эса Ахриман ёмон амалларни рўёбга чиқариши мумкин”¹⁹⁸.

Фарғона водийси бўйлаб ўтказган дала тадқиқотларимизда зардуштийлар «сидрапўшлик» удумининг ўзига хос изларини учратдик. Жумладан, XX аср биринчи чорагида водийда барча эркаклар оқ ятак кийиб, белларига белбоғ боғлаши ва салла ўраш удуми кенг тарқалган эди. Одатда, белбоғ ва салла ўраш болалик ёшидан ўсмирликка ўтган даврида бажарилган. Белбоғ доимо уч марта тугун қилиб боғланган. Қолаверса, халқимиз орасида бошқа юртлардан келган меҳмонларга, никоҳ тўйида келиннинг хонадонидида куёвга тўн, дўппи кийдириш ва белига белбоғ боғлаш удуми кенг тарқалган. Бу удумнинг асосида, бир томондан, меҳмонга, куёвга бўлган ҳурмат, иззат-икром намоён бўлса, бошқа томондан, ўша меҳмоннинг халқимиз сафига рамзий қабул қилинганлиги ёки куёвнинг келин оиласининг янги аъзосига айланганлигини аңлатган. Бизнингча, халқимиз орасидаги тўн кийдириб белбоғ боғлаш билан боғлиқ удумлар зардуштийлар “сидрапўшлик” маросимининг трансформацияга учраган шакли бўлса керак. Чунки, аввало ҳар икки кийим — судра ва ятак ҳам пахтадан тайёрланган матодан тикилган ва доимо оқ рангда бўлган. Оқ кийим зардуштийлар диний эътиқоди рамзи бўлган¹⁹⁹. Иккинчидан, зардуштийларда айнан ўн беш ёшда махсус маросим тарзида судра кийдирилиб белбоғ боғланган бўлса, ўзбекларнинг анъанавий турмуш тарзида ҳам белбоғ боғлаш доимо маросимий аҳамият касб этган. Болага биринчи марта белбоғ боғланиши махсус “*белбоғ боғлаш*” маросими тарзида бажарилган ва у айнан мазкур маросимдан кейин болалик давридан ўсмирлик, йигитлик даврига ўтган²⁰⁰. Қолаверса водий ўзбеклари орасида ҳам белбоғ худди зардуштийлардаги каби

¹⁹⁸ *Авесто* / А. Маҳкам таржимаси ... — Б. 198. Зардуштийлар томонидан тананинг киндик қисмига белбоғ боғлаш одати тўғрисида гап борганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, айнан инсон танасининг маркази киндик ҳисобланган. Киндикнинг юқори ва пастки қисмлари ўзаро мутаносиб бўлиб, уларни тортиб ёки ўлчаб кўрилганда ҳам баравар чиқар экан.

¹⁹⁹ Оқ либоснинг зардуштийликнинг рамзи эканлиги борасида «Яшт»нинг «Митра қасидасида» таъкидланган. Қаранг: *Авесто: Яшт китоби* / М.Исҳоқов таржимаси.. — Б. 66.

²⁰⁰ Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида белбоғнинг тутган ўрни борасида ушбу монографиянинг анъанавий миллий либослар қисмини 185-187 саҳифаларида батафсил маълумот берилган.

ибодатдан олдин таҳорат қилиш пайтида ечилган ва бир кунда беш марта ечилиши каби ҳолатлар бу икки анъана орасида қандайдир боғлиқлик бўлса керак, деган фикрга олиб келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Зардушт ўзининг издошларига қолдирган зарурий мажбуриятлардан бири ҳар йили Ахура-Мазда билан унинг етти яратувчисига бағишлаб байрам қилиш эди. Уларнинг олтитаси гоҳамбарлар номи билан машҳур бўлиб, уларнинг анъаналари яратилиши ва таъкидланиши пайғамбар номи билан боғлиқ. Ушбу тантаналар ўзининг келиб чиқиш моҳиятига кўра чорвадор ва деҳқонлар байрами ҳисобланиб, кейинчалик Зардушт томонидан зардуштийликка киритилган.

Ахура-Мазда қонуларида кўриқ ва бўз ерларни ҳайдаш ва ерни жамоа ўртасида адолатли тақсимлаш энг савобли иш ҳисобланган. Вендидотнинг учинчи фасли башоратида ёзилишича, «Ахура-Мазда ерга яхши, соғлом уруғ сепишдан ортиқ савоб иш йўқ дейди»²⁰¹. Аллоҳнинг бу амрига итоат этиш, ўн минг ясна матнларини ўқиб ибодат қилиш ёки юзлаб жониворларни қурбонликка сўйишдан афзалроқ ҳисобланган. «Олам гўзаллиги деҳқончиликдан, дейилади «Вендидот»да. Кимки уруғ қадабди, у одамийликка имон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдир». Яна бир фасл башоратида бундай дейилади: «Буғдой ўстира бошланса, девларни тер босади: совурилган буғдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади. Ун тайёр бўлгач, девлар нола-ю фиғон чекишади. Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим. Бу овқатни одамлар егандан сўнг, девлар жуда қизишиб кетади ва қоча бошлашади»²⁰². Ерга ишлов беришдан кейинги савоб озиқ-овқат тайёрлаш, уй ҳайвонлари ва чорвани кўпайтиришидир. Зардушт Тангри номидан ҳукмдорларга қарата бундай дейди: «Ёмон овқатланган халқ на яхши, кучли ишловчиларига ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади... Ёмон овқатланишдан одоб, ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул бўлади».

Зардуштийларнинг кўплаб маросимлари излари халқимиз турмуш тарзида бугунги кунгача сақланиб қолган. Жумладан, деҳқонлар ҳаёти, меҳнати ва ҳосилни йиғиш билан боғлиқ ўтказиладиган байрамларнинг кўплари бевосита зардуштийлик анъаналари билан боғлиқдир.

²⁰¹ *Маковельский А.О.* Авеста ... – С. 86.

²⁰² *Маковельский А.О.* Авеста ... – С. 87.

Фарғона водийси ўзбеклари орасида ҳам азалдан ерга илк бор уруғ сепиш жараёни ўзига хос рамзий ритуал тусини олган бўлиб, унда кекса зироаткорлардан бири Бобо Деҳқон қиёфасига кириб кўш ҳайдашни бошлаб берган. Халқона тасаввурларга кўра, Бобо Деҳқон ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи, ўзгалар ҳақидан ҳазар қилувчи, уларнинг меҳнат унумига унум кўшувчи пир бўлиб, у айна саҳар пайтида деҳқонлар кўтарган хирмонларда пайдо бўлади²⁰³. Деҳқонлар ўз фаолиятларига дахлдор маросимларни бошлашдан аввал «*Бобо Деҳқоннинг ўзи тарбият қилсин*», деб дуои фотиҳа қиладилар. Умуман олганда, Бобо Деҳқон култи Ўрта Осиёнинг аксарият маҳаллий аҳолиси орасида маълум ва машҳур бўлиб, ўзбекларда *Бобо Деҳқон*, *Деҳқон буво*, тожикларда *Бобои деҳқон*, *Хўжа деҳқон*, *Хўжа Абдулла деҳқон*, қорақалпоқларда *Дийхан-бобо*, туркманларда *Баба-дайхан* номлари билан ифодаланган.

Бобо деҳқон тимсолини зироатчилар фақат бир қиёфада тасаввур қилмаганлар. Шунингдек, фақат Бобо Деҳқонга бағишланган (бирор кун белгиланган) маросим ҳам ўтказилмаган. Бобо Деҳқон турли маросимларда тилга олинади ва унинг вазифасини кўп ўринларда соқоли оқарган кекса киши бажарган. Водийлик деҳқонлар Бобо деҳқондан етиштирилган ҳосилни тўкилиб-сочилиб кетишидан асраш, баракали ҳосил етиштириш ва йил давомида сувнинг мўл бўлишини, экинлар чанқаган вақтда сувдан қийналмасликларини, ариқларда йил бўйи сув оқишини сўраганлар. Чуст тумани Какликқўрғон қишлоғидаги Тошмозор бува деб номланувчи муқаддас жойда ҳар йили баҳорда Бувои Деҳқон ҳаққига қурбонлик қилинган. Агар қишлоқ аҳли томонидан бирор йили қурбонлик қилинмаса, сойдан қишлоққа чиққан ариқ суви тошиб, ўз ўзанини бузиб ташлар экан. Ариқ сойдан 5—6 метр баландликда жойлашгани учун уни қайтадан тиклаш одамлар учун жуда катта қийинчиликлар туғдирган. Шу боис қишлоқ аҳолиси томонидан ҳар йили ўзаро йиғилган маблағга сотиб олинган қўй ушбу мозорда қурбонлик учун сўйилади²⁰⁴.

²⁰³ Бу тўғрида батафсилроқ қаранг: *Саримсоқов Б.* Ўзбек фольклоридан очерклар. — Т., 1988. Т. 1. — Б. 230; *Рахимов М.Р.* Земледелие таджиков бассейна р. Хинггу в дореволюционный период. — Сталинабад, 1957. — С. 181-183; *Гулямов Я.Г.* История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. — Т., 1957. — С. 12; *Мухиддинов И.* Земледелие Памирских таджиков Вахана и Ишканима в XIX — начале XX в. — М., 1975. — С. 90-92; *Джаханов У.* Земледелие таджиков долины Соха (в конце XIX — нач. XX в.). — Душанбе, 1989. — С. 103.

²⁰⁴ *Дала ёзувлари.* Наманган вилояти Чуст тумани Какликқўрғон қишлоғи. 2003 йил.

Энди эса мазкур культнинг генезисига бирмунча кенгроқ тўхталиб ўтсак. Ҳозирги кунга қадар қатор тадқиқотчилар томонидан мазкур культ генезисига оид турли қарашлар билдирилган. Бобо деҳқон култи юзасидан мулоҳаза юритган барча тадқиқотчилар уни исломдан аввалги маҳаллий аграр культлар билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар.²⁰⁵ Бироқ, Бобо Деҳқон культини исломгача бўлган айнан қайси культ билан боғлиқлиги борасида ҳанузгача ягона бир тўхтамга келинмаган. Бу борада айрим муаллифлар мазкур культни қадимги аждодлар эътиқоди билан боғлиқ деб ҳисобласалар²⁰⁶, бошқалари исломгача бўлган даврдаги деҳқончилик култи хизматчилари институти ва аграр культлар билан боғлаб талқин қилдилар²⁰⁷. Таниқли элшунос олима О.А. Сухареванинг ёзишича, Библия ва исломий қарашларга кўра, Одам Ато биринчи деҳқон ва деҳқончиликнинг ҳомий пири бўлган. Ислом таъсирида Бобо Деҳқон Одам Ато билан алмашган бўлиб, ҳар бир қишлоқда энг кекса ва тажрибали деҳқон унинг ўринбосари тарзида деҳқончилик ҳомийсига бағишлаб баҳорда далага дастлабки қўшни олиб чиқиш билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган маросимлар ва урф-одатларни бошқарган²⁰⁸. Дарҳақиқат, мазкур культнинг исломгача бўлган маҳаллий эътиқодий қарашлар билан боғлиқлиги, шубҳасиздир. Буни мазкур атама этимологияси ҳам тасдиқлайди. Тарихий-лингвистик адабиётларга кўра, айнан араблардан кейингина асосий машғулоти деҳқончилик бўлган кишилар «деҳқон» сўзи билан ифодаланган. Арабларгача «деҳқон» атамаси йирик ер эгаларига нисбатан қўлланган²⁰⁹. Бу эса ўз навбатида *Бобо Деҳқон* билан боғлиқ тасаввурлар ва маросимлар ўзида ислом даврида ўзининг иккинчи мазмунини сақлаб қолган архаик культ қолдиғи эмас, балки исломгача бўлган даврдаги кучли илоҳнинг машҳур култи қолдиғи эканлигидан далолат беради.

²⁰⁵ Рахимов.М.Р. Земледелие таджиков бассейна р. Хингую в дореволюционный период. — Сталинабад, 1957. — С. 181-183; Снесарев Г.П. Реликты домусьманских верований и обрядов ... — С. 220-222; Басилов В.Н. Культ святых в исламе ... — С. 12-19.

²⁰⁶ Андреев М.С. По поводу процесса образования примитивных среднеазиатских древних цехов и цеховых сказаний (рисаля) // Этнография. — 1927. — № 2. — С. ; Сухарева О.А. К вопросу генезиса профессиональных культов у таджиков и узбеков // Памяти Михаила Сергеевича Андреева. Труды АН ТаджССР. Т. СХХ; Пещерева Е.М. Гончарное производство Средней Азии / Труды Института этнографии АН СССР. Т. 42. —М.- Л., 1959. — С. 129-130.

²⁰⁷ Снесарев Г.П. Реликты домусьманских верований и обрядов ... — С. 220-221; Басилов В.Н. Культ святых в исламе ... — С. 12-19.

²⁰⁸ Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. — Т., 1960. — С. 30.

²⁰⁹ Басилов В.Н. Культ святых в исламе ... — С. 12.

Биз мазкур культ тарихий асосини аниқлаш учун зардуштийлик илоҳларига муружаат қиламиз.

Зардуштийлик дини муқаддас илоҳлари ва улар бажарган вази-фаларига эътибор қаратиб айнан мазкур илоҳлар орасида Митра ва унинг ўзига хос ваколатларида маълум маънода Бобо Дехқон култи параллели (мувозийлиги, ёндошлиги)га дуч келамиз. «Авеста»да Митра гоҳ табиатнинг умумлашган кўринишида, баъзан аҳдлашув илоҳи, айрим ҳолларда курраи заминдаги подшоҳлар ҳомийси сифатида намоён бўлади²¹⁰. Митра — Шарқ халқлари илоҳияти-нинг маъбуди, милоддан икки минг йиллар аввал ҳам ажодлар-мизнинг асосий эътиқод объектларидан бири бўлган²¹¹. У одатда, саҳар чоғида бутун оламнинг илоҳий ҳукмдори тарзида осмон ва ер ўртасида бўлаётган воқеаларни кўздан кечириш мақсадида қўлида олтин гурзиси билан барча ҳудудларни айланиб чиққан. Митра-нинг ўнг ва сўл тарафларида илоҳий ҳакамлар Сраоша ва Рашну, олдида бўлса чопқир тўнғиз қиёфасида Вератрагна ҳамда ён атро-фида эса айлана тарзда ўраб олган ўсимликлар ва сув, тақводор руҳлар — фравашилар кузатиб борганлар. Бу пайтда Митра само-вий таомлардан озиқланувчи тўртта катта айғир отга қўшилган қуёш аравасида бўлган. Айғирларнинг олдинги тўёқларига олтин, орқасидагига эса кумуш тақалар қоқилган бўлиб, араванинг бар-ча гилдираклари мўъжизавий тарзда айланган²¹². “Авеста”нинг махсус Митрага бағишланган қисми — Митра алқови (Меҳр яшт) да:

*“Иқлимлар²¹³ оша Митра
Само тангриси учар
Бахту барор қут сочиб
Иқлимлар оша учар
Само тангриси Митра”²¹⁴*

деб таъкидланган. Биз учун бу ўринда Митранинг қут-барака ва бахт ато этувчи илоҳ вазифасини бажариши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айнан шундай фаолиятни Бобо Дехқон ҳам бажарган.

²¹⁰ Mole M. La légende de Zoroastre selon les textes pehlevins. — Paris, 1967. — P. 221.

²¹¹ Митра эътиқоди борасида батафсилроқ қаранг: *Топоров В.Н.* Митра // Мифы народов мира. Т. 2. — С. 154-157; *Рак И.В.* Митра // Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. — Спб., 1998. — С. 136-141.

²¹² *Брагинский И.С.* Из истории таджикской народной поэзии. — М.: АН СССР, 1956. — С. 109.

²¹³ Иқлим Авесточа кишоварз, ҳозирги тилимизда кишвар «мамлакат», Етти иқлим сўзлари Авестодан қолган. Қаранг: *Авесто. Яшт китоби / М.Исҳоқов таржимаси...* — Б. 50.

²¹⁴ *Авесто: Яшт китоби / М. Исҳоқов таржимаси ...* — Б. 50.

Биз Митра фаолиятига ўхшаш ва Бобо Деҳқон култи генезиси билан боғлиқ кўринишни буғдой ўрими тугалланиб, ҳосил хирмонга тўплангандан кейин ўтказиладиган тадбирларда кузатдик.

Деҳқонлар тасаввурларига кўра, Бобо Деҳқон ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи, ўзгалар ҳақидан хазар қилувчи, улар меҳнат унумига унум қўшувчи пир ҳисобланиб, у айни саҳар чоғида хирмонларда пайдо бўлар экан. Мабодо, у деҳқон хирмонига яхши назар солса, донлар кўпайиб, похол камаяди, ҳосилнинг баракаси ошади деб тасаввур қилинган. Республикамизнинг Фарғона (Фарғона, Олтиариқ туманлари), Наманган (Тўрақўрғон, Чуст туманлари), Самарқанд (Пахтакор тумани), Бухоро (Бухоро ва Олот туманлари), Сурхондарё (Шўрчи, Сарийосиё туманларида) вилоятларида буғдой ўримида ғалвир тоза донга тўлдириб олинади ва хирмондаги чошни айлангириб, қасқони²¹⁵ устидан тўкилган. Чошнинг барча томони ёпилгач, ғалвирда қолган дон чош устига сепиб юборилади. Гўёки шу билан чошнинг бели боғланган²¹⁶. Деҳқонлар тушунчасига кўра, бу одат чошни ёмон кўзлардан, инс-жинслардан асрар ва Бобо Деҳқон хирмоннинг баракасини берар экан. Хоразмда эса хирмонни бошқарувчи ёшулли чошнинг тепасига «барака кесак» қўйган²¹⁷. Бу кесакни маҳаллий аҳоли *Хизр кесаги*, *барака кесаги*, ёки *тоза кесак* деб атаганлар. Қашқадарёнинг ўрта ва юқори қисмларида бу урф-одатнинг ўзгачароқ шаклини учратиш мумкин. Яккабоғ туманида дон чош қилинганидан сўнг унинг турли жойига бешта тош (баъзан тош ўрнига қаттиқ эзилмайдиган девор кесаги) қўйилган. Чош белига эса хирмонда ишлатилган асбобларнинг баъзилари ташлаб қўйилган. Бу одат чошнинг белини боғлаш деб номланган. Атрофига қўйилган сопол ёки тош *барака тошлари* деб юритилган. Зироатчилар ҳомийси Деҳқонбобо куёш чиққунга қадар хирмонга назар ташлар экан, «Худо ол кулим», деса чошнинг баракаси ортиб, барака тошлари ёмон кўзлардан асраркан. Аҳоли ўртасида чошнинг беш жойидан қозик қоқиб, ип тортиш, беш жойига барака тоши қўйиш, чош белига белбоғ тортиш донни ёмон кўз, нопоклар, эгри қўллардан асрайди, деган тушунча мавжуд²¹⁸.

²¹⁵ Ғалвир, элак каби буюмлар гардиши, чамбарак. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 2. – Б. 560.

²¹⁶ Шаниязова К. К этнической истории узбекского народа ... – С. 55-56.

²¹⁷ Сазонова М. В. К этнографии узбеков Южного Хорезма ... С. 40.

²¹⁸ Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одат ва маросимлари (XIX асрнинг охири–XX аср бошлари).: Тарих фан. номзоди ... дис. – Т., 2001. – Б. 47.

Демак, мазкур маълумотлардан Бобо Деҳқон култи билан Митра-нинг ўзаро боғлиқлиги ва айнан Бобо деҳқон образида Митра-нинг трансформациялашган кўринишини кузатиш мумкин. Бу ўхшашликни аввало Митра ва Бобо деҳқоннинг қуёш чиққунга қадар келиши ва улар ҳар иккисининг ҳам қут-барака ва ҳомийлик функцияларини адо этишида кўриш мумкин. Қолаверса, уларнинг ҳар иккиси ҳам оқ кийим кийган кекса нуроний қиёфасида тасвирланади. Бундан ташқари Митра қўлида олтин гурзи ушлаган бўлса, Бобо Деҳқон кўпинча ҳасса таянган нуроний қария сифатида тасаввур қилинган. Чошнинг белини боғлаб унинг устига барака кесагини қўйиш одатида йиғилган ҳосилни магик ҳимоя қилиш эмас, балки уни Бобо Деҳқон томонидан муҳрланишини рамзий ифодалаш мақсади ётган. Қолаверса, юқорида қайд этилганидек, Митра ҳам аҳд-паймон, ҳам ўзаро келишув-битим илоҳи бўлган. Бобо Деҳқон ва Митра культларидаги ўзаро ўхшашликлар Митра культининг ислом таъсирида ўзгариб Бобо Деҳқон култига айланганлигидан далolat беради.

Зардуштийликнинг бирор-бир маросими шу эътиқоднинг рамзи—оловсиз ўтган эмас²¹⁹. Олов турли кўринишларда: осмон олови, дарахтга яширинган олов, оташгоҳларда ёниб турган олов, илоҳий олов, чақмоқ олови ва инсон танасига иссиқлик ва ҳаёт бағишловчи олов каби кўринишларда намоён бўлган. Ёниб турган гулхан абадий ҳисобланиб, маълум бир илоҳ ёки ота-боболар руҳига бағишланган. Улар ўчирилмасдан сақланган ва бегоналар ҳамда гайридинлар назар-нафасидан асралган²²⁰. Ўчоқ ёхуд оташгоҳнинг кули ҳам муқаддас ҳисобланиб, азиз жойларга кўмиб сақланган. Бундан ташқари, ҳар бир турар жойда шу хонадон чироғи, унинг кўри ва алангасини доимо ёқиб сақлайдиган оилавий оташгоҳлар ҳам бўлган. Улар кўпинча махсус ажратилган ва покиза тutilган хоналарда ташкил этилиб, олов махсус ясалган ўчоқ ёки курси шаклидаги постамент (асос, такурси) устида ёқиб сақланган²²¹.

²¹⁹ Зардуштийликда оловнинг тутган ўрни борасида бажарилган тадқиқотлар борасида батафсилроқ қаранг: *Godard A. Les monuments du feu. — Athar-e Iran, III, 1938.7-82; Kramers J. H. Iranian fire-worship. Analecta Orientalia, vol. I. — Leiden, 1954. — P. 342-363; Boyce M. On the sacred fires of the Zoroastrians // BSOAS, 31, 1968. — P. 52-69; Duchesne-Guillemin J. Fire in Iran and Greece // EW, 13, 1962. — P. 198-206.*

²²⁰ *Boyce M.A. History of Zoroastrianism. — Leiden-Koln. E. L. Brill. 1982. VII. Under the achaemenians. Handbuch der Orientalistik. — P.52.*

²²¹ *Сулейманов Р., Исҳоқов М.М. Заратуштранинг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳозалар ... — Б. 47-48.*

Оловга бўлган ҳурмат ва эътибор одатларининг бошқа баъзи кўринишлари Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Фарғона водийси ўзбеклари турмуш тарзида ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Водий қипчоқларида хонадон ўчоғи ҳеч қачон ўчирилмас экан. Ахборотчиларимиз маълумотларига кўра, хонадон ўчоғида оловни кечакундуз ўчирмаслик ота-боболардан қолган одат бўлиб, уларнинг тасаввурича, оловсиз ўчоқ мисоли эгасиз, кимсасиз уйдир. Ўчоғида доимо олов ёнган хонадондагина доимо барака бўлган. Ўчоғида ёнаётган оловни булғамаслик учун унга ифлос нарсаларни, ҳатто ифлос ўтинни ёқиш ҳам тақиқланади. Ифлос ўтин ёқилишидан олдин одатда, қуёшда қуритилган ёки сув билан ювилган²²².

Олов ёнган ўчоққа қалампир, нон, овқат қолдиқлар ташлаш, ҳар хил ахлат ёқиш ёки ўчоқдан чиққан кулни ахлатхоналарга ташлаш, ҳаром чиқиндиларни ўчоқ оловида куйдириш гуноҳ ҳисобланган. Водийда кул билан ахлатни бир-бирига кўшиш қатъий тақиқланган. Бунга сабаб, агар ахлат билан кул бир жойга ташланса ушбу хонадоннинг тўй ва аза маросимлари бир - бирига кўшилиб кетар экан²²³. Мотам маросимларида эса оловни булғамаслик учун уч кунгача хонадон ўчоғида олов ёқиб овқат тайёрланмаган. Бундан ташқари, никоҳ тўйи маросимларида келин-куёвларни инсу жинслардан поклаш мақсадида олов атрофида айлантириш ва сафарга кетаётганда хонадон оловидан бошқаларга бермаслик каби одатлар ҳам қайсидир маънода зардуштийлик маросимлари билан боғлиқ бўлса керак.

Зардуштийларнинг энг катта тантаналаридан бири «Сада» байрамидир. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» китобида ёзилишича, «Сада» Эрон қуёш тақвимининг ўн биринчи ойи — бахманинг учинчи кунинда байрам қилинган²²⁴. Бунда одамлар олов ёқиб, қиш захрини дафн этиш учун тутатқичлар тутатадилар, ҳатто шу кеча олов ёқиб алангалатиш, шу оловга ёввойи ҳайвонларни ташлаш, аланга ичига паррандаларни учуриб ва (олов) атрофида ичимликлар ичиб, ўйин-кулги қилганлар²²⁵. Хуллас, зардуштийлар байрам ва маросимларидан бири “Сада” пайтида гулхан ёқиш ва олов атрофида ўйин-кулги қилиш, еб-ичиш билан биргаликда келаётган барча

²²² Бу мақсад йўлида ўтинни сув билан тозалаш бевосита Авестада ҳам мавжуд (Вендикот VII,28-31).

²²³ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Чуст тумани Шўрақўрғон қишлоғи. 2003 йил.

²²⁴ *Фирдавсий*. Шоҳнома. — Т., Адабиёт ва санъат, 1975. — Б. 724.

²²⁵ *Абу Райҳон Беруний*. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар ... — Б. 275.

зиён, бало-қазоларни бартараф қилиш мақсадида сопол идишларни ерга уриб синдириш асосий одатлардан бири бўлган.

Тадқиқот жараёнида Фарғона водийси оила турмуш анъаналарида ҳам “Сада” байрамига ўхшаш маросимни кузатдик. Ахборотчиларнинг таъкидлашларича, XX аср бошларида водий шимолида жойлашган Косонсой шаҳрида сафар ойининг охириги чоршанба кuni “Сафар қочти” маросими ўтказилган. “Бу кун маҳаллаларда катта-катта гулханлар ёқилган. Барча одамлар турли бало-қазоларни даф этиш мақсадида «Алас-алас, барча балолардан халос», деб гулханлардан сакраганлар ва сопол идишларни ерга уриб синдирганлар²²⁶. Ҳозирга пайтга келиб бу маросим водийда ўтказилмайди. Фақат қариялар хотираларидагина сақланиб қолган²²⁷.

Зардуштийлик таълимотида оловдан ташқари сувга нисбатан ҳам алоҳида тартиб-қоидалар ишлаб чиқилган. Зардуштийларда сув муқаддас унсур саналиб, аввало унинг тозалиги борасида қайғурилган. Бунинг учун сув манбалари — дарёлар, кўллар ёки қудуқлар ҳар қандай нопокликлардан қатъий ҳимоя қилинган. Агар маросимий нопок бўлган қандайдир нарсани ювиш лозим бўлса, сув махсус жойга тўпланган, лекин шунда ҳам нопок нарса тўғридан-тўғри сув билан ювилмаган. Бунда нопок нарса аввал сигир сийдиги билан ювилиб, қуёшда ёки қумда қуритилган ва сўнгра якуний поклаш мақсадида сув билан ювилган. Шунингдек, ёмғир ёққан пайтда ташқарига чиқиш тақиқланган, чунки бу билан сувни ва ерни «макруҳ» қилиб қўйиш мумкин дейилган.

Сувни муқаддас санаб уни эъзозлашга оид қарашлар ислом динида ҳам мавжуд. Жумладан, исломда сувни тежаб ишлатиш, уни ортиқча исроф қилмасликка даъват этилади. Сувни исроф қилиш ва булғаш оғир гуноҳ ҳисобланган. “Авеста”да бу борада “Покиза сув ва ёниб турган олов олдида густоҳлик қилган зотнинг дўзахда топгувчи жазоси бу дунёнинг жамики дарду озорларидан мудҳиш-дир”²²⁸, дейилади.

Тадқиқот жараёнида Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида ҳам сув ўзига хос муқаддас унсур сифатида эъзозланишини кузатдик. Жумладан, водийда ҳам сувни бемаврид исроф қилиш, уни

²²⁶ Андреев М.С. Поездка в лето 1928 г в Касанский р-н (север Ферганы). // Изв. общ. для изуч. тадж. и иранский народностей за его пределами. — Т., 1925. — С. 1 11-112.

²²⁷ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Косонсой шаҳри Хурийят кўчаси. 1999 йил.

²²⁸ Авесто / А. Маҳкам таржимаси ... — Б. 122.

булғаш, сувга тупуриш ва нопок ифлос нарсаларни сувга ташлаш қатъий тақиқланган бўлиб, бундай ишларни қилиш оғир гуноҳ ҳисобланади. Сув келадиган ариқлар, каналлар ва зовурлар ҳар йили эрта баҳорда ҳашар йўли билан тозаланади. Янги каналлар, ариқлар қазिश эса энг савобли ишлардан бири бўлган.

Зардуштийлик эътиқоди анъаналарига оид фикрларимиз якунида хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаймизки, одамларни дарёлар мусаффолигига ва тупроқ унумдорлиги ҳақида гамхўрлик қилишга даъват этган зардуштийлик дини айнан бизнинг заминимизда вужудга келганлиги ва ушбу дин нафақат эронийзабон, балки туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи маънавий дунёқараши шаклланишида асосий омил бўлганлигига тадқиқот жараёнида амин бўлдик. Шубҳасиз, бу мулоҳазанинг тўғри эканлигига ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзи, тарихий этнографик хусусиятлари, миллий маданияти, тафаккур-ментал хусусиятлари борасидаги кузатувларимиз жараёнида яна бир бор ўз тасдиғини топди дейиш мумкин. Бу эса ўз навбатида ўзбек халқини минтақага хос қадимий цивилизация ва қомусий-диний, фалсафий асар “Авеста”га ворислигини яна бир бор тасдиқлайди. Айнан ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқ миллий этник хусусиятларни таҳлил қилиш ўзбеклар маънавий руҳий дунёқараши тизимига “Авеста”нинг таъсири беқиёс эканлиги ва ўзбек феномени тушунчаси шаклланишида муносиб ўрин эгаллаши далолат бермоқда.

Зардуштийлик қадимда ўтмиш аجدодларимиз ҳаётидаги асосий диний эътиқодлардан бири бўлиши билан бирга ислом дини кираб келгандан кейин ҳам халқимиз турмуш тарзида ўз изларини сақлаб қолганлиги ва ҳаттоки халқимизнинг бугунги кундаги оила турмуш маросимларида ҳам синкретик тарзда давом этиб келаётганлиги тадқиқот давомида ўз исботини топди. Амалга оширилаётган маросим ва урф-одатларда зардуштийлик излари исломий маросимлар билан биргаликда синкретик (қоришган) тарзда яшаб келмоқда.

ИККИНЧИ БОБ.

АНЪАНАВИЙ ОИЛА ТУРМУШ МАРОСИМЛАРДА ҚАДИМИЙ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР

2.1. Фарзанд туғилиши ва бола тарбияси билан боғлиқ маросим ва урф-одатларда қадимий диний эътиқодлар излари

Ҳар бир халқнинг бошқасидан ажратиб турувчи муҳим этнографик белгиларидан бири унинг маросимлари ҳисобланади. Маросим инсон ҳаётида моддий ва маънавий талаб ва эҳтиёж орқали юзага келадиган ижтимоий ҳодисадир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди²²⁹. Бошқача тарзда айтадиган бўлсак, маросим умум томонидан қабул қилинган рамзий ҳаракатларга эга бўлган ҳаётий талбирдир.

Ўтган XX аср сўнги чорагидан бошлаб дунё миқёсида этнолог ва социал антропологлар томонидан маросимларни халқ маданиятининг феномени тарзида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди ва айнан мазкур мавзу доирасида бажарилган илмий тадқиқотлар фандаги долзарб мавзулардан бири тарзида эътироф этила бошланди²³⁰. Айниқса сўнги ўн йилликларда дунё миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари этник хусусиятларни сақланиб қолиш омиллари ва миллий маросимларни тадқиқ этиш масаласини долзарб муаммолар тарзида кун тартибига қўйилишига сабаб бўлмоқда.

Фанда қабул қилинган ўзига хос мезонларга кўра инсоният ҳаётининг муҳим бурилиш нуқталари билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган тадбирлар оилавий маросимлар деб юритилади.

²²⁹ Саримсоқов Б. Маросим фольклори // Ўзбек фольклори очерклари. – Т., 1988.

²³⁰ Бу мавзу доирасида бажарилган илмий тадқиқотлар борасида батафсилроқ қаранг: *Геннеп А. ван*. Обряды перехода. – М.: РАН, 2002; *Fathi H.* Femmes d'autorite dans l'Asie centrale contemporaine. – Paris, 2004; *Ashirov A.* On the problem of initiation and cyclical in Uzbek family ceremonies in the 20th century // XX th Century in the history of Central Asia. – Т., 2004. – P. 61-63.

Оила ва оилавий маросимлар этносга оид маданий ва маиший анъаналар узатувчиси ҳамда давомчиси ҳисобланади. Кишилар ҳаёт фаолияти билан боғлиқ анъаналар ижтимоий-сиёсий анъаналарга қараганда бирмунча мутаассиброқ, консервативроқдир. Туғилиш, никоҳ ва ўлим билан боғлиқ маросимлар — бу наинки тафаккурга йўналтирилган, балки ҳиссиёт ва руҳ билан боғлиқ муҳим босқичлардан иборат бўлиб, уларнинг кўплари келиб чиқиш асосларига кўра қадимий эътиқодлар ва диний қарашларга бориб тақалади. Машҳур инглиз файласуфи К. Доусоннинг таъкидлашича, қонқариндошлилик, никоҳ ва оила билан боғлиқ барча институтлар ва маросимлар диний келиб чиқиш тарихига эга ва уларнинг кўплари диний санкцияларда ўз тасдиғини олган²³¹. Қолаверса, мазкур жараёнларда этносга хос локал миллий ва диний хусусиятлар бирмунча ёрқин намоён бўлиши боис бу туркумга кирувчи маросим ва урф-одатлар маълум бир халқ этномаданияти ҳамда этник дунёқараши асосларини тадқиқ қилишда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этиши билан ажралиб туради.

Ўзбеклардаги аёлнинг ҳомиладорлик даври билан боғлиқ урф-одатларга биноан, она ўз ҳомиласини ёвуз кучлар хуружидан омон сақлаши учун муайян тартиб-тақиқларни бажариши лозим бўлган. Бу қоидаларга ёки тақиқларга мувофиқ ҳомиладор аёлнинг қоронғи (оқшом)да ёлғиз юриши маън қилинган; ҳомиладор аёлга боласи ўлиб қолган ёки туғмайдиган хотинлар изини босиш тақиқланган. Ҳомиладорлик давридаги она билан болани ёвуз кучлар таъсиридан сақлашга йўналтирилган афсунгарлик кўринишлари анимистик эътиқодлар асосида пайдо бўлган²³². Чақалоқнинг соғлом ва тетик бўлиб ўсиши унинг она қорнидалик давридаёқ бало-қазолар, ёвуз руҳлардан қанчалик мустаҳкам ҳимоя қилинишига боғлиқ деган ишонч ана шу турдаги афсунгарлик кўринишлари вужудга келишига сабаб бўлган.

Ахборотчиларимиз маълумотларига биноан, чақалоқ туғилиши пайтида бола ва онага турли инс-жинслар зиён етказар экан. Шу боис аждодлар руҳига бағишлаб оқ мато, бир коса ун ва пул кўтарилади ҳамда оқ пахта олиниб, ҳомиладор аёлнинг устидан уч

²³¹ Dawson Ch. God, History and Historians: an anthology of modern Christian views of history. — New York, 1977. — P. 122.

²³² Европа халқларида ҳам яқин кунларгача ҳомиладорлик даврида аёллар ёвуз кучлар таъсирида бўлади, деган тасаввур мавжуд эди. Шу боис туғилажак бола ва онани ушбу таҳдиддан ҳимоя қилиш учун она афсун-дуолар асосида қилинган туморлар тақиши лозим дейилган. Қаранг: Хоул К. Энциклопедия примет и суеверий / Пер. с англ. А. Дормана. — М., 1989. — С. 21-22.

марта айлантриб қўйилади. Қолаверса, унинг тўлғоқ тутаётганлиги ҳеч кимга билдирилмаган, ҳаттоки қўшнилар ҳам сезишмаган. Агар бу воқеа хусусида бошқалар эшитиб қолсалар туғиш жараёни чўзилиб, қийинлашади деган тушунча мавжуд. Лақай ўзбекларида ҳомилали аёл фарзанд туғиш жараёнида қийналиб, чақалоқ туғиллавермас оиладаги эркак милтиқ билан икки-уч ўқ узиб, туғишга халақит қилаётган ёвуз руҳларни ҳайдаган²³³.

Туғилган чақалоқнинг киндиги доя момолар томонидан умри узун, ризқи бутун бўлсин деган ниятда юқорига қараб кесилган. Ахборотчиларимизнинг айтишларича, киндик пастга қаратиб кесилса гўеки бола йўлда юрган пайтда қора товон касалига чалиниб нобуд бўлар экан²³⁴.

Хоразм ўзбекларида эса анча вақт боласи турмаган аёллар фарзандли бўлганларида чақалоқ киндиги хонадон остонасига қўйилиб болта ёки ўроқ билан кесилган²³⁵. Одатда, бундай ҳолатда туғилган чақалоқларга Остонакул деб исм қўйилган. Чақалоқ киндигини остонага қўйиб кесиш одати қардош қозоқ ва тожик халқларида ҳам учрайди²³⁶. Туркларда киндикни ким кесса чақалоқ ўша одамга ўхшайди деган тасаввур бўлганлиги боис янги туғилган болани киндиги одатда, пиру бадавлат аёлларга кесдирилади²³⁷.

Фарғона водийсида чақалоқ киндигини кесган доя момолар уни бирорта оҳорли матога ўраб бешикнинг оёқ тарафи қасқонига боғлаб қўйганлар. Киндикни бешикка қўйишда чақалоқ униб ўссин, бевақт нобуд бўлмасин деган магик ният мужассамлашган. Қолаверса, боланинг киндиги бешикка осиб қўйилганда бола ўз жисмидан ажралган бўлакни излаб йиғламас экан. Халқимизда бола киндиги ўзига хос ҳимоя остида бўлган. Чунки чилла даврида киндик йўқолиб қолса бола турли хасталикларга чалинади деган қўрқув бўлган. Демак, биз бундан чақалоқ киндигининг ўзига хос ҳимоя

²³³ Назаров Н. Лақайлар этнографияси. — Т., 2007. — Б. 6.

²³⁴ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Хўжақўрғон қишлоғи. 2002 йил.

²³⁵ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... — С., 93.

²³⁶ Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов ... — С. 68; Сухарева О.А. Обряды и представления, связанные с материнством и младенчеством у таджиков г. Самарканда и кишлаков Кусахо, Конибодомо и Шахристана // Иран. Т. 3. — Л., 1929. — С. 130.

²³⁷ Серебряков М.Н. Традиционные институты социализации детей у сельских турок // Этнография детства. Традиционные формы воспитания детей и подростков у народов Передней и Южной Азии. — М., 1983. — С. 42.

воситаси вазифасини бажарганини кўришимиз мумкин. Келиб чиқиши туркий бўлган қорақалпоқ, хакас ва туваликларда ҳам чақалоқ киндиги кесилгандан сўнг боланинг бешигига ҳимоя воситаси тарзида осиб қўйилган²³⁸. Бу тасаввурлар тасодифий эмас, балки қадимги туркийларнинг Умай она тўғрисидаги умумий қарашлари асосида шаклланган²³⁹. Қадимда туркийларда Умай она рамзларига ошиқ, камон ва ўқ, бронза тугма, урчуқ каби ашёлар билан бирга киндик ҳам тааллуқли бўлган²⁴⁰.

Чақалоқнинг киндиги кесилгандан кейин маълум вақтдан сўнг мевали дарахт остига кўмиб қўйилган. Мевали дарахтлар эса дунё халқларида яқин ўтмишга қадар қадимги ҳосилдорлик маъбудасининг ёрқин тимсоли ҳисобланган²⁴¹. Водийликларнинг юқоридаги одатларидан ушбу культ марҳаматидан баҳраманд бўлишга қаратилган ҳаракат кўринишларига гувоҳ бўламиз.

Ўзбек халқининг бола туғилиш билан боғлиқ анъанавий маросимларини кузатар эканмиз, биз ушбу туркум маросимларда нафақат боланинг киндиги, балки йўлдоши ҳам магик ҳимояланганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Наманган вилоятининг Косонсой, Чуст туманларида чақалоқнинг йўлдоши тушмагунича ўзгаларга билдирилмаган. Чунки бошқалар бундан хабардор бўлсалар, гўёки йўлдошнинг тушиши мушкуллашар экан²⁴². Хоразмда боланинг йўлдоши тушган заҳотиёқ уй эшигининг кираверишига—остонага кўмилган. Бунда агар ота-она кейинги фарзандлари ўғил бўлишини исташса, ошиқ билан, агар қиз бўлишини исташса пиёз ёки матодан ясалган қўғирчоқ билан қўшиб кўмганлар²⁴³. Лақай-ўзбекларда эса чақалоқ ўғил бўлса унинг йўлдошига кўйининг

²³⁸ *Есбергенов Х., Атамуродов А.* Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. — Нукус: Каракалпакистан, 1975. — С. 145; *Чевырь Л.Я.* Опыт анализа одного современного обряда в свете древневосточных представлений / Средняя Азия, Кавказ и Зарубежный Восток в древности. — М., 1983. — С. 125.

²³⁹ Умай она култи борасида батафсилроқ қаранг: *Абрамзон С.М.* Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. — Л., 1971. — С. 275-280; *Древнетюркский словарь.* — Л., 1969. — С. 611; *Потанов Л.П.* Умай — божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник. 1972. — М., 1973.; *Бутанаев В. Я.* Культ богини Умай у хакасов // Этнография народов Сибири. — Новосибирск, 1984. — С. 98-104.

²⁴⁰ *Фильструп Ф.А.* Из обрядовой жизни киргизов начала XX века. — М.: Наука, 2002. — С. 91.

²⁴¹ *Фрэзер Д.* Золотая ветвь ... — С. 129-141; Традиционное мировоззрение тюрков Южной Азии. Знак и ритуал. — Новосибирск: Наука, 1988. — С. 32, 58-60.

²⁴² *Дала ёзувлари.* Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғи. 1998 йил.

²⁴³ *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований ... — С. 91

ошиғини, қиз бўлса бугдой қўшиб четроқ жойга қўмилган²⁴⁴. Бизнингча, бола йўлдошини остонага қўмиш одати ажодлар эътиқоди билан боғлиқ бўлиб, бу одат асослари энеолит давридаги марҳумларни хонадон остонасига қўмиш одати билан боғлиқ бўлса керак²⁴⁵.

Ўз навбатида таъкидлаш керакки, дунёнинг қўплаб халқларида чақалоқ йўлдошига жонли мавжудот сифатида қаралган ва боланинг акаси, синглиси ёхуд болани ҳимояловчи руҳ унда жойлашган деб ҳисобланган²⁴⁶. Водий ҳудудига кирувчи Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Олабуқа тумани қирғизларида бола йўлдоши тушишининг қийинлашиши ёвуз кучлар билан боғлиқ деган қараш мавжуд бўлган. Бундай вазиятда онанинг олдига укки олиб келинган. Чунки халқона тасаввурга кўра, уккининг сайраши ёвуз кучларга ёқмас ва натижада улар бу ердан кетар экан.²⁴⁷

Кишиларга исм қўйиш тарихи тотемизм, шомонлик, афсунгарлик, ажодлар эътиқоди каби қадимий диний эътиқод ва топинишлар билан ҳам боғлиқ. Баъзи исмлар болага оғирлик қилади, деган мулоҳазага ҳам борилган. Ҳатто бола бу улуғ, оғир номни кўтара олмай бахтсизликка учраши мумкин, дея ирим қилинган. Умуман бунда мутаносиблик-муносиблик нуқтаи назарига амал қилинган. Шу билан бирга жуда қадим замонлардан боланинг соғ бўлиши, яшаб кетиши, келгуси бахти унга қўйиладиган исм билан боғлиқ бўлади, деб ҳисоблашган. Исмда тақдирга ишорат бор деган ғоя ҳанузгача яшаб келмоқда. Бинобарин, чақалоққа муваффақиятли танланган ва берилган ном унинг тақдирини ўзида мужассам этади, киши ўз исмига ўхшайди, деб ишонилган. Натижада одамлар «хосиятли» (қутли) ва «хосиятсиз», яхши ва ёмон исмлар бор, деб тасаввур қилганлар. Шу сабабли чақалоқнинг турли касалликларга чалинавериши ёки оилада болаларнинг нобуд бўлавериши, бола баданида турли нуқсонлар мавжуд бўлиши, қолаверса фарзанднинг келгуси бахти унинг исмига боғлиқ деб тасаввур қилинади. Натижада чақалоққа берилувчи исм одамни ўзаро

²⁴⁴ Назаров Н. Лақайлар этнографияси ... – Б. 6.

²⁴⁵ Бу одат тўғрисида батафсилроқ қаранг: Литвинский Б.А. О древности одного среднеазиатского обычая // КСИЭ. Т. XXX. – М., 1958. – С. 32-33; Ахунбабаев Х.Г. Об одном согдийском обычае // ИМКУ. Вып. 23. – Т., 1990. – С. 199-207.

²⁴⁶ Фрезер Д. Золотая ветвь.. – С. 52.

²⁴⁷ Бундай нуқтаи назар бошқа минтақаларда яшовчи қирғизларда ҳам кенг тақалган. Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: Симаков Г.Н. Соколинная охота и культы хищных птиц в Средней Азии. Ритуальный и практический аспект. – СПб., 1998. – С. 69.

фарқлаш, аташгина эмас, балки уни турли бало-қазолардан асрайдиган, муҳофаза этадиган, қутқарадиган воситага айланган. Шу туфайли ҳам Фарғона водийси ўзбекларида болага исм бериш ишига азалдан ўзига хос масъулият билан ёндашилган.

Оилада фарзанд бирин-кетин нобуд бўлаверса фарзандга *Турсун, Тўхтасин, Улмас, Турди, Турғун, Турғуной, Эргаш, Йўлдош, Маҳкам* каби исмлар қўйилган. Қадимий диний эътиқодларга асосланиб кўкка (осмонга) *Ой, Кун* (қуёш) ва бошқа осмон жисмлари қудратига сифиниш асосида *Ойхон, Ойқиз, Юлдуз, Хулқарой, Чўлпонной, Қуёшбек, Тангриберди* каби исмлар пайдо бўлган. Баъзида муқаддас деб улуғланган ҳамда сифинилган ҳайвонлар, жониворлар, қушларнинг номларидан ҳам исмлар ясалган. Бундай исмлар гуруҳига *Бўри, Бўривой, Эшбўри, Арслон, Лочин, Бургут, Кўчқор, Шерзод* каби исмлар киради.

Баъзи чақалоқлар баданидаги қандайдир ортиқча белгилар билан: хол, тож, қизил тамға, ортиқча бармоқ ва бошқа белгилар билан туғилган. Бу нуқсон ва белгилар болаларга исм беришда ҳисобга олинмаса улар боланинг соғлиги, ҳаёти, келажак турмушига хавф туғдиради, деб тушунилган. Бундай норасидаларни ўз номи билан туғилган бола, деб ҳисоблашган ва уларга ўша ортиқча белгилар номидан ясалган исмлар қўйилган. Чунончи, *Холбой, Холбиби, Анор, Анорвой, Анорхон, Тожи, Тожихон, Тожигул, Ортиқвой, Норбой, Норжон, Очил* ва бошқалар.

Фарғона водийси ўзбекларида ҳам бошқа минтақаларда яшовчи ўзбеклар ва тожикларда бўлгани каби муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларга назр-ниёз қилиниши натижасида туғилган чақалоқларга ҳам махсус исм қўйилган бўлиб, улар болани келгуси ҳаётида турли бало-қазолардан ҳимоя қилар экан. Бундай тарзда туғилган чақалоқларга кўпинча *Ҳазратқул, Пиримқул, Хўжамберди, Тўрақул, Пирниёз, Ишонберди, Хўжамберди* каби исмлар қўйилган²⁴⁸. Юқорида кўриб ўтилганидек, ўзбек тилидаги исмларнинг аксариятида дунёга келган гўдакни турли инс-жинслардан ҳимоя қилиш ғояси, нияти мужассамлашган.

Хомиладор аёлнинг ҳомиласи сурункасига турмаса ёки туғилган чақалоқ оз фурсатда нобуд бўлса, чақалоқ туғилиши заҳотиёқ онасидан узоқлаштирилади. Ёвуз кучларни алдаш мақсадида «болани сотиб олиш» номли рамзий маросим ўтказилади²⁴⁹. Бу маросим-

²⁴⁸ *Абашинов С.Н.* Кокил // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып. 4. – М., 2003. – С. 44

²⁴⁹ *Наливкин В., Наливкина М.* Очерк быта женщины ... – С. 174.

да бола серфарзанд, пиру бадавлат кишилар хонадонларига олиб борилади ва чақалоқ уларнинг қўлидан рамзий равишда сотиб олинади. «Сотиб олиш» жараёнида тарозининг бир палласига боланинг соч толаси, иккинчисига эса боланинг ота-онаси кумуш танга, ҳозирда эса пул қўядилар. Бунда тарози паллалари тенглашгандан сўнггина пул уй эгасига берилган ва гўёки чақалоқ ундан сотиб олинган. Сотиб олинган болаларга кўпинча рамзий равишда *Сотиболди*, *Адашвой*, *Сотқиной*, *Журсинбой* каби исмлар қўйилган. Болани рамзий «сотиб олиш» одати Ўрта Осиё халқларидан тортиб Узоқ Шарқ, Сибир ва Шарқий Европанинг баъзи бир халқларида ҳам мавжуд бўлган²⁵⁰.

Бу одат ёвуз руҳларни адаштиришга қаратилган яшириш ёки алдаш афсунгарлиги билан боғлиқ бўлган.

Халқ тасавурида чақалоқ билан унинг онасини инс-жинслар таъсиридан эсон-омон асраш уларнинг чилла даври (чилла — форсча «чиҳил» — қирқ деган маънони билдиради) тартиб қоидаларига қанчалик риоя қилишларига боғлиқ бўлган. Чилла инсон ҳаётидаги хатарли, энг оғир ва энг масъулиятли даврни англатувчи атама ҳисобланади. Одатда, фарзанд туғилганда ва келин-куёв турмушининг никоҳдан, марҳумнинг вафотидан кейинги 40 кунлик даврига нисбатан чилла атамаси қўлланилади ва бу даврда маълум тартиб-қоидалар, магик расм-русумлар, чеклашлар ва табуларга амал қилинади²⁵¹.

Биз учун бу ўринда инсон ҳаётининг уч даври билан боғлиқ ҳолдаги чилла даври урф-одатларидаги ўхшашликлар муҳим аҳамиятга эга. Аввало шуни эслаш лозимки, ҳар уч даврдаги чилладан кўзланган асосий мақсад чиллани одам ва ушбу хонадонни ёвуз кучлар, ёмон кўзлар ҳамда турли инс-жинслар таъқибидан ҳимоя қилиш бўлган. Анъанага кўра ҳар уч чилла даврида (бола туғилганда, никоҳ тўйи ва мотам — *А. А.*) ҳам чиллани хонадонда қирқ кун мобайнида ушбу уй чироғи ўчирилмайди ва чиллани одам ёлғиз

²⁵⁰ Қаранг: *Троицкая АА*. Первые сорок дней ребенка ... — С. 259; *Абрамзон С.М.* Рождение и детство киргизской ребенка ... — С. 104; *Толеубаев А.Т.* Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов ... — С. 74; *Зеленин Д.К.* Табу у народов Восточной Европы и Северной Азии. Запреты в домашней жизни. // *Тр. МАЭ.* — Л., 1930., Т.9. — С. 128-136; *Традиционное мировоззрение тюрков.* — С. 164; *Есбергенов Х., Атамуродов А.* Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков ... — С. 138-139.

²⁵¹ Чилла ва у билан боғлиқ расм-русумлар ва урф-одатлар тўғрисида батафсилроқ қаранг: *Бўриев О.* Чилла нима // *Соадат.* — 1993. — № 12. — Б. 24-25; *Чыவர் Л.А.* Три «чилля» у таджиков // *Этнография Таджикистана.* — Душанбе, 1985. — С. 69-77.

қолдирилмайди²⁵². Шунингдек, ҳар уч чилланинг ҳам айнан бир хил кунлари (кўпинча учинчи, еттинчи, йигирманчи, қирқинчи)-га кўпроқ эътибор қаратилади ва бу даврда чиллали уйга исириқ тутатиб туриш доимий шартлардан бири ҳисобланган. Қолаверса, айнан чилла даврида маросимий чўмилтириш ва кийим-кечак кийдириш каби урф-одатлар бажарилиши ҳам мазкур жараён инициацион характерга эга бўлган дейишимизга асос бўлади.

Чиллали хонадонларга кириб-чиқиш қатъий назорат қилинади. Бегона кишилар она-бола ётган хонага киритилмайди. Чақалоқ организмнинг нозиклиги ва касалга тез чалинувчанлиги туфайли чилла даврида ўзини инс-жинслар хуружидан катталар ёрдамисиз ҳимоя қила олмайди, деб ўйлаганлар. Ёвуз кучлар хуружининг олдини олиш, уларни чақалоқли уй остонасига яқинлаштирмасдан чалғитиб юбориш мақсадида бир қатор афсунгарлик ҳаракатлари, иримлар, табулар бажарилган. Чиллали уйга боласи турмаган, туққан бўлса ҳам турли сабабларга кўра чақалоқлари нобуд бўлган, бепушт аёллар, нопок кишилар киритилмаган. Самарқандда чиллали хонадонни ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш мақсадида бола ётган уйга мевали дарахт шохидан осиб қўйилган. Чақалоқни кўргани кирган ҳар бир киши ушбу шохни қўли билан ушлагандан кейингина ичкарига кирган²⁵³.

Косонсой туманида чақалоқни кўргани келган меҳмонлар чиллали аёл билан қўл бериб кўришмаганлар. Бизнингча, ушбу табу замирида қўл бериб сўрашиш орқали она ва болани йўқлагани келганлар зиёнидан сақланиш, мулоқотли афсунгарлик (магия) ғояси мужассамлашган. Она-бола ётган жойга ёмон кучлар, ёвуз кўзлардан ҳимоя воситаси сифатида пичоқ, кўзгу (ойна), қалампир, кулча, турли-туман диний китоблар қўйилган. Яғноб тожиклари эса чақалоқни ёвуз руҳлар, жумладан, алвасти зиёнидан асраш мақсадида хонадон остонасига катта пичоқ қўйишган²⁵⁴.

Чилла даврида ўтказиладиган табулар замирида икки хил маъно ётади:

биринчидан, бу даврда аёл киши ёмон руҳлар таъсирига тез чалинадиган бўлса;

иккинчидан, янги туққан аёл бу даврда маросимий тоза бўлма

²⁵² Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи. 2004 йил.

²⁵³ Сухарева О.А. Мать и ребенок у таджиков ... — С. 134.

²⁵⁴ Пещерева Е.М. Ягнобские этнографические материалы. — Душанбе, 1976. — С. 66.

ганлиги боис сувни, нонни, ўчоқ оловини, овқатни, сигир сутини нопок қилиб қўйиши мумкин деб ҳисобланган.

Чақалоқ чилласи чиққунича қоронғуликдан қаттиқ муҳофаза қилинади ва бу даврда водийда олдинлари хонадон ўчоғидаги олов, ҳозирда эса электр чироғи ўчирилмайди²⁵⁵. Бу одат ёвуз кучлар ёруғликдан қочиб қоронғуликда фаоллашади деган эътиқодга асосланади.

Фарғона водийси бўйлаб олиб борган кузатувларимиз шуни кўрсатдики, чақалоқ чилласи билан боғлиқ расм-русумларда олов, чироқ ва ёруғликка эътиқод қилиш, уларни ёвуз кучларни қувиш хусусиятига эга бўлган магик восита, аниқроғи ҳимоя воситаси деб тушуниш алоҳида ўринни эгаллар экан. Бу иримлар ва эътиқодлар қолдиғи аجدодларимизнинг ёруғлик ва оловни муқаддаслаштириш билан боғлиқ мифологик тасаввурлари асосида шакллланган анъаналари сирасига киради. Қолаверса, чилла даври билан боғлиқ маросимлардаги турли табу ва чеклашлар илдиэлари қадимги зардуштийлик анъаналарига бориб тақалади. Зардуштийлар эътиқодига кўра туғиш, касалликлар, ҳаттоки инсон туғилиши ҳам организмнинг мурдор, макруҳ бўлишига, инсоннинг баркамол жисмоний ҳолати бузилишига олиб келган. Покланиш маросимларига оид зардуштийлик ёзувларида таъкидланишича, ҳайз кўрган, туққан ва касал бўлган аёллар маълум табуларга амал қилганлар, яъни улар ташқарига чиқиб ой ва куёшни кўришлари, боғда ишлашлари, ўчоқ бошига бориб овқат тайёрлашлари тақиқланган. Зардуштийларда маросимий покланиш даври оғир, машаққатли бўлиб, қирқ кун давом этган²⁵⁶.

Демак, бундан кўра мизки, чилла давридаги кўплаб одатлар ва тақиқлар қадимги зардуштийлик маросимлари билан чамбарчас боғлиқ экан.

Наманганликларда бола туғилганига беш кун бўлганда махсус “*беш кеча*” маросими ўтказилади. Ушбу маросим Конибодом тумани ўзбекларида «*бешморак*» деб аталади²⁵⁷. Бунда болани илк бора чўмилтириш учун махсус сув тайёрланган, яъни уй иссиқлигида илитилган сувга *туз, шакар, танга ва эски пахса девор тупроғи*

²⁵⁵ Бу одат Тошкент ўзбеклари, Зарафшон водийси тожикларида ҳам учрайди. Бу тўғрисида қаранг: *Троицкая А.Л.* Рождение и первые годы жизни ребенка ... – С. 117.

²⁵⁶ *Бойсе М.* A History of zoroastrianism – P.306.

²⁵⁷ *Дала ёзувлари.* Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Конибодом тумани Маданият қишлоғи. 2003 йил.

солинган. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғида эса боланинг бошига дастлаб *она суги* суртилиб чўмилтирилган. Сўнгра чақалоқ тоғорага ўтказилиб, махсус тайёрланган сув унинг устидан аввал ўнг тарафидан сўнгра эса чап томонидан қирқ томчидан қуйилган. Сувга солинган ашёлар хосияти масаласига эътибор қаратсак, *туз* гигиеник жиҳатдан чақалоқ терисини қотирган ва турли тошмалар ҳамда касалликларнинг олдини олиши билан бирга тўкин-сочинлик ва ризқ-насиба рамзи бўлган²⁵⁸; *шакар* бўлса чақалоқ ҳаётининг дастлабки лаҳзалари ширин ўтишига йўналтирилган магик ниятда қўшилган; танга эса бойлик, давлат рамзи бўлган; *эски пахса девор тупроғи* танага турли ўсимталар ва туклар чиқишининг олдини олган. Чақалоқ маросимий тарзда чўмилтирилгандан сўнг ҳатто уни ювинтиришга ишлатилган сув ҳам оёқ остига эмас, балки бирор - бир мевали дарахт тагига тўкилган. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, чақалоқни биринчи марта маросимий чўмилтириш уни нафақат гигиеник жиҳатдан покланишини аниқлатган, балки рамзий маънода унинг бир оламдан иккинчисига ўтиши, яъни унинг «табиат» оламидан инсонлар дунёсига ўтишини ҳам аниқлатган. Бола маросимий тарзда чўмилтирилгандан кейингина оиланинг расмий аъзоси ҳисобланган. Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Хуф водийси тожикларида чақалоқ қирқ кунлик бўлганига қадар унда бир «*ҳайвон руҳи*» бўлади ва айнан қирқинчи кундан кейин унинг ўрнини «*инсон руҳи*» эгаллайди деган қараш бўлган²⁵⁹. Умуман олганда, юқорида таъкидланган мулоҳазалардан шунга амин бўлиш мумкинки, Ўрта Осиёнинг кўплаб халқларида, жумладан, ўзбек халқи оилавий маросимларида ҳам 40 сони тасодифий эмас. У бир ёш босқичидан иккинчисига ўтиш даври ҳолатининг миқдор-сифат кўрсаткичини аниқлатган. Айнан қирқ кундан кейин чақалоқ табиат оламидан инсонлар оламига ўтган ва она маросимий нопокликдан ўзининг олдинги софлик ҳолатига қайтган. Қолаверса, мотам маросимларида айнан қирқ кундан сўнг вафот этган одамнинг руҳи бу дунёни буткул тарк этар экан²⁶⁰.

²⁵⁸ Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: *Гершенович Р.С.* О бытовой гигиене узбекского грудного ребёнка // Труды САГУ. Серия XXII. Этнография. – Т., 1928. Вып. 1. – С. 4; *Троицкая А.Л.* Первые сорок дней ребёнка ... – С. 352; *Чевыр Л.А.* Опыт анализа ... – С. 125.

²⁵⁹ *Андреев М.С.* Таджики долины Хуф (Верховье Амударьи). – Сталинабад, 1953. Вып. 1. – С. 71.

²⁶⁰ *Фильструп Ф.А.* Из обрядовой жизни киргизов ... – С. 93.

Ўзбек халқи орасида болани бешикка белашда қариндош-уруғлар ва маҳаллада ҳурматли-эътиборли, ували-жували, никоҳи бузилмаган аёллар танланган. Булардан бири доя момо (энага) ёки ўзининг катта бувиси бўлиши шарт эди. Болани бешикка белаш жараёнида «*Қўрқмас ботир бўлгин, соғлом ўсгин, узоқ яшагин!*» деган ният билдириб турилади. Шу тарзда бола бешикка беланиб, қўлоёғи боғлангандан кейин атрофдагилар бешик устидан турли ширинликлар ҳамда ўрик, жийда, pista, бодом каби меваларни сочганлар. Ушбу сочқилар маросим қатнашчилари томонидан териб олиниб, ўз фарзандларига яхши ниятлар билан улашилган. Лақай ўзбекларида эса чақалоқни ёмон кўзлардан асраш ва бедард вояга етиши учун бешикка қуроқлардан тикув тикилиб, бешик дастасига бўри, йўлбарс, бургут каби ҳайвонларнинг тирноқлари осилади²⁶¹.

Чақалоқнинг дастлабки «Қорин сочи»ни олиш ҳам катта тантанага айланган. Аждодларимиз “Сочда одамнинг жони, куч-қудрати, магик қуввати мужассамлашган” деб тасаввур қилганлар. Улар боланинг қорин сочларини ўзлари олишдан чўчиб, пиру бадавлат, кўп фарзандли, кекса ёшли онахонларимизга олдирганлар ва уни асраб-авайлаб мевали дарахт тагига кўмганлар. Тожикларда ҳам боланинг дастлабки олинган сочи асраб-авайлаб матога ўралиб, мевали дарахт шохига (чақалоқ ҳам ушбу дарахт каби ҳосил берсин деган ниятда) осиб кўйилган²⁶². Бунда биз инсон сочи билан жон тушунчасининг боғланганлигини, қолаверса сочни мевали дарахт тагига кўмиш билан серпуштлик эътиқоди унсурларини кўрамыз.

Қозоқ элшуноси А. Толеубаев боланинг дастлабки сочини олишдаги ўзига хос ғамхўрликни парционал магия билан боғлайди²⁶³. Соч билан боғлиқ бундай одат дунёнинг кўплаб халқларида сақланиб қолган. Дунё халқлари этнографиясига оид адабиётларда соч магияси билан боғлиқ кўплаб маълумотлар учрайди²⁶⁴. Машҳур

²⁶¹ Назаров Н. Лақайлар этнографияси ... – Б. 8.

²⁶² Қаранг: Зарубин И.И. Рождение шугнанского ребенка и его первые шаги / В.В Бартольд. – Т., 1927. – С. 372;

²⁶³ Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов ... – С. 77.

²⁶⁴ Бу ҳақда қаранг: Гаген-Торн Н.И. Магическое значение волос и головных уборов в свадебных обрядах Восточной Европы // СЭ. – 1933. – № 5-6. – С. 76-88; Черчиев А.М. О мотиве чудесных волос в дагестанской мифологии // Проблемы мифологии и верований народов Дагестана. – Махачкала, 1988. – С. 52-59; Жўраев М. Соч магияси билан боғлиқ маросимлар // Ўзбекистон этнологияси. Янгича қарашлар ва назарий методологик ёндашувлар. – Т., 2004. – Б. 190-197.

элшунос Ж. Фрэзернинг ёзишича, ибтидоий одам ўзининг сочини танасининг ажралмас қисми, яъни жонли нарса деб билган. Соч олинган одам ўзининг магик қудратидан махрум бўлади, деб тушунилган. Шу боис улар сочни асраб-авайлаганлар, унинг оёқости бўлмаслигига ҳаракат қилганлар. Қабила бошлиқлари, коҳин ва шомонларнинг эса баъзан умр бўйи соч олдиришга ҳақлари бўлмаган, узун сочли одам тангри назари тушган улуг зот саналган²⁶⁵. Таниқли ўзбек фольклоршунос олими М. Жўраевнинг ёзишича, ана шундай мифологик қарашлар халқимиз орасида соч билан бевосита алоқадор бўлган «соч тўйи», «кокил тўйи», «ҳайдар қўйиш», «соч сийпатар» сингари магик характердаги удумларнинг юзага келишига асос бўлган²⁶⁶.

Водий ўзбекларида дунёдаги бошқа қатор туркий халқлар сингари бепушт, боласи турмаганлар, баъзан эса ўғли кўп бўлиб, қиз кўришни орзу қилганлар ва ниҳоят, аксинча қизлари кўп бўлиб, ўғил тилаганлар туғилган фарзандларининг «қорин сочлари»ни олдиришларида муқаддас қадамжоларга, зиёратгоҳларга бағишлаб бир тутам «кокил» қўйиш одати мавжуд²⁶⁷. Бунинг замирида фарзандимнинг умри узун бўлсин, унга зиён-заҳматлар озор етказмасин деган эзгу ният мужассамлашган. Иқтисодий имконият бўлган вақтда ўша аёл қариндош-уруғлари билан жонлиқ олиб келиб қурбонлик қилган. Қўйнинг ўнг оёғи фарзанд тилаб берган шайхга тақдим этилган. Бундан олдин шайх бола кокилини олиб қўйган. Ушбу кокил олдириш маросимида шайхга бир кийимлик сарпо ҳадя қилинган. Бундай пайтда фарзанд кўрган аёл шайхдан боласи кокилини қайтариб олади. Фарзанди кокилини ташлаб кетишни истамаган аёл шайх аёлдан боласи кокилини ўзига қайтариб беришини сўраб маъ-

²⁶⁵ Фрэзер Д. Золотая ветвь ... — С. 223-225; Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии. — С. 60.

²⁶⁶ Жўраев М. Соч магияси билан боғлиқ маросимлар ... — Б. 191.

²⁶⁷ Кокил қўйиш удумининг тарқалиш географияси борасида батафсилроқ қаранг: Задыхина К.Л. Пережитки возрастных классов у народов Средней Азии // Родовое общество: этнографические материалы и исследования). — М., 1951. — С. 170-171; Андреев М.С. Таджики долины Хуф (Верховья Амударья). Вып. 1. — Сталинабад, 1953. — С. 30; Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований у узбеков Хорезма ... — С. 95-96; Фирштейн. Л.А. О некоторых обычаях и поверьях, связанных с рождением ребенка у узбеков Южного Хорезма // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. — М., 1978. — С. 201-203; Шаханова Н.Ж. Половозрастная стратификация традиционного общества казахов (конец XIX — начало XX в.) // Этнос и этнические процессы. — М., 1993. — С. 141-142; Абашинов С.Н. Кокил.. — С. 44-45.

лум миқдордаги пул берган. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, чақалоқнинг дастлабки қорин сочини олиш исломдан аввалги анъана бўлиб, у болани жамият ҳаётига қўшилиши рамзий бир босқичини англатувчи инициацион маросимнинг бир кўриниши бўлса керак. Боланинг дастлабки сочининг олиниши унинг она қорнидаги ҳаётдан буткул ажралганлиги ва инсонлар оламига қўшилганлигини англатади. Қолаверса, кокил қўйиш одати қадимги туркийлар ва мўғулларда ҳам бўлганлиги ушбу одатнинг узоқ тарихий асосга эга эканлигидан далолат беради²⁶⁸.

Водийда фарзандталаб аёллар сиғинадиган қадамжолар анчагина. Жумладан, *Мавлоно бува*, *Сафедбулон*, *Шоҳимардонтирим*, *Идрис бува*, *Қирқчилтон*, *Балиқликўл* ва ҳоказо. Водийнинг барча ҳудудларида қабрлар ёки мазор усти иншоотлари ҳамда қабристонлардаги турли-туман ашёларга икки қўлини суртиш ёки тошлар устида ётиш иримлари бажарилишини кузатиш мумкин. Булардан ташқари мазор ёки қадамжо сувига ювиниш, атрофни ялангоёқ ҳолда уч марта айланиш, назр ниятида дарахтларга латтабанд боғлаш водийнинг кўпчилик қишлоқлари аҳолиси учун умумий бўлган. Латтабанд кўпинча бир парча сурп даструмол ёки белбоғдан боғланган. Ўз либосидан бир парча йиртиб олиб мазордаги тут, дов-дарахт шохларига боғлаб қўйиш натижасида топинувчи эътиқод объекти ёки инсон билан табиат ўртасидаги афсунгарлик мулоқоти ўрнатилганлигига рамзий ишорани кўриш мумкин. Фарғона водийси ҳудудига кирувчи Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Конибодом тумани марказида Анбар она мазорига фақат аёллар бориб «ис» чиқаришган. Демак, Анбар она бу ерда ҳам Хоразмдаги каби аёллар ҳомийси бўлган, деган хулоса чиқариш мумкин²⁶⁹.

Водийнинг Косонсой, Чуст, Поп туманлари аҳолисида бола дастлабки қадамларни қўйиб, атак-чечак қилиб юра бошлаганда «тушов кесди» удуми ўтказилган. Чунки унинг юра бошлаши дастлабки қадамлари оилада катта қувонч билан кутиб олинган. Шу сабабга кўра болакайнинг бемалол юриб кетишини тилаб, тушов кесди²⁷⁰ қилинган. Бунинг учун ота-она кекса ёшли одамлар ва

²⁶⁸ *Абашин С.Н.* Кокил ... – С. 44-45.

²⁶⁹ Самарқанднинг Хўжанди маҳалласида ҳам шундай вазифани бажарувчи Анбар она мазори бўлган. Қаранг: *Муродов О.* Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зеравшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 121.

²⁷⁰ *Тушов* – от ва молларнинг узоққа кетиб қолмаслиги ёки умуман юрмаслиги учун уларни олдинги ёки орқа оёқларини туташтириб боғлаб қўйиладиган арқон.

болаларни уйига таклиф қилганлар. Кўп фарзандли чаққон аёл бола оёғига рамзий тушов солади ва оёғи остига 3—5 метр узунликда пояндоз тўшайди. Шундан сўнг энг кекса аёллардан бири очик, қадами қутлуғ, енгил, чаққон инсон бўлиб ўссин деган ният остида «тушовни» қайчи билан қирқиб, болакайни хонадон бўйлаб етаклаб юрган. Ушбу удум кўпинча ҳафтанинг чоршанба куни бажарилган. А.Т. Толеубаевнинг ёзишича, қозоқларда бола йўлга юра бошлаганда унинг оёғига турли рангдаги иплар билан бирга қўйнинг ичагидан боғлаб тушов қилинган ва қайчи билан чаққон аёллар томонидан кесилган. Бу ҳолатда турли хилдаги ипларни боғлаш орқали ёвуз руҳларни ҳайдаш, қўйнинг ёғли ичагини боғлашда эса боланинг келгусида чорваси кўп бўлсин, деган магик ният мужассамлашган²⁷¹.

Суннат тўйлари Фарғона водийсида ҳам боланинг тоқ ёшларида, яъни уч, беш, етти, тўққиз ёшларида катта тўй—томошалар билан ўтказилган. Бунинг сабаби, хатна жуфт ёшларда қилинса, болага бахтсизлик келтирар эмиш²⁷². Суннат тўйларидаги ёшнинг тоқ бўлиши, биринчидан, боланинг умри узоқ бўлишини, иккинчидан, фарзандни суннат қилдиришдек бахт ота-она учун давомли бўлишини англатади. Чунки тоқ нарса жуфтликка тўлишга интилади. Жуфтликка тўлиш эса камолот ва нарсанинг маълум маънода интиҳосини ҳам англатади.

Суннат тўйларидаги афсунгарлик усуллари бошқа маросим мажмуаларидан бизга яхши маълум. Суннат тўйларида ҳам тўйни ўтказиш тайёргарликлари асосан пиру бадавлат одамларга юклатилган. Бунинг сабаби шундаки, уларнинг яхши фазилатлари маросимий тарзда болага ҳам ўтсин деб ният қилинган.

Суннат тўйи ва у билан боғлиқ маросимлар адабиётларда бирмунча батафсил ёритилган²⁷³. Бу мавзу қолаверса ушбу тадқиқот асосини ташкил этмаганлиги сабабли унга кенг тўхталмасдан суннат тўйи муносабати билан ўтказиладиган хатна маросими ва у билан боғлиқ афсунгарлик усуллари хусусида қисқача маълумот берамиз.

Хатна қилиш, яъни бола олатининг учидан маълум тери қисмини кесиб олиш одатининг генезиси жуда қадимий ва узоқ та-

²⁷¹ Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов ... — С. 79.

²⁷² Саримсоқов Б. Хатна тўйлари фольклори // Ўзбек фольклори очерклари. Т. I. — Т., 1988. — Б. 190-191.

²⁷³ Қаранг: *Наливкин В., Наливкина М.* Очерки быта женщины — С. 175-176; *Снесарев Г.П.* К вопросу о происхождении празнества суннат-той в его среднеазиатском варианте // *Занятия и быт народов Средней Азии*, Л., 1971.- С. 256-273; *Исмаилов Ҳ.* Суннат тўйи. // *Ўзбек тўйлари*. — Т., 1992. — Б. 39-79.

рихга бориб тақалади. Бу одат ва у билан боғлиқ расм-русумлар ибтидоий жамоа тузуми даврида юзага келган бўлиб, баъзи халқларда синов тариқасида, бошқаларида эса бир ёш босқичидан иккинчи ёш чегарасига ўтиш белгиси сифатида амалга оширилган. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, милоддан икки, икки ярим минг йил муқаддам Миср коҳинларида оддий одамлардан ажралиб туриш учун хатна қилиш одати мавжуд бўлган.

Фарғона водийси аҳолисида хатна қилиш дарахтлар уйғонмасдан бурун махсус уста-сартарош томонидан амалга оширилган. Усталар устоз-шоғирд мунасобатлари орқали ўз касбларини давом эттирганлар. Уларнинг ҳам ўз пирлари мавжуд бўлиб, сартарош-усталарнинг пири Салмону пок бўлган²⁷⁴.

Уста боланинг жинсий аъзоси учига гаров (ёғочдан ясалган қисқич) қистириб, унинг чилпинадиган қисмини устара тиғи билан кесиб олган. Кесиш вақтида болага умри узоқ, ризқи бутун бўлсин деган ниятда нон тишлатилган. Бу удумнинг ўтказилиши оғриқ пайтида болани чалғитиш учун ҳам хизмат қилган. Хатна жараёнида биз яна кўплаб қадимий удумларни учратамиз. Ахборотчиларимизнинг айтишича, бола хатна қилинаётган пайтда у мойдай ёқимли, дастурхони тўкин бўлсин деган ниятда онаси бир бармоғини унга, иккинчи бармоғини ёғга ботириб турган. Она бундай афсунгарлик амали билан гўё фарзандидаги оғриқни енгиллаштиришга ёрдамлашиб юборган.

Боланинг суннати онаси томонидан рамзий равишда сотиб олинган ва жуда эҳтиёткорлик билан яширин ҳолда мевали дарахт, масалан, тут тагига кўмиб қўйилган. Бундай қилинишига юқорида таъкидланганидек бефарзанд аёллар хуружидан ҳимоялаш зарурияти сабаб бўлган.

Уста томонидан хатна бажариб бўлинганидан кейин бола учун «хатна чилласи» бошланади. «Хатна чилласи» даврида бола янги туғилган чақалоқлар ва ёш келин-куёвлар билан кўришмаслик каби бир қатор чекловларга амал қилган. Хатнадан кейинги кечалари «чиллалари» бола хонадондан ташқарига чиқарилмаган, унинг олдида доимо яқинларидан кимдир бўлиши лозим ҳисобланган. Косонсой туманида «Кўли ҳалолланганлар» олдига ҳомиладор аёлларнинг кириши ҳам тақиқланади. Чунки, ҳомиладор аёл кирса боланинг яраси зўриқиб кетади, деб ирим қилинган. Ушбу хонадонда чилла даври мобайнида чироқ ўчирилмайди. Болани ёвуз кучлар, ёмон кўзлар таъсиридан асраш мақсадида ёстигининг остига анъанавий магик ҳимоя воситалари ҳисобланмиш пичоқ, қалампир,

²⁷⁴ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи. 2003 йил.

саримсоқ пиёз, исириқ қўйилган. Хатна жараёни кўпинча қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилар иштирокида тор даврада ўтказилади. Барча нарсаларни она, хотин-қизлар бажаргани ҳолда, айнан хатна жараёнини эркаклар амалга оширганлар. Бу ҳам ўзига яраша рамзий маъно касб этган.

Хулоса тарзида таъкидлаш жоизки, ушбу туркум маросимлар ўзига хослиги, тарихи билангина фарқланиб қолмай, балки этномиллий ва диний маросимларга бойлиги жиҳатидан ҳам ўзга маросимлардан ажралиб турган. Айнан мазкур туркумга кирувчи урф-одатлар ва маросимларда биз исломий анъаналар билан исломгача бўлган диний эътиқодлар—тотемизм, анимизм, фетишизм, афсунгарлик, шомонлик, зардуштийликка оид эътиқодий қарашларнинг ўзаро синкретлашган кўринишларини кузатдик. Шунингдек, ушбу туркум маросимларидаги афсунгарликлар орқали аввало бўлғуси авлод, яъни туғилган чақалоқ соғлигини сақлашга қаратилганлигини кузатиш мумкин. Зарар етказувчи афсунгарлик тўғрисида сўз борганда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, кўпинча у ёки бу кишига ёвуз кучлар таъсири орқали эмас, балки одамнинг «касаллиги» (масалан, бепуштлиги) ўзи хоҳламаган ҳолда бошқага ўтиши мумкин деб ҳисобланган. Лекин биз Фарғона водийси бўйича тўплаган дала этнографик материалларимизда зарар келтирувчи афсунгарликлар кучсиз кўринишга эга эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Чақалоқнинг дунёга келиши ва ундан кейинги чилла даврини ўрганиш жараёнида аёлларнинг маросимий «макруҳ» саналганлиги, она ва бола чилла пайтида ёвуз руҳлар, ёмон кўзлар, қораниятли кишиларнинг зарарли афсунларидан ҳимояланганлиги ва бу даврда кўплаб магик урф-одат, маросимларига амал қилинганлигини кузатдик.

Ушбу мавзу якунида шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, суннат тўйи тантаналари билан боғлиқ маросимларда қатнашувчиларнинг ҳар бири ҳам ўзига хос тарзда маълум даражада афсунгарлик функциясини бажарганлар.

2.2. Никоҳ тўйи маросимларида афсунгарликлар ва қадимий диний эътиқодлар симбиози

Ўзбек халқи қадимий расм-русумлари, дунёқараши, ишонч-эътиқодлари, турмуш тарзи ва фалсафий қарашлари, асрлар бўйи жамланган ҳаётий тажрибалари ва турмуш кўникмаларини ўзида

муҳасамлаштирган энг жозибали маросимларидан бири — никоҳ тўйидир. Халқимизнинг қадимий эътиқодлари, маданият тарихи, орзу-умидлари, ҳаётга муносабатини ўрганишда никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунёдаги кўплаб бошқа халқлар сингари ўзбек тантаналари орасида никоҳ тўйлари ўзининг турли маросимлар, ирим-сиримларга бойлиги, этнографик манбаларининг ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради.

Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ тўйлари оилавий турмуш ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг иштирокчилари томонидан мураккаб урф-одатлар ва удумлар бажарилган. Никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимларда кўплаб қадимий эътиқодлар - фетишизм, тотемизм, табиат эътиқоди, олов ва ўчоқ ибодати, ажодлар руҳига сифиниш, шомонлик ва бошқа бир қатор демонологик кўринишлар изларини учратиш мумкин.

Ўзбек халқи никоҳ тўйлари билан боғлиқ, урф-одатлар ва ирим-сиримлар фақатгина хурсандчилик ва шодиёналик бўлибгина қолмасдан, балки муайян мақсадга қаратилган афсунгарликлардан ҳам ташкил топган. Дарҳақиқат, ўзбекларнинг ҳозиргача амал қилиб келинаётган анъанавий никоҳ маросими серфарзанд, мустаҳкам, фаровон оилани қуришга қаратилган афсунгарлик кўринишидаги урф-одат ва удумлар мажмуасидан ташкил топган.

Никоҳ тўйи тантаналарини бошлаб берувчи дастлабки маросим совчилик ҳисобланади. Совчилар тўғрисидаги илк маълумотларни VII—VIII асрларга оид Ўрхун-Энасой битикларида учратамиз. Буюк давлат арбоби Тунюкүк (VII аср) битиктошида «сов» - калимаси саб - сўз, гап маъносида ишлатилган. Ирқ битиги (фол китоби) да эса «саб» — сўз, «сабчи» — хабарчи, сўз келтирувчи маъносида қўлланилган. Ўрта асрлар машҳур тилшуноси Маҳмуд Қошғарий бу хусусда «совчи - келин ва куёв орасида бир-бирига хабар элтувчи» — деб изоҳлаган²⁷⁵. Демак, бундан янги оилан пайдо бўлишидаги совчилик удуми узоқ ўтмишда шаклланганлигига амин бўлаамиз.

Фарғона водийси қипчоқларида совчилик қилувчи шахс оқ ва қизил от минган ҳолда қиз яшайдиган хонадонга борган. Совчилар бу эзгу мақсадда ҳеч қачон қора отдан фойдаланмаганлар. Чунки қора отда бориш иш битмаслигига сабаб бўлади деб ҳисобланган. Совчилар ишни битириб келганларида бўлғуси куёвга «иш битди,

²⁷⁵ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғатит турк. — Т., 1960. Т. 3. — Б. 169.

энди келинга сирға олиб кел» - дейишган²⁷⁶. Аёллар қулоғига тақадиган сирғалар дастлаб афсунгарлик аҳамиятига эга бўлган.

Металл буюмларнинг қадимги тасаввурлардаги аҳамияти ҳақида Э. Тайлор: «Шарқ жинлари темирдан қўрқадилар», — деб ёзган-ди²⁷⁷. Шу боис водий ўзбекларида чақалоқнинг бешигига пичоқ, лақайларда эса бешикнинг қуйи қисмига ўроқ осиб қўйилган²⁷⁸.

Вақтлар ўтиши билан сирға тақиш одати туркий халқларда ҳам янги-янги маъно касб эта борган. Туркий халқлар ҳаётини жиддий ўрганган В.В. Радлов «Қадимий туркийларда балогатга етган қизларга сирға тақишади ва улар сирғали, яъни қайлиқ ҳисобланишади»-деб ёзиб қолдирган²⁷⁹.

Фотиҳа тўйи маросимида ҳам кўплаб афсунгарлик унсурларини учратамиз. Чунончи, куёв тарафидан келин хонадонига келган меҳмонларга дастлаб «ширин сув» олиб келинади. Бу одат ҳар икки томон бошлаган эзгу иш якуни ҳам худди ширин сув каби ўтсин, ёшлар турмуши ширин, тотли бўлсин, деган ниятда қилинади. Айнан фотиҳа тўйидан бошлаб, бўлғуси келин-куёвлар бир-бирларининг қариндошларига учрашиб қолмасликка уриниб, улардан ўзларини тортиб юрадилар. Ушбу одат ибтидоий жамоа даври никоҳ муносабатлари қолдигидир²⁸⁰.

Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи ўзбеклари орасида фотиҳа тўйи жараёнида— бошқа жойларда учрамайдиган «қовурға синдириш» номи билан юритилувчи ўзига хос расм-рўсм мавжуд. Бунга кўра куёв томондан уч-тўрт аёл бўлғуси келиннинг уйига махсус «келин кучи»ни олгани борадилар. Бунда айнан ушбу кун учун маросимий тарзда пиширилган шўрвага қўй қовурғаси солинган бўлади ва икки аёл ушбу кун шу хонадонда қолиб «келин кучи»ни олиб қайтадилар²⁸¹.

Тўй маросимларида кекса ёшли, кўп фарзандли кишилар иш-тироқи зарур ва ўта муҳим ҳисобланган. Улар тўй маросимининг маълум босқичларида ўзига хос афсунгарлик функцияларини бажарганлар. Биз буни бўлғуси келин сепини тайёрлаш жараёнидан бошлаб кузатишимиз мумкин. Одатда, бўлғуси келин-куёвларнинг

²⁷⁶ Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа ... — С. 311.

²⁷⁷ Тайлор Э.Б. Первобытная культура ... — С. 109.

²⁷⁸ Назаров Н. Лақайлар этнографияси ... — Б. 10.

²⁷⁹ Радлов В.В. Из Сибири.- М.,1989. — С. 133.

²⁸⁰ Қаранг: Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа ... — С. 133.

²⁸¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи. 2003 йил.

кўрпа-тўшақларини тикиш, яъни «кўрпа солди» маросимида бичиш-тикиш ишлари кекса аёллар томонидан бошлаб берилган. Бунда нуроний, кўп фарзандли аёллар хислатлари бўлғуси келин-куёвга ҳам ўтсин деган афсунгарлик нияти мужассамлашган.

«Кўрпа солди» маросимида биз нафақат кексаларнинг афсунгарлик хусусиятлари, балки нарсаларнинг ҳам афсунгарлик хоссаларига бўлган ишонччи учратамиз. Маросим олдидан онахонларимиз келин-куёвнинг дастлабки кўрпалари орасига турли-туман қанд, ширинликлар қоғозларини қўшиб тикканлар. Бунда бўлғуси оиланинг ҳаёти ширин, тотли, дастурхони қут-баракали, тўкин-сочин бўлсин деган ният мужассамлашган.

Никоҳ куни кечки пайт куёв ўз яқин дўстлари билан ясантусан қилиб, қутловлар остида тўйхонадаги оқсоқоллар дуои-фотиҳаларини олиб, келин уйига «куёвнавкар»га борадилар. Куёв ўз дўстлари қуршовида, карнай-сурнай ва турли қийқириқлар садоси остида йўлга тушади. Ушбу амаллар фақат тўй шодиёнасини англа тибгина қолмай ёвуз кучлар, инсу жинслардан сақловчи афсунгарлик воситаси ҳам саналган.

Куёвнавкарлар йўл бўйи куёв келин хонадонга бораётганлигини билдириш мақсадида жўшиб-жўшиб, устма-уст ҳайқириб, жар солиб борганлар. Айрим ҳолларда ёмон кўзлар ва ёвуз кучлар таъсиридан сақланиш мақсадида куёв бошига чопон ёпилган. Куёвнавкарлар келин хонадонига етиб келганларидан сўнг махсус тайёрлаб қўйилган хонага кирганлар. Уй остонасига пояндоз (оқ рангли мато ва қизил рангли белбоғ бир-бирига қўшиб тикилган) солинади. Куёв пояндозни босиб ичкарига кирганидан сўнг, унинг дўстлари шундай куёвлик бизга ҳам насиб қилсин деган ниятда пояндозни ўзаро тортишиб, парчалаб оладилар. Биз бунда пояндознинг ўзига хос муқаддаслик хоссасини кўрамыз. Куёвнавкарлар дастурхонига турли ноз-неъматлар билан бирга бўлғуси оила серфарзанд бўлсин деган ниятда тухум ҳам қўйилади. Улар дастурхон атрофида ўтирганларидан сўнг хонадон кекса кишиси дуои фотиҳа қилади. Шундан сўнг куёвга аталган ширинчой олиб кирилган. Ширинчойни дастлаб куёв, сўнгра унинг дўстлари ўз ҳаётлари ширин, тотли бўлсин, деган ниятда ичганлар. Куёвнавкарлар дастурхон атрофида ўтирган вақтда мезбонлардан бири куёвни ёмон кўздан, ёвуз руҳлардан ҳимоя қилиш мақсадида исириқ тутатади. Ўз навбатида куёв ва унинг шериклари миннатдорчилик рамзи сифатида исириқчига пул берганлар. Биз бунда исириқнинг ўзига

хос маросимий афсунгарлик хоссасига ишонч рамзини кўрамиз. Куёвнинг дўстлари зиёфатдан сўнг куёвга махсус куёвлик белбоғларини боғлайдилар.

Никоҳ тўйи куни кечга яқин келин аёлларнинг ўзига хос “карвони” билан куёв хонадонига олиб келинади. “Келин карвони” олдида албатта кичик ёшли ўғил боланинг бўлиши ва келиннинг бутун тана қисми кийимда ёки паранжи билан тўсилган бўлиши талаб этилган²⁸². Келинни олиб келаётганлар куёв уйи олдига яқинлашгач дарвоза олдида катта олов ёқилади ва куёвнинг янгалари шакар солинган сут ёки қатиқ ва бир кийимлик мато олиб чиқадилар. Сут келинчакка яхши ниятлар билан ичказилади. Келинга сут беришда унинг ҳаёт йўли сутдай ойдин, зурриётли ва зотли бўлсин, деган магик ният мужассамлашган.

Қолаверса, қадимдан сут ва сутли маҳсулотлар туркий халқларда энг муқаддас маҳсулотлардан бири ва айнан маълум бир гуруҳнинг рамзи ҳисобланган. Шу боис уни бегона уруғ вакилларига бериш қатъиян тақиқланган²⁸³. Водий ўзбек-қипчоқлари орасидаги никоҳ тўйи тантаналарида келинни сут билан кутиб олиш бўлғуси келиннинг куёв уруғига қўшилганлигининг рамзий аломати бўлса керак. Шундан сўнг “келин карвони”га қиз томондан ҳамроҳлик қилиб келган келиннинг кичик ёшли ўғил укаси ёки жияни томонидан «пичоқ» ёки «пичоқ пули» талаб қилинган. Бу одат Чортоқ тумани Қорамурт, Янгикўрғон тумани Поромон қишлоқлари ўзбекларида *шоп бериш* деб номланган. Куёв томонидан тайёрлаб қўйилган пичоқ, агар уни тайёрлашга улгурилмаган бўлса пичоқ пули берилган ва келинни қайнонаси от ёки аравадан кўтариб туширган. Сўнгра келин олов атрофида уч марта айлантрилиб ичкарига олиб кирилган. Бундай одат Фарғона водийсидагина эмас, Республиканинг бошқа минтақаларида яшовчи ўзбеклар, қолаверса тожик, қирғиз ва туркманлар орасида ҳам кенг тарқалган²⁸⁴.

Инсоният оловни кашф этгандан буён унга юксак ихлос билан қараб келади. Зеро, олов иссиқлик ва ёруғлик манбаи сифатида муқаддас ҳисобланган. Хусусан, зардуштийлик илоҳларидан бири

²⁸² Келиннинг бундай тарздаги либосда келиши Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган одат ҳисобланади. Бу одатнинг тарқалиш географияси борасида қаранг: *Рахимов Р.Р.* Костры на пути невесты в Самарканде ... — С. 108-148.

²⁸³ Традиционное мировоззрение тюрков Южной Сибири .Знак и ритуаль ... — С. 22.

²⁸⁴ Олов атрофида келинни уч марта айлантририш одатининг тарқалиш географияси борасида қаранг: *Рахимов Р.Р.* Костры на пути невесты в Самарканде ... — С. 109-117.

Уврта Вхишта ҳам оташ посбони бўлган. Зардуштийлик динида муқаддас олов ва у доимий равишда сақланувчи оташгоҳ мавжуд эди. Зардуштийлар тасаввурида катта ва кичик фазовий оловлар ҳамда уларнинг заминдаги кўринишлари бўлган. Жумладан, бу борада куёш ранги ердаги ибодатхоналарда ёнувчи олов, юлдузларга эса ердаги энг кичик ёнувчи чироқчалар ҳисобланган инсон кўзларининг чарақлаб туриши мос келади деб таъкидланган²⁸⁵. Бундай тасаввур қадимги одамларнинг микро ва макро олам тўғрисидаги ўзига хос изорформизм концепцияси билан боғлиқ бўлган²⁸⁶.

Дарвоқе, археологик тадқиқотларда милоддан аввалги IV минг йилликда Ўрта Осиё заминида яшаган деҳқончилик қабилалари орасида ҳам олов култи бўлганлиги тасдиқланган²⁸⁷. Олов ўз шуъласи билан инсонга таъсир этадиган зарарли кучларни куйдирувчи, покловчи ва ёруғлик тимсоли сифатида зулматга қарши куч ҳисобланганлиги боис аждодлар томонидан эъзозланган. Қолаверса, қадимги туркий халқлар оловни аёл сифатида тасаввур қилганлар ва бу муқаддас илоҳани «Ўт она» ёки олов аёл, Умай эна деб атаганлар²⁸⁸. Қадимги даврларда қабила оловини ёқиб турадиган киши, яъни «Ўт эгаси» вазифасини аёллар бажарганлар²⁸⁹. Олов билан боғлиқ кўринишлар оилавий турмуш маросимларида ҳозирги даврга қадар сақланиб қолган. У, айниқса келинни олов атрофида айлантириш удумида яққол намоён бўлади. Келинни гулхан атрофида уч марта айлантириш одатида оловнинг унга ҳамроҳ бўлиб куёв хонадонига келган турли инсу жинслардан поклашга қаратилган афсунгарлик кўриниши билан бирга оловнинг иссиқлиги-ю ёруғлиги муқаддас куч сифатида келинга кўмаклашиб, унга куч-қудрат бағишлашига ишонччи кўришимиз мумкин.

Келин куёвнинг уйига олиб кирилгач, қудалар тарафидан биттадан янгалар уйнинг ўнг тарафи юқори бурчагида чимилдиқ боғ-

²⁸⁵ Kellens S. Die Religion des Achamenideh // Altorientalische forschungen. – Berlin, 1985. Bd.10, Heft.1.P.118.

²⁸⁶ Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: Сулейманов Р. Древний Нахшаб ... – С. 234.

²⁸⁷ Қаранг: Толстов С.П. Древний Хорезм. – М., 1948. – С. 61; Массон В.М. Энеолит в Средней Азии. / Археология СССР. – М., 1982. – С. 44.

²⁸⁸ Токарев С.А. Ранние формы религии. – М., 1964. – С. 256-263; Дыренкова Н.П. Брак, термины родства и психические запреты у киргизов // Сборник этнологических материалов. Л., 1927. Вып. 2. – С. 140; Абрамзон С.М. Киргизы ... – С. 232; Жуковская Н.Л. Очага культ // Религиозные верования: Свод этнографических понятий и терминов. – М., 1993. – С. 147-148; Кармышева Б.Х., Губаева С.С. Обряды, связанные с рождением и воспитанием детей у каратегинских киргизов ... – С. 151.

²⁸⁹ Басилов В.Н. Тюркоязычных народов мифология // Мифы народов мира. – М., 1992. Т. 2. – С. 538.

лаганлар. Чимилдиқ келинни ёвуз кучлар ва ёмон кўзлардан асровчи ўзига хос афсунгарлик воситаси бўлган. Чимилдиқ айнан шу сабабга кўра келинни рамзий ҳимоя қилиш функциясини бажарган. Қолаверса, янги туғилган чақалоқ учун бешик сингари чимилдиқ ҳам келин-куёвларнинг янги уйи, дунёси ҳисобланган²⁹⁰. Шу боис Марғилонда келин-куёв чимилдиғига ошиқ (қўйнинг ошиғи)ни осиб қўйиш одати бўлган²⁹¹. Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш керакки, ошиқ қадимги туркийлар илоҳи Умайнинг символ (рамз)ларидан бири бўлган. Қолаверса олтойликлар қўйнинг ошиғини чақалоқни ёвуз руҳлардан ҳимоя қилсин, деб унинг бешиғига бола киндиги билан бирга осиб қўйганлар²⁹².

Марғилон ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимларида келин-куёв чимилдиғига ошиқ илиб қўйиш одати замирида ҳам янги келин-куёвларни Умай она ҳимоя қилсин деган магик ният мужассамлашган бўлса керак. Дарвоқе, водийда чимилдиқни боғлаган янгаларнинг ўзлари ҳам келин ва куёвга таҳдид солиши мумкин деб тасаввур қилинган ёвуз кучлар ва инс-жинслардан уларни ҳимоя қилувчи рамзий ҳомий ҳисобланганлар. Шу сабабга кўра тўйнинг бошидан охиригача янгалар зиммасига юкланган вазифалар жуда кўп бўлади²⁹³. Фарғона водийсида янгаларни янга, чеча, оя, женгача, келинойи деб деб номлашади. Янгаларни танлашда маълум бир тартиб-қоидаларга амал қилинган. Янгалар одатда, нафақат бир никоҳли, серфарзанд, шу билан бирга уддабурон, чечан, сўзамол, ҳаёт тажрибаларига бой бўлишлари асосий шартлардан бири ҳисобланади. Никоҳ маросимлари бошланишидан то охиригача янгалар бир нечта афсунгарлик вазифаларини бажарадилар. Бўлажак келинни никоҳга янгалар тайёрлайдилар, куёв ва куёв-навкарлар билан ҳам янгалар муомала қиладилар. Қолаверса, келинни олов атрофида ҳам айнан янгалар айлантирадилар. Соч сийпатар, қўл ушлатар, ойна кўрсатар, никоҳ сувини ичириш одатларини ҳам янгалар амалга оширадилар. Фольклоршунос олим А. Мусақуловнинг таъкидлашича, янга руҳлар билан янги дунё ўртасида шомонга яқин киши ҳисобланган²⁹⁴.

Тўй куни серфарзанд бир аёл ёки янгалардан бири келинчак-

²⁹⁰ Мусақулов А. Маросимда янганинг ўрни ҳақида ... — Б. 28.

²⁹¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Марғилон шаҳри. 2005 йил.

²⁹² Традиционное мировоззрение тюрков Южной Сибири: Человек. Общество ... — С. 60.

²⁹³ Ўзбек халқи анъанавий никоҳ тўйи маросимларидаги янганинг тутган ўрни борасида батафсилроқ қаранг: Мусақулов А. Маросимда янганинг ўрни ҳақида // «Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари» мавзuidaги Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. — Навоий, 2007. — Б. 27-30.

²⁹⁴ Мусақулов А. Маросимда янганинг ўрни ҳақида ... — Б. 28.

нинг сочини икки ўрим қилиб ўриб қўяди. Таниқли этнограф олим К. Шониёзовнинг ёзишича, ўзбекларда қизлар анъанага кўра сочларини майдалаб, келинчақлар ва жувонлар эса жуфт қилиб ўрганлар²⁹⁵. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғида никоҳ кечаси келин бошини сут билан ювади²⁹⁶.

Қизиғи шундаки, жаҳоннинг кўпгина халқларида, шу жумладан, Европада ҳам қизлар турмуш қурмай юрган ёки маиший бузилиб кетган жувонлардан соч ўримлари жиҳатидан фарқланганлар²⁹⁷. Бизнингча, бу тарихий типологик одат соч магиясининг моҳиятига кўра, бутун жаҳондаги уйғунлиги натижаси бўлса керак.

Соч ўримларининг оилавий ҳаёт, маиший турмуш билан боғлиқлиги турли маъноларни англатиши бизнинг кунларимизда ҳам маълум даражада сақланиб қолган. Қизларнинг маълум ёш гуруҳидан бошқа погоналарига ўтишларида, яъни ёшлиқдан қизликка, қизликдан хотинликка—жувонликка ўтиш чоғида, сўнг ўрта ёшли даврига ва ниҳоят қарилликка ўтиш палласида ҳар бирига мос соч ўрими тартиби сақланган ва шу билан бирга ўзининг қайси ёшда эканлигини ҳам намойиш этган. Жумладан, қирқ кокил балоғат рамзи, аммо ҳали турмушга чиқмаганлик белгиси бўлган. Шу боис ўзбекларда турмуш қурмаган қизларгина сочларини қирқ кокил қилиб ўриб юрганлар, оилали аёллар эса ҳеч қачон сочларини қирқ кокил қилиб майдалаб ўрмаганлар.

Бошқа ижтимоий гуруҳга ўтиш ғояси келинни янги фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ «*супра солди*», «*эшик илув*», «*туйнук очар*» каби урф-одатларда ҳам намоён бўлган. Бунда келиннинг рўзғор ишларига нечоғлик тайёр эканлиги, унинг уқувлилиги, ишчанлиги, эпчиллиги, таом тайёрлаши каби фазилатлари синовдан ўтказилган. Тўйда келин-куёвнинг янги ижтимоий статусга (Масалан, ўзбекларда «қиз бола»—«келин», «хотин», «йигит»—«куёв») ўтганлигидан қадимги жинс жамоаларига тегишли ёш инициацияси қолдиғини кўриш мумкин²⁹⁸.

Ўш вилояти ўзбеклари никоҳ тўйи маросими таркибида соч

²⁹⁵ Шаниязов К. К. Этнический истории узбекского народа... – С. 268-269.

²⁹⁶ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи. 2005 йил.

²⁹⁷ Богатырев П. Г. Вопросы теории народного искусства. – М.: Искусство, 1971. – С. 334-335.

²⁹⁸ Лобачева Н. П. Что такое свадебный обряд? (Опыт изучения содержания брачно-свадебной обрядности) ... – С. 59.

силаш удуми ҳам мавжуд бўлиб, бу одат «*чарсиллади*» деб аталади. Куёв гўшангага кириб, келиннинг сочини пешонасидан силаб кўяди, бу пайтда қизнинг дугоналари чимилдиқ олдида «ёр-ёр» айтиб турадилар²⁹⁹.

Фарғона водийсида янгалар келин-куёвларга никоҳ сувидан бир қултумдан ичиргач қолганини оловга сепиб, уларга тўшак солиб берганлар ва маълум муддат улар ёнида ётганлар³⁰⁰. Кўриниб турибдики, биз тилга олган маросимлар мажмуида соч магияси, сув култи, шомонлик ва зардуштийлик эътиқодлари синкретик тарзда бир-бирига қўшилиб кетган. Янганинг никоҳ кечаси келин-куёв ёнида ётиши одати ҳозирда ҳам маълум даражада сақланиб қолган. Бу, шубҳасиз чиллалик келин-куёвни ёвуз руҳлар, ёмон ниятли кишиларнинг турли афсунларидан ҳимоя қилишга қаратилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, янгалар келин-куёвни қора ниятли кишилар сеҳр-жодусидан ҳам ҳимоя қилганлар. Ёмон ниятли кишилар ўзларининг сеҳр-жоду амалларини кўпинча никоҳ маросимининг юқори босқичи ҳисобланган никоҳ ўқиш тантанаси пайтида амалга оширар эканлар. Бундай амалларни бартараф этиш қийин афсунгарлик усулларини талаб қилган ва баъзида эса бундай усуллар ҳам натижа бермас экан. Водий никоҳ тўйи маросимларида ҳасадгўй, қора ниятли кишилар қулфни яширган ҳолда никоҳ ўқиладиган жойга кириб яширин равишда калит билан уни қулфласалар ёки никоҳ тантанаси ўтказиладиган пайтда қиндаги пичоқни тескари қилиб кўйсалар ушбу ёшлар бахтли бўла олмас эканлар³⁰¹. Шу боис никоҳ ўқиладиган пайтда куёв пичоғини қинидан чиқариб олиб пастга қаратиб турган. Бу билан улар барча ёвузликлар, чунончи фарзандсизлик, жинсий ожизликни бартараф этар эканлар³⁰².

Пичоқ ёки ёпилган қулф билан боғлиқ зиён келтирувчи афсунгарликлар дунёнинг кўплаб халқларида учрайди. Ж. Фрээр ўз тадқиқотларида бу хусусда қизикарли маълумотлар келтирган. Унинг

²⁹⁹ Исмонова О. Ўзбек тўй маросим фольклоридида «келин салом» жанри (генезиси, ўзига хос хусусиятлари ва поэтикаси): Филология фанлар номз. ...дис. – Т., 1999. – В. 22.

³⁰⁰ Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа ... – С. 332.

³⁰¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Ободон қишлоғи. 1997 йил.

³⁰² Potapovs Leonid Pavlovic Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken aus den Jahren 1928 - 1930. Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube Harrassowitz Verlag. – Wiesbaden, 1995. – S. 33.

ёзишча, XVIII асргача Европада никоҳ маросими вақтида қулфни калит билан беркитиш ёки ипни тугун қилиб сувга ташлаш орқали ёш келин-куёвларни бахтсиз қилиб қўйиш мумкин, деб ҳисобланган. Уларнинг бахти токи қулфлар топиб очилмагунича, ип тугунлари ечилмагунича очилмас экан³⁰³.

Таниқли инглиз диншунос олимнинг қарашларига ўхшаш ҳолат Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ маросими билан боғлиқ удумларда яқин-яқинларгача мавжуд бўлган. Водийда ёмон ниятли кишилар томонидан қилинган бундай қулф ва тугунларни кучли бахшиларгина топиб очиш ва ечиш қудратига эга дейилади.

Ахборотчиларимиз маълумотларига кўра, никоҳ ўқилаётган пайтда ўртага дастурхон ёзилиб, нон, қанд, бир косада сув қўйилади³⁰⁴. Никоҳдан сўнг келин-куёв косадаги сувдан бир хўпламдан ичиб, бошқаларга ҳам берадилар. Ўртага дастурхон ёзиш, нон, қанд, сув қўйиш сабабини сўраганимизда, ёшларнинг умри, турмуши ҳамиша тўқлик, тўқинлик ва ширин ўтиши учун шундай қилинажаклиги ҳақида маълумот олдик³⁰⁵. Дарвоқе, бу ўринда шуни ҳам эсга олиш жоизки, никоҳ маросимида келин-куёв олдида сув қўйиш одати ўзбеклар ва мусулмон аҳоли орасидагина эмас, балки эътиқоди турлича халқларда ҳам кенг тарқалган. Бу борада илмий адабиётларда ҳам маълумотлар келтирилган. Тадқиқотчилар бу одатни ёшларни бирлаштиришнинг рамзий акти, сифатида талқин қилдилар³⁰⁶.

Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Конибодом шаҳри ўзбекларида никоҳ ўқилаётган пайтда қулф беркитилган ҳолда бўлиши лозим. Қўлни қовуштириб «қулф» қилиб ўтириш эса қатъиян тақиқланган³⁰⁷. Чунки айнан шундай таъқиқланган ҳолат юз бергудек бўлса икки ёш жинсий қовуша олмайдилар деб ҳисобланган. Андижон вилояти Марҳамат тумани Ровот қишлоғида никоҳ ўқилаётган пайтда келин ўзининг янги хонадонидан тошдай қотиб ўтирсин, деган ниятда унинг этагига тош бостириб, либосини игнатугма (тўғнағич) билан кўрпачага қадаб қўйилган. Қашқадарёда эса

³⁰³ Фрээр Д. Золотая ветвь...С. 82-87.

³⁰⁴ Дала ёзувлари. Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Конибодом тумани Ровот қишлоғи. 2003 йил.

³⁰⁵ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Кўмирчи қишлоғи. 1997 йил.

³⁰⁶ Кагаров Е.Г. Состав и происхождение свадебного обряда // Труды АЭЛ., 1929. Т. VIII. – С. 182.

³⁰⁷ Дала ёзувлари. Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Конибодом шаҳри. 2003 йил.

никоҳ ўқилаётганда куёвнинг ўнг қифт кийими устидан оқ ипли игна ўтказилиб, ипнинг учи тугилмаган. Бу эса келин-куёвнинг ҳаёти оқ бўлсин, деган магик ниятни ифодалаган³⁰⁸. Масжид имоми томонидан никоҳ ўқиб бўлингандан сўнг икки ёш устидан буғдой, жўхори (жавари) донлари «авлодлари дондай кўнайсин», деган умидда сочилган. Водий таркибига кирувчи Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Новкент тумани Нўшкент қишлоғи ўзбекларида никоҳ ўқилаётган чоғда куёв костюми орқаси тугилмаган ип билан тикилади. Тикаётган одам: “йўлингиз очиқ, умрингиз узун, бахтли бўлинг” деган тилакларини билдиради. Сўнгра у келин-куёв устидан мош сочади. Оқ-қора аралашиб ўгил-қиз туғилсин деган ирим туфайли шундай қилинади³⁰⁹. Биз бу одатлар замирида буғдой, маккажўхори ва мош каби ўсимликларнинг серҳосиллик хусусияти келин-куёвга ўтишига қаратилган афсунгарлик нияти мужассамлашганини кўришимиз мумкин.

Никоҳ тўйи куни кечки пайт куёв ўзининг энг яқин дўсти билан бирга устига чопон ёпиб яширинган ҳолда келиннинг олди-га олиб келади. Келин турган хонага ўз дўсти томонидан олиб кирилган куёвга танга ва сочқилар сочилган. Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айнан мазкур удумга ўхшаш одат Ўрта Осиёдаги яшовчи бошқа халқлар маросимларида ҳам учраши ҳақида этнографик адабиётларда маълумотлар келтирилган³¹⁰.

Никоҳ кечаси куёв чимилдиққа, келиннинг олди-га кирган заҳотиёқ келин-куёв ўртасида ўзаро оёқ босиш удуми ўтказилган. Бу жараёни икки томон янгалари диққат билан кузатиб турганлар. Бунда агар қиз дастлаб куёв оёғини босишга улгурса оилада, турмушда унинг мавқеи баланд бўлади, акс ҳолатда куёв ҳукмронлик қилади, — деб ҳисобланади. Бизнингча, ушбу ҳаракатда туркий халқлардаги келин ва куёвнинг ўзаро курашиб куч синашиш удумининг изи бўлса керак.

Шундан сўнг келин-куёв биргаликда янгалар томонидан бе-

³⁰⁸ Тошева Г., Аширов А. Урф-одатлар замиридаги ҳикмат // Тафаккур. — 2006. — № 2. — Б. 93.

³⁰⁹ Исмонова О. Нўшкент қишлоғи урф-одатларининг этнофольклористик тавсифи // «Ўзбек маросим фольклорини ўранишнинг янгича тамойиллари» мавзuidaги Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. — Навоий, 2007. — Б. 35.

³¹⁰ Қаранг: Кисляков Н.А. Семья и брак таджиков. По материалам конца XIX — начала XX века. — М.— Л., 1959. — С. 113, 127, 183; Лобачева Н.К. Об одном обычае свадебного комплекса хорезмских узбеков // Этнография и археология Средней Азии. — М., 1979. — С. 163.

рилган кўзгуга (ойнага) қараганлар. Бу «ойна кўриш» удуми дейилган. Биз шунга ўхшаш удумни тожиклар, эронликлар, веда динидаги ҳиндларнинг тўй маросимларида ҳам учратишимиз мумкин³¹¹.

Кўзгунинг афсунгарлик хусусияти Осиё ва Европа халқларида ҳам қадимдан маълум бўлган. Ойнанинг маросимий аҳамияти хусусида қадимий хитой манбаларида ҳам маълумотлар келтирилган. Арабларда темирли ойнага бахтсизликка қарши турувчи куч сифатида қаралган³¹².

Никоҳ кечаси ёшларнинг биргаликда ойнага қараш удумида келин-куёв келажак ҳаётлари ойна мисоли тиниқ, ёруғ ва пок бўлиши нияти мавжуд. Биз бунда кўзгунинг рамзий хусусиятлари билан бирга афсунгарлик унсурларини ҳам кўраимиз. Келин-куёвнинг биргаликда ойнага қараш удуми қадимги ибтидоий одамларнинг одамлар руҳи уларнинг соясида, сув ва ойнада намоён бўлади деган қарашларидан келиб чиққан. Жумладан, Ж. Фрэзер ҳам қадимда жон соя, сув ва кўзгудаги акс тасвирида ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввурларни эътироф этган³¹³.

Катта сувларга кечаси ёлғиз бориш, тунда ойнага қараш тақиқи, бутун жаҳондаги сингари ўзбек халқида ҳам мавжуд. Қолаверса, халқимизда кўрилган туш қандай бўлишидан қатъи назар уни сувга айтиш одати ҳам бўлган. Ана шу далилларга кўра ойнага қараш муҳим афсунгарлик аҳамиятига эга бўлган.

«Ойна кўрсатув»дан кейин янгалардан бири келин-куёвнинг кўлларини бир-бирларига ушлатиб кўяди ва улар маълум вақтгача кўл ушлашган ҳолда турганлар. Бу удум рамзий равишда келин-куёв танишувини билдирган. Сўнгра янга янги оила вакиллари бошидан ёвуз руҳлардан тозалаш мақсадида қора чироқни уч марта айлантирган ва келинга янги кўйлак кийгизиб унинг олдида чақалоқ берилади. Ушбу одат замирида ёшларнинг серфарзанд бўлишига қаратилган афсунгарлик ҳаракати мавжуд. Шундан сўнг янга дастлаб келинга, сўнгра куёвга қанд берган. Бу русум асосида келин-куёвнинг келгуси ҳаётлари қанд каби ширин бўлсин деган маъно ётади. Келин-куёв қандни еб бўлишгач, пиёлада никоҳ сувидан олиб келинган. Улар сувдан бир қултумдан ичганлар. Одатга

³¹¹ Лобачева Н.П. Свадебный обряд хорезмских узбеков // КСИЭ. – М., 1960. Вып. XXXIX. – С. 43.

³¹² Литвинский В.А. Зеркало в верованиях древних ферганцев ... – С. 101.

³¹³ Фрэзер Д. Золотая ветвь ... – С. 142.

кўра бу сув ҳеч қачон ерга тўкилмайди. Чунки сувни ерга тўкиш бахтсизлик келтиради деб ҳисобланади³¹⁴.

Никоҳ тўйи удумига кўра тўйнинг эртасига куёвнинг барча яқин кишилари, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар келинга атаб совғалар олиб келганлар. Ушбу кун келиннинг онаси бошчилигидаги келин томон аёллари куёв уйига «Юз очди» маросимига келганлар. Бу маросим Фарғона водийсида «Юз кўрсатар», «Бет очар», «Рўйкушон» (тожикча рўй — юз, кушон — очар) каби номлар билан юритилади. Бу маросимда келин янгалари ёрдамида юзига оқ рўмол ташланган ҳолда йиғилганлар ҳузурига бошлаб чиқилган. Шундан сўнг хонадоннинг ёш боласи томонидан унинг юзидаги рўмол очилган ва узоқроқ жойга олиб қочилган³¹⁵.

Биз ушбу маросимда ҳам кўплаб афсунгарлик кўринишларини учратамиз. Жумладан, келиннинг юзини очишда мевали дарахтнинг шохидан фойдаланилади. Бунда мевали дарахтнинг серҳосиллик, серпуштлик хусусияти келинга ҳам ўтсин, у серфарзанд бўлсин, деган магик ният мавжуд. Қолаверса, ёш бола томонидан келин юзининг очилиши ҳам ушбу жараённинг серфарзандлик эътиқоди билан бевосита боғлиқ бўлган афсунгарлик кўриниши эканлигини тасдиқлайди.

Ўзбекларда никоҳ тўйидан сўнг ўтказиладиган «бет очар» маросимида «супра солди» одати бажарилган. Бу одат Фарғона водийсининг барча ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган. Бу тадбир иштирокчилари даврасига супра ёзиб бир товоқ ун солинади. Қайнона супрадаги ундан бир ҳовуч олиб, келиннинг қўлига тўкади. Келин эса унни супрага тўкади. Бу ҳол уч марта такрорланади. Ўзбекларда ун оқлик, ёруғлик ҳисобланганлиги сабабли ҳам ушбу ҳаракат амалга оширилади. Демак, «супра солди» удуми эзгу умид билан келин-куёвнинг ҳаёти ёрқин бўлсин, улар мўл-кўлчиликда рўзғор тутсинлар деган ниятда ўтказилади.

Фарғона водийсида ҳам минтақадаги қатор бошқа халқлардаги сингари ёш келин-куёвнинг дастлабки қирқ кунлик ҳаёти «чилла» даври ҳисобланади. Бу даврда ёшларни ёвуз кучлардан асраш мақсадида хонадон чироғи ўчирилмайди. Чилла даврида келин ҳам, куёв ҳам ниҳоятда пок, тоза, софдил, оқ кўнгил, бир-бирига ва атрофдагиларга ўта меҳрибон бўлишлари талаб қилинган. Чунки

³¹⁴ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Хўжақўрғон қишлоғи. 1997 йил.

³¹⁵ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Шўрбулоқ қишлоғи. 2000 йил.

шу кунлари улар нималарга одат ҳосил қилсалар, умр охиригача шундай бўлиши мумкин деган тасаввур кенг ёйилган. Шу сабабга кўра мазкур давр мобайнида келин-куёв шомдан сўнг кўчага чиқмаслиги, ёлғиз юрмасликлари лозим бўлган. Чунки чиллалари кишиларга инс-жинслар, айниқса ёвуз руҳлар — зиёнқашлар тез таъсир этади деб уқтирилган. Бундан ташқари ёвуз ниятли кишиларнинг иссиқ-совуқ қилиб қўйишларидан ҳам ҳадиксиралган. Водийда иссиқ-совуқ амаллари кўпинча келинни олмоқчи бўлгану, лекин ниятига ета олмай қолган аёллар ёки ушбу ёшлар ва уларнинг оилаларига хусуматлари бор ҳасадгўйлар томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари янги оила фарзандсиз аёлларнинг «чилла тушишидан» ҳам ҳимоя қилинган.

Тадқиқ қилинаётган минтақа ўзбекларининг анъанавий никоҳ тўйи маросимларида ранглар рамзига ҳам алоҳида эътибор берилган. Маросимлардаги оқлик (оқ ранг) ёшлар бўлғуси ҳаётлари тимсоли ҳисобланади. Шу боис келиннинг уйига совчиликка борганларга ҳам оқлик берилган. Келиннинг никоҳ либоси ҳам оқ рангда бўлган. Шунингдек, водий ўзбекларида келин куёвнинг уйига келган вақтда у оқ рангдаги нарсалар, жумладан, *оқ ун*, *оқ мато*, *оқ сунт* билан кутиб олинади. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғида яшовчи қипчоқларда илгарилари келин-куёв учун махсус ўтов тикилган бўлиб айнан мазкур ўтов ҳам оқ рангдаги кигиздан қилинган. Бундан ташқари никоҳ тўйининг эртасига куёв уйига “рўйкушон” маросимига келган қудалар бир бирларининг юзларига оқ ун суртиб кўришадилар³¹⁶. Оқ рангнинг рамзий маъносини тўйдан сўнг келинни хонадон супрасига ўтирғизиш, ун ва ёққа қўлининг теккизилишида ҳам кўриш мумкин.

Никоҳ маросимлари билан боғлиқ анъаналарда оқ ранг симболи тўйдан кейинги «куёв чақирди» маросимида ҳам намоён бўлади. Косонсойда «*куёв чақирди*»га борган куёвнинг оёғи остига—хонадон остонасига оқ пояндоз солинади³¹⁷.

Никоҳдан сўнг келин-куёвлар фарзанд тилаб зиёратгоҳларга боришган. Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Конибодом туманида авлиё Хўжа Неъматулло Вали зиёратгоҳига келган фарзандталаб кишиларда бу ердаги арча шохларига латта боғлаган ҳолда фарзанд сўраш одати бўлган. Бу одат Ўрта Осиё ҳудуди бўйлаб

³¹⁶ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи 2005 йил.

³¹⁷ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Ариқбўйи қишлоғи. 2003 йил.

кенг тарқалган бўлишига қарамай мазкур минтақада ўзига хослиги билан ажралиб туради. Жумладан, Конибодом ўзбекларида агар ўғил сўралса оқ, қиз сўралса қизил латта боғланади³¹⁸. Биз бунда оқ ранг ўғил томонни, қизил ранг эса қиз боланинг рамзи эканлигини кўришимиз мумкин.

Рангларнинг маросимий аҳамияти, маъноси (жумладан, кийимда) дунё халқларининг маросимларидан бизга яхши маълум³¹⁹. Никоҳ тўйи маросимларида ҳукмронлик қилувчи оқ ранг бизнингча, бугунги кунда одатдагидай хурсандчилик, поклик ва уларнинг келажакда ёруғ ҳаётлари тимсолини билдирган. Лекин қадимда оқ рангдаги нарсалар ёш оиланинг келажакдаги ҳаётининг муваффақиятини таъминлаш йўлидаги ўзига хос афсунгарликлар функциясини бажарган³²⁰.

Умуман олганда, Фарғона водийси никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ афсунгарликларнинг кўплари бир-бирига ўхшаш бўлиб, улардан асосий мақсад серфарзанд, мустаҳкам, фаровон оилани яратишга қаратилган. Водийда ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги сингари бепуштлик катта бахтсизлик деб қаралган. Қолаверса халқда бепуштлик Аллоҳнинг берган жазоси ҳам ҳисобланган³²¹. Шу боисдан никоҳ тўйи маросимларининг энг масъулиятли вазифаларида серфарзанд аёллар иштирокининг ўзи ҳам афсунгарлик кўринишларининг биридир. Никоҳ маросимларидаги афсунгарлик усуллари таҳлил қилиш жараёнида биз шунга амин бўлдикки, никоҳ танталари билан боғлиқ тарзда ўтказилувчи маросимларда афсунгарликлар хилма — хил бўлиб уларни иккита катта гуруҳга — апотропеик афсунгарлик, ёки бошқачасига ҳимояловчи афсунгарлик ва прогропеик, яъни уйғотувчи ва бирлаштирувчи афсунгарлик каби гуруҳларга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ, яъни ҳимояловчи афсунгарликларда келин-куёв турли ёвуз кучлар ва ёмон ниятли кишиларнинг турли “*илму амал*”ларидан асралган ва бунга бўлғуси оилани ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлар ва урф-одатлар кирган. Иккинчи гуруҳ афсунгарлик усуллари келин-

³¹⁸ Дала ёзувлари. Тожикистон Республикаси Сўёд вилояти Конибодом тумани Хўжатакаровут қишлоғи. 2003 йил.

³¹⁹ Оқ рангнинг бошқа халқлар никоҳ маросимларидаги магия хусусияти борасида қаранг: *Штрэнберг Л.Я.* Первобытная религия в свете этнографии. — Л., 1936. — С. 86; *Толеубаев А.Т.* Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов (XIX — начало XX в.). — Алма-Ата, 1991. — С. 16.

³²⁰ *Снесарев Г.П.* Реликты. домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... — С. 86.

³²¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 2000 йил.

куёвни ўзаро бирлаштириш йўлида бажариладиган қатор урф-одатлардан иборат эканлигини кузатдик.

Фарғона водийси ўзбекларининг анъанавий никоҳ тўйи маросимларида кўплаб афсунгарлик кўринишлари билан биргаликда тотемизм, фетишизм, табиатга ва ҳосилдорликка сиғиниш излари ва турли хилдаги демонологик тасаввурлар ҳам мавжуд.

Анъанавий никоҳ тўйи маросимларидаги тўй рамзлари, яъни нарса-буюмлар ва диний афсунгарлик рамзий маънодаги ҳаракатларда турли ҳўжалик-маданий типларига мансуб бўлган этносларнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш мумкин. Жумладан, қадимдан ўтроқ турмуш тарзига эга бўлиб, асосий машғулоти деҳқончилик ва ҳунармандчилик бўлган водийнинг ўтроқ ўзбек, тожик ва уйғур этнослари никоҳ тўйи маросимларида исломгача бўлган деҳқончилик удумлари ва диний эътиқодларда зардуштийлик излари сақланиб қолганлиги эътироф этиш мумкин. Масалан, бунга никоҳ маросимларида рамзий ишлатиладиган буғдой, анор, майиз, қанд-қурслар, ун, асал, ширин чой ёки маросимий пишириқлар-чунончи, тухум ва турли гурунчли таомлар тайёрлашни киритиш мумкин. Шунингдек, айнан бу гуруҳга тегишли келин-куёв устидан ширинликлар, буғдой ва танга сочиш, биргаликда ойнага қараш, исириқ тутатиш, уларнинг кийимларини ип билан тикиб қўйиш, келин куёвниқига олиб келинганда маросимий поклаш учун гулхан ёқиш, келиннинг юзини очишда мевали дарахтнинг шохидан фойдаланиш каби одатларга амал қилинган. Энг муҳим фарқли томонларидан бири шундаки ушбу гуруҳга мансуб халқлар анъанавий никоҳ маросимларида оила-никоҳ тарзини акс эттирувчи *қаллиқ ўйин* каби «маросимий ўйинлар» ўтказилмайди ва шунингдек, келиннинг онаси ҳеч қачон қизини куёвниқига биргаликда олиб бормади.

Шунингдек, водийда анъанавий машғулотли чорвачилик билан боғлиқ бўлган яримўтроқ қипчоқлар, турклар билан бирга минтақада яшовчи қорақалпоқлар ва қирғизлар никоҳ маросимларида исломгача бўлган *тотемизм, шомонлик, анимизм, фетишизм, афсунгарлик* каби диний эътиқодлар, *аждодлар эътиқоди ва ўчоқ култи* излари сақланиб қолган. Маросимларда сўзга содиқлик, бахт, серфарзандлилиқ билан боғлиқ тарзда кўплаб афсунгарлик ҳаракатлари асосини чорва моллари, айниқса қўй билан боғлиқ расм-русумлар ташкил этади. Масалан, совчиларнинг ўзаро келишувдан кейин қўйнинг жигари ва ёғидан маросимий таом пишириб жўнатиши, куёвнавқарга борган куёв ва унинг дўстларига қўйнинг тўши қўйилиши, маросимий таом сифатида қўйнинг гўшtidан шўрва тайёрланиши, қўйнинг пўстагига келинни ўтирғизиш ёки юрги-

зиш кабилар. Шунингдек, маросимий «тўққиз» сони ҳам магик маънони англаган.

Улоқ, келин иштирокидаги от пойгаси тўй маросимига хос ўйинлар ҳисобланган. Қизнинг онаси куёвниқига олиб боришда қатнашган³²².

Никоҳ ва ундан кейинги даврларда келин-куёв ёвуз кучлар, инсу жинслар, ёмон кишилар хуружидан қаттиқ ҳимояланган ва келин-куёвлар ўзларининг чилла даврида маълум афсунгарлик кўринишидаги табулар, чеклашларга амал қилган.

Водий никоҳ тўйлари билан боғлиқ маросимларда нарса ва буюмларнинг афсунгарлик хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Биз буни «нон синдириш», «локи боғлаш», «никоҳ ўқиш» маросимларида кўплаб учратдик. Бундан ташқари рангларнинг афсунгарлик хоссаларига ҳам эътибор берилган. Никоҳ тўйи маросимларининг бошидан то охиригача оқ рангнинг устун турганлигини ва маросимий аҳамият касб этганлигига тадқиқот жараёнида амин бўлдик.

Умуман олганда, Фарғона водийси ўзбекларининг анъанавий никоҳ тўйи маросимлари қадимий эътиқодий қарашлар ва анъаналар билан боғлиқ турфа хил урф-одат ва маросимлар мажмуида ташкил топган бўлиб, уларнинг аксарияти исломий анъаналар билан ўзаро уйғунлашган, қоришган ҳолда бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Айнан мазкур маросимлар ва одатлар яшовчанлигининг энг асосий сабаби уларнинг асосий мазмун-моҳияти ва энг асосий мақсади келажак авлод давомийлигини таъминлашга қаратилганлиги билан характерлидир.

2.3. Мотам маросимларида архаик диний эътиқодлар излари

Инсон ўз ҳаётининг ибтидосидан интиҳосигача ўнлаб турли-туман маросимларда иштирок этади. Унинг ёши, маиший ҳаёти ва оилавий ҳолатида бирор - бир ўзгариш юз берса, ана шу вазият муайян маросимлар воситасида рамзий ҳолда расмийлаштириб қўйилган. Айниқса, туғилиш ва ўлим турли тарихий даврларда ва турли халқлар маданий анъаналарида инсон ҳаётининг энг муҳим босқичи

³²² Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш керакки водийда яшовчи қипчоқлар бугунги кунда қизни онаси куёвниқига биргаликда бирга тушириб бормади. Бу бевосита ўтроқ ўзбеклар ва тожикларнинг таъсири бўлса керак.

тарзида эътироф этилган ва ҳозирда ҳам шундайлигича қолмоқда³²³. Қолаверса, бу жараёнлар билан боғлиқ маросимлар ўтказилиш тартибининг қатъийлиги ва ҳар бир ҳудудда ўзига хос консерватив кўриниши билан ажралиб турган. Шу боисдан ҳам бундай маросим ва анъаналар доимо тадқиқотчиларни ўзига жалб этиб келган.

Мотам таркибига нафақат марҳумни дафн этиш билан боғлиқ, балки мотам ва у дунё билан боғлиқ тасаввур ва магик урф-одатлар, турли-туман табулар, эҳсон ва қурбонликлар, метемпсихоз ғоялар, маросимий йиғилар, қабр тошлар, аза маросимлари ва либослари ҳам киради. Демак, юқоридаги фикрларга асосланиб, мазкур туркумга кирувчи маросимлар фақат тавсифий жиҳатдангина эмас, тарихий-назарий нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаш мумкин. Шу сабабга кўра тадқиқотнинг ушбу қисмида ўзбек халқи анъанавий мотам маросимларида бажарилиб келинаётган турфа хил урф-одатлар ва расм-русумлар генезиси, аниқроғи, мотам маросимларидаги қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқ кўринишларга эътибор қаратиш ва бу анъаналарни батафсил таҳлил қилишни жоиз деб билдик.

Фарғона водийси бўйича этнографик маълумотларни тўплаш жараёнида ахборотчиларимиздан олинган маълумот, фикр ва мулоҳазаларга кўра, ўлим жоннинг чиқиши, руҳнинг инсон танасини тарк этишидир. Халқда жон сдам танасидан қора-кўкимтир буғ, дудга ўхшаб чиқиб кетади, уни ҳар қандай киши сеза олмайди, фақат ботиний ҳисга эга кишиларгина кўрадилар, деган тасаввур мавжуд³²⁴. Бундай қарашлар Фарғона водийси ўзбекларигагина эмас, барча Ўрта Осиё халқлари, қолаверса, бутун дунё халқларига хосдир. Мазкур халқлар орасида ҳам «жон ўлган кишининг танасидан қуш (каптар, капалак, парвона) шаклида учиб чиқиши» ҳақидаги эътиқодлар кенг тарқалган³²⁵. Бундан ташқари айрим халқларда қуш тотеми ҳам бўлган. Қадимги одам назарида инсон туғилиши

³²³ *Хисматулин А.А., Крюкова В.Ю.* Смерть и похоронный обряд в исламе и зороастризме. — Спб.: Центр Петербургского востоковедения, 1997. — С. 9.

³²⁴ *Дала ёзувлари.* Наманган вилояти Чортоқ тумани Қорамурт қишлоғи. 2003 йил.

³²⁵ *Қаранг: Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... — С. 114; *Рапопорт А.Ю.* К вопросу о хорезмских статуарных оссуариях // КСИЭ, 1958. Вып. XXX. — С. 63; *Андреев М.С.* Таджики долины Хуф (верховья Амударьи). Вып. 1. — Сталинабад, 1953, — С. 204; *Бабаева Н.С.* Древние верования горных таджиков Южного Таджикистана в похоронно-поминальной обрядности ... — С. 30-31; *Баялиева Т.Д.* Доисламские верования и их пережитки у киргизов. — Фрунзе: Илим, 1972. — С. 62.

тотем иштирокида рўй берадиган ҳодиса, ўлим эса тотемга айланиш жараёнидан иборат. Шу боисдан ҳам қадимги анимистик қарашларда қуш жон рамзи бўлиб келган.

Шундай қилиб, ўлим билан боғлиқ халқ эътиқодларида ибтидоий динлар кўринишларидан келиб чиқадиган хусусиятлар мажмуини кўришимиз мумкин. Бунда биз жуда содда шаклдаги анимизм тасаввурларига дуч келамиз. Уларда жон ва жоннинг бирлиги, жоннинг жисмда бўлиши, жон танани тарк этгач, руҳ сифатида у дунёда яшаши ақидаси қадимдан мавжудлиги кўзга ташланади. Ўз навбатида киши жони тананинг қайси қисмида бўлади, деган савол туғилиши табиийдир. Бу борада ҳам қатор фаразлар мавжуд бўлиб, улар орасида энг ишонарлиси, киши жони унинг қонида бўлиши тўғрисидаги халқона қарашдир. Шу ўринда ўзбеклар орасида кенг тарқалган “қон чиқди—жон чиқди”, деган иборани эслаш ўринлидир. Бундай нуқтаи назар нафақат Фарғона водийсида, балки республикамизнинг бошқа минтақаларида яшовчи ўзбеклар, тожиклар ва қирғизлар орасида ҳам кенг тарқалган³²⁶. Бу ҳолатни машҳур инглиз олими Ж. Фрээр танадан қон чиққанда уни ерга оқишидаги ўзига хос кўркув сабабини қон ва жон мужассамлиги тўғрисидаги тасаввур билан боғлиқ деб изоҳлаган³²⁷.

Шу ўринда қон билан боғлиқ қизиқарли бир мисолни келтириб ўтсак. Таниқли этнограф олим Ф.А. Фильструпнинг ёзишича, қирғизларда бу ҳудудга ислом кириб келгунга қадар оила қураётган эркак ва аёл қўлларининг бош панжаси юқори қисмини кесиб бир-бирларининг қонини сўрганлар³²⁸. Биз бундан шунга амин бўлишимиз мумкинки, оила қураётган икки ёш никоҳларини ўз қонлари билан тасдиқлаганлар. Бу ҳолат келгусида улар ҳаёти ва ҳатто жонлари ҳам бир бўлишининг рамзий ишораси бўлса керак. Демак, биз юқоридаги мисоллардан қон ва жон ўзаро алоқадорлиги ва қон жисмоний ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи асос эканлиги ҳақидаги ғояларни кўришимиз мумкин.

Инсон туғилиши каби унинг ўлими ҳам ўта муҳим аҳамиятга молик воқелиқдир. Чунки инсон ўлими унинг бу дунёни тарк эти-

³²⁶ Қаранг: *Насриддинов Қ.* Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. —Т, 1996. — Б. 28; *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований .. — С. 161-162; *Баялиева Т.Д.* Доисламские верования и их пережитки у киргизов. — Фрунзе, 1972. — С. 66; *Рахимов М.Р.* Обычаи и обряды, связанные со смертью и похоронами у таджиков Кулябской области // Изв. Отд. общественных наук АН ТаджССР. —1953. Вып. 3. — С. 124.

³²⁷ *Фрээр Д.* Золотая ветвь ... — С. 170.

³²⁸ *Фильструп Ф.А.* Из обрядовой жизни киргизов начала XX века. — М., 2002. — С. 19

шини, бошқа оламга ўтишини англаган ва бу жараён билан боғлиқ қатор маросимлар бажарилган. Қолаверса, водийда бирор киши вафот этса ҳозирда ҳам “қайтиш қилди” дейилади. Шу иборанинг ўзи ҳам марҳумнинг бир оламдан иккинчи оламга ўтишини ифодалайди.

Халқимизда беморнинг ҳолати, айрим ҳаракати ёки шифокорларнинг берган маълумотларидан беморнинг нон-насибаси тугаганлиги маълум бўлиб қолса, қариндош-уруғлари ва фарзандлари одоб сақлаб буни унга билдирмасликка ҳаракат қиладилар. Бироқ киши жон бераётганда унинг оила аъзолари, уй эгалари маълум тайёргарликлар кўрганлар: уй ҳовлиларни тартибга солганлар, ойна, расмларни беркитганлар. Киши жон бераётган уйдан озик-овқат, идиш-товоқ олиб чиқилган ёки уларнинг усти ёпиб қўйилган. Чунки жон чиқаётган фурсатда гўёки қон сачраб хонадаги барча нарсалар нопок бўлар экан. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳар қандай тайёргарлик ўта яширин тарзда бажарилган³²⁹.

Умр лаҳзалари тугаб борган сари қазо аломатлари сезилиб бораверади: беморнинг юзида баъзи ҳолатлар пайдо бўлади: сўзлашга уринади, товуш чиқариш учун сарфлаган қувват оғиз бўшлиғидан чиқмасдан халқумга келиб қолади. Бундай ҳолат водийда «*шаршароф*» ёки «*фарғара*» келди, деб изоҳланади³³⁰. Наманган вилояти Косонсой тумани ўзбекларида киши ҳаётининг сўнгги сонияларида жон чиқишига ҳалал бермаслик учун унинг боши ва елкаси пастроқ қилиб босиб турилади. Бу ҳолатда жон бераётган киши қуёш нури тушмайдиган уйга ётқизилади. Жон бераётган одамни қуёш нури тушмайдиган хонага ётқизиш — қуёшга сиғиниш ода-тига асосланган бўлиб, бунда қуёш нопок бўлмасин, деган мағик маъно ифодаланган.

Жон бераётган кишининг кўкраги, боши ёнида унинг яқинларидан икки киши ўтирган. Аввал беморнинг ўзи, агар у тилдан қолган бўлса яқинларидан бири «Калимаи шаҳодат»ни ўқиб турган. Қолган қариндошлар эса жон чўчийди, деган тушунчага асосланиб алоҳида уйда гапирмасдан ўтирганлар. Ўлим тўшагида ётган одамнинг олдидан ҳайз кўрган, нифосли аёллар ва жунубли одамлар ташқарига чиқариб юборилган. Бундан ташқари, болалар ва хомиладор аёллар кўрқиб кетмасликлари учун улар жон бераётган кишининг ёнига киритилмаган.

Жон танани эркин тарк этишига кўмаклашиб юбориш мақса-

³²⁹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани. Дамобод қишлоғи 1997 йил.

³³⁰ Дала ёзувлари Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 2000 йил

дида атрофдагилар овоз чиқармай, жим ўтирганлар. Оғир ётган бемор узилиш олдидан хушидан кетиши ҳам мумкин. Унинг иссиқдан оғзи қуриб қолмаслиги, оғизга нам берувчи ички безлар (сўлак безлари) фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун пахтани сувда ҳўллаб олиб беморнинг оғзи намлаб турилади³³¹. Шу ўринда бу одат аслида жон бераётган кишининг чанқоғини қондирадими ёки қандайдир бошқа сабаб билан боғлиқми, деган савол туғилади. Диншунос Г.П. Снесарев бу хатти-ҳаракатни қадимий зардуштийлик динининг дафн маросимлари билан боғлаган. Олимнинг таъкидлашича, зардуштийликда жон бераётган зардуштий доимий равишда ёвуз кучлар тимсоли Ахриман таҳдиди остида бўлган. Шу боисдан жон бераётган зардуштийнинг олдида ёвуз кучларни ҳайдаш учун иккита мубад шай туриши лозим бўлган. Улардан бири олов олдида дуо ўқиб турган бўлса, иккинчиси оғир ётган одам оғзига тетиклик бағишлаш мақсадида оби ҳаёт (муқаддас хаома) шарбати ёки анор сувидан томизиб турган³³². Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, юқоридагига ўхшаш одат замонавий зардуштийларда ҳам мавжудлиги хусусида тадқиқотчилар томонидан маълумотлар берилган³³³. Зардуштийлик анъана ва маросимлари билимдонларидан бири инглиз олимаси М. Бойснинг ёзишича, замонавий зардуштийлар тартиб-қоидаларига кўра жон бераётган зардуштий тўшаги олдида икки мубад бўлиши зарурий шартлардан ҳисобланган. Улардан бири ёвуз ниятли девлар зиён етказиб қўймасин деган мақсадда ток новдаси билан ўраб қўйилган айлана ичидаги олов ёнида тик турган ҳолда дуо ўқиган бўлса, иккинчиси жон бераётган кишининг оғзига хаома ёки анор сувини томизиб турган³³⁴. Демак, юқорида таъкидланган фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, жон бераётган кишининг оғзига пахта билан сув томизиб туриш ва унинг ёнида албатта кекса ёшли икки кишининг бўлиши қадимий зардуштийлик динининг қолдигидир.

Киши вафоти билан боғлиқ кўплаб амаллар бўлиб, улар дафн

³³¹ Андреев М.С. По этнологии Афганистана. Долина Панжшир. – Т., 1927. – С. 52; *Уша муаллиф*. Таджики долины Хуф. Вып. 1. – Сталинабад, 1953. – С. 187; *Троицкая А.Л.* Некоторые старинные обычаи и обряды, поверья таджиков Верхнего Зерафшана // Занятия и быт народов Средней Азии. – Л., 1971. – С. 236.

³³² *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... – С. 1 32.

³³³ *Бу тўғрида батафсилроқ қаранг: Modi J.J.* The religious Ceremonies and Customs of the Parsees. – Bombay, 1922. – P. 307; *Jackson A.V.W.* Persia Past and Present. – N.Y.-London, 1909. – P. 387; *Boyse M.A.* Persian Stronghold of Zoroastrianism. – Oxford, 1977. – P. 148.

³³⁴ *Қаранг: Дорошенко Е. А.* Зороастрийцы в Иране. – М., 1982. – С. 55-56

маросимларида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Ушбу амалларнинг дастлабки хусусияти шундан иборатки, уларни кечиктирмасдан тез бажариш даркор, чунки, агар кечиктириб юборилса мурда аъзолари қотиб қолиши мумкин. Иккинчи хусусияти шундан иборатки, мурдани маҳтал қилмасдан дафнга тайёрлаш лозим. Бунда жон чиққандан сўнг тезда майитнинг³³⁵ энгаги (ияги) боғланади, кўзи ёпиб қўйилади, қўлларининг панжалари текисланиб, оёғи узатилади ва бошмалдоқлари бир-бирига теккизиб боғланиб беданинг устига ётқизиб қўйилади³³⁶. Бу билан майитдан, ўлиқдан қўрқиш эмас, балки ундан ҳазар қилишдан келиб чиқадиган яна бир хусусият кўзга ташланади.

Мурдага яқинлашишдан қўрқув ҳиссининг келиб чиқиш асослари Г.П. Снесарев ишларида батафсил таҳлил қилинган. Унинг таъкидлашича, бутун бошли маросимларни белгиловчи мурданинг тоза бўлмаслиги, кўриниши, ўзининг қолдиғий кўринишларида ҳам ҳақиқий характерга эга. Бу майитдан ёмонлик ташувчи сифатида қўрқмаслик, яъни жасаднинг физиологик ҳолати билан боғлиқ бўлмасдан, балки ўлим тўғрисидаги ғайритабиий кучлар эътиқоди билан боғлиқдир³³⁷. Дарҳақиқат, мана шунга ўхшаш эътиқодлар асосларини қадимий зардуштийлик дини маросимларида ҳам учратамиз.

Зардуштийликда мурданинг анъанавий нопоклиги концепцияси мотам маросимлари марказида турган. «Вендидот»да баён қилинишича, ўлим шайтони Насу ҳаётининг сўнгги дамларини яшаётган одам танасига кириб олиб, унга бутун атрофни булғаш хусусиятини беради. Шу сабабга биноан кимки мурдага тегинса, у ҳам кулфат ва касалликлар билан жазоланади. Шундай гоё илгари сурилгани боис жон бераётган одамни қариндошлари ва яқинларидан ажратилган алоҳида уйга ётқизиш шарт бўлган. Бунда ўлаётган одам билан тирик инсонлар ва зардуштийлар муқаддас ҳисоблаган баъзи бир нарсалар ўртасида маълум масофа сақланган. Бу масофа оловдан 30 қадам, сувдан 30 қадам, муқаддас шохдан 30 қадам узоқликда бўлиши лозим эди³³⁸. Зардуштий анъаналарига кўра, марҳумларга фақатгина мурдашуйларгина тегина олганлар. Улар

³³⁵ Диний адабиётларда, манбаларда ўлик «майит» деб аталади

³³⁶ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Чортоқ тумани Қорамурт қишлоғи. 2003 йил.

³³⁷ *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ...— С. 134.

³³⁸ *Иностранцев К.А.* О древнеиранских погребальных обычаях.— С.П. — С. 24.

мархумни ювиб, кафанлаб қўллари кўкрагига қўйиб қўйганлар³³⁹. Демак, биз бундан маросимий қўркув гоёси илдизлари зардуштийликнинг «нопок мурда» концепцияси билан боғланганлигини кўраимиз.

Мотам маросимларида йиғи (бўзлов, бўзлаш, марсия айтиб йиғлаш) алоҳида ўрин тутди. Дафн кундаги йиғида эркаклар ва аёллар (айниқса аёллар) баланд овозда дод солиб, марсия айтиб йиғлайдилар. Вафот этган кишига марсия айтиб йиғлаш дунёнинг кўплаб халқларида учрайди. Бу одат илдизлари ибтидоий даврларга бориб тақалади. Қадим замонларда ибтидоий одамлар назарида ўлим ҳаётнинг яқунланиши ҳисобланмаган. Жонсиз кўринишда ётган ўлик аслида физиологик ва руҳий ҳаёт бўлиб, эшитади ва кўради. Шунинг учун яқинларининг дастлабки қайғуси табиий равишда мархум билан айрилиқ ноласи, яккаланишдан ҳасрат, ожизлик, мархумнинг мардона хатти-ҳаракатлари ва яхши амалларини мадҳ этиш кўринишидаги баланд овозли бўзлаш шаклини олган.

Фарғона водийси ўзбекларида вафот этган кишининг яқин қариндошлари (эркаклар) дафн маросими куни янги, охорли тўн, дўппи кийиб, белларини белбоғ билан боғлаб, қўлларига ҳасса (асо, янги қирқилган қора тол новдасидан) олиб, унга суянган ҳолда мархум қўйилган хона атрофида айланиб марсия айтиб йиғлаганлар. Фарғона водийсида бундай махсус йиғичилар гўянда деб номланган. Ислом динида йиғлаб айтувчилар—марсиячилар— ноих ва ноиха дейилиб, мотам маросимида мархум учун йиғлаш навха солиш деб аталади³⁴⁰.

«Йиғичи»лар гуруҳи мотамга мархумнинг ёки унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларининг ҳурмати учун келган кишилар ҳисобига кўпайиб борган. Улар бу ерда гамнок кайфиятдан таъсирланиб, ўзларининг бошдан ўтган йўқотишларини эслаб, йиғига жўр бўладилар. Мархумнинг энг яқин қариндошлари ҳассага суяниб йиғлаш одати водий бўйича кенг тарқалган бўлиб, ҳассага суяниб йиғловчиларни *ҳассакашлар* деб номлаганлар³⁴¹. Ҳассага суяниб йиғлаш одати нафақат водий ўзбеклари орасида, балки тожик, қozoқ ва хакаслар орасида ҳам учраши хусусида илмий ада-

³³⁹ Jackson A. V. W. Persia. Past and Present ... — P. 335.

³⁴⁰ Раҳматилло Қосим Усмон ал-Ўшӣй. Мархумни дафн этиш маросимлари ва шаърий васият. — Ўш, 1993. — Б. 14.

³⁴¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Чўнбағиш қишлоғи. 2003 йил.

биётларда маълумотлар келтирилган³⁴². Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, эркак киши вафот этганда ҳассага таяниб йиғлашда ҳасса нафақат суянчиқ вазифасини, балки ушбу хонадоннинг устунидан айрилганликларининг рамзий белгисини ҳам ифодалаган³⁴³. Қолаверса, халқда қанча кўп ҳасса суяниб йиғланса, мархумга шунча енгил бўлади, деган тушунча бўлган. Водийда олдинлари «ҳасса»лар қабрга қўшиб кўмилган.

Аёллар йиғиси эркакларникидан ўзига хос томонлари билан фарқланган. Аёллар давра куриб (эркаклардан ажралган ҳолда) баланд овозда вафот этган кишига марсия айтиб йиғлаганлар. Агар мархум уйланмаган ёки турмушга чиқмаган бўлса, у этган уйга чимилдиқ тескари тарзда тугилиб, хотинлар таъсирли тарзда ҳасратли мотам «ёр-ёр»ларини айтадилар³⁴⁴. Эътиборли жиҳати шундаки, водийдаги ўзбеклар мотамда никоҳ тўйи маросимларидан фарқли равишда мархумнинг юзига тугилган матони ёш чақалоқ томонидан мевали дарахт новдаси билан очганидай эмас, балки кекса аёл қуриган дарахт новдаси билан очадилар. Бундай одат республиканинг бошқа ҳудудларида деярли учрамайди. Айнан мазкур одатда, биз қуриган дарахт ўлим рамзини англатишини кўришимиз мумкин. Шунингдек, бу борада водий ўзбекларида ҳовлида қуриган дарахт бўлиши беҳосиятлилик аломати бўлиб, ўлим олиб келиши мумкин деб ҳисобланган ва шу боисдан ҳам дарахт қуриган заҳоти кесиб ташланган.

Водийнинг аксар ерларида эркаклар асосан мархум дафн этилган кунда йиғлайдилар. Қашқадарё воҳасида яшовчи кўнғирот ўзбекларида эркаклар дафн кунидан бошқа кунларда уч кундан етти кунгача тонг маҳалда йиғлаганлар³⁴⁵. Косонсой, Чуст, Янгиқўрғон, Поп туманларида мархумнинг яқин қариндошлари белларини боғлаганлар. Бел боғлашда асосан кўк мато ишлатилган. У азадорлар томонидан «кўк кийди» маросимида азадорлик белгиси сифатида кийилади.

Бундан ташқари, ўтмишда водийнинг жуда кўп шаҳар ва қиш-

³⁴² *Андреев М.С.* Материалы по этнографии Ягноба (записки 1927-1928 гг.) ... — С. 130; *Толубаев А.Т.* Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов. — С. 94; *Усмонова М.У.* Дерево в традиционных представлениях хакасов // Вопросы этнокультурной истории Сибири. — Томск, 1980. — С. 100-106.

³⁴³ *Дала ёзувлари.* Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 2004 йил.

³⁴⁴ *Дала ёзувлари.* Наманган вилояти Чуст тумани Қизилтош қишлоғи 2003 йил.

³⁴⁵ *Насриддинов Қ.* Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. — Б.34.

лоқларида профессионал «йигичи», «гўянда»лар бўлган. Ували-жували, обрўли шахслар вафот этганларида «йигичилар» таклиф қилинган. Водийда бундай «йигичи»лар бугунги кунда учрамайди.

Водийнинг баъзи бир жойларида олдинлари аёлларнинг дафн маросимларида кўкракларига уриб, бошларини очиб (айниқса, эри ўлган аёллар бошим очиқ қолди, деган маънода) сочлари ўримини тарқатиб, дод солиб йиғлашлар учраб турган³⁴⁶. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, водий қипчоқларида авваллари мотам маросимларида айнан марҳумнинг энг яқин қариндошлари, жумладан, хотини, онаси ва ушбу уруққа мансуб яқин қариндошларигина сочларини ёйиб йиғлаганлар. Лекин марҳумнинг бошқага турмушга чиққан аёл қариндошлари бошларини очиб, сочларини ёйиб йиғламаганлар³⁴⁷. Чунки у энди бошқа уруғ вакили ҳисобланган.

Ўз ўрнида шуни ҳам қайд этиш лозимки, дод солиб баланд овоз билан сочларини ёйиб, ўзини уриб йиғлаш одати нафақат ўзбек халқига, балки бутун Ўрта Осиё халқларига хос бўлиб, унинг илдизлари жуда қадим даврларга бориб тақалади. Қадимги туркий халқларда марҳумнинг бевасигина эмас яқин қариндошлари ҳам марсия айтиб, сочларини юлиб, юзлари ва қулоқларини тирнаб йиғлаганлар³⁴⁸. Хитой манбаларида ёзилишича, яқинлари вафот этган туркий халқлар қурбонлик сифатида олиб келинган от ва қўйларни ўтов олдига қўйиб келтириб, отнинг устида турган ҳолда етти марта ўтовни айланганлар, сўнгра ўтовга киришдан олдин пичоқлари билан юзларини тилиб овоз чиқариб йиғлаганлар³⁴⁹. Аёллар йиғисидаги соч ёйиш, ўзини азоблашнинг турли хил кўринишлари Панжикент топилмаларида, Тоқ қалъадан топилган остадондаги сурат шаклларида ҳам акс этган³⁵⁰. Тарихчи Наршахий бу одатларни «оташпараствлар йиғиси» деб ёзган³⁵¹. Дарҳақиқат, бизнингча ҳам бу одат исломгача бўлган диний эътиқодий қарашлар қолдиқларидан бўлса керак, чунки ислом динида, шариатда овоз чиқармасдан, жимгина кўз ёшини оқизиб йиғлаш лозимлиги таъкидланган.

³⁴⁶ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 2000 йил.

³⁴⁷ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Чуст тумани Ариқбўйи қишлоғи. 2003 йил.

³⁴⁸ *Айдаров Г.* Язык орхонских памятников древнетюркских письменности. – Алма-Ата, 1971. – С. 15.

³⁴⁹ *Бичурин Н.Я. (Иакинф)* Собрание сведения о народах, ... – Т. I – С. 230.

³⁵⁰ *Живопись древнего города Пенжикента*. – М., 1954. – С. 61.

³⁵¹ *Наршахий.* Бухоро тарихи...Б. 104; *Абу Райхон Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар ... – Б. 361.

Этнограф Л.Я. Штернбергнинг ёзишича, соч ва қон ҳаётнинг асосий белгиси ҳисобланган³⁵². Шу боис дафн маросимларида яқин қариндошлари томонидан сочларини юлиб, юзларини қонатиб йиғлаш марҳумнинг кейинги ҳаётига гўёки ўзларининг жонларини қурбонлик қилганликлари ёки уни қайта тирилтиришга бўлган ҳаракатларини англатган. Кейинчалик эса бунинг рамзий маъноси ўзгариб мотам иштирокчиларининг марҳумга бўлган ҳурмати рамзини ҳам билдирган. Умуман сочнинг ёйиқлиги ўзбекларда тарихан азадорлик ва мотам маъноларини англатиб, афсунгарлик ишончи билан боғлиқ бўлган. Ж. Фрэзернинг ёзишича, дунёнинг кўпгина халқларида аёллар марҳум руҳини чалғитиш учун соч ёзиб йиғлашади³⁵³.

Мусулмончилик одатига кўра, марҳум дафн этилишдан аввал сув билан ювиб покланади. Водийнинг аксарият ерларида марҳумни ювиш майит ётган хонанинг юқори қисмида, яъни одамлар кам борадиган жойда бажарилган. Ерга солинган шолча ёки палос йиғиштириб олинган. Сўнгра ердан бир-икки кетмон тупроқ олиб ташланиб сув тушиши учун чуқурча қилинган ва унинг устига тахта ташланган. Наманган вилоятининг Чуст ва Косонсой туманларида яшовчи қипчоқлар, Фарғона вилояти Арабмозор ва Бўстон қишлоқларида тахта ўрнига кўпинча эшик табақасидан фойдаланилган³⁵⁴. Фарғоналиклар орасида кўйилган тахта устига қамишли бўйра ёки беда тўшалган. Андижон ва Наманган шаҳарларида қишда ҳам тахта устига қуритилган беда солинган³⁵⁵. Этнографик кузатувларимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, ҳозирги вақтда водийнинг кўплаб ерларида уйда чуқурча қилинмасдан ювишда ишлатиладиган махсус тоғорачадан фойдаланади. Майитни ювишда ишлатилган сув ҳовлининг чекка жойига олиб бориб тўкилади. Бу сув ҳеч қачон мевали дарaxтнинг тагига тўкилмаган, чунки сув мевали дарaxтнинг остига тўкилса уни қуритиб қўяди деган фикр

³⁵² Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии. — Л., 1936. — С. 262.

³⁵³ Фрэзер Д. Фольклор в Ветхом завете. — М., 1986. — С. 61.

³⁵⁴ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 1999 йил.

³⁵⁵ Кармишева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы ... — С. 143; Қирғизларда ишлатиладиган беда марҳум ётган ерга солиб кўйилган. Боялиева Т.Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов.. — С. 68.

шаклланган. Ювиш учун тоғора, челак (пақир), чўмич, махсус тахта зарур бўлган. Косонсойда бу анжомлар маҳалла, қишлоқ қабристониди тобут билан бирга сақланади³⁵⁶.

Ювишда махсус ўлимлик учун сақлаб қўйилган қозонда сув иситилган. Қозон олиб қўйилмаган бўлса, хонадондаги кир ювишда ишлатиладиган қозондан фойдаланилган. Ушбу қозон кейинчалик ювиб, қатрон қилингандан кейин хўжаликда қайтадан ишлатиш мумкин бўлган. Водийда майитни ювишда ишлатиладиган сувга, беҳишт ҳиди келади, деб райҳон ёки камёб махсар гулидан қўшилган. Чуст тумани Ариқбўйи қишлоғида марҳум уйда ётган пайтда тагига беда ёки райҳон тўшалган. Бу ўринда сувга райҳон ёки махсар гули қўшилиши ёхуд унинг тагига райҳон, беда тўшаш одатлари қадимий маҳаллий аграр культлар билан боғлиқдир.

Майитни ювишда янги, ишлатилмаган обдастандан фойдаланилган. Марғилон ва унга яқин бўлган Аввал қишлоғида обдаста ўрнида қовоқдан тайёрланган махсус чўмич ишлатилган. Одатда, ғассоллар бундай чўмичларни белларига осиб юришган³⁵⁷. Майитни ювишда ғассол ёки марҳумнинг яқинларидан бўлган ювғичлар аввал ўзлари таҳорат қилиб олганлар, сўнгра марҳумнинг авратини бир парча лагга — кафанликдан қилинган лунги билан ёпиб қўйганлар, чунки марҳум авратига назар солмоқлик оғир гуноҳ ҳисобланган³⁵⁸. Марҳумнинг тирноқлари, қўлтиқ ости туклари, сунъий тишлари ва бошқа нарсалари олинмаган, башарти олинса ҳам кафаннинг бир четига туғиб, тупроққа биргаликда кўмилган.

Водий қипчоқларида «*суягимизни бегонага ушлатмаймиз*» деган маънода майитни ювиш билан бирга, уни кафанлаш, лаҳадга қўйиш каби амалларни марҳумнинг энг яқин қариндошлари — суяк эгалари бажарадилар. Элшунос олима Б.Х. Кармишеванинг ёзишича, бу одат Фарғона туркларида ҳам бўлган³⁵⁹. Бизнингча, мазкур одат илдизлари қадимги туркийларнинг аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ўзаро қариндошлигига оид тасаввурлари билан боғлиқ бўлса керак. Чунончи, туркий халқлар орасида суяк ибораси уруғ-авлод маъносини ҳам билдирган бўлиб, ўзаро шажаравий боғланиш қон

³⁵⁶ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 2000 йил.

³⁵⁷ Кармышева Б.Х. Архаическая символика ...— С. 145.

³⁵⁸ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 2004 йил.

³⁵⁹ Кармышева Б.Х. Архаическая символика.. — С. 142.

орқали эмас, балки суяк орқали юз беради деб ҳисобланган. Уларнинг тасаввурида айнан суяк одам вафотидан кейин сақланиб қоладиган тана аъзоларидан бири ҳисобланган ва у орқали аждодлардан авлодларга ўзига хос рамзий ҳаётий куч ҳам ўтган. Одамлар тасаввурида бир уруғ аъзоларининг суяклари бир хил бўлган. Шу боис туркий халқлар аждодлар ва авлодлар орасидаги ўзаро боғланиш принципларини қондошлик меъёрлари асосида эмас, балки суякдошлик асосида деб билганлар³⁶⁰. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш керакки, қадимда туркийларда уруғчилик ва қариндошликни тавсифлашда ва уларнинг қисмлари ҳамда функцияларини кўрсатишда ўзига хос анатомик коддан, жумладан, соок(суяк)—уруғ, бошлиқ—уруғ етакчиси каби тушунчалардан кенг фойдаланган.

Республикамизнинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Нурота, Қарши, Урганч, Хива каби шаҳарларида бўлган каби водийнинг Марғилон, Хўжанд, Наманган, Андигон ва Ўш каби йирик шаҳарларида профессионал ғассоллар яшаганлар. Уларга бу касб аждодларидан отамерос сифатида ўтган бўлиб, шогирд тайёрлаш усули ҳам ана шу анъанага асосланган. Хоразмдагидан фарқли равишда водий шаҳарларида ғассоллар алоҳида маҳаллаларда эмас, балки шаҳар аҳолиси билан аралаш ҳолда, яъни кўни-кўшни тарзда яшаган. Улар шаҳарликларгагина эмас шаҳар атрофидаги қишлоқлар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатганлар. Водий ғассолларининг республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги ғассоллар каби махсус кийим-бошлари бўлмаган. Лекин уларни олдинлари ташқи кўринишларига қараб фарқлаш мумкин бўлган. Жумладан, Марғилон шаҳридаги ғассоллар XX аср 50—60- йилларига қадар доимо ўзлари билан қовоқдан ясалган чўмичларини белларидаги белбоғларига осиб юрганлар³⁶¹. Айнан бундай турдаги чўмич ва марҳумларни ювишда ишлатиладиган халтасимон бир жуфт қўлқоп ғассолликнинг ташқи атрибути ҳисобланган³⁶².

Хўжандда ғассоллар *маддоҳлар (мадҳ қилувчи киши)*³⁶³, Конибо-

³⁶⁰ Бу тўғрида батафсилроқ қаранг: Традиционное мировоззрение тюрков ... — С. 39-40.

³⁶¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Марғилон шаҳри. 2005 йил.

³⁶² Бу борада Б.Х.Кармишева ҳам маълумот берган. Қаранг: Кармишева Б.Х. Архаическая символика.. — С. 144.

³⁶³ Дала ёзувлари. Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Хўжанд шаҳри. 2003 йил. Ислому оламида подшоҳлар, ислоний саркардалар ва диний уламалар, шу жумладан, сўфийлар тўғрисидаги халқ дostonлари ва қиссаларини айтувчи кишиларга нисбатан «Маддоҳ» атамаси қўлланган. Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: Эркинов А. Маддах // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып. 4. — М., 2003. — С. 45-47.

домда сўғи³⁶⁴, Фарғона вилояти Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда *покчи*³⁶⁵, водийнинг бошқа ерларида эса *ювувчи ва ғассол* деб аталган. Махсус ювғичлар иши анъанавий «макруҳ» мурда билан боғлиқ бўлганлиги сабабли одамлар улар билан кам алоқада бўлганлар. Улар фақат ўзаро бир-бирлари билангина оила қурганлар. Шаҳарликлар ҳеч қачон маддоҳлардан қиз олиб қиз бермаганлар, уларни тўй ва маъракаларга таклиф қилмаганлар. Маддоҳларнинг асосий машғулоти марҳумларни ювишдан иборат бўлган. Шаҳарликлар фақат яқинлари вафот қилганларидагина маддоҳларга мурожаат қилганлар³⁶⁶.

XX аср бошларида мурдашўйлар касбий уюшмаларга бирлашганлар, уларнинг ўз оқсоқоллари, Низом — қисмлари бўлган. Ҳазрати Шоҳимардон чаҳорёрлардан Али ибн Толиб — «Эрларнинг шоҳи» деб аталиб, ғассолларнинг пири ҳисобланган³⁶⁷. Ғассоллар қадимги зардуштийликдаги ўлик хизматчилари — насасаларнинг рамзий авлодларидир. Биз қадимги зардуштийлик динига эътиқод қилувчилар ўзларини ўлик хизматчилари — насасалардан доимо четга олганликлари ҳақидаги маълумотларга эгамиз. Ўтмишда улар меҳмонга, тўйларга таклиф қилинмаган. Хонадонлардан ташқарида бўладиган кўплаб тантана ва байрамлар, оммавий ўйинлардан зардуштийлар уларни расман ҳайдаб юбормасдилар. Лекин ўзларини улардан четга олганлар ва уларга тегишли совғаларни уйларига жўнатганлар³⁶⁸. Шундай маълумотлар борки, ҳатто ўтмишда ғассоллар бозорда юрган бўлса, бошқаларга зиён етказмасликлари учун ўзининг келаётганлигини билдириб қўнғироқ чалиб борган³⁶⁹.

Одатда, ғассоллар икки кишилашиб она қизи билан, қайнона-келин, ота-ўғил бўлиб юрганлар. Уларга сувни иситиб ташиб беришда марҳумнинг яқинлари ёки қўшниларидан бирор киши ёрдамлашган. Ғассоллар майитни ювишда қўлларига кафаннинг матосидан тайёрланган қўлқоп кийганлар. Ушбу қўлқоп, марҳум кекса киши бўлса, бефарзанд аёллар томонидан фарзандсизликка қарши магик восита сифатида фойдаланиш мақсадида олиб кетилган. Агар

³⁶⁴ Дала ёзувлари. Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Конибодом шаҳарчаси. 2003 йил.

³⁶⁵ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Қўқон шаҳри Норин кўчаси, Данғара тумани Тумор қишлоғи. 2003 йил.

³⁶⁶ Дала ёзувлари. Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Хўжанд шаҳри. 2003 йил.

³⁶⁷ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований узбеков ... — С. 159, 162.

³⁶⁸ Воусе М.А History of Zoroastrianism ... — P. 57.

³⁶⁹ Бичурин Н.Н. (Иакинф). Собрание сведений о народах. Т. 2. ... — С. 262.

мархум ёш бўлса, қўлқоп кўп ҳолларда ушбу хонадоннинг ўзида қолган. Ҳассолларга авваллари мархумнинг кийим-боши берилган бўлса, ҳозирда эса бошдан оёқ янги либос совға қилинади. Косонсой ювувчиларига ўлим тоқ бўлсин деган ниятда тоқ сарполар берилган³⁷⁰.

Мархум ювиб бўлингандан кейин дафн маросими урф-одатларига кўра майитга хушбўй ўсимликлар, масалан, *атиргул*, *райҳон* қўйилган. Риштонда мархум ёш бўлса, унинг кафанига *седона* сепилади³⁷¹. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғида мархумни кафанлашда *седона*, *райҳон*, *қалампирмунчоқ*дан фойдаланганлар³⁷². Мурда ювилган хонада эса *исирик* тутатилади. Бу қадимги аграр культларнинг зардуштийлик урф-одатлари билан билан уйқашган кўринишидир³⁷³.

Мархумни ювишдан олдин мурда ётган хонада Ҳассоллар ёки кекса қариялар томонидан майитга кафан бичилган. Кафани ким бичишидан қатъи назар бир хил бичилган. Кафан бичишдаги фарқ аёллар ва эркеклар кафанида кўзга ташланади. Бу жараёнда бир қатор афсунгарлик одатларига қатъий амал қилинган. Жумладан, айнан кафани қайчида қирқиш, унинг пастки қисмини қайтариб тикиш ва ҳатто у тикиладиган ип учини ҳам тугиб тикиш қатъий тақиқланган. Бу одатларга амал қилмаслик ушбу уйда яна бир бор мотам маросимига сабаб бўлиши мумкин, деб ирим қилинган.

Кафан қадимий либосларнинг узоқ ўтмишга оид хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Водийда кафан — *кафан*, *тайпин* каби номлар билан юритилган бўлиб, олдинлари Фарғона водийсида кафан оқ бўздан бичилган. Элшунос олима Б.Х. Кармишева-нинг ёзишича, XX аср бошларидан Марғилонда водийнинг бошқа ерларидагидан фарқли тарзда доқадан кафан тайёрланган³⁷⁴. Ҳозирда эса кафанлик учун асосан оқ сурп ишлатилади³⁷⁵. Кафан вафот

³⁷⁰ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 2004 йил.

³⁷¹ «Ҳадис»да эса хушбўй нарсалар сепмангиз, деб буюрилади. Қаранг: *Исмоил ал-Бухорий*. Ҳадис. 1-жилд. — Т., 1991. — Б. 343.

³⁷² *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғи. 2000 йил.

³⁷³ *Қадимги аграр культлар борасида қаранг: Mannhardt W. Wald-und Feldkulte.* — Berlin, 1862; *Басилов В.Н.* Следы культа умирающего и воскресающего божества в христианской и мусульманской агииологии // *Фольклор и историческая этнография.* — М., 1983. — С. 44-56.

³⁷⁴ *Кармишева Б.Х.* Архαιческая символика ... — С. 144.

³⁷⁵ *Дала ёзувлари*. Фарғона вилояти Бувайда тумани Жов қишлоғи. 2002 йил.

этган эркак (бола) учун 12 ёшдан, аёл (қиз)лар учун 9 ёшдан бичилган. Эркак майит учун ўн олти метрдан йигирма метргача, аёл майит учун йигирма метрдан йигирма тўрт метргача сурп ишлатилган. Косонсойда кафан бичишда қайчи ўрнида шиша ёки ойна синигидан фойдаланилади.

Майит кафанлангандан сўнг ҳали тугилмаган кўрпага ўралиб, бошининг остига ёстиқ тескари қўйилган ҳолда тобутга солинади ва ётган уйдан чиқарилади. Чуст тумани Ариқбўйи қишлоғи ўзбек қипчоқларида бир хонадонда сурункасига уч маротаба дафн маросими бўлган тақдирда учинчи мартасида марҳумни эшиқдан эмас, балки алоҳида туйнук очиб ёки дераза орқали чиқарилган³⁷⁶. Ушбу одат бу хонадондан яна қайта ўлик чиқмасин, деган ниятда бажарилган. Бу борада халқ орасида ҳатто эшиқдан кириб тешиқдан чиқсин, деган ибора мавжуд. Бу халқона қарашни рад этиб бўлмайди. Қолаверса, жаҳон этнографиясида шунга ўхшаш кўплаб мисоллар мавжуд. Бундай кўринишлар Шимолий Америка ҳиндуларида, Африка халқларида, Ҳиндистонда, Хитойда ҳам мавжуд³⁷⁷. Этнограф В. Харузин марҳум олдидаги кўрқув ғояси майитни уйдан ғайритабиий йўл билан олиб чиқишга сабаб бўлган, бунда, бир томондан, марҳум чиққан йўл қолганлар учун хавfli ҳисобланса, бошқа тарафдан марҳум руҳининг уйга қайтишининг олди олинган деб ёзган³⁷⁸. Хоразмда марҳум ювилган хонадан доимо оёқ томони билан чиқарилган³⁷⁹. Бизнингча, бу удум зардуштийларнинг ўликдан ҳазар қилиш ва анимизм эътиқодларининг қоришган кўринишларидан бўлиб, мурдадан кўрқиш ғоясидан келиб чиққан бўлса керак.

Тобутни хонадондан олиб чиқиб кетишда бу хонадонда қайта ўлим бўлмасин, деган ниятда уч марта ерга қўйиб кўтарганлар. Янгикўрғон тумани Чўнгбағиш қишлоғида “ўликнинг орқаси тинч бўлсин боши остонага тегиб кетсин”, деб тобутнинг бош қисми уч марта уй остонасига теккизиб кўтарилган³⁸⁰. Косонсойда тобутни етти қадамдан етти маротаба кўтариб бориш савоб дейилган³⁸¹.

³⁷⁶ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Ариқбўйи қишлоғи 2003 йил.

³⁷⁷ Литвинский Б.А. Кангюйско-сарматский фарн (к историко-культурным связям племен Южной России и Средней Азии). – Душанбе, 1968. – С. 104-105.

³⁷⁸ Харузин В. Этнография. Вып. 1. Ч.1. – С. 389.

³⁷⁹ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма ... – С. 116.

³⁸⁰ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Янгикўрғон тумани Чўнгбағиш қишлоғи. 2003 йил.

³⁸¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Қоронқўл қишлоғи. 1997 йил.

Биз бунда марҳумга бўлган ҳурмат билан бирга етти сонининг муқаддаслаштирилишини кўрамиз³⁸².

Марғилон ва унга яқин қишлоқларда марҳум кечки пайт жон берган бўлса, эртасига қолдирмасдан қоронғида чироқ ёрдамида дафн этилган. Бундай шошилинич хатти-ҳаракат халқда фаришталар — Мункар ва Накирнинг саволларига марҳумнинг ўзи тезроқ жавоб бериши лозим, деб изоҳланади. Элшунос Г.П. Снесаревнинг ёзишича, бу фаолият ўликдан қўрқиш, қадимий зардуштийлик одати билан боғлиқ бўлган. Зардуштийларда одамлар мурдани маросимий макруҳ, деган фикрда уни тезроқ дафн этишга уринганлар. Чунки мурда вақтида кўмилмаса, у тирикларга зиён еткази деб қўрққанлар³⁸³.

Турк асотирларида таъкидланишича, келиб чиқиши туркийлардан бўлган шумерлар ишончига кўра, руҳ инсон вужудидан айрилганда учиб кетади, ер юзида айланиб юради. Бу руҳ Эдимну деб юритилади. Агар ўлик кеч кўмиладиган бўлса, Эдимну ҳам Хўртлоққа айланар, яъни ёмон руҳ ҳолатига тушар, мазордан очиқликка чиқиб кетади. Бунга йўл қўймаслик учун эса, инсон ўлганда ўша заҳотиёқ кўмилиши керак. Бу жиҳатдан қараганда шумерларда ҳам энг катта жазо ва таҳлика — кўмилмасликдир³⁸⁴.

Илк ислом даврида ўзига хос (иссиқ иқлим) шароитлари ҳам шундай заруриятни келтириб чиқарган бўлиши мумкин. Бу одат ўша даврларда ўликни маҳтал қилмаслик қонидасидан келиб чиққан бўлса керак.

Наманган вилояти Чуст тумани Ариқбўйи қишлоғи ўзбек қипчоқларида марҳум уйдан жанозага олиб чиқиб кетилаётганда ўзига хос афсунгарлик удуми бажарилган. Бунга кўра, марҳумни уйдан олиб чиқиб кетишда унинг устидан хонадон супрасини уч марта айлантрииб олиш одати мавжуд. Хонадон супрасини марҳум устидан айлантриишда супрадаги хамиртуриш олиб қўйилади. Чунки агар хамиртуруш олиб қўйилмаса ушбу уйдан яна кимдир вафот этади, деб ирим қилинган.

Марҳумларни қабрга қўйишда майит кафанининг оғиз қисми кўтариб қўйилган. Чунки майит кафанини тишлаб қолса, унинг

³⁸² Етти рақамининг маросимий магик маъноси борасида батафсилроқ қаранг: Рахимов Р.Р. Костры на пути невесты в Самарканде ... — С. 144: Абашин Н.С. Семь святых братьев // Подвижники ислама: Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. — М., 2003. — С. 18-40.

³⁸³ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма ... — С. 128-129.

³⁸⁴ Мурот Уроз. Турк асотирлари // Сирли олам. — 1991. — № 11. — Б. 12, 13.

бутун авлоди қирилиб кетар эмиш³⁸⁵. Умуман олганда, мотам маросимларида ҳам кўплаб афсунгарлик урф-одатлари бажарилади ва уларнинг аксариятида ушбу хонадонда қайта мотам бўлмаслигига қаратилган магик ният мужассамлашган.

Фарғона водийсида мархум дафн этиб келингандан бошлаб ҳар куни кечки пайт унинг оила-аъзолари, қариндош-уруғлари мархум ювиб покланиб чиқарилган хонага тўпланишиб Қуръон тиловат қилганлар ва оила бошлиғи томонидан чироқ қўйилиб мархум ювилган жойда косада сув ва беҳи новдаси суқиб қўйилган. Олдинлари бундай одат қирқ кун давом этган бўлса, ҳозирда эса водийнинг кўп жойларида қирқта чироқ мархум дафн қилинган куннинг ўзидаёқ қўйилади³⁸⁶. Мархум чиқарилган хонанинг ўнг тарафига одам бўйи бараварида деворга миҳ қоқиб, рўмол ўлчовидаги оқ мато осиб қўйилган.

Жуда кўп халқларда, жумладан, Фарғона водийси ўзбекларида ҳам қадимдан одам уч қисмдан ташкил топганлиги ҳақидаги тасаввур мавжуд. Бу қисмлар: тана, жон ва руҳ. Тана жон ҳамда руҳ билан тирик. Инсон ўлгач, унинг танаси ерда қолади ва чириб тупроққа қўшилади. Жон эса осмонга учиб кетади. Руҳ ҳам танани тарк этади, аммо қуш ёки бошқа жонзот сифатида тез-тез келиб туради. Қолаверса, бунга ўхшаш қарашлар зардуштийлик дафн ва мотам маросимларида ҳам учрайди. Жумладан, замонавий зардуштийлар дафн маросимларини тадқиқ этган Маҳмуд Катрианинг ёзишича, зардуштийларда мархум вафотидан кейин уч кун мобайнида оламдан ўтган одамнинг руҳи ўзининг танасига қайта кириш мақсадида айланиб юрар экан. Шунинг учун ҳам унинг яқин қариндошлари томонидан мархум чиққан уйда уч кеча-кундуз муқаддас олов ўчирилмайди³⁸⁷.

Биз бундай қарашни Фарғона водийсида ҳам учратдик. Жумладан, ахборотчиларнинг таъкидлашларича, мархумлар руҳи қирқ кун давомидан тун капалаги (халқ тилида арвоҳ капалак) кўринишида ўз хонадонига ташриф буюради ва дастлаб шу матога ўтира-

³⁸⁵ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 2002 йил.

³⁸⁶ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Косонсой тумани Хўжақўрғон қишлоғи. 2005 йил. Биз бундай одатни замонавий зардуштийларда ҳам учратамиз. Замонавий зардуштийлар одатига кўра мархум вафотидан кейин у ювилган жойга, аниқроғи унинг боши турган ерга чироқ ёқилади. Қаранг: *Литвинский Б. А., Седов А. А.* Культы и ритуалы Кушанской Бактрии. — М., 1984. — С. 167.

³⁸⁷ *Хисматуллин А. А., Крюкова В. Ю.* Смерть и похоронный обряд в исламе и зороастризме. — Спб.: Центр «Петербургское востоковедение», 1997. — С. 60.

ди. Ундан кейин ёқилган чироқни кўриб, у томонга учиб боради ва суқиб қўйилган беҳи новдасидаги пахтага бориб ўтиради. Беҳи новдаси қўйишнинг сабаби унинг хушбўйлиги, жаннатнинг мева-си деб ҳисобланиши билан боғлиқдир³⁸⁸. Шунингдек, С.С. Губаева айнан беҳи новдаси қўйилишини Андижон вилояти Хонобод туманида ёзиб олган маълумотларига асосланиб, унинг оқ рангда гуллаши билан изоҳлайди. Оқ рангнинг белгиси турлича бўлиб, шулардан бири ўлим маъносини ҳам англатган, деб ёзади³⁸⁹.

Риштон ва Сўх тожикларида беҳи новдаси ўрнига ўлик чакка-сига райҳон тақиб қўйилган ва марҳум дафн қилинган кундан кейин майит ювилган жойга мурдани ювишда ишлатилган кўзада сув қўйилган. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғида эса мурда ювилган ерга косада сув, беҳи новдаси ва битта чироқ 40 кун мобайнида қўйилади. Кўзадаги сув ҳар кунлик Куръон тиловатидан сўнг қирқ кунгача янгиланиб турилган. Сув марҳум руҳи ичиб туриши учун қўйилар экан³⁹⁰.

Биз дафн маросимига кирувчи ушбу маросимга ўхшаш кўри-нишларни қадимий зардуштийлик анъаналарида ҳам учратамиз. Зардуштийларда жон бераётган зардуштийнинг олдига муқаддас хаома тўлдирилган кўза қўйилган.

Республикаимизнинг бошқа ҳудудлари сингари Фарғона водий-си аҳолисининг ҳозирги кундаги оилавий урф-одатларида марҳум-ларга аза тутиш, хотира маросимлари муҳим ўринда туради. Аза арабча сўздан олинган бўлиб, мусибатга сабр қилмоқ, тасалли топ-моқ маъносини англатади. Аза марҳумнинг иззат-ҳурмати ва хоти-раси учун маълум вақт (бир йилгача) мунтазам амал қилинадиган мотам удумидир.

Аза бирор киши вафот этган кундан тутилади. Марҳумнинг энг яқин қариндош-уруғлари унинг биринчи маракасигача аза либос-ларини киядилар. Азадор аёлларнинг удумга мувофиқ, ўйин-кул-ги, хурсандчилик, қилишлари, тўй-томошалар ва байрамларга бо-ришлари тақиқланган. Бундан ташқари, азадор аёллар тақинчоқлар тақмаганлар, ҳатто ўзларига хушбўй нарсалар ҳам сепмаганлар. Бу

³⁸⁸ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Хўжақўрғон қишлоғи. 2005 йил.

³⁸⁹ Қаранг: Кармышева Б.Х. Архаическая символика ... – С. 148.

³⁹⁰ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи. 2004 йил.

давр азадорликнинг чилла даври ҳам дейилган. Одатда, бу даврдаги чеклашлар «оқ кийди» маросимигача давом этган. Азадорликнинг биринчи белгиси йиғи бўлса, кейинги белгиларидан бири уларни бошқалардан ажратиб турадиган ўзига хос мотамсаро рангдаги либослар ҳисобланади.

Фарғона водийси ўзбекларининг аза кийимлари, асосан, кўк рангли матодан бўлган. Фарғона вилояти Сўх туманида азадорлик либоси сифатида оқ рангли карбос (бўз; пахта ипидан тўқилган мато)дан тикилган кўйлак кийилган. Тожикистонлик тадқиқотчи Н.С. Бабаеванинг этнограф А.К. Писарчук материалларига асосланиб ёзишича, XX аср 20-йилларидан бошлаб фабрикада ишлаб чиқарилган матоларнинг оммавийлашиши натижасида сўхликлар ҳам кўк рангли матодан мотам либоси тикиб кия бошлаганлар. Лекин, азадорлар орасида кимнингдир олдинги даврлардан қолган оқ карбос матодон тикилган аза кийими бўлса, у ушбу кўйлакни фахр билан кийган³⁹¹. Оқ рангли аза либосини Бухоро шаҳри тожиклари ҳам кийганлар³⁹². Ўз навбатида шуни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, оқ ранг дунёнинг кўплаб халқларида мотам рангги ҳисобланган³⁹³.

Шимолий Фарғона тожикларида XX-аср бошларида эри вафот этган аёл аза тутиб, қора кийим, отаси ўлган эркаклар эса қора дўппи кийган³⁹⁴. Илмий изланишларимиз жараёнида юқоридагидек қора рангли кийим кийиш одати бугунги кунда учрамаслиги аниқланди. Ҳозирги даврда Косонсойда азадорлик белгиси сифатида асосан кўк рангли кийимлар кийилади³⁹⁵.

Водийлик қирғизларда бу удум ўзига хос тарзда намоён бўлади. Жанубий қирғизларда эри ўлган аёл қора кўйлак ва қора камзул кийган. Ушбу этник жамоаларда қизил ранг ҳам мотам рамзи ҳисоб-

³⁹¹ *Бабаева Н.С.* Древние верования горных таджиков Южного Таджикистана в похоронно-поминальной обрядности (конец XIX — начало XX века). — Душанбе, 1993. — С. 133.

³⁹² *Люшкевич Ф.Д.* Некоторые особенности этнического развития групп ирони в Узбекистане // Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. — М., 1980. — С. 212.

³⁹³ *Тэрнер В.* Символ и ритуал. — М., 1983. — С. 72-73; Цой В.С. Изучение семенной обрядности корейцев Казахстана // СЭ. — 1983. — № 2. — С. 96-102.

³⁹⁴ *Дала Ёзувлари.* Наманган вилояти Косонсой шаҳри Сапир маҳалласи. Бу тўғрида қаранг: Андреев М.С.. Поездка летом 1929 г в Касансайский район // Известия общества по изучению Таджикистана и иранских народов за его переделами. — Т., 1929.

³⁹⁵ *Дала Ёзувлари.* Наманган вилояти Косонсой шаҳри Обод кўчаси.

ланган. Бева аёл азадорлик белгиси сифатида аксарият ҳолларда қизил рангли дурра билан пешонасини боғлаб олган³⁹⁶. Таъзияда иштирок этаётган аёлларга ҳам шу рангдаги рўмол, эркакларга эса чорси (белбоғ) улашилган. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, ўзбекларда ёш жувон вафот этса марҳуманинг яқинлари (аёллар) унинг рўмолини бўйинларига солиб садр тушишади. Ёш йигит оламдан ўтса марҳумнинг дўппи, телпак, салласини опа сингиллари ўз бошларига кийиб садр тушадилар. Халқ орасида рўмолни бўйинга солиб юриш, аёлларнинг эркаклар бош кийимини кийиши қатъиян тақиқланган³⁹⁷. Бу ўринда ҳам бош кийимга магик маъно берилганлигининг гувоҳи бўламыз.

Фарғона вилояти Аввал қишлоғида она томонидан азадорлик белгиси кўк ранг, ота томонидан эса қора рангда бўлган³⁹⁸. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Чўнғбағиш қишлоғида марҳумнинг энг яқин қариндош аёллари мотам рамзи сифатида авваллари қора рангли мотам кийимини кийганлар. Ҳозирда эса кўк рангли мотам кўйлак, эркаклар эса эгниларига қора тўн, бошига чувт дўпписини кийиб, белларига белбоғ боғлайдилар³⁹⁹. Элшунос Қ. Насриддиновнинг таъкидлашича, кўк ранг вазминлик, мотам белгиси бўлган⁴⁰⁰. Бизнингча, кўк кийиш қадимий туркий халқлар эътиқодига кўра, марҳумлар руҳининг Кўк тангри ихтиёрига, яъни осмонга чиқиб кетиши билан боғланган бўлса керак. Шунингдек, юқорида таъкидланганидек, халқимизда инсон жони куш - кабутарга эврилиб танани тарк этади, деб ҳисобланади. «Кабутар» сўзи ҳам форсча «кабут» кўк, мовий, маъносини англатувчи сўз ўзагидан ясалган. Демак, кўк ранг замин билан ўзга олам алоқадорлигини билдирар экан.

Марҳумнинг оила аъзолари, қариндошлари орасидаги аёллар марҳумнинг қирқчи чиққунича (баъзи жойларда йигирма кун давомида) қаттиқ аза тутганлар. Улар қирқ кун давомида марҳум хонадонидан ташқарига чиқмасдан, бир қатор марсия маросимларини ўтказганлар. Улар ўзларининг хонадонларига фақат зарур бўлиб

³⁹⁶ Баялиева Т.Д. Доисламские верования и их пережитки ... – С. 69.

³⁹⁷ Турдимов Ш. Рўмол рамзининг семантикаси ҳақида // Адабий мерос. – 1985. – № 3. – Б. 98.

³⁹⁸ Кармышева Б.Х. Архаическая символика ... – С. 162.

³⁹⁹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Чўнғбағиш қишлоғи. 2003 йил.

⁴⁰⁰ Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари ... – Б. 92-93. Кўк ранг аза, ўлим белгиси эканлиги ҳақида қаранг: Юсуф Хос Гожиб. Қутадғу билиг ... – Б. 131.

қолган тақдирдагина кечқурунлари бориб қайтиб келганлар. Андижон вилояти Булоқбоши туманида яшовчи ўзбек туркларда эса мотам маросимларида марҳумнинг энг яқин қариндош эркаклари қирқ кун давомида мотам рамзи тарзида соч-соқолларини олдирмай юрадилар⁴⁰¹. Қирғизлар азадорлик белгиси сифатида ҳатто тирноқларини ҳам олмаганлар⁴⁰².

Дафн маросимига беш ёки етти кун бўлганда «кир ювди» маросими ўтказилган. Ювиладиган нарсалар иккига бўлинган. Фарғона вилояти Арабмозор қишлоғида буларни оқ кир ва қора кир деб номлаганлар. Оқ кирга марҳумнинг оила аъзолари унинг вафотига-ча кийган кийимлари, қора кирга эса дафн маросими куни кийилган либослар кирган. Қора ва оқ кирнинг ҳатто мағзаваси ҳам бир-бирига қўшилмайди. Водийнинг аксарият ерларида марҳумнинг кийимлари ҳамда ювишда ишлатилган қўлқоплар ва тобутнинг устига ёпилган мато алоҳида ювилган бўлса, Чуст тумани Ариқбўйи қишлоғида қора кирга қўшиб бирга ювилган.⁴⁰³ Ушбу кирларни ювишда ишлатилган сув ҳам чекка жойга чуқурча қилиб кўмиб қўйилган.

Марҳумни хотирлаш маросимлари сирасига «йигирмаси» ва «қирқи» каби маросимлар ҳам кирган. Ушбу маросимлар номи йигирма ва қирқ бўлса ҳам аслида бирор киши вафот этганига ўн етти ёки ўн тўққиз кун бўлганда йигирмаси, ўтиз етти ёки ўтиз тўққиз кунда эса қирқи ўтказилган. Водийнинг аксарият ерларида марҳум йигирмасига аёллар, қирқига эса эркаклар ташриф буюрадилар⁴⁰⁴.

Марҳумнинг «учи», «еттиси», «йигирмаси» ва «қирқи»ни ўтказиш ёки руҳ (арвоҳ)ларга атаб қирқта чироқ қўйиш каби эътиқод ва удумлар, аслида, сеҳрли рақамлар билан боғлиқ қадимий қарашлар асосида пайдо бўлган⁴⁰⁵.

Юқоридаги қарашлардан нима учун айнан шу куни хотирлаш маросими ўтказилади, деган саволга бир ёқлама жавоб топа ола-

⁴⁰¹ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2004 йил.

⁴⁰² Баялиева Т.Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов ... – С. 69.

⁴⁰³ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Ариқбўйи қишлоғи. 2003 йил.

⁴⁰⁴ Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғида эса бунинг акси тарзида йигирмага эркаклар, қирқига аёллар келишади.

⁴⁰⁵ Рақамларнинг магик хусусиятлари борасида батафсилроқ қаранг: Жўраев М. «Сеҳрли» рақамлар сири. – Т., 1991. – Б. 47. Рахимов Р.Р. Костры на пути невесты в Самарканде.. – С. 117-125

миз. Косонсойлик Онахон Бойжонованинг фикри бу масалага анча ойдинлик киритади. Ахборотчимизнинг таъкидлашича, марҳум дафн этилган кундан бошлаб то бир йил ўтгунича унинг жасадида турли ўзгаришлар содир бўлади. Чунончи, марҳум дафнга уч кун тўлганда унинг жағи тушади, еттинчи кундан бошлаб жасад шиша бошлайди, йигирманчи кундан бошлаб эса маддаси ортади ва қирқ кун тўлганда жасад ёрилади. Йил давомида эса тана тупроққа айланиб кетади. Шунинг учун ҳам марҳумнинг қирқи маросимидан сўнг энг яқин кишиларидан бирортаси маросим таоми ҳисобланган аталадан озгина олиб, марҳум ювилган уйга киради ва мурда ювилган жойнинг пастки (оёқ) тарафига чуқурча қилиб аталани қуяди ва аста-секинлик билан игна санчиб қўяди⁴⁰⁶. Ушбу амаллар асосида марҳум қаттиқ ёрилиб азоб чекмасин, оёқ тарафидан осон ёрилсин, деган магик ният мужассамлашган. Бу фикрларни чуқур мушоҳада қилиб кўрсак, халқимизнинг удумлари замиридаги мақсадни пайқашимиз мумкин. Ушбу амаллар асосида марҳумни азобдан (ёрилишдан) қутқариш ва шунга ўхшаш маросимлар орқали улар руҳига ис чиқариб, мадад бериш ғояси ётади. Элшунос олима Б.К. Кармышева мурданинг шишиб ёрилишидан сақланишига қаратилган удумларни алоҳида ўрганишга лойиқ, деб таъкидлайди⁴⁰⁷.

Фарғона водийсида марҳум дафн қилинганига бир йил бўлганда йил оши маросими ўтказилган. Йил оши ўтказилган куннинг ўзида ёки йил ошидан сўнг азадорлар марҳум хонадонида тўпланишиб «оқ кийди», тожикларда эса «сафед пушон» маросимини ўтказганлар. Бунда азадорларнинг тикиб келган оқ кўйлак ва рўмолларини таклиф қилинган кампирлардан кимдир, масалан, Риштонда оқсоч хотин кийгизган. Шундан сўнггина азадорлар тақинчоқлар тақиши, тўйларга бориши, бошқа оилавий байрамларда иштирок этиши, қисқаси, ўйнаб кулиши мумкин бўлган. Лекин баъзи оилаларда ота-онаси вафот этганда (айниқса онаси) қизлари бир ёки икки йил кўк кўйлак кийганлар, ялангбош юрмай, кўк рўмол ўраганлар⁴⁰⁸.

Марҳумларни хотирлаш маросимлари Рамазон ва қурбон ҳайитлари кунларида ҳам ўтказилган. Косонсой туманида ҳайит кунлари барча эркаклар қабристонларга бориб, ўтганлар руҳига тиловат қил-

⁴⁰⁶ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Хўжақўрғон қишлоғи. 2004 йил.

⁴⁰⁷ Кармышева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы ... — С. 152-153.

⁴⁰⁸ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Дам қишлоғи. 2003 йил.

ганлар ва шу ернинг ўзида ҳайит намозини ўқиганлар. Биз бундай одатни республикамининг бошқа ерларида учратмаймиз. Ҳайит намозлари ўқилгандан сўнг, ҳайитлар орасида вафот этган марҳумлар хонадонларига дуои фотиҳа қилгани борганлар.

Фарғона водийсида табиатда бўлган дастлабки ўзгаришлар, яъни биринчи қор ёққанда, дастлаб ўрик гуллаганда махсус урф-одатлар бажарилиб, ўтганларни хотирлаш маросимлари ўтказилган. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Қораполвон, Поромон қишлоқларида бирор шахс вафотидан кейин биринчи марта қор ёққанда марҳумнинг энг яқин қариндошлари, асосан аёллар қабристонга келиб унинг қабридан хабар олганлар. Бунда улар ўзлари билан янги супурги олиб келиб қабрни супуриб тозалаб, дуои фотиҳа қилганлар. Шундан кейин улар супургини қабр устига ташлаб кетганлар.

Ўлим ва дафн маросимлари билан боғлиқ бўлган ушбу мавзу тадқиқини тутатар эканмиз, юқорида келтирилган фикрлар, қарашлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларни билдирамиз:

Фарғона водийси аҳолисининг ўлим ва дафн билан боғлиқ маросимларидаги турли-туман урф-одатлар ва расм-русумлар, гарчи ташқаридан қаралганда шариат қоидаларига асослангандек кўринса-да, тадқиқотимиз давомида биз маросимларда Ўрта Осиёга ислом дини кириб келгунига қадар ҳукмрон бўлган динлар ва эътиқодлар изларининг ўзига хос хусусиятлари сақланиб қолганлиги гувоҳи бўлдик. Бу хусусиятлар ўлим олдидан бажариладиган амалларда, марҳумга бўлган муносабатда, марҳум билан алоқадор бўлган «ўлик хизматчилари» — ғассоллар, ювғичлар, гўрковларга бўлган муносабатда, атрофдагиларнинг ўликни нопок деб тушуниб, кишилар ер, сув ва ўсимликларни уларнинг «нопок»лигидан асрашга қаратилган, пухта ўйлаб чиқилган, асрлар бўйи шаклланган удумларида ўз аксини топган. Биз юқоридагиларга асосланиб шунга амин бўлдикки, ўлим ва дафн маросимларида қадимий зардуштийлик, бошқа бир қатор қадимий диний эътиқодлар излари ҳанузгача сақланиб келмоқда. Қолаверса, ахборотчиларнинг таъкидлашларича, ушбу маърака-маросимлар вафот этган кишилар хотираси учунгина эмас, балки улардан айрилиб қолган кўзи ёшли, дили ғамли тириклар учун, марҳумнинг энг яқин ғамбардорлари учун хотиравий ва зарурий маросимлардандир.

Мотам маросимлари замон ва маконга оид фалсафий тушунчалар билан коинот ва инсоният ўртасидаги, табиат ва одам ҳаёти ўртасидаги муайян даражадаги боғлиқликни билдиради.

УЧИНЧИ БОБ.

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК АНЪАНАЛАРИДА ДИНИЙ ЭЪТИҚОДИЙ ҚАРАШЛАР СИМБИОЗИ

3.1. Анъанавий деҳқончилик машғулотида аграр культлар ва қадимий диний эътиқодлар симбиози

Инсоният цивилизациясининг қадимги марказлари шаклланиши ва тараққиётида деҳқончилик маданияти муҳим роль ўйнаган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Шарқ цивилизациясида деҳқончилик маданияти ривожини суғорма деҳқончиликка асосланганлиги билан ажралиб туради. Тарихий тадқиқотлардан маълумки, қадимги Миср ва Месопотамияда милоддан аввалги VII, Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида эса милоддан аввалги VI минг йилликдан бошлаб инсоният илк деҳқончилик ва хунармандчилик билан шуғуллана бошлаган ҳамда дастлабки чорвачиликни йўлга қўйган, яъни одам табиат инъомларини ўзлаштириб қолмасдан, ўзи ҳам яратувчилик фаолиятини бошлаган⁴⁰⁹. Ўрта Осиё заминидagi энг қадимги зироатчилик маданияти «Жойтун маданияти» бўлиб, у милоддан аввалги VI—V минг йилликларда шаклланган⁴¹⁰.

Жамиятдаги бу тараққиёт Ўзбекистон ҳудудида ҳам ўзига хос кўринишда юз берган. Илк деҳқончиликнинг ибтидоий шакли неолит даврида бошланган. Бироқ, суғорма деҳқончилик ибтидоси милоддан аввалги II минг йиллик бошида қадимги Бақтрия ҳудуди (Сурхондарё вилояти)да кузатилади⁴¹¹. Археолог олимлар хулосаларига кўра биз учун тадқиқот объекти бўлган Фарғона водийсида бу жараён милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридан бошланган⁴¹².

⁴⁰⁹ *Анорбоев А.* Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтининг ташкил топиши // *Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар.* — Т., 2006. — Б. 13.

⁴¹⁰ *Қаранг: Массон М.Е.* Поселение Джайтун. — Л., 1971; Антонова Е.В. Обряды и верования первобытных земледельцев Востока. — М., 1990. — С. 91.

⁴¹¹ *Қаранг: Асқаров А.* Сапалиттепа.—Фан, 1973.; *Асқаров А., Абдуллаев Б.Н.* Джаркутан.—Т.: Фан, 1983; *Асқаров А.* Энг қадимги шаҳар.—Т.: “Маънавият”, 2001

⁴¹² *Анорбоев А.* Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // *O'zbekiston tarixi.* — 2004. — № 4. — Б. 10-11.

Қадимги анъанавий деҳқончилик ҳўжалиги ва у билан боғлиқ маросимлар ҳамда аграр культлар тарихчи, археолог ва этнолог олимлар учун доимо долзарб ва қизиқарли муаммолардан бири бўлиб келган. Бу борада мутахассислар амалга оширган илмий тадқиқотлар туфайли маълум бир амалий натижаларга ҳам эришилган⁴¹³.

Ўзбекистон ҳудудидаги зироатчилик маданияти тарихи, суғор-ма деҳқончилик шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ҳамда у билан боғлиқ бўлган урбанистик жараёнлар доимо долзарб муаммолардан бири ҳисобланган.

Аграр культлар борасида жаҳон фанида бой тажриба тўпланган бўлиб, немис фольклоршуноси В. Маннхардт илк бора деҳқончилик билан боғлиқ турли афсоналар ва образларда ўсимликлар оламининг жонланиши сирлари намоён бўлиши муаммосини илгари сурган⁴¹⁴. В. Маннхардтнинг таъкидлашича, маросимлар ва культлар асосида инсон табиатдаги ўзга мавжудотлар сингари ўсимликларда яшайди, деган нуқтаи назар мавжуд бўлган. Олимнинг фикрича, руҳнинг ўсимликка эврилиши тўғрисидаги қуйи мифология юқори илоҳлар тўғрисидаги мифологияга асос бўлган. Айнан қуйи мифология ўзига хос яшовчан бўлганлиги туфайли унинг излари деҳқончилик маросимларида яхши сақланиб қолган⁴¹⁵.

Машҳур инглиз тадқиқотчиси Ж. Фрэзер Маннхардт маълумотларига таянган ҳолда қадимий аграр дунёқарашга оид манзарани қайта тиклаган ва унинг ривожланиш босқичларини кўрсатган ҳамда антик культлар маданиятнинг турли ривожланиш босқичларида орилиқ бўгин тарзида муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаган. Қолаверса, замонавий диншунослик фани асосчиларидан бири бўлган Ж. Фрэзер тарихий таққослаш усули асосида илк мифоло-

⁴¹³ Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Т., 1957; *Заднепровский Ю.А.* Древнеземледельческая культура Ферганы. – М., 1962; Мухаммаджонов А. Қуйи Зарафшон воҳасининг суғорилиш тарихи, – Т., 1972; *Андрианов Б.В.* Земледелие наших предков. – М., 1978; *Антонова Е.В.* Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. Опыт реконструкции мировосприятия. – М., 1984; *Анарбаев А.А., Максудов Ф.А.* Древний Маргилан. (Из истории земледельческой и городской культуры Ферганы). – Т.: Фан, 2007; Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. – Т., 2006.

⁴¹⁴ *Mannhardt W.* Wald- und Feldkulte. – Berlin, 1862.

⁴¹⁵ *Покровская Р.Я.* Земледельческая обрядность // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы: Исторические корни и развитие обычаев. – М., 1983. – С. 67.

гик қарашлар ва ритуаллар билан Европа халқлари деҳқончилик маросимларининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб беришга уринган⁴¹⁶.

Ўз навбатида шуни ҳам қайд этиш лозимки, деҳқончилик — ўзбекларнинг қадимги машғулотларидан бири ҳисобланган. Асрлар давомида тажриба ва усуллар, нозик фенологик кузатишлар асосида ўзига хос деҳқончилик анъана ва маросимлари шаклланган. Мазкур анъаналарда диний-мифологик қарашлар ва ритуаллар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Умуман олганда, деҳқончилик билан боғлиқ урф - одатлар, маросимлар халқ тафаккурининг ғаройиб мўъжизаларидан биридир. Ўзбек халқи қадимдан уларга амал қилган, шу билан бирга, уларга тааллуқли қоидалар, дуолар, айтимлар ва аломатлар ҳам яратилган.

Деҳқонларнинг табиат инжиқликлари олдидаги ожизлиги, сермашаққат меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнинг табиий офатлар туфайли нобуд бўлиши ва табиатнинг уларга номаълум кўринмас кучларидан кўрқув улардан қутилиш чораларини излаш ҳамда деҳқончилик билан боғлиқ қатор магик маросимлар бажарилишига асос бўлган, шубҳасиз, мазкур маросимлар ва урф-одатлар илдири жуда узоқ даврга бориб тақалиб, қадимги анимистик тасаввурлар билан боғлиқ бўлган. Деҳқончилик билан боғлиқ равишда ўтказилган урф-одатлар, маросимлар турли аграр культларнинг магик (сеҳргарлик) кучига бўлган инонч асосида шаклланган. Шу боисдан ҳам деҳқончилик билан боғлиқ удум ва маросимларнинг кўплари исломгача бўлган табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш, осмон ва ер илоҳларига сиғинишга асосланган. Шарқнинг деҳқончилик воҳалари аҳолиси қадимий турмуш тарзида муҳим ўринни эгаллаган ўлиб қайта тирилувчи илоҳлар култи таниқли диншунос олим В.Н. Басилов фикрича, айнан ислом таъсирида унутилган⁴¹⁷. Бироқ тарихий-этнографик материаллар шундан далолат берадики, қадимги аграр культлар ислом кириб келиши билан буткул йўқ бўлиб кетмаган, балки исломий қарашлар билан қоришган ҳолда (синкретик) тарзда ёки уйғунлашган ҳолда сақланиб қолган ва ҳатто асрлар оша XX асргача етиб келган. Хуллас, Ўрта Осиё халқларига хос қадимий аграр культларни тадқиқ этиш, биринчидан, қадимги деҳқончилик билан боғлиқ диний эътиқодий қарашлар тавсифига оид янги материаллар беради, иккинчидан, уларнинг исломий қарашлар билан ўзаро уйғунлашиш қонуниятларини аниқлаш имкониятини яратади.

⁴¹⁶ Қаранг: Фрэзер Д. Золотая ветвь. — М.: Политиздат, 1986.

⁴¹⁷ Басилов В.Н. Божество аграрных культов // Культ святых в исламе. — М., 1970. — С. 10.

Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари қатори водий ўзбеклари анъанавий деҳқончилиги ҳам шарқ халқлари тақвими асосида олиб борилган. Баҳорги дала ишлари, маҳаллий тақвимга қўра, янги йил - қуёшнинг балиқ (хут) буржидан қўй (ҳамал) юлдузлар туркумига ўтган вақтдан бошланган. Ҳозирги амалдаги ой календари бўйича бу 21 мартдан бошланиб 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олган⁴¹⁸. Бошқачасига, дастлабки деҳқончилик юмушлари Наврўз тантаналари билан бир пайтда бошланган.

Наврўз айёми деҳқонлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Чунки юқорида таъкидланганидек, айнан шу кунларда экин экиш, дала, боғ юмушларига киришилган. Деҳқонлар, боғбонлар ва чорвадорлар аёзли кунлардан эсон-омон чиқиб, баҳорнинг илиқ кунларини интиқлик билан кутиб, катта деҳқончилик ишларига жиддий тайёргарлик кўрганлар. Омоч-бўйинтуруқлар, молаларни сошлаб, тахт қилганлар, отлар совутилган, аралар тузатилиб ишга яроқли ҳолга келтириб қўйилган. Асосий ишчи кучи ҳисобланган хўкизлар яхши парваришланиб, улар ер ҳайдашга олиб чиқилган. Шу боисдан ҳам ўрта асрларда Бухорода бу деҳқончилик байрами «Наврўзи кишаварзон» — «деҳқонлар байрами» деб номланган⁴¹⁹. Заҳматкаш деҳқонлар айнан ушбу кун далага қўш чиқариб ерга дастлабки уруғни қадаганлар. Андижон ўзбекларида баҳорги ер ҳайдашни шанба куни бошлаш лозим дейилган. Хоразм ўзбеклари орасида эса ҳосил баракали бўлиши учун душанба ва чоршанба кунлари ер ҳайдаб экин экиш хайрли амал ҳисобланган. Бошқа кунлари ер ҳайдаш ҳосиятсиз деб ҳисоблангани боис ҳафтанинг бошқа кунлари ушбу фаолият тақиқланган. Ер кундуз куни бўлса шимолга, кечаси эса жанубга қараб ҳайдалган⁴²⁰.

Деҳқончилик билан боғлиқ агромаданият анъаналарида баҳорги экиш мавсумида далага биринчи қўш чиқариш маросими муҳим амалий аҳамият касб этган. Чунки етиштириладиган ҳосилнинг мўл бўлиши ва йил баракали келиши экин мавсумининг ўз вақтида сифатли ўтказилишига боғлиқ бўлган⁴²¹. Шу сабабга қўра жаҳон

⁴¹⁸ Кисляков Н.А. Старинные приёмы земледельческой техники и обряды, связанные с земледелием, у таджиков бассейна реки Хингоу // СЭ. — 1947. — № 1. — С. 21; Нарзикулов А. Деҳқон тақвими. — Т.: Меҳнат, 1991. — Б. 7-11.

⁴¹⁹ Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи. — Т., 1966. — Б. 24.

⁴²⁰ Leonid Pavlovic Potapov Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken ... — P. 74.

⁴²¹ Жўраев М. Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида «шоҳ мойлар» ёки «биринчи қўш» удуми // Ўзбекистон худудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдиэлари ва замонавий жараёнлар. — Т., 2006. — Б. 84.

халқлари этнографиясида далага илк бор қўш солиш, ерга уруғ сепишга алоқадор маросим ва удумлар кенг қўламда тадқиқ этилган⁴²².

XX асрда анъанавий деҳқончилик машғулоти замонавий техника тараққиёти билан уйғунлашган даврда ҳам баҳорги деҳқончилик юмушларини бошлашдан аввал маросимий қурбонлик қилиш одати сақланиб қолган ва ҳатто бугунга қадар давом этиб келмоқда. Жумладан, Наманган вилояти Чуст тумани Дам қишлоғида баҳорги дала ишларини бошлашдан аввал фермерлар уюшмасидаги тракторчилар машина-трактор паркида тўпланиб Пири Довудга бағишлаб хўроз сўйиб қурбонлик қиладилар. Бу, биринчидан, баҳорги дала юмушларини бошлашдан аввалги қурбонлик бўлса, иккинчидан, тракторчиларнинг маросимий қурбонлик қилиш орқали темирчилик пири ҳисобланувчи Ҳазрати Довудга бўлган эҳтиромлари рамзидир.

Ўрта Осиё халқларининг исломгача бўлган динларида муҳим аҳамиятга эга бўлган деҳқончилик культлари жуда тез унутилиб кетган. Бунинг сабаби улар расмий культлар ҳисобланиб, бир гуруҳ қоҳинлар тасарруфида бўлган ва ислом кириб келган дамлардан бошлаб қоҳинликнинг йўқ қилиниши билан бирга ушбу культлар ҳам унутилган. Лекин бу культлар расман буткул кундалик ҳаётдан чиқиб кетган бўлса-да, халқ орасида улар билан боғлиқ алоҳида анъаналар, инончлар ва маросимлар сақланиб қолган.

Водийнинг кўплаб худудларида баҳорги ишлар олдидан масжид ёки мазорлар яқинида «худойи» қилинади. Косонсой тумани деҳқонларининг Косонсой шаҳридаги машҳур Садпириккомил мазорида, Чуст туманидагиларнинг Бувамазор зиёратгоҳида худойи ўтказиш анъанаси ҳозирга қадар сақланиб қолган. Мазкур маросим кўпинча март ойи бошларида кекса деҳқонлар, оқсоқоллар бошчилигида ўтказилади. Авваллари ҳар бир хонадондан буғдой ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўпланган бўлса, кейинги вақтларда маълум миқдорда маблағ ҳам қўшиб йиғилмоқда. Тўпланган пулга

⁴²² Чурсин Г. Праздник выхода плуга у горских народов Дагестана // Известия Кавказского историко-археологического института. – Тифлис., 1927. Т. 5. – С. 124-156; Чибирев Л.А. Народный земледельческий календарь осетин. – Цхинвали., 1976; Календарь и календарные обряды народов Дагестана. – Махачкала, 1987; Хаджиева Т.Х. Эстетическая и утилитарно-магическая функции календарных песен балкарцев и карачаевцев (весенне– Летний цикл) // Календарно-обрядовая поэзия Северного Кавказа. – Махачкала, 1988. – С. 60-78; Жўраев М. Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида «шоҳ мойлар» ёки «биринчи қўш» удуми ... – Б. 83-90.

бозордан бузоқ ёки қўй сотиб олиниб, қурбонлик учун сўйилган ва гўштидан ҳалим⁴²³ пиширилган. Таом тайёрлангунга қадар қишлоқ эркаклари томонидан уч-тўрт гуруҳга бўлиниб, қишлоқ ариқлари тозаланган ва баҳорги шудгор олдидан «ис чиқариш» маросими ўтказилган. Ҳар бир оилада аёллар бўғирсоқ, чўзма («ис») пиширилганлар. Қозондаги мой яхшилаб қизитилгандан сўнг унга ҳамир ташланган. Гўё шу мой қизишидан марҳумларнинг руҳлари шод бўлиб, ўз қариндош-уруғларига омад тилар эканлар.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг кўплаб ҳудудларида эрта баҳорда далаларга сув келадиган асосий ариқ ва каналлар ҳашар усулида лойқадан тозаланган⁴²⁴. Ҳашар охирида ушбу ариқ, каналларга сой ёки дарёлардан сув очилиб, қурбонлик маросими ўтказилган⁴²⁵. Маҳаллий аҳоли ушбу маросим учун ҳам пул, буғдой ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўплаб, пулга «жонлик» (бузоқ, бўз бия, оқ тойчоқ, қўчқор ёки эчки) сотиб олганлар ва уни қурбонлик учун сўйганлар⁴²⁶. Ўрта Осиёнинг баъзи бир ҳудудларида бўғизланган ҳайвон қони сувга оқизилган ёки танаси ҳам сувга ташланиб, сўнгра уни сувдан олиб чиқилган. Хоразмда янги ариқ қазилиб, у Амударёга уланганда, хоннинг буйруғига кўра, мазкур ариқда доимо сув бўлишини тилаб 8—10 та сигир ва ҳўкизлар қурбонлик қилиб ташланган. Сўнгра деҳқонлар сувга тушиб бўғизланган ҳайвонларни олиб чиқишган ва ундан турли таомлар тайёрлаб шу ернинг ўзида ейишган⁴²⁷. Бу одат қадимда сув илоҳлари учун одамларни қурбон қилишнинг сақланиб қолган кўринишларидан бири ҳисобланади⁴²⁸. Фарғона водийси Чотқол тизмаси ён бағридаги Сумсорсойнинг икки қирғоғида жойлашган Дам ва Какликқўрғон қишлоқларида ҳам сойдан қишлоқ ариқларига сув очиш жараёнида

⁴²³ Ҳалим маросимий таом бўлиб, у асосан, турли диний ва оммавий маросимларда пиширилган. Ҳалим тайёрлашнинг ўзига хос технологияси бўлиб, узоқ вақтни талаб қилганлиги боис сув тўлдирилган қозонга сўйилган қўй гўшти ва буғдой ташланиб, қарийб бир сутка мобайнида қайнатилган.

⁴²⁴ Ҳашар ва унинг турли-туман кўринишлари борасида қаранг: *Бўриев О.* Ҳашар элга ярашар // Ўзбек халқининг боқий қадриятлари. — Қарши, 2005. — Б. 57-67.

⁴²⁵ *Шаниязов К. К.* Этнической истории узбекского народа...—С.179-180; *Жаббо ров И.* Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. — Т., Ўқитувчи, 2003. — Б. 100-101.

⁴²⁶ *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... — С. 238-239; *Шаниязов К. К.* Этнической истории узбекского народа.. — С. 189-190; *Древние обряды верования и культуры народов Средней Азии ...* — С. 57.

⁴²⁷ *Leonid Pavlovic Potapovs.* Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbekien aus den Jahren ...— Р. 23.

⁴²⁸ *Гулямов Я.Г.* История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. — Т., 1957. — С. 118-151.

юқоридаги каби қурбонлик маросими ўтказилган. Деҳқончилик пири бўлган Бувойи Деҳқонга бағишлаб қўчқор қурбонлик қилинган. Андижонда агар сурункали ёмғир ёғмаса, қишлоқ ёки маҳалла қабристонига бориб мол сўйилган. Фарғона вилояти Фарғона туманида деҳқонлар ўз экин майдонлари четларига қурбақаларни тутиб келиб осиб қўйишган. Улар қурбақа ёмғир чақиради, деб ишонишган⁴²⁹. Ҳозирда ҳам водийда «Қурбақани ўлдирган одамнинг тўйида ёмғир ёғади» деган тушунча сақланиб қолган. Биз бу ўринда қурбақанинг маълум маънода, намгарчилик ҳомийси сифатида намоён бўлишини кўрамиз. Ўрта Осиёда қурбақанинг намгарчилик тимсоли бўлганлигини машҳур археолог ва санъатшунос олим Л.И. Ремпель ҳам тасдиқлаб, «Ўрта Осиё халқлари санъатида қурбақа образидан намгарчилик ва ёмғир ифодаси, бахт ва омад тимсоли, бамисоли тумор сифатида фойдаланилган», — деб ёзади⁴³⁰. Дарҳақиқат, қадимда қурбақа образи маълум маънода ёмғир, намгарчилик рамзи ҳисобланган бўлиб, дунё халқларининг кўпчилигида унинг ёғингарчилик билан боғлиқлиги тўғрисида турли талқинлар учрайди⁴³¹.

Таниқли элшунос олим К. Шониезовнинг ёзишича, қарлуқлар эрта баҳорда далага биринчи марта омоч солишдан аввал “ис” чиқаришган. Улар қозонга мой солиб қиздиришган ва кейин унга бўғирсоқ ташлаб, пишириб олганлар. Халқ қарашларига кўра, вафот этган аждодлар руҳлари ана шу “ис”дан баҳраманд бўлиб, ўз яқинларига омад тилашар экан. Пиширилган бўғирсоқни кўниқўшнилари, яқин қариндошлар биргалашиб истеъмол қилганлар, ҳатто кўшга кўшиладиган ҳўкизларга ҳам бир оз бўғирсоқ едирилган⁴³². Умуман, ўзбек ва тожик деҳқонлари орасида баҳорда дастлабки ҳайдовдан олдин ҳўкизлар шохлари ва бўйинтуруғини ёғ билан мойлаш одати кенг тарқалган⁴³³. Хоразмдаги ўзбек манғит-

⁴²⁹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи. 2004 йил.

⁴³⁰ Ремпель Л.И. Цепь времени вековые образы и и бродячие сюжеты ... — С. 37.

⁴³¹ Евсюков В.В. Мифология китайского неолита. — Новосибирск., 1989. — С. 94-95; Халилов Х.М. Историческая общность и национальное своеобразие обрядовой поэзии народов Дагестана и Северного Кавказа // Дагестанский фольклор во взаимосвязи с иноэтническим фольклором. — Махачкала, 1985. — С. 19; Календарные обычаи и обряды народов восточной Азии. Годовой цикл. — М., 1988. С. 276.

⁴³² Шаниязов К. Узбеки-карлуки. — Т.: Фан, 1964. — С. 33.

⁴³³ Ер ҳайдайдиган ҳўкизлар шохини мойлаш одати Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида кенг тарқалган. Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: Андреев М.С. Таджики долины Хуф. Т. 2 // Известия АН ТаджССР. — 1958. — С. 62; Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. — Т., 1974. — С. 174.

лари орасида баҳорда дастлабки ерга экин экишда «*ҳазрати одамнинг ҳақиға*» деб ҳўкизлар шохи мойланган⁴³⁴. Аҳборотчилар маълумотларига кўра ҳўкизлар шохларини “ис” ёғи билан мойлаш билан бирга далага олиб чиқиляётган ҳўкизларни ёмон кўздан асрасин, деган ниятда уларга тумор тақийш одати ҳам бўлган⁴³⁵. Кексаларнинг таъкидлашларича, ушбу иримда шохлари мойланиб, бақувват бўлган ҳўкиз йил бўйи ҳормай-толмай ишласин, деган магик ният ўз ифодасини топган.

Фарғона тумани Каптархона қишлоғида авваллари далага дастлабки қўш чиқарилляётганда деҳқонлар янги либосларини кийиб, ушбу кунни тўкин-сочинлик ва шоду ҳўрамликда ўтказишга ҳаракат қилганлар⁴³⁶. Удумга биноан биринчи қўшни қишлоқнинг ёши улуғ кишиларидан бири бошлаб берган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ушбу куннинг бундай тантана билан ўтказилиши биринчи кун магиясига алоқадор бўлган⁴³⁷. Биринчи кун магиясига кўра, бирор - бир фаолият ёки йилнинг бошланиши қандай бўлса, ўша фаолият йил ниҳоясига қадар ана шундай руҳда давом этади, деган тасаввур ҳўкмонлик қилади⁴³⁸. Қолаверса, кекса ёшли, бола-чақаси, нева-чевараси кўп пиру бадавлат, иши доим олдинга кетадиган тадбиркор, обрўли кишининг биринчи қўшни ҳайдаб бериш одати унинг ҳўжалик юритишдаги бой тажрибаси билангина боғлиқ бўлмаган. Бу ўринда узоқ умр кўрган, серфарзанд, бадавлат кишининг ўзига хос рамзий фазилятлари заминга, етиштириладиган ҳўсилга ўтишига қаратилган ўзига хос магик қонуний айнан кекса кишининг дастлабки қўшни бошлаб беришига сабаб бўлган. Деҳқонларнинг биринчи марта ер ҳайдаш учун қўш ва ҳўкизларни ҳам махсус тайёрлаш одати маълум маънода қадимги аграр культлар билан боғлиқ. Ўрта Осиёда қадимда ҳўкиз серпуштлиқ рамзи ҳўсобланган ва шу боис ерни омоч билан ҳайдаш орқали унинг ғайритабиий хўсусияти ерга ва етиштириладиган ҳўсилга ўтиши мумкин⁴³⁹, деган архаик қараш асос бўлган бўлса керак.

⁴³⁴ Leonid Pavlovic Potapovs Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken ... — P. 32.

⁴³⁵ Дала ёзувлари. Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Конибодом тумани. 2004 йил.

⁴³⁶ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи. 2003 йил.

⁴³⁷ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклари. —Т., 1986. — Б. 52.

⁴³⁸ Биринчи кун магияси ва биринчи савдога бўлган магик инонч борасида батафсилроқ қаранг: Покровская Р.Я. Земледельческая обрядность ... — С. 71.

⁴³⁹ Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии ... С. 431.

Элшунос олим Г.П. Снесаревнинг қайд этишича, Хоразм вилоятининг Хонқа туманида истиқомат қилувчи деҳқонлар далага бугдой билан бирга бир ҳовуч жийда сочадилар⁴⁴⁰. Чунки жийда барака ва серҳосиллик тимсоли сифатида талқин қилинган. Бухоролик деҳқонлар эса экиш учун олиб келинган ғалланинг бир қисмини атайлаб уйларига қайтариб олиб кетганлар. Шундай қилинган тақдирдагина йил бўйи ўша деҳқоннинг рўзгоридан барака аримайди деб ҳисобланган⁴⁴¹.

Умуман олганда, «Кўш чиқариш», «Шох мойлар», «Кўш оши» номлари билан аталувчи маросимлар деҳқонларнинг йил бошидаги биринчи иш куни бўлганлиги сабабли уни имкони борича шоду хуррамлик билан кутиб олишга ҳаракат қилинган.

Биринчи қўш маросими билан боғлиқ архаик инончларнинг асл кўринишлари бугунга келиб асосан унутилиб кетган. Лекин айрим археологик ёдгорликлар ҳамда қоятошларга чизилган суратлар қадимий диний-аграр ритуалларнинг тарихий асослари бора-сида сўз юритиш имконини беради. Хусусан, Фарғона водийсидаги Соймалитош номли жойдан топилган қадимги қоятош суратларида бир жуфт ҳўкиз (як)ни қўшга қўшиб ер ҳайдаётган деҳқон образи тасвирланган. 32 та лавҳани таҳлил қилган Ю.Н. Голодухин милоддан аввалги III минг йиллик охири — II минг йиллик бошларида яшаб, ушбу петроглифларини чизиб қолдирган қабилалар, асосан, деҳқончилик билан шуғулланганликларини аниқлаган⁴⁴². Қуёш культининг қадимги тасаввурлар силсиласида тутган ўрнини Соймойлитош материаллари асосида тадқиқ этган Г.А. Помаскина эса бу қоятош суратларида баҳорда ер ҳайдаб экин экиш маросими акс эттирилганлигини эътироф этган⁴⁴³.

Фольклоршунос олим М. Жўраев ҳам бу лавҳаларни қадимги деҳқонларнинг эрта баҳорда ерга биринчи қўш солиш удуми билан боғлаган ҳолда, ўзбек маросим фольклори жанрлар таркибида сақланиб қолган “*шох мойлар*” маросимининг тарихий-генетик асосларини аниқлаш учун нодир манба бўла олади, деб таъкидлайди.

⁴⁴⁰ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... — С. 126.

⁴⁴¹ Жўраев М. Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида «шох мойлар» ... — Б. 86.

⁴⁴² Голодухин Ю.Н. Вопросы классификации и духовный мир древнего земледельца по петроглифам Саймалы-Таша // Первобытное искусство. — Новосибирск: Наука, 1971. — С. 202.

⁴⁴³ Помаскина Г.А. К вопросу о культе солнца в верованиях ранних кочевников Прииссыккуля // Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. — Л.: Наука, 1975. — С. 29.

Шунингдек, биринчи қўш маросими акс этган бу суратдаги “қуёш одам”лар ҳар бири ўн икки ойдан иборат (“қуёш одам”лар бошидан таралаётган нурлар сони ҳам ўн иккитадан) янги ва эски йилни англатади, —деб ёзган⁴⁴⁴.

Биз ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда шунини таъкидлашимиз жоизки, аجدодларимиз қадимдан деҳқончиликда афсонавий табиат культуни антропоморф шаклда тасаввур қилганлар ва уни ўзларининг мифологик ҳомийси деб билганлар. Кейинчалик мазкур культга бўлган эътиборнинг ўзгариши натижасида у унутила бошлаган ва айнан деҳқончилик билан боғлиқ айрим урф-одатлардагина қолдиқ кўриниши тарзида сақланиб қолган.

Фарғона водийси қипчоқлари орасида ерга дастлабки уруғни сочишдан аввал дуои фотиҳа қилинган ва кекса деҳқон кўлидаги донга уч марта куф-суф қилиб дам солган ҳолда ерга сочган. Деҳқонлар биринчи уруғни сочишда доимо қурт-қумурсқалар ҳаққи деб сочганлар. Деҳқончиликка оид рисолада ёзилишича: «гарчи деҳқонларнинг гуноҳлари қум барханларидай бўлса-да, қушлар уларнинг барча гуноҳлари учун истиғфор келтириб туради...»⁴⁴⁵ Таниқли элшунос олим К. Шониёзов бу одатни қадимий диний тасаввурлар билан боғлиқ бўлса керак, деб ҳисоблайди⁴⁴⁶.

Фарғона водийси деҳқонлари тасавурида Ҳазрати Хизр кишиларга бахт, барака улашувчи пир ҳисобланганлиги боис водийда унинг номи билан боғлиқ кўплаб ривоят ва қадамжолар учрайди. Деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли Хўжаи Хизр зиёратгоҳи тупроғидан «*деҳқончилигимизга қут-барака берсин*», деган ниятда олиб кетганлар. Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда эрта баҳорда деҳқончилик билан боғлиқ жуда қизиқ урф-одат бажарилади. Жумладан, Қўқон шаҳри Урганчибоғ маҳалласида истиқомат қилувчи Ж. Акбаровнинг таъкидлашича, дала юмушлари бошланишидан аввал деҳқонлар ўзларининг оилалари билан Риштондаги Хизр бувам мазорини зиёрат қилишга борадилар. Зиёратга келганлар ўзлари билан озгина дон (буғдой ёки арпа), хонадон супрасининг хамиртуруши билан арқон, қўрғошин, тўғноғич, исирик, пул, сув оладилар ва ушбу нарсаларни маълум муддатга мазордаги мақбара олдига қўйиб қўядилар. Улар келаётган деҳқончилик йилида еримиз қўйилган хамиртурушдек йил давомида кўпчи

⁴⁴⁴ *Жўраев М.* Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида «шоҳ мойлар» ... — Б. 87.

⁴⁴⁵ *Кушелевский В.И.* Санитарное состояние Ферганской долины. ... Т. 2. — С. 186.

⁴⁴⁶ *Шаниязов К.* К этнической истории узбекского народа ... — С. 174.

турсин, бу йилда дон-дунимиз баракали бўлсин, супрамиз доимо унга тўлсин, чорвамиз кўпайсин ва оиламиз мисоли қўрғошиндай мустақкам бўлишида Ҳазрати Хизр алайҳиссалом қўллаб-қувватласин, деган ниятда ушбу ашёларни зиёратгоҳга олиб келганлар⁴⁴⁷. Биз бунда, аввало, Ҳазрати Хизрни барака улашувчилик хусусияти ва унга бўлган ишончнинг гувоҳи бўламиз. Шу сабабдан ҳам В.В. Бартольд, Е.Э. Бертельс ва М.И. Афзалов Хизр образи ислом динига қадар яратилган, у меҳнат аҳли ижодий изланишининг узоқ давр мобайнидаги маҳсули бўлган, деган фикрни баён этганлар.⁴⁴⁸ Демак, Хизр образининг ислом динига алоқаси йўқ, у ислом шаклланишидан анча олдин вужудга келган⁴⁴⁹. Хизр образининг генетик асослари, айниқса, деҳқончилик асослари ва ҳосилдорлик культлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Қолаверса, биз юқоридаги мисоллардан мулоқотли магияни, яъни ушбу ашёлар орқали келгуси йилда етиштириладиган ҳосилнинг баракали бўлишига эришишнинг ўзига хос афсунгарлик усуллари кўришимиз мумкин.

Деҳқончилик билан боғлиқ анъаналар ва маросимлар тизимида ёзги, айниқса, буғдой ўрими билан боғлиқ маросимлар ўзига хос удумларга бойлиги ҳамда кўплаб қадимий эътиқодларга дахлдор ҳолда ўтказилиши билан фарқланиб турган. Айнан мазкур даврда ўтказилган маросимлардан бири «хайри худойи» бўлиб, у ўрим бошланишидан олдин ўтказилган. Элшунос Ф. Раҳмоновнинг ёзишича, Қашқадарё ўзбекларида хайри худойини бошлашдан аввал 3, 5, 7 та сузма пиширилиб, ис чиқарилган. Уй эгаси ёки пайкал аъзолари жонлиқ сўйиб қон чиқарганлар. Хайри худойида ҳашарчилар, дин пешволари ва кексалар иштирок этганлар. Таом истеъмол қилиб бўлингач, қишлоқ мулласи Куръондан оятлар ўқиб, худодан, Бобо деҳқондан, авлиё ва анбиёлардан доннинг мўл бўлишини, хирмоннинг баракасини сўрашган. Оқсоқоллар хайри худойи кунида ўрим учун омадли, файзли кунни белгилаганлар. Ўримга (ҳашарга) нопок деб ҳисобланган кишилар яқинлаштирилмаган. Буғдойнинг илк тутамини ҳам бой-бадавлат ёки фазилатли, сер-

⁴⁴⁷ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти ғўқон шаҳри Урганчибоғ махалласи. 2004 йил.

⁴⁴⁸ Қаранг: Бартольд В. Ислам. Ч. 2. – Петроград, 1918. – С. 59; Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Т., 1964. – Б. 49.

⁴⁴⁹ Нурмонов Ф. Ўзбек халқ эртақларида Хизр образининг эпик талқини. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003. – № 4. – Б. 62.

фарзанд киши ўриб берган. Шундан сўнг ёппасига ўрим бошланган⁴⁵⁰.

Хайри худойи одатининг илдизлари узоқ замонларга бориб тақалади. У Аллоҳ йўлида қилинган хайр-эҳсон бўлиб, худо йўли, хатми Қуръон, дуою фотиҳа, қон чиқариш, қурбонлик деб ҳам аталган⁴⁵¹. Таниқли элшунос Э.Б. Тайлор хайри худойи маросимларини худди илтижо ва дуолар каби инсониятнинг илк, энг қуйи босқич тараққиётига хос деб ҳисоблайди⁴⁵². Умуман, қурбонликлар қилиш диннинг энг илк шаклларидан то замонавий, жаҳон динларигача хос одатлардан биридир⁴⁵³. Масалан, қадимги Шумерда ҳўкиз, сигир, қўй каби ҳайвонлар билан бирга баъзан қўшлар ҳам сўйилган, егулик неъматларидан ҳам тангриларга эҳсон этилган⁴⁵⁴. Деҳқонлар томонидан ҳосилни йиғиб олишдан аввал хайри худойи қилиш уни беэиён йиғиштириб олиш мақсадида ёвуз руҳлар, инсу-жинслар хуружининг олдини олишга қаратилган бўлса керак.

Фарғона вилояти Сўх туманида яшовчи тожикларда ёмғир чақиринишга қаратилган махсус маросим «*таришқунок*» деб аталган. Унга кўра узоқ вақт ёғингарчилик бўлмаса, қишлоқ эркаклари ярим яланғоч ҳолда кўчага чиққанлар ва бир бирларининг устидан сув куйганлар ҳамда бирор кишини (кўпроқ қишлоқ имомини ёки муллани) ариққа ташлаб юборганлар. Шу кунлари қишлоқ эркаклари ўзлари хоҳлаган хонадонга меҳмонга киришган. Хонадонларда эса улар фақат шу маросимдагина пишириладиган «*кашки чавари*» деб номланган чалпак билан меҳмон қилинган⁴⁵⁵.

XX аср биринчи чорагига қадар республикаимиз ҳудудидаги кўплаб минтақаларда, шу жумладан, Фарғона водийсида ҳам ҳосилни йиғиб тугаллаш арафасида буғдой ўримига йиғилган ҳашарчилар иштирокида «*обло барака*» деб номланган махсус маросим ўтказилган. Бу жараёнда иштирок этаётган ҳашарчилар буғдой ўрими яқунланиши арафасида, яъни ўрилмаган бир парча ер қолганда ҳар томондан охирги тутам буғдойни ўриб олишга ҳаракат қилган-

⁴⁵⁰ Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси анъанавий зироатчилик маросимлари.: Таърих фанлари номзоди ...дис.

⁴⁵¹ Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. — Т., 1993. — Б. 183.

⁴⁵² Тайлор Э.Б. Первобытная культура. — М., 1990. — С. 465.

⁴⁵³ Дунёдаги кўплаб халқлардаги қурбонлик маросими борасида батафсилроқ қаранг: Токарев С.П. О жертвоприношениях // Природа. — 1983. — № 10. — С. 32.

⁴⁵⁴ Эшонқулов Ж. Фольклор образ ва талкин ... — Б. 33.

⁴⁵⁵ Джаҳонов У. Земледелие таджиков долины Соха. — Душанбе, 1989. — С. 114.

лар. Ана шу буғдой «Она буғдой» деб аталади. Охирги тутам буғдойга етган ўроқчи «*еттим, еттим, еттим, обло барака берсин*» деб уни ўриб олади. Она буғдой тутам ҳолида боғланиб, уйга олиб кетилади ва баҳорги экин пайтигача сақланади. Буғдой сепишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган пайтда она буғдой тозаланиб, бир қисми уруғлик донга, бир қисми эса янчилик хонадондаги бошқа унга аралаштирилиб юборилади. Уруғлик сепиладиган кун она буғдой уни аралаштирилган ундан нон, патир ёпилади ва далага дон сепишга чиққан деҳқонларга улашиб берилади⁴⁵⁶.

Тожик элшуноси М.Р. Раҳимовнинг ёзишича, «Обло барака» маросими Қоратегин ва Дарвоз тожиклари, Шунингдек, бошқа тоғлик тожиклар орасида ўзгача кўринишда ўтказилган. Тожик деҳқонлари ернинг жони бор, деб ҳисоблаганлар. Улар галла ўриб олингандан кейин ер ўлади, деб тушунишган. Шунинг учун ҳам ўрим охирлашгач, ўроқчилар сўнгги буғдой пояларини тезкорлик билан ўриб олишга интиланлар. Шундай қилинган тақдирда ер унчалик қийналмас экан. Сўнгги тутамларни ўришга чоғланаётган ўроқчилар ўзларича дуо ўқишиб, уч марта «*Ё Олло, ё олло, ё олло*» деб товуш чиқаришган⁴⁵⁷.

М.Р.Раҳимов маълумотидан шуни англаш мумкинки, тожик деҳқонлари ўртасида ўтказиладиган бу маросим Ўрта Осиё халқлари, жумладан, водийлик деҳқонлар маросимларига мазмунан анча яқин. Ҳар икки ҳолатда ҳам кекса ўроқчилар кун буйи толиққан ҳашарчиларни руҳлантиришга ҳаракат қилганлар. Ўзбекларда охирги тутам (барака тутам, она буғдой)нинг сеҳрли (магик) хусусиятига ўзига хос инончни кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, қадимги халқлар тасавурида она буғдой магик қудратга эга бўлиб, уни уруғликка аралаштириш ҳосилдорликни оширишга кўмак берган. Бу борада фольклоршунос олим Б. Саримсоқов қарашлари диққатга сазовор. Фольклоршунос олимнинг ёзишича, она буғдой тушунчаси анимистик тасаввур натижасидир. Бу тушунчага кўра, жонли, яшаётган буғдой ўрилгач, бутунлай ўлади ва уларнинг жони она буғдойга ўтади. Она буғдой эса ана шу жонни янаги йилга сепиладиган буғдойга ўтказди. Иккинчидан, она буғдойда янгидан тирилувчи буғдойнинг жони сақланар экан, унинг уруғлик донга аралаштирилиши ана шу жоннинг бу йилги

⁴⁵⁶ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклари ... – Б. 55.

⁴⁵⁷ Раҳимов М.Р. Следы древних верований в земледельческих обычаях и обрядов таджиков Каратегина и Дарваза в XIX -начале XX в М.,1956. – С. 82.

ҳосилга ҳам ўтишини таъминлайди. Бу нарса ўз-ўзидан ўлувчи ва қайта тирилувчи табиат ҳақидаги ота-боболаримизнинг қадимги анимистик тасаввурлари — «Обло барака» маросимида сақланиб қолганлигидан далолат беради⁴⁵⁸.

Ўз навбатида шуни ҳам қайд этиш керакки, табиатнинг эзгу кучларидан мадад тилаш ва уларга эътиқод қилиш маросимларининг тадрижий ривожига жараёнида кейинчалик Ўрта Осиё халқлари мифологиясидаги аграр культлар зардуштийлик динида ҳам ўз аксини топган. «Авеста»нинг «Ведевдот» ва «Виспарад» қисмларининг алоҳида бўлимида ерга ишлов бериш, экин экиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид қатор йўл-йўриқлар баён этилган. Жумладан, «Ведевдот»нинг учинчи фаргарди, 4-бандида Зардуштнинг Ахура Маздага қарата «Замини ҳаммадан кўра бахтиёрроқ бўлган дунёдаги учинчи жой қаер» деган саволига Ахура Мазда: «Эй Спийтмон Зардушт! Бундай жой бир Ашаван ҳаммадан кўра кўпроқ буғдой, ёғ ва мевали дарахтлар эккан, одамлар куруқ ерларга сув чиқарган, сувли ерларни шудгор қилган заминдир»,⁴⁵⁹ — деб жавоб берган. Шунингдек, «Ведевдот»да таъкидланишича, узоқ вақт экилмаган ва омов тегмаган замин бахтсиздир. У омовни орзу қилади. Бундай замин балоғат палласига кирган соҳибжамол қиздир. Бу оила қуриш, қиз фарзанд кўришни хоҳлагани сингари, ҳайдалмаган ер ҳам қўшчини кутади»⁴⁶⁰.

Биз ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқ қарашлар ва маросимларни ўрганар эканмиз, ер, дон ва нонга бўлган ўзига хос ҳурмат-эҳтиромнинг турли-туман удумлар ва маросимларда ҳозиргача сақланиб келаётганлигини кўришимиз мумкин.

Фарғона водийси ўзбеклари орасидаги халқона қарашга кўра, буғдой, олма, қовун, анжир ва райхон дастлаб жаннатда ўсган⁴⁶¹. Шу боис ушбу ўсимликлар ва мевалар доимо эъзозлаб келинган, айниқса, халқ орасида ерга буғдой сепиш энг хайрли амаллардан бири саналган ва шу сабабга кўра буғдой экилган майдонларни оёқости қилиш, уни босиш гуноҳ ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Авеста»да ёзилишича, «кимдаким буғдой экса, у Аша (ҳақиқат)ни экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади. Қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан кўпадилар.

⁴⁵⁸ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори ... — Б. 56.

⁴⁵⁹ Авесто / А. Маҳкам таржимаси ... — Б. 113.

⁴⁶⁰ Авесто / А. Маҳкам таржимаси ... — Б. 114.

Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар. Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайдилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадондан девлар узоқлашадилар. Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйнини чирмаб ташлайди»⁴⁶². Кўринадики, «Авеста» пайдо бўлган даврда ғалла экиш, дон етиштириш, умуман, деҳқончилик маданияти етарли даражада ривожланган ва уларнинг айрим кўринишлари ХХ асргача етиб келган.

ХХ аср бошларида ўзбекларда баъзан экинлар ривожини паст, ҳосил кам бўлса ва бу ҳодиса икки-уч бора қайтарилса, бундай ерларга одамлар салбий назар билан қараганлар. Гиёҳ унмайдиган ёки кам ҳосилли пайкалларни «ит теккан ер» (инс-жинс теккан маъносида), «худо қаргаган ер» деб номлаганлар. Хоразмда ўлган одамнинг жасади теккан ер нопок ер дейилган. Агар экин экиладиган ердан одам жасади ёки унинг суяклари топилса, бу жой ҳаром ҳисобланган. Бундай ерга беш марта суғорилгандан кейингина экин экилган. Айрим жойларда эса бундай ерлар атрофини жўяк олиб, ўраб қўйилган ва икки-уч йил давомида суғормаганлар, экин экмаганлар⁴⁶³. Биз бу удумга айнан ўхшаш кўринишни «Авеста» китобида учратамиз. Зардуштийларнинг «мурданинг нопоклиги» концепциясига кўра, дастлабки пайтларда тупроқнинг ҳолатини бузмаслик мақсадида ва мурда «маросимий макруҳ» ҳисоблангани боис ўлик ерга кўмилмаган. Мурда одамлар назаридан йироққа — баланд тепаликларга элтиб махсус супаларга қўйилган. «Ведеводт» 7-фаргарди, 7-бўлимида Зардуштнинг Ахура Маздага қарата «офтоб остида ётган одам жасади ерга тушиб кетса, ер неча вақтдан сўнг ўзининг покизалик ҳолатига қайтади» деган саволига «офтоб остида ётган одам жасади ерга тушиб кетган лаҳзадан бир йил ўтгач, замин ўзининг поклик ҳолига қайтади», деб жавоб берган. Бошқа ўринда Ахура Мазда Зардуштга қарата «одам жисми тупроққа топширилган лаҳзадан элик йил ўтганидан сўнг замин

⁴⁶¹ Бунга ўхшаш қараш тожиклар орасида ҳам мавжуд. Қаранг: *Мухиддинов И* Земледелие памирских таджиков и Ишкашима в XIX — начале XX в (Историко-этнографический очерк). — М., 1975. — С. 91; *Джаханов У*. Земледелие у таджиков долины Соха в конце XIX — начале XX в. Душанбе, 1989. — С. 116.

⁴⁶² *Авесто* / А. Маҳқам таржимаси ... — Б. 115.

⁴⁶³ *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... — С. 226.

ўзининг поклик ҳолига қайтади» -деб таъкидлаган⁴⁶⁴. Демак, биз бундан халқимизнинг деҳқончилик билан боғлиқ қатор урф-одатлари кеча ёки бугун пайдо бўлмай, балки ўзининг кўп минг йиллик тарихига эга эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

Одатда, деҳқонлар ҳосилни йиғиштириб чошга тўплаганларидан кейин «*Ҳақулло*» деб номланувчи маросимни ўтказганлар. Бунда чош эгаси шарқдан ғарбга — қиблага қараб етиштирилган ҳосилдан бир ғалвир буғдой ёки арпа олган. Уни худо ҳақи (ҳақулло)⁴⁶⁵ ҳисоблаб, етим-есирлар, кам даромадлилар, қаровчисий йўқ киши (чолу кампир)ларга беришган. Шунингдек, яна бир одатга биноан хирмон эгаси қушлар ҳақи сифатида бир ҳовуч донни хирмонжой атрофига сепиб юборган⁴⁶⁶. Г.П. Снесаревнинг ёзишича, бу одатдан мақсад қуш кўринишида учиб келган аждодлар руҳини озиқлантириш, шод этиш бўлган⁴⁶⁷. Биз бу қарашни буткул рад этмаган ҳолда шуни таъкидлаймизки, айнан мазкур одат бажарилгандан кейингина ҳосилнинг эгаси ва бошқалар томонидан олишга рухсат берилган. Яъни ушбу маҳсулотга нисбатан бўлган ўзига хос табу олиб ташланган. Демак, ушбу маросим замирида аждодлар руҳини озиқлантириш билан бирга хирмонга нисбатан қўйилган рамзий табуни олиб ташлаш ғояси ҳам ётади. Айнан “*ҳақулло*”дан сўнг маҳаллий ҳокимият вакиллари (оқсоқол ва мироблар) ва қишлоқ мулласига, сартарош, темирчи, косиб, кўнчи, подачи каби турли касб эгаларига кафсан берилган.

Водий деҳқонлари деҳқончиликда ўзига хос бой тажриба соҳиблари бўлишлари билан бирга, деҳқончилик ва боғдорчилик ривожини билан боғлиқ кўплаб афсунгарлик удумларини ҳам амалга оширганлар. Жумладан, Наманган вилояти Косонсой тумани Чиндовул қишлоғи ўзбекларида мевали дарахт экиш одати кенг тарқалган. Ўз навбатида бирор-бир мевали дарахт қуриб қолгудек бўлса, у дарров кесиб ташланган. Чунки халқона тасаввурга кўра, қуриган дарахт ушбу хонадонда навбатдаги ўлим бўлишига туртки берар экан⁴⁶⁸. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғида агар мевали дарахтлар бир неча йил сурункасига мева бермаса, уни ўзига хос равишда «қўрқитганлар». Яъни унинг эгаси мевали да-

⁴⁶⁴ *Авесто* / А. Маҳкам таржимаси ... — Б. 135.

⁴⁶⁵ *Шаниязов К. К.* Этнический истории узбекского народа.. — С. 57.

⁴⁶⁶ *Сазонова М.* Кўрсатилган асар. — Б. 41.

⁴⁶⁷ *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований узбеков Хорезма .. — С. 114.

⁴⁶⁸ Бундай қараш Жанубий Сибир туркийларида ҳам учрайди. *Қаранг:* Традиционное мировоззрение тюрков Южной Сибири: Знак и ритуал ... — С. 48.

рахт гуллаган пайтда қўлига болта олиб “*дарахтни кесиб ташлайман*”, деб дағдаға қилиб рамзий маънода уни «қўрқитган». Дарахтнинг эгаси, бошқа бир одам иштирокида, “энди бу мева бермайдиган дарахтни кесиб ташлайман”, деган вақтда бошқа бир киши «кесманг, энди мева беради», деб унга тасалли берган. Шундан кейингина у дарахтни кесиш ниятидан воз кечган. Халқона тасаввурга биноан ушбу дарахт мазкур амалдан кейингина мева бера бошлар экан. Бу ҳаракат, шубҳасиз, магия билан боғлиқ амал ҳисобланади. Ўз ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, мевали дарахт шохлари, йил фасллари ва сув ҳам икки асос — эркак ва аёлга бўлинган. Кекса деҳқонлар мевали дарахтлар шохларини буташ жараёнида доимо аёл шохларини қолдириб, эркагини қирқиб ташлаганлар. Чунки аёл шохлар серҳосил мева берувчилар ҳисобланган. Тожик элшуноси И. Муҳиддиновнинг ёзишича, сувнинг эркак ва аёлга ажратилишида дарахт шохларига нисбатан тескари тасаввур бўлган бўлиб, эркак сув оққан ариқ бўйларига ўт-ўланлар зич ва баян, аёл сув оққан ариқлар бўйлари эса ўтсиз бўлган ёки жуда кам ўт ўсган. Эркак фаслларга қиш ва куз кирган бўлса аёл фаслларга баҳор ва ёз тааллуқли бўлган. Бундай бўлиниш қадимги аграр культуралар, аниқроғи, ҳосилдорлик култи билан боғлиқ бўлган⁴⁶⁹.

Қадимдан дунё халқларида «одамлар руҳи дарахтларда яшайди, агар марҳумга бағишлаб дарахт экилмаса, унинг руҳи азобда қолади», деган тушунча мавжуд эди. Қабристонларда қадимдан қабр бошига дарахт экиш ҳам ана шундай нуқтаи назар замирида юзага келган. Шу боисдан ҳам одамлар дарахтларни бекордан бекорга кесишга қўрққанлар⁴⁷⁰. Е.М. Пешереванинг таъкидлашича, Фарғоналик тожиклар тут дарахтида Сулаймон пайғамбар яширинган деб ҳисоблаб уни кесмаганлар⁴⁷¹. Дарвоқе, халқ эртакларида ҳам девларнинг руҳи дарахтларда яшаганлиги баён этилади⁴⁷². Сибирда яшовчи туркий халқларда ҳар бир қабила ёки уруғнинг ўз ҳомий дарахти бўлган. Масалан, оқ қайин бир уруғнинг, арча ва қарағай бошқа бир уруғ ҳомийси ҳисобланиб, ҳеч бир уруғ ўзининг ҳомий дарахтини кесишга журъат этолмаган. Агар зарурат туғилгудек бўлса бошқа уруғдагилардан шу дарахтни кесиб бе-

⁴⁶⁹ Муҳиддинов И. Земледелие памирских таджиков и Ишкашима ... — С. 101.

⁴⁷⁰ Фрезер Д. Золотая ветвь ... — С. 136.

⁴⁷¹ Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы. — М.: Наука, 1972. — С. 145.

⁴⁷² Ўзбек халқ эртаклари. — Т.: Ёш гвардия, 1991. — Б. 167.

ришни сўраб мурожаат қилганлар⁴⁷³. Маҳаллий аҳоли орасида қадимдан ёнғоқ ва жийда дарахтида ҳам руҳлар яшаши тўғрисида қарашлар мавжуд. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ажлодларимиз табиатнинг ҳар бир мўъжизасини муқаддас деб билганлар. Шу боисдан ҳам улар дарахтларни худди инсонлар сингари жонли деб ҳисоблаб, уларга азоб беришдан ҳайиққанлар. Айниқса, ажлодлар руҳи ўлиmidан сўнг дарахтларда яшайди, деган қадимги анимистик қарашлар даврлар ва динлар тазйиқи остида бўлишига қарамай ҳанузгача яшовчанлигини сақлаб қолган⁴⁷⁴.

Фарғона вилояти Кува тумани, Наманган вилояти Чуст тумани боғбонлари томонидан етиштирилган анорлар донғи қадимдан нафақат республикамиз, балки ундан ташқарига ҳам тарқалган. Зукко деҳқонлар анор етиштиришда юксак даражада ривожланган агротехникани қўлаганлар. Улар бу борада қатор магик урф-одатларга ҳам амал қилганлар. Анор энг қадимдан ўзига хос илоҳий неъмат тарзида қадрланган. Зардуштийлик динида анор Анахитанинг атрибути ҳисобланган. Водий деҳқонлари анорни кўпинча ўзгалар кўзи тушмайдиган жойга, боғнинг чеккароқ ерига экканлар. Чунки улар тасавурида ушбу мева магик хусусиятга эга бўлиб, гуллаганда ёт кишининг нигоҳига тушса урчимай қолар экан. Бундан ташқари, анор қизил бўлиб гуллаганда қизил кийим кийган кишини ёқтирмайди, дейилади. Шу боисдан ҳам бу дарахт одамлар бирмунча кам борадиган ерга ўтқазилган. Биз бу ерда ранглар билан боғлиқ магик тасаввурни, аниқроғи, қизил рангнинг магик таъсирини кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, қадимги анимистик тасаввурларга кўра, қизил ранг ўзига хос магик кучга эга деб ҳисобланган. Фольклоршунос олим Б. Саримсоқовнинг ёзишича, қизил рангли атиргул кучли магик қудратга эга бўлган ва у ҳамма вақт ёвуз руҳларни, жинларни ўзига чақириб олиб, атрофдаги жонли нарсаларга, айниқса инсонларга зарар етказар экан⁴⁷⁵.

Хулоса тарзида айтадиган бўлсак, ўзбек халқи анъанавий деҳқончилик машғулоти билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларда кўплаб архаик кўринишлар ва магик хатти-ҳаракатлар сақланиб қолган. Шунингдек, деҳқончилик урф-одатларида ўлиб қайта тирилувчи табиат култи излари, гарчи қолдиқий кўриниш тарзида бўлса-да, етиб келганини ва аксарият ҳолларда исломий қараш-

⁴⁷³ Алексеев А. Н. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири ... С. 71.

⁴⁷⁴ Ушбу маълумотлар Н. Абдулаҳатовдан олинди.

⁴⁷⁵ Саримсоқов Б. Олқишлар ва қарғишлар // Ўзбек фольклоридан очерклар. — Т., 1988. — Б. 148.

лар билан ўзаро синкретик тарзда амалга оширилишини кузатдик. Умуман олганда, қадимий диний-мифологик тасаввурлар асосидаги деҳқончилик расм-русумлари ва урф-одатларидан кўзланган асосий мақсад баракали мўл-кўл ҳосил етиштириш ва уни нес-нобуд қилмасдан йиғиб олишга қаратилган. Шубҳасиз, бу борада машҳур этнограф Г.П. Снесаревнинг “ҳосилдорлик култи ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар тараққиёти билан ҳамоҳанг ривожланиб мураккаблашиб борган. Кейинчалик дунёвий динларнинг ажралмас қисмига айланган диннинг қадимий мустақил, универсал шакли” — деган хулосасини⁴⁷⁶ бизнинг дала материалларимиз ҳам тўла-тўқис тасдиқлайди.

3.2. Чорвачилик билан боғлиқ маросимларда қадимий диний эътиқодлар излари

Чорвачилик анъанавий хўжалик машғулотларининг энг қадимий кўринишларидан ва тирикчилик манбаини белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири бўлган. Чорвадорларнинг турмуш тарзи ва ушбу машғулот билан боғлиқ қарашлар, урф-одатлар этнографик материаллар асосида маълум даражада ўрганилган⁴⁷⁷. Бироқ, чорвачилик билан боғлиқ қадимий диний тасаввурлар ва эътиқодий қарашлар алоҳида тадқиқот объекти тарзида ҳозирга қадар махсус тадқиқ этилмаган. Зеро, қадимги даврлардан, яъни жониворларни қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш жараёни бошлангандан эътиборан чорвачилик билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларда элнинг ҳайвонот оламига бўлган муносабати акс этган. Шу билан бирга, инсон ва табиат, одамлар ва ҳайвонот олами ўртасидаги муносабатлар, кишилик жамиятининг бир неча минг йиллик

⁴⁷⁶ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... — С. 186-188, 262-264.

⁴⁷⁷ Токарев С.А. Обычай, обряды и поверья, связанные с животноводством // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. — М., 1983. — С. 90-98. Сейткулова Ж.Б. Обычай и обряды казахов, связанные с традиционным скотоводством.: Автореф. дис. ...канд. истор. наук. — Алмата., 2002; Бўриев О. Кўйчилик удумлари // Ўзбек халқи боқий қадриятлари. — Қарши, 2005. — Б. 40-50; Саримсоқов А.А. Шимолий Фарғона қипчоқларининг чорвачилик билан боғлиқ маросим ва урф-одатлари // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этник жараёнлар. 2-китоб. — Т., 2005. — Б. 136-140; Жўраев М., Пирматова М. Ўзбекларнинг чорвачилик билан боғлиқ маросимлари ва «чорва ҳисоби» тақвими // O'zbekiston tarixi. — 2005. — № 4. — Б. 54-64.

меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳаёт тажрибалари, макон ва замонга бўлган муносабати, маънавий қарашлари ва, шубҳасиз, ўша давр диний эътиқоди акс этган. Биз учун бу ўринда аҳамиятлиси чорвачиликка оид маросимлардаги диний қарашлар, аниқроғи, исломгача бўлган диний эътиқодлар ва қарашлар билан боғлиқ урф-одатлар ҳамда маросимларидир.

Юқорида таъкидланганидек, чорвачилик жуда қадимий машғулоти тури бўлиб, инсоният тарихининг илк даврларидан бошлаб чорва билан боғлиқ культлар, эътиқодлар халқлар турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авеста»да чорвага, айниқса, от, қорамол ҳамда майда туёқли уй ҳайвонларига эътиқодий муносабат изоҳланган. Чорвадорлар имонли ҳисобланган⁴⁷⁸. Жумладан, «Авеста» матнларида майда молларга ҳомийлик қилувчи илоҳ Фродат-Фшова номи билан зикр этилган⁴⁷⁹. Зардушт Ахурамаздадан «ҳаммадан кўра бахтиёрроқ бўлган дунёдаги тўртинчи жой қаер?» — деб сўраганида, Ахурамазда : «*Бундай жой қўйлар суруви ва тевалар уюри энг кўп парвариш қилинадиган заминдир*», деб жавоб берган⁴⁸⁰. Шунингдек, «Авеста»нинг бирмунча кейинги қисмлари ҳисобланган “Хорда «Авеста»”да “Айатрима”, яъни “Чорвани отарларга қайтариш байрами” ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар бор⁴⁸¹.

Энди эса бевосита тадқиқот объекти бўлган Фарғона водийси ўзбеклари турмуш тарзида учрайдиган чорвачиликка оид қадимий диний эътиқодлар ва улар билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимларни бирмунча батафсилроқ таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Фарғона водийси аҳолиси қадимдан деҳқончилик билан биргаликда чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келган. Водийнинг тоғли, тоғ олди ҳамда дашт худудларида чорвачилик асосий ва етакчи хўжалик тармоқларидан бири бўлган. Чорва ҳайвонлари чорвадорлар билан биргаликда зироатчи аҳоли турмушида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Деҳқонлар улардан асосан ишчи кучи, улов, ёрдамчи куч ва қўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланганлар. Чорвачиликка оид маросим ва урф-одатлар моҳияти ва улардан кўзланган асосий бир мақсад мавжуд эди. Яъни маросимлар чорвани

⁴⁷⁸ Исҳоқов М. «Авесто»да чорва ва чорвадорлар// Ўзбекистон худудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. — Т., 2006. — Б. 45.

⁴⁷⁹ Авесто. / Асқар Маҳкам таржимаси... — Б. 343.

⁴⁸⁰ Авесто. / Асқар Маҳкам таржимаси... — Б. 113.

⁴⁸¹ Аширов А. «Авесто»дан мерос маросимлар. — Т., 2001. — Б. 10.

кўпайтириш, уни турли касалликлар, ўлат, ёввойи йиртқич ҳайвонлар ва ўғрилардан ҳимоя қилишга йўналтирилган. Демак, чорвадорлар учун чорва ҳайвонлари соғлиги доимо муҳим аҳамият касб этган. Улар чорвани ҳар хил бало-қазолар, ёвуз кучлар, ёмон кўзлар зиён-заҳмати ҳамда йиртқич ҳайвонлар хуружидан асраш мақсадида йилнинг маълум бир вақтида турли маросимларни ўтказганлар.

Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, фанда қабул қилинган мавжуд меъёрларга кўра, ҳар бир туркум маросимлар бир неча гуруҳларга бўлиб таснифланади. Биз ҳам чорвачиликка оид маросимларни таснифий бўлишда тақвимий меъёрга асосланган содда бўлинишни маъкул деб ҳисобладик ва бу туркум маросимларни икки гуруҳга бўлиб ўргандик. Биринчи гуруҳга баҳорда чорвани ёзги яйловга ҳайдаб кетиш ва кузда ёзги яйловдан қишлов жойига қайтишигача бўлган даврда амалга ошириладиган маросимлар ва урф-одатлар, иккинчи гуруҳга эса чорвани қишки яйловдан қайтиш жараёнидан тортиб то баҳорда ёзги яйловга кетиш пайтигача бўлган турли-туман маросимлар ҳамда урф-одатлар, ирим-сиримлар кирази⁴⁸².

Фольклоршунос олим Б. Саримсоқовнинг ёзишича, ўзбеклар ўз “меҳнат фаолиятида икки хил йил тақвимларидан фойдаланганлар. Бу тақвимлар кишиларнинг чорвачилик ҳамда деҳқончилик фаолиятининг амалга кириши ва тугалланиши билан бошқарилган. Демак, ўзбекларда икки хил йил ҳисоби бўлиб, улар қуйидагича белгиланган: деҳқон йили 22 мартдан бошланса, чўпон йили 16 мартдан бошланган. Дарҳақиқат, 22 мартдан кейин Ўрта Осиё шароитида ер илиб, ўсимликларга амал кирази. Чўпон йилининг 16 мартдан бошланиши ҳам ерга амал кириши ва ўт-ўланларнинг ўсиб чиқа бошлаши билан боғлиқ. Ана шу кундан бошлаб чорвадорлар ёзги яйловга кўчиш ишларини бошлаб юборадилар”⁴⁸³.

Фарғона водийси чорвадорлари орасида ҳам айнан чўпон йили кириб келиши билан чорва қишлов жойларидан ёзги яйловларга олиб чиқилган. Қолаверса, ўзига хос фемонологик кузатув ҳам

⁴⁸² Чорвачилик билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларни бундай тарзда тақвимий бўлиниш ҳолати Европа халқлари учун ҳам хосдир. Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: *Токарев С.А.* Обычаи, обряды и поверья, связанные с животноводством... – С. 91.

⁴⁸³ *Саримсоқов Б.* Ўзбек маросим фольклори ... – Б. 40-41.

чорвачиликда муҳим аҳамият касб этган бўлиб, Шимолий Фарғона чўпонлари эрта баҳорда “наврўз чумчуқ” деб аталувчи қушнинг учиб келиши вақтига ва унинг рангига эътибор берганлар: агар у оқ рангли бўлса, ёғингарчилик кам бўлади, сариқ тусли бўлса, ёмғир кўп ёғади, деб таъбир қилганлар⁴⁸⁴. «Наврўз чумчуқ» чўпонларнинг ёз давомида доимий ҳамроҳлари ҳисобланади. Кузда ўша қуш ҳадеб ўзини сурув ичига ураверса, демак, яқин орада бўрон туриши кузатилган. Буни яхши билган чўпон чорвани тезроқ пастга олиб тушишга ҳаракат қилган⁴⁸⁵. Бундан ташқари, маҳаллий чўпонлар ёзги яйловга кўчишда ҳафта кунларига ҳам алоҳида эътибор берганлар. Чунончи, улар чорвани яйловга олиб чиқишда ҳафтанинг хосиятли кунлари деб эътироф этилган чоршанба ва шанба кунлари танлаганлар. Чорвадорлар наздида ҳафтанинг бошқа кунлари, айниқса, жумада кўчиш хосиятсиз ҳисобланган. Чунки халқона қарашга кўра, ушбу кун барча мусулмонлар каби ҳамма жонзотлар учун дам олиш куни сифатида белгилаб қўйилган. Шу боис агар ушбу кун йўлга чиқадиган бўлинса Аллоҳнинг иродасига қарши борилади ва бирор бир фалокатга йўлиқиш мумкин, деб ҳисобланган.

Ҳар йили чорвани яйловга олиб чиқиб кетишдан аввал чўпонлар пири Чўпон ота ва чорва пири Зангиотага⁴⁸⁶ бағишлаб қурбонлик қилиниб, «ис» чиқарилган. Элшунос К. Шониёзовнинг ёзишича, Фарғона водийси қипчоқларида қўйлар яйловга ҳайдаб кетилаётганида маросимий қурбонлик қилинган ва қишлоқ муллasi томонидан чўпонлар пири Чўпонотага бағишланган рисола ўқиб берилган⁴⁸⁷. Афсуски, биз Фарғона водийсида олиб борган дала тадқиқотларимиз жараёнида ва чорвачилик тарихига оид тарихий-илмий адабиётларда чўпонлар рисоласи борасида кенгроқ маълумотлар берувчи материалларни учратмадик. Шу сабабга кўра тадқиқотда чўпонлик рисоласи тарихи ва унинг мазмун-моҳияти масаласига батафсил тўхталмадик. Чорвадорлар фикрича, ҳар бир

⁴⁸⁴ Саримсоқов А.А. Шимолий Фарғона қипчоқларининг чорвачилик билан боғлиқ маросим ва урф-одатлари .. – Б. 137-138.

⁴⁸⁵ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Какликқўрғон қишлоғи. 2004 йил.

⁴⁸⁶ Занги ота култи тўғрисида батафсилроқ қаранг: Шишкин В.А. Мазары в Занги-ата // В.В. Бартольд. – С. 165-169; Мирхасилов С.М. К изучению реликтов доисламских верований у узбеков в дореволюционном прошлом // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Т., 1972. – С. 160-162; Ҳасан-хўжа Нисорий. Музакири ахбор. – Т., 1993. – Б. 268-277; Мўминов А. Занги-ата // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып. 3. – М., 2001. – С. 40-41.

⁴⁸⁷ Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа ... – С. 200.

ҳайвоннинг ўзига хос пири бўлган ва йилда бир марта мазкур пирга бағишлаб қурбонлик қилинган. Жумладан, қўй пири — Чўпонота, қорамол пири - Зангиота, отнинг пири — Қамбарота, эчкининг пири - Чигатота бўлган.

Азалий турмуш тарзи чорвачиликка дахлдор Фарғона водийси қипчоқларида чорвани ёзги яйловга олиб чиқиш ва ёзги яйловдан қишлоқ ерига олиб қайтишда қатор афсунгарлик расм-русумлари ва урф-одатларига асосланган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сурувнинг бир жойдан иккинчи ерга кўчиши энг масъулиятли давр ҳисобланган. Шу боис улар бу пайтда чорвани турли зиён-заҳматлардан поклаб кўчиришга ҳаракат қилганлар. Бунда тоққа кетаётган қўй-қўзиларни ёвуз кучлар, ёмон кўзлардан асраш мақсадида чўпонлардан бири қўлида гулхан ушлаган ҳолда сурувни айланиб чиққан ва қўйларни олов ёрдамида поклаган. Чуст тумани Ариқбўйи, Сариқамиш, Каркидон қишлоқларида яшовчи қипчоқлар чорвани тоққа ҳайдаб кетишда ва тоғдан олиб тушишда ҳам қўй-қўзиларга оқ ва қора рангдаги латта куйдириб алас-алас қилиб, исириқ солганлар. Алас қилишда аёллар «янги юртда ялло қолсин, эски юртда бало қолсин!», деган айтимни айтиб турганлар. Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани Кармиш қишлоғида яшовчи қирғиз-қипчоқларда эса чорва яйловга олиб кетилаётганда қишлоқ муллеси томонидан Қуръон китоби очик ҳолда ушлаб турилган ва унинг тагидан қўйлар ҳамда чўпонлар ўтказилган. Демак, биз бундан кўрамизки, қўй-қўзиларни яйловга ҳайдаш ва яйловдан қишқи қишлоқ жойига қайтиш пайтида чўпонлар жониворларини зиён-заҳмат ва ёмон кўзли кишилардан олов, исириқ ва Қуръон китоби ёрдамида поклаганлар⁴⁸⁸. Шунингдек, чўпонлар пири Чўпонотага бағишлаб ис чиқариш ва чўпонлар рисоласини ўқиш амалларида ҳам исломий қарашларнинг исломгача бўлган эътиқодий культлар билан синкретлашган кўринишини кўрамиз.

Чўпонлар учун яйловда ҳам қўйларнинг соғлигини сақлаш энг муҳим вазифа ҳисобланган. Агар яйловда қўйлар бирор - бир хаста-

⁴⁸⁸ Оловнинг маросимий афсунгарлик хусусиятига эгаллиги борасида олдинги қисмларда атрофлича маълумот берилгани ва илмий адабиётларда бу муаммо маълум даражада ёритилганлиги боис бу ўринда батафсил тўхталмадик. Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: *Дыренкова Н.П.* Культ огня у алтайцев и телеут // Сб. МАЭ. Т. VI. — Л., 1927; *Бутанаев В.Я.* Культ огня у хакасов // ЭО. — 1998. — № 3. — С. 25-35; *Мейтарчиан М.* Культ огня в Иране и Средней Азии // Древние цивилизации Евразии. История и культура. Тезисы докладов международной научной конференции. — М., 1998. — С. 123.

ликка чалиниб ёппасига қирилиб кета бошласалар, чўпонлар қўйларини яйлов атрофида жойлашган муқаддас қадамжой ва азиз авлиёларнинг қабрлари томон ҳайдаб борганлар. Қўйлар муқаддас қадамжойга ҳайдаб келингандан сўнг ушбу зиёратгоҳ ёки қабр атрофидан чорвани уч марта айлантирган. Чўпонлар фикрича, айнан ушбу амалдан сўнг чорвага келган фалокат баргараф бўлар экан⁴⁸⁹. Андижон вилояти Марҳамат туманида яшовчи чўпонлар қўйларини Олой тоғида боқишган. Агар сурувдаги қўйлар касалликка чалинса, улар сурувни Олойдаги машҳур Оппоқхўжа деган зиёратгоҳ атрофида уч марта айлантирганлар. Шундан кейин қўйлар тузалиб кетар ва касаллик баргараф бўлар экан⁴⁹⁰. Фарғона вилоятида Яккатут бува зиёратгоҳи бўлиб, қайси бир одамнинг чорвасидаги қўйи, моли, ёки оти касал бўлиб қолса, шу мазор атрофидан уч марта айлантириб олиб кетар ва шундан кейин касал ҳайвон тузалар экан⁴⁹¹. Шунингдек, Фарғона водийси ҳудудига кирувчи Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Ашт туманидаги Савак ва Пумук қишлоқларидаги Кўчқорота зиёратгоҳи ҳам маҳаллий ўзбек, тожик ва қирғиз чўпонларининг муқаддас қадамжойи ҳисобланган⁴⁹².

Умуман олганда, туркий халқлар орасида қўй энг муқаддас жонивор ҳисобланган ва унга нисбатан алоҳида эҳтиром кўрсатилган. Элшунос олима Е.М. Пещерева маълумотларига кўра, Ўрта Осиё халқларида қўйга қадимдан инсонларни бало-қазодан асровчи илоҳий жонивор сифатида муносабатда бўлинган⁴⁹³. Ўзбек хонадонларида кўчқор калла суягини ёмон кўзлардан асраш воситаси, қуроли сифатида бирон бир дарахтга осиб қўйиш одати ҳанузгача мавжуддир⁴⁹⁴. Хоразмда эса ёмон кўзлар қўйнинг шохига тегиб қайтсин деган мақсадда хонадонларда шохдор кўчқорлар боқилган. Шунингдек, Хоразм ўзбекларида ҳовлилар, уйлар ташқариси, баъзида боғлар ва узумзорларда ёмон кўзли кишилар нигоҳидан ҳимо-

⁴⁸⁹ *Дала ёзувлари*. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи. 2004 йил.

⁴⁹⁰ *Дала ёзувлари*. Андижон вилояти Марҳамат тумани Ровот қишлоғи. 2005 йил.

⁴⁹¹ Ушбу маълумотлар Фарғоналик этнолог Н.Абдулаҳатовдан ёзиб олинди.

⁴⁹² *Дала ёзувлари*. Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Ашт тумани Сарвак ва Помук қишлоқлари. 2005 йил.

⁴⁹⁴ *Пещерова Е.М.* Гончарное производства Средней Азии. – М.: Наука, 1959. – С. 100.

яланиш мақсадида махсус тарзда кўчқор боқиш одати бўлган. Дарҳақиқат, халқона тасаввурга кўра, кўчқор ёвуз ниятли одамлар нигоҳини бартараф этиш хусусиятига эга жонзот ҳисобланган. Шу боис бу ерга ташриф буюрган ёмон кўзли одамлар нигоҳи ва зиён-заҳмати дастлаб қўйга (аввало унинг кучли шохига) тушади ва кўчқор уни қайтара олади, деган нуқтаи назар айнан бу ерларда кўчқор боқилишига асос бўлиб хизмат қилган. Водий қипчоқлари ва қирғизлари орасида қўй жаннатдан чиққан жонивор деб ҳисобланганлиги боис унинг нафақат ўзи, балки бирор - бир тана аъзоси, аниқроғи, кўчқор шохи ҳам ёмон ниятли одамлар нигоҳини бартараф этиш хусусиятига эга, деб билинган. Шу сабабга кўра уйларнинг кираверишига кўчқор шохини осиб қўйиш одати бўлган. Кўчқор шохини уйнинг кираверишига осиб қўйиш орқали улар уйга ёмон ниятли кишилар билан бирга кириб келувчи турли бало-қазоларни бартараф этишга ҳаракат қилганлар. Қолаверса, қўй-қўзилар турли инсу-жинсларни бартараф этиш хусусиятига эга деб ҳисоблангани боис зукко чўпонлар кимсасиз яйловларда кечалари турли инс-жинслар таҳдидидан ҳимояланиш мақсадида қўйлари орасига кириб тунаганлар⁴⁹⁵.

Археолог олимлар Ю.Д. Баруздин ва Б.Г. Брыкина Қирғизистон жанубидаги археологик ёдгорликларни ўргана туриб одам суяклари билан бирга қўй калласи дафн этилган қабрга дуч келганлар.⁴⁹⁶ Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманидаги Қўйқирилган қалъа ёнидан топилган остадондаги одам ҳайкалчасининг бўйнида қўй шаклидаги тақинчоқ бўлган. Қабр ва остадонлардаги қўй суяги ва қўй шаклидаги тақинчоқлар ҳам ўз-ўзидан маҳаллий халқларнинг қўй култига сиғинганликларини кўрсатади⁴⁹⁷.

Кўчқор қадимги зардуштийлик динида уй эгаларини, уларнинг сиҳат-саломатликларини қўриқлаб турувчи илоҳий маъбуд сифатида талқин этилган. Қолаверса, Эрон ва қадимги Турон халқлари уруш ва ғалаба худосини кўчқор тимсолида тасаввур қилганлар⁴⁹⁸.

⁴⁹⁵ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани Кармиш кишлоғи. 2004 йил.

⁴⁹⁶ Баруздин Ю.Д., Брыкина Г.А. Археологические памятники Баткена и Лайляка (юго-западная Киргизия). —Фрунзе, 1962. — С. 62.

⁴⁹⁷ Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. — Москва, 1962. — С. 132.

⁴⁹⁸ Ягодин Б.Н., Ходжайов Т.К. Некрополи древнего Миздахкана. — Т.: Фан, 1970. — С. 115.

Айрим тадқиқотчилар фикрича, муқаддас зиёратгоҳ ва қадам-жолар билан боғлиқ маросимлар ва тасаввурларда тотемизмнинг айрим хусусиятлари сақланиб қолган. Машҳур археолог олим С.П. Толстов фикрича, айнан мана шундай хусусиятлардан бири муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларга тоғ эчкилари ва қўйлар шохларини осиб қўйишдир⁴⁹⁹. Дарҳақиқат, қўй туркийлар орасида энг муқаддас жонзотлардан саналгани боис зиёратгоҳларга қўй ва тоғ эчкиси шохлари осиб қўйилган. Жумладан, Наманган вилояти Косонсой тумани Қизилшоҳ қишлоғидаги «Қирқ чилтон» зиёратгоҳидаги авлиё қабри устига ҳамда Ўшдаги машҳур Тахти Сулаймон зиёратгоҳига қўчқорнинг узун шохи қўйиб қўйилган. Ахборотчиларимиздан нима учун айнан бу шох қўйилганлиги сабабини сўраганимизда улардан аниқ бир жавобни ололмадик.

Бизнингча, азиз-авлиёлар қабрлари ва муқаддас қадамжоларга осиб қўйилган ҳайвон шохлари оддий безак вазифасинигина бажармаган. Зиёратга келган бефарзанд аёллар ўғил-қиз кўриш мақсадида қабрга ёки зиёратгоҳга осиб қўйилган ҳайвон шохига ип, латта ва бошқа нарсаларни боғлаганлар ёки шохни аста-секин чертиб кўрганлар. Агар шохдан чумолилар тушса, демак, ўша аёл фарзандли бўлади, акс ҳолда фарзандли бўлолмайти, деган қараш мавжуд бўлган⁵⁰⁰.

Умуман олганда, юқоридаги факт ва далиллардан бошқа туркий халқлар қаторида ўзбеклар орасида ҳам қўй энг муқаддас жонивор тарзида қадрланганлиги ва унга тотем даражасида эътиқод қилинганлигини кўришимиз мумкин. Фикримиз далили сифатида илмий адабиётларда туркийлар орасида қўй тотеми билан боғлиқ *қўзичи*, *қўзиқўчқор*, *қўчқорчи*, *қўйин*, *қўйинчи* каби уруғлар ҳам зикр этилганлигини таъкидламоқчимиз. Жумладан, К.Ш. Шониёзовнинг ёзишича, туркий халқларнинг энг йирик субэтносларидан қипчоқ уруғининг бир бўғини *қўчқорчи* деб аталган⁵⁰¹. Қашқадарё манғитлари оқманғит бўлимининг бир уруғи эса *қўзиқўчқор* дейилган⁵⁰². Қўнғиротларнинг қанжигали бўлимига қарашли 14 уруғнинг бири *қўйин*, деб номланган, қорақалпоқлар ва бошқирдларда ҳам *қўйин* уруғи учрайди⁵⁰³. Шунингдек, қирғиз уруғлари орасида ҳам қўчқор мундус аймоғи мавжуд бўлган⁵⁰⁴. Умуман олганда, юқорида ном-

⁴⁹⁹ Қаранг: Толстов С.П. Религия народов Средней Азии // Религиозные верования народов СССР. Т. 1. – М., 1931. – С. 257-258.

⁵⁰⁰ Басилов В.Н. Култ святых в исламе. – М.: Мысль, 1970. – С. 120.

⁵⁰¹ Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа ... С. 123.

⁵⁰² Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т., 1988. – Б. 260.

⁵⁰³ Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – Л., 1950. – С. 165; Кузиев Р.Г. Происхождение башкирского народа. – М., 1970. – С. 64.:

⁵⁰⁴ Абрамзон С. М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л., 1971. – С. 52.

лари қайд этилган барча этнонимларнинг қадимий шаклига қўй тотеми асос бўлган.

Қўйларни муқаддаслаштириб, улар шаклини ҳунармандчилик буюмларида тасвирлаш анъанаси ҳозирга қадар сақланиб қолган. О.А. Сухарева кашталардаги қўчқор шохига ўхшаш нақшлар хусусида шундай фикрларни билдирган: «Нақшларда асосан қўчқорнинг битта белгиси, унинг шохи ифодаланган. Бундай нақшлар Ўрта Осиёнинг маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи халқларида «қўчқорак», Фарғона водийсида яшовчи қирғизларда «қайкалак», Нурота ўзбек туркманларида «мўйиз», туркманларда «чоч бўйиз» деб аталган. Бу нақш икки спиралнинг қайрилган кўринишидан иборат бўлиб, нақш композициянинг марказий қисмига туширилган. Қўй шохи нақши ҳам қўй культидан келиб чиққан ҳолда ишланганлигига шак-шубҳа йўқдир». Демак, ёш келин-куёвлар яшайдиган хонага қўчқор шохи нақши туширилган сўзаналар бежиз илинмаган. Уларни никоҳ маросимида илиб қўйишдан мақсад келин-куёв уйини безатиш эмас, балки ёшларни турли инс-жинслардан асраш бўлган⁵⁰⁵.

Чорвачилик билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатлар моҳиятига назар ташлар эканмиз, уларнинг аксариятида афсунгарлик, магия, тотемизм билан боғлиқ қарашлар устувор эканлигига гувоҳ бўламиз. Фарғона водийсида яшсвчи ўзбек чорвадорлари турфа хил афсунгарлик урф-одатлари орқали чорвани турли бало-қазолардан, касалликлардан асрашга ҳамда улар серпуштлигини давом эттиришга ҳаракат қилганлар. Шунингдек, қўйларни қочириш (табий равишда ирсий кўпайтириш) вақтида, чўпонлар «илоҳим бу йил қўйларимиз худди тарвуз уруғидай кўпайиб баракали бўлсин!», деган ниятда улар устидан тарвузни ёриб уруғи билан сочганлар. Андижонда қўй-қўзилар яйловлардан қайтган куз пайтида қўраларга қўчқор қўшилган (қўчқор яйловларга олиб чиқилмаган), бунда қўйлар зотдор насл берсин, деб уларнинг устига оқ жўхори сепилган⁵⁰⁶.

Энди эса чорвачиликнинг муҳим тармоғи йирик шохли қорамоллар билан боғлиқ анъана ва урф-одатлардаги қадимий диний

⁵⁰⁵ Сухарева О.А. Орнамент декоративных вышивок Самарканда и его связь с народными представлениями и верованиями (вторая половина XIX — начало XX в.). // СЭ. — 1983. — № 6. — С. 78.

⁵⁰⁶ Leonid Pavlovic Potapovs Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbekien aus den Jahren ...— P. 24.

эътиқодлар кўринишларини бирмунча кенгроқ таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. Тарихий адабиётлардан маълумки, қадимдан буқа тасвири серпуштлик тимсоли бўлган эркак томонни англаган. Дастлабки чорвадор жамоаларнинг илк ривожланиш даврида ҳўкизнинг тотем тарзида тараққий этиши илк бронза давридаги мавжуд иқтисодий шарт-шароит билан чамбарчас боғлиқ эди. Бу даврда йирик шохли қорамоллар ҳўжаликнинг асосини ташкил қилган. Бу ҳолат энеолит давридаёқ қарор топган. Айнан шу даврдан ҳўкизлар илоҳийлаштирила бошлаган. Айрим муаллифлар ҳўкиз ва аёл ўзаро уйғунликда чизилган иконографик тасвирларни таҳлил этар эканлар, ушбу тасвирлар келгуси авлоднинг давомийлигини таъминлашга қаратилган серпуштлик култи билан боғлиқ деган фикрларни билдирганлар⁵⁰⁷.

Афсонавий биринчи буқа сув тошқинлари билан боғлиқ бўлиб, унинг танасидан доривор ва зиравор ўсимликлар, унинг уруғидан эса барча фойдали ҳайвонлар пайдо бўлган дейилади⁵⁰⁸. Умуман олганда, ҳўкизнинг сув тошқинлари билан анъанавий боғлиқлиги шарқ халқларининг қадимги динларида ёрқин акс этган⁵⁰⁹. Биз ҳўкиз култининг сув билан боғлиқлигини кейинги давр анъаналарида ҳам учратишимиз мумкин. Жумладан, машҳур рус этнографи Л. П. Потапов кундалигида ёзилишича, Хива шаҳри ўзбеклари орасида янги ариқ қазилиб, Амударёга улангач, хоннинг буйруғига кўра, мазкур ариқда доимо сув бўлсин деган ниятда 8—10 та сугир ва ҳўкизлар қурбонлик қилиб ариққа оқизиб юборилган. Шундан кейин деҳқонлар ўзларини сувга ташлаб ҳўкизларни олиб чиққанлар ва ундан турли таомлар тайёрлаб шу ернинг ўзида ейилган⁵¹⁰. Андижон ўзбекларида эса агар қурғоқчилик бўлиб ёмғир ёғмаса мазорда мол сўйиб қурбонлик қилинган.

Зардуштийлик динида ҳам сугир (ҳўкиз)га алоҳида эътибор билан қаралган. Сугирга бўлган алоҳида эътиқод кўринишлари ва умуман, чорванинг улуғланиши, чорвачиликнинг ғоявий маънода эътиқод даражасига кўтарилиши масаласини «Авеста»нинг энг қадимий ҳамда талқин этиш учун жуда қийин ҳисобланувчи қисми «Гоҳ»ларда кўриш мумкин. Масалан, Ясна китобининг 39-қўшиғида Гэуш

⁵⁰⁷ Хлобыстина М. Д. Древнейшие южно-сибирские мифы в памятниках окуневского искусства // Первобытное искусство. — Новосибирск, 1971. — С. 170-171.

⁵⁰⁸ Реппель Л. И. Цепь времен: Вековые образы и бродячие сюжеты ... — С. 2 2.

⁵⁰⁹ Қаранг: Андрианов Б. Бык и змея (У истоков культа плодородия) // Наука и религия. — 1972. — № 1.

⁵¹⁰ Leonid Pavlovic Potapovs Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken aus den Jahren ... — P. 23.

Урван ҳамда Гэуш Ташанларга, яъни қорамол, ҳўкиз тимсолида пайдо бўлувчи буқа руҳига мурожаат қилинади⁵¹¹. Шунингдек, Бундахашнда таъкидланишича, ердаги дастлабки ҳўкиз миясидан зиравор кўкатларнинг 50 хили ва 12 хил доривор ўтлар ўсиб чиққан. Унинг шохидан мевали дарахтлар, бурнидан пиёз-қалампир, қонидан эса бир шингил узум пайдо бўлган, дейилади⁵¹². Ушбу уруғлар албатта ой нурида ўсиши шарт бўлиб, улардан дастлаб новвосча ва бузоқча, кейинчалик барча ҳайвонлар жуфт-жуфт тарзда пайдо бўлган. Ойнинг ўроғи йирик шохли қорамол ва ҳайвонот олами билан, куёш айланаси эса ер, ўсимлик ва инсоният дунёси билан боғланган⁵¹³. Шунингдек, айрим маълумотларга кўра, хуннларнинг шанью уруғининг тотеми (ҳайвони) буқа бўлган⁵¹⁴.

Водий ўзбеклари йирик шохли қорамолларга худди инсондай муносабатда бўлганлар. Андижонлик ўзбеклар орасида буқа ёки сигир касал бўлиб қолса, улоқ сўядилар ва азаимхонга дуо ўқитиб тумор қилдириб, уни сигирга осиб қўядилар. Шунингдек, янги туғилган сигир боласи — бузоқчани ёмон кўзлардан асраш мақсадида болалар ва қизларнинг бош кийимларига тақиб қўйиладиган дўланадан тайёрланадиган туморлар осиб қўйилган. Қолаверса, Хоразм ўзбеклари орасида янги туғилган бузоқча шарафига кичкина байрам уюштириш одати ҳам бўлган⁵¹⁵.

Шимолий Фарғона қипчоқларида агар сигир туғиш вақтидан ўтиб кетиб ўз вақтида туғмаса, махсус «кўч-кўч» маросими ўтказилган. Бунда уйнинг эгаси туғмаётган сигирнинг устига хуржун ва узун ёстиқни қўйиб, гўёки бозор томон етаклаб кўчага олиб чиққан. Шунда қўшнилардан бири унга пешвоз чиқиб «сигирни қаерга олиб кетяпсиз» деб сўраган. Сигирнинг эгаси эса «Ўз вақтида туғмаганлиги учун бозорга сотгани олиб кетяпман», деб жавоб қайтарган. Ўз навбатида қўшни бўлса “сигирингиз яқин кунларда туғади, қўйинг, сотманг”, — деб маслаҳат бериб сигирни олиб қолар экан. Айнан мазкур тадбир 3 чоршанба ўтказилгандан кейингина сигир болалар экан.

⁵¹¹ *Исҳоқов М.* «Авесто»да чорва ва чорвадорлар. // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. — Т., 2006. — Б. 47.

⁵¹² *Хлопин И.Н.* Образ быка у первобытных земледельцев Средней Азии // Древний Восток и мировая культура. — Л., 1981. — С. 27.

⁵¹³ *Ремпель Л.И.* Цепь времен ... — С. 24.

⁵¹⁴ *Бернштам А.* Социально-экономический строй орхоно-енисейских тюрок VI — VIII вв. — М.-Л., 1946. — С. 8 3-84.

⁵¹⁵ *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма ... — С. 309.

Водий қипчоқларида қорамоллар сутини оширишга қаратилган қатор афсунгарлик удумлари ҳам бажарилган. Жумладан, Чуст тумани Ариқбўйи қишлоғида сигир биринчи марта болалаганда унинг думига оқ рангли рўмол боғланиб устидан бир пақир сув қуйилади. Андижонда эса сигир йил бўйи сут бериши учун бузоқ туғилган заҳотиёқ аёл киши бошига бир учи ерга тегиб турган узун оқ рўмол ўраган ҳолда сигирни соғиши лозим бўлган⁵¹⁶. Бу хатти-ҳаракатлар замирида сигир узоқ вақт соғин бўлсин, деган магик ният мужассамлашган. Шунингдек, сигир йўлдошининг тушиши ҳам эҳтиётлик, хушёрлик билан кузатиб турилган. Чунки, у агар йўлдошини еб қўйса, сути камайиб кетади, деб ҳисобланган. Водий қипчоқларида мол туғаётган вақтда кечикмасдан енгил қутулиб олсин, яъни илондай сирпаниб енгил-енгил қутулсин, деган мақсадда илон пўсти исириқ қилиб солинган⁵¹⁷.

Косонсой қипчоқларида агар сигирнинг елини туғишдан аввал ёки туққандан кейин қаттиқ бўлиб, мисоли тошга ўхшаб қотиб қолса елин мурдашўйларнинг марҳумларни ювишда ишлатган қўлқопи ёки қайроқтош билан силаб теккизиш орқали даволанган. Бунда мурдашўйнинг қўлпайпоғи ёмон нарсаларни даф қилиш хусусиятига эга дейилгани боис ҳам ундан фойдаланилган. Қайроқтош айнан қаттиқ бўлганлиги боис «Қайроқ қайроқда бўлади. Молнинг елинида нима қиласан», — деб теккизилар экан. Айнан мазкур амал ҳам уч марта қилингандан кейин сигир елинидаги қаттиқ нарса йўқ бўлиб кетар экан. Бизнингча, бу амаллар ҳам маълум маънода афсунгарлик билан боғлиқ бўлиб, ушбу анжомлар магик хусусиятга эга деган қарашлар мазкур иримлар пайдо бўлишига асос сифатида хизмат қилган бўлса керак.

Водий қипчоқлари ва қирғизларида куёш ботгандан сўнг уйдан ташқарига сутли маҳсулотларни чиқариш, кимгадир бериш қатъий тақиқланган. Агар бирор зарурият билан беришга мажбур бўлинган тақдирда косага қоракуя суртиб берилган. Гурлан ва Шовот тумани ўзбекларида сигир сути учун махсус идиш—қулоқли кўза бўлган. Бу кўзага сутдан бошқа нарсани қуйиш қатъий тақиқланган. Ўз ўрнида қайд этиш керакки, қорамоллар билан боғлиқ диний-этикодий қарашлар ва урф-одатларнинг илдизлари жуда қадимий

⁵¹⁶ Leonid Pavlovic Potapov Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbekien ... — P. 24.

⁵¹⁷ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 2006 йил

ҳисобланади. Сут ва сутли маҳсулотлар туркий халқларда энг муқаддас таомлардан бири ҳисобланган бўлиб, уни бегона уруғ вакилларига бериш қатъиян тақиқланган. Туркий халқлар ўзларининг энг азиз ва эътиборга сазовор меҳмонларинигина уларнинг уруғи билан рамзий алоқа ўрнатилганлик тимсоли сифатида сутли маҳсулотлар билан сийлаганлар⁵¹⁸.

Зардуштийликда ҳам сигир сути муқаддас ҳисобланган. «Авеста»да ёзилишича, Зардушт ва унинг онаси сигир сути ва хаома ичимлигидан яратилган экан⁵¹⁹.

Хоразмда «Сигир-булоқ» деган мақол кенг тарқалган. Сигир туққанда унинг дастлабки сути кўни-кўшниларга тарқатилган ва бир пиёла қатиқ тайёрланиб, авлиё қабрига олиб борилган⁵²⁰. Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани узларида сигир пешоб қила олмай қолса, у қабристонга етаклаб келинган ва қабристонни уч марта айланттирилган. Шундан кейингина у сийиши мумкин дейилади⁵²¹. Бунинг сабаби инсондан бошқа ҳамма жониворларга қабр азобини эшитиш қобилияти берилган. Шу боис қабристонни уч марта айланттирилган сигир қабр овозини эшитиб пешоб қилиб юборар экан.

Андижон қипчоқларида қорамоллар касал бўлиб қолган тақдирда улар бўйнига бўри тирноғи тумор сифатида осиб қўйилган. Халқ орасида бўри бахт келтирувчи хайрли жонзот бўлиши билан бирга, у шифобахшлик хусусиятига ҳам эга деб ишонилган.

Шунингдек, водий ўзбеклари орасида қўй ёки сигирни бозорга сотиш мақсадида олиб боришдан олдин ари ини олиб тутатилади. Бунда харидорлар мазкур сотилажак ҳайвонни аридай таласинлар, деган магик қараш мужассамлашган. Ариқбўйи қипчоқларида бозордан янги бирор-бир ҳайвон сотиб олинганда унинг бошига ун, туёғига эса тош суртилади. Бундай амалларни бажаришда «*боши оқ ундай очиқ, туёғи тошдай қаттиқ бўлсин, узоқ вақт ушбу хонадонга хизмат қилсин*», деган магик ниятга асосланилади. Бундай удум Хоразмдаги ўзбек манғитларда ҳам бажарилган⁵²². Бундан ташқари, сотилган мол-

⁵¹⁸ Традиционное мировоззрение тюрков Южной Сибири. Знак и ритуал ... — С. 22.

⁵¹⁹ Толстов С.П. Древний Хорезм. — М., 1948. — С. 317.

⁵²⁰ Leonid Pavlovic Potapov Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken ... — P. 22.

⁵²¹ Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Хардури қишлоғи 2005 йил.

⁵²² Leonid Pavlovic Potapov Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken ... — P. 33.

нинг арқони ҳеч қачон харидорга берилмайди. Чунки бу билан ушбу хонадондан қут-барака кетади, деб ҳисобланади⁵²³.

Элшунос олим Л.П. Потапов 1928—1930 йилларда Ўзбекистон халқлари маданиятини ўрганиш бўйича тўплаган дала материалларида ёзишча, Андижонда кимдир бозорга кетган бўлса унинг қайтишига қадар уй супурилмаган. Агар хонадон бошлиғи бозорга кетгандан кейин уй супурилса, унинг бозорда савдоси юришмай қолади деган тушунчага асосланилган⁵²⁴.

Ўзбеклар орасида бирор - бир уй ҳайвонини, масалан, от, сиғир, қўй ва туяни оёқ билан тепиш ҳам қадимдан оғир гуноҳ саналган. Хоразм ўзбекларида, ҳатто, туянинг жунини ҳам оёқ остига ташлаб бўлмайди, чунки у ажинани қувиш хусусиятига эга деган тасаввур бўлган⁵²⁵. Қипчоқларда эса сигирнинг бузоғи (боласи) ўсмай қолса, «алас-алас» қилинган. Бунда ўсмай қолган сигир боласининг қорин қисмидаги жунлари олов ёрдамида куйдирилган ва бу амал 3 чоршанба ўтказилган.

Чўпонларнинг асосий иш қуроли бўлган таёғи ва кийими ҳам ўзига хос магик хусусиятга эга ҳисобланади. Чўпон таёғи одатда пишиқ бўлган «четан», «қирғай» ёки «қизил тут» дарахтидан қилинади. Чўпон таёғи муқаддас ҳисобланганлиги боис чўпон бўлувчи шахс унга эга бўлиш ниятида қурбонлик қилиб, бирор - бир ҳайвонни сўйган. Шундан кейингина чўпон таёғига эга бўлган. Ўз навбатида таёқдан бошқа нарса билан ҳайвонлар урилмаган ва таёқни босиш ҳам гуноҳ ҳисобланган. Агар шу таёқ устидан моллар ўтиб қолгудек бўлса улар бирор дардга чалинади ва айнан ўша таёқ билан касал ҳайвон силаб даволаниши керак деган тавсия берилган. Шу мулоҳазага биноан чўпонлар таёқларини доимо ўзлари билан олиб юрганлар ва уни оёқ остига эмас, четроққа қўйишга ҳаракат қилганлар.

Чорвачилик билан боғлиқ анъанавий урф-одат ва маросимлар якунида хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, водий ўзбеклари орасидаги чорвачилик билан боғлиқ анъаналар ўзининг қадимий асосларига эга эканлиги ва уларнинг аксариятида минтақа аҳолисининг қадимий диний тасаввурлари билан боғлиқ қарашлари мужассамлашганига амин бўлдик.

⁵²³ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Ариқбўйи қишлоғи.

⁵²⁴ Leonid Pavlovic Potapov. Materialien zur Kulturgeschichte der Usbeken ... - P. 31.

⁵²⁵ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма ... - С. 317.

ТЎРТИНЧИ БОБ.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИДА ҚАДИМИЙ ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАР ВА ЭЪТИҚОДИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ АРХАИК ИЗЛАРИ

4.1. Турар жойлар билан боғлиқ урф-одатларда қадимий диний эътиқодлар

Этнологик йўналишда бажарилган тадқиқотларда моддий маданият (турар жойлар, кийим-кечаклар, тақинчоқлар, озиқ-овқатлар)ни, одатда, график тасвирлар, режалар, чизмалар, расмлар, фотосуратлар ёрдамида батафсил таърифлаш, тавсифлаш ва илмий таҳлил қилиш ўзига хос анъанага айланган. Лекин аслида ушбу маълумотлар илмий этнологик тадқиқотларнинг бош мақсади эмас, балки асосий мақсадни исботлашга кўмаклашувчи тавсифий восита сифатида хизмат қилади. Моддий маданиятни этнологик йўналишда тадқиқ этишдан кўзланган асосий мақсад ўрганилаётган объектнинг халқ ижтимоий турмуш тарзи билан алоқадорлигини ёритиб беришдан иборат. Чунки, анъанавий моддий маданият намуналари инсоният меҳнати ва эҳтиёжи асосида яратилса-да, лекин унинг онгли тафаккури натижаси ўлароқ у ёки бу кўринишни олади. Шубҳасиз, бу ўринда моддий маданият намуналарида акс этувчи рамз, белги ғоя кўринишида ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, бу бевосита у билан боғлиқ тасаввурлар, эътиқодий қарашларни таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бошқачасига этнологлар учун моддий маданият намуналари тавсифи эмас, балки уларнинг инсон билан алоқадорлиги қизиқарли ҳисобланади⁵²⁶.

Бажарилаётган тадқиқотлар моддий маданиятнинг фақатгина тавсифий хусусиятлари билан чегараланиб қолганида эди, илмий ишлардаги ўзига хослик жуда тез муддатда унутилиб кетарди. Кийим-кечакларни этнографик аспектда тадқиқ этиш тиқиш-бичишга оид қўлланмага, таомларни ўрганиш эса кулинария рецептлари тўпламига, турар-жойларни тадқиқ қилиш — архитектура дарслигининг бир бўлимига айланиб қоларди. Қолаверса, таниқли француз тадқиқотчиси Марсель Мажет ҳақли равишда таъкидлага-

⁵²⁶ Токарев С.А. К методике этнографического изучения материальной культуры // СЭ. — 1970. — № 4. — С. 3.

нидек, "этнолог учун одамлар учун аҳамиятга эга бўлмаган (фақат моддий) предмет мавжуд эмас". Бирор - бир предметни тадқиқ қилиш жараёнида, деб ёзган эди у, ушбу объектни бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш, тарқатиш, сотиш ва фойдаланиш имконияти, ҳуқуқи ва вазифасига эга бўлган барча шахслар эътибордан четда қолмаслиги лозим⁵²⁷. Моддий ашё ва буюмлар этнолог учун предметнинг ижтимоий таомилга кириши, яъни уни яратган ва фойдаланувчи кишиларнинг ушбу нарсага муносабати ҳамда энг муҳими, бу предмет орқали ўзаро алоқалари, дунёқараши, диний-фалсафий қарашларисиз қизиқарли бўлмаслиги, шубҳасиздир. Шу боисдан ҳам этнология турли жонсиз предметлар ва ашёлар хусусидаги эмас, балки одамлар тўғрисидаги фан сифатида талқин этилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, этнологияда моддий маданиятга кирувчи турар жойлар, таомлар ва таомларга хос бўлган барча жиҳатларни бир тадқиқот доирасида тадқиқ этиш ўта мушкул вазифа ҳисобланади. Қолаверса, бу муаммо ушбу тадқиқот асосини ҳам ташкил этмайди. Шу боис монографиянинг ушбу бобида биз моддий маданият ва диний эътиқодлар, аниқроғи қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқ кўринишларнигина ўрганишга ҳамда бу масалага оид илмий-назарий хулосалар беришга ҳаракат қилдик.

Моддий маданиятнинг муҳим қисмларидан бирини уй-жойлар ташкил қилади. Тарихий-этнографик адабиётлардан маълумки, анъанавий уй-жойларни тиклаш ва жиҳозлаш усуллари маҳаллий табиий шарт-шароитга, кўчманчи, яримкўчманчи, яримўтроқ ва ўтроқ этник гуруҳлар анъанавий турмуш тарзи, ҳўжалиги йўналиши, урф-одатлари, диний эътиқоди ва миллий қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир этнос ўзининг маънавий-эстетик диди ва миллий қадриятлари асосида уй-жойларини жиҳозлайди. Ўз навбатида турар жойларни тиклаш ва янги уйга кўчиб кириш билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимлар негизида маълум бир эътиқодий, диний-фалсафий қарашлар ҳамда миллий қадриятлар мужассамлашган. Бу эса ўз навбатида ушбу урф-одатларнинг қадимийлигидан, халқнинг азалий мафкураси, узоқ аجدодларимиз эътиқодлари тараққиёти тарихи ҳамда диний қарашларнинг яшовчанлик хусусиятларидан дарак беради. Умуман олганда, уй-жойлар билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатлардан кўзланган асосий мақсад

⁵²⁷ Maget M. Guide d'étude directe des comportements culturels. -Paris., 1953. P.15-16.

нафақат ушбу уйда, балки мазкур турар жой, ҳовлида яшовчи оилада (ижтимоий гуруҳда) ҳам беками кўст муҳитни яратишга қаратилган. Шу боис мазкур туркум маросимларда оила ва уй-жой ажралмас бир бутунликни ташкил этади деб ҳисоблаш мумкин.

Турар жойлар инсон учун макон, бошпана тарзда фойдалана бошланган даврлардан бошлаб у билан боғлиқ илк тасаввурлар ҳам шакллана бошлаган. Қадимги уй-жойларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири — уларнинг ўзига хос хавфсизлик ҳалқасига эга эканлигидир. Инсониятнинг илк аجدодлари уй-жойларни ёвуз кучлар хуружидан муҳофаза қиладиган ўзига хос ёпиқ макон деб ҳисоблаганлар ва у билан боғлиқ илоҳий тушунчалар тарқалган⁵²⁸. Бу борада француз этнологи А. Леруа-Гураннинг “Уйга рамзий маъно-мазмун бериш орқалигина маконни ўзлаштиришдаги инсониятга хос бўлган хусусият (ҳайвонларда мавжуд бўлган «ҳимояланиш» инстинктидан фарқли равишда) тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин», деган нуқтаи назарига қўшилмасдан иложимиз йўқ⁵²⁹.

Энди эса бевосита тадқиқотимиз ҳудуди ҳисобланган Фарғона водийси ўзбеклари анъанавий турмуш тарзидаги турар жойлар билан боғлиқ қарашлар, урф-одатлардаги қадимий диний эътиқодларга дахлдор кўринишларни бирмунча батафсилроқ таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекларда яшаш макони ҳисобланган уй-жой, хусусан, ота-боболар жойи муқаддас даргоҳ ҳисобланган ва унга алоҳида меҳр қўйилган. Қолаверса, ота-боболар ерининг муқаддаслиги борасида жуда кўп ҳикматли сўзлар, матал мақол ва ривоятлар мавжуд⁵³⁰.

Фарғона водийси ўзбекларида ҳам уй-жойларга ўзига хос муқаддас даргоҳ сифатида қаралган. Водий ўзбекларида янги уйнинг жойлашиш ўрнига алоҳида эътибор берилган ва турар жойларни доимо хосиятсиз ҳисобланган қабристон, зиёратгоҳ ва азиз-авлиёлар қабрларидан узоқроқда қуришга ҳаракат қилинган. Бу эса ўз навбатида мазкур турар жойда истиқомат қиладиган оила ҳаётининг муваффақиятли ўтишида катта аҳамият касб этган. Чунки аҳоли наздида қабристон ва зиёратгоҳлар марҳумлар руҳи тўпландиган жой ҳисобланган. Чунончи, маҳаллий аҳоли бирор-бир қаб-

⁵²⁸ I Лавовнен Н.А. Функциональная роль порога в фольклоре и верованих карел // Фольклор и этнография. У этнографических истоках фольклорных сюжетов и образов. — Л., 1984. — С. 177.

⁵²⁹ Leroi-Joiron A. Le geste et la parole. Т. 2. — Paris. 1965. — P. 139.

⁵³⁰ Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. — Т., 2005; Нозилов Д. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. — Т., 2005. — Б. 71.

ристон ўрнига ёки азиз-авлиёлар мазорлари атрофига турар жой қурилса “безовта руҳлар” туфайли уй эгаларидан кимгадир, айнқса, болаларга тасодифан зарар етишидан ва оила аъзолари касалланишидан ҳадиксираганлар. Халқона қарашларга кўра, руҳлар зиёни оила аъзоларидан бирининг хасталикка чалиниши ёки мазкур уйда яшовчилардан кимнидир бирор - бир бахтсиз ҳодисага дучор бўлиши тарзида намоён бўлар экан⁵³¹.

Ўш вилояти Қорасув туманидаги Уйғурқишлоқда эски уйни бузиб янгисини қуришдан аввал ушбу уйда яшаб ўтган ота-боболар руҳига бағишлаб ис чиқарилган. «Ис чиқариш» маросимидан аввал аёллар томонидан ушбу уйда яшаб ўтганлар руҳига атаб махсус таом — «ўйма» пиширилган. Кексаларнинг таъкидлашлари-ча, тайёрланган ўйма тириклар томонидан ейилишига қарамай, уни пишириш жараёнида қиздирилган ёғ исидан ўтганлар руҳи баҳраманд бўлар экан⁵³². Ушбу маросимда ўтганлар руҳига бағишлаб махсус маросимий таом тарзида палов пиширилган ва таклиф этилган меҳмонлар зиёфат қилинган. «Ис чиқариш»да уй эгаси томонидан кўни-қўшнилар, маҳалла эркаклари ва маҳалла мулласи иштирокида ўтганлар руҳига бағишлаб Қуръон оятлари ўқилиб дуои фотиҳа қилиш орқали янги уйни қуришга рамзий тарзда рухсат олинган. Айнан шундан кейингина уй эгалари усталар кўмагида эски уйни бузиб янгисини қуришга киришганлар. Бундай тасаввурлар бошқа халқлар орасида ҳам кенг ёйилган. Жумладан, тожик этнографи И.М. Муҳиддиновнинг ёзишича, Помир тожикларида эски уйни бузиб янгисини қуришдан аввал ушбу уйда яшаб ўтган ота-боболар руҳига бағишлаб қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилар ва халифа иштирокида махсус зиёфат уюштирилган. Агар кимдир бу одатга амал қилмасдан ота-боболар руҳининг розилигисиз янги турар жой қурса бир йилдан сўнг нафақат уйни қурган уста, балки хонадон эгасининг ўғли ёки яқинларидан бири вафот этар экан⁵³³.

Дунёнинг кўплаб халқлари сингари водий ўзбекларининг ҳам янги уйга кўчиб кириш олдидан бажарадиган турфа хил расм-

⁵³¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чортоқ тумани Қорамурт қишлоғи. 2003 йил.

⁵³² Дала ёзувлари. Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Уйғурқишлоқ қишлоғи. 2005 йил.

⁵³³ Муҳиддинов И.М. Обычаи и обряды, связанные со стротительством жилище у припамирских народностей в XIX– начале XX в. // Этнография Таджикистана. — Душанбе, 1985. — С. 25.

русумлари ва одатлари бўлиб, халқ тасаввурида ушбу амалларнинг бажарилиши ушбу оила аъзоларининг келгусида беизён яшашларига кўмак берар экан. Ўз навбатида бундай хулоса янги уйга кўчиб ўтишда ва унда яшаш давомида хона қисмлари билан боғлиқ турли одатларнинг бажарилишига сабаб бўлган. Жумладан, Наманган вилояти Чортоқ тумани Пешқўрғон, Чуст тумани Ғова қишлоқларида янги уйни қуришдан аввал уй пойдеворини кўтариш ишлари бошланишида ота-боболар руҳига бағишлаб қўй сўйиб қурбонлик қилинган⁵³⁴. Шундан кейин сўйилган жонлиқ гўштидан махсус таом — ош ёки шўрва тайёрланиб, маҳалла оқсоқоллари ва ҳашарчиларга тортилган. Умуман олганда, дунёдаги кўпгина халқларда уй-жойларни тиклаш чоғида жонлиқ сўйиб қурбонлик қилиш одати бўлган⁵³⁵. Шарқий славян халқларида ҳам уй пойдеворини ўрнатишдан олдин жонлиқ сўйилган. Унинг қони пойдеворнинг биринчи тошига суртиб олинган⁵³⁶. Помир тожикларида эса пойдевор тоши остига қимматбаҳо буюмлар: тилла ёки кумуш узук ва тақинчоқлар, тилла ёки кумуш тангалар ва бошқалар кўмилган. Бу удум оиланинг мўл-кўлчиликда ва фаровон ҳаёт кечиришида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган⁵³⁷. Таниқли француз этнологи А. Ван Геннепнинг фикрича, янги уйни қуришда маросимий қурбонлик қилиш ўтиш даври одатларига киради. Ҳар бир янги қурилган уй маросимий қурбонлик қилинмагунча табу ҳисобланади. Табу асосида ҳомий руҳларга бўлган ишонч мужассамлашган. Шу сабабга биноан ҳар бир янги уйни қуришдан аввал маросимий тарзда қурбонлик қилиш одати дунё халқлари орасида кенг тарқалган⁵³⁸.

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, эски уйни бузиб янгисини солиш ўзига хос масъулиятли жараён ҳисобланган. Дарҳақиқат, кўплаб халқлар сингари ўзбекларда ҳам энг қадимги

⁵³⁴ Дала ёзувлари Наманган вилояти Чортоқ тумани Пешқўрғон қишлоғи, Чуст тумани Ғова қишлоғи. 2005 йил.

⁵³⁵ Дунё халқлари орасида янги уйни қуришда маросимий тарзда қурбонлик қилиш одати тўғрисида батафсилроқ қаранг: *Sartori P. Ueber das Bauopfer // Zeitschrift für Ethnologie*, 1898. – P. 1-54; *Геннеп А. ван. Обряды перехода: Систематическое изучение обрядов.* – М.: Восточная литература, 2002. – С. 24.

⁵³⁶ *Байбурин А.К. Жилище в обрядах и представлениях восточных славян.* – Л., 1983. – С. 85.

⁵³⁷ *Мухиддинов И.М. Обычаи и обряды, связанные со строительством жилища у припамирских народностей в XIX – начале XX в...* – С. 25.

⁵³⁸ *Геннеп А. ван. Обряды перехода...* – С. 26-27.

даврлардан бошлаб оламдан ўтган ота-боболар, аждоқлар руҳи ҳурмат қилинган ва унга кулът даражасида сиғинилган. Қолаверса, халқ орасида уй-жойлар билан боғлиқ мифологик тасаввурлар ҳам чуқур илдиз отган ва ҳатто қадимда турар жойларни асровчи махсус илоҳлар, кулътлар ҳам бўлган. Жумладан, зардуштийлик динида уй-жойларни ҳам асровчи махсус илоҳ Нманяҳ деб аталган⁵³⁹. Қолаверса, Нманяҳ «Авеста» матнларида уй маъносини ҳам англаган. Ўз ўрнида шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёнинг маҳаллий ўтроқ аҳолиси, айниқса, ўзбеклар орасида у ёки бу қадимий қалъа, шаҳар қурилиши борасида сўз юритилганда дев образи пайдо бўлади. Айрим тадқиқотчилар фикрича, дев қиёфаси — аввало қурувчи сиймосини акс эттирган. Таниқли диншунос Г.П. Снесаревнинг ёзишича, айнан девлар ёрдамида афсонавий Хоразм ҳукмдорлари ўзларининг машҳур қалъалари ва шаҳарларини бунёд этганлар.⁵⁴⁰

Хоразм ривоятларида айрим девлар номлари ҳам сақланиб қолган. Кўплаб жойларда Уфрид, Ҳамза, Оқсулув, Қорахон каби девлар машҳур бўлган⁵⁴¹. Хоразмнинг энг машҳур ва қадимий шаҳарларидан бири Ҳазорасп шаҳар—қалъаси Самандун ва Қаус номли девлар томонидан барпо этилган деган ривоят сақланиб қолган. Халқ орасидаги бошқа бир ривоятга кўра, Хоразмнинг қадимий қалъаси Қиёт шаҳри Солган номли дев томонидан бир кечада бунёд этилган экан⁵⁴². Таниқли этнограф О.А. Сухареванинг ёзишича, ўзбеклар орасида Ҳазрати Хизрга шаҳарлар ҳомийси сифатида ҳам қаралган⁵⁴³.

Одатда, уй қуриш ишлари дастлаб унинг пойдеворини тиклашдан бошланган бўлиб, халқона тасаввурга кўра, бу жараёнга ҳафтанинг хайрли ва омадли кунларидагина киришилган. Фарғона водийси ўзбеклари орасида душанба, чоршанба, пайшанба ва шанба

⁵³⁹ *Авесто.* / А. Маҳкам таржимаси ... — Б. 314.

⁵⁴⁰ *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма ... — С. 29.

⁵⁴¹ Девлар мусулмон ва кофир девларга бўлинган. Жумладан, юқорида номи эйкр этилган девлар орасида Уфрид кофир дев, ҳамза номли дев мусулмон дев ҳисобланган.

⁵⁴² *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма ... — С. 30.

⁵⁴³ *Сухарева О.А.* К вопросу о культе мусульманских святых в Средней Азии// Труды Института истории и археологии. Т. II. — Т., 1950. — С. 172.

кунлари уй қурилишидаги дастлабки юмушлар бошланган. Чунки айнан мазкур кунлар хосиятли ҳисобланган⁵⁴⁴.

Янги уйни қуриш жараёнида унинг дастлабки ёғочлари ўрнатилгандан сўнг уй тўсини ёки харисини кўтаришда ажойиб бир удум бажарилган. Одатда, уста уйларнинг тўсин ёки харисини ўрнатиш чоғида уй эгасидан бирор - бир нарса (кўпинча, кўйлак, қийиқ (белбоғ) ва шу кабилар)ни эҳсон қилишни сўраган. Бу нарса аҳоли орасида *кескилик* деб аталган. Агар устага *кескилик* берилмаса, кейинчалик у(уста)нинг иши юришмай, оғир хасталикка чалиниб қолар экан. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, ҳар бир ҳунармандчилик соҳасининг ўз асосчиси (пиру муршиди) бўлгани каби, устачиликнинг ҳам асосчиси - пири бўлган. Тўсин (ёки хари) кўтариш пайтида устага кескилик ўша пирнинг ҳаққи сифатида берилган. Уста эса ўзи ишлаб пул топаётган ушбу ҳунар асосчисининг ҳаққига дуою фотиҳа қилиб туриши лозим бўлган⁵⁴⁵.

Ахборотчиларнинг эътирофи этишларича, устачиликнинг пири Иброҳим ҳалилуллоҳ ҳисобланади. Чунки бу пайғамбар одамлар орасида дастлабки иморат қурган киши ҳисобланади⁵⁴⁶. Айримлар Нух (а.с.) одамлар орасида энг биринчи бўлиб ёғочдан қайиқ ясаган инсон бўлганлиги сабабли уни ёғоч ҳунармандчилиги пири сифатида тан оладилар⁵⁴⁷.

Фарғона водийсининг азалий ўтроқ ўзбек ва тожик халқлари орасида уйнинг айрим қисмлари — тўсин, устун, эшикларни ўрнатиш жараёнида рамзий маъноларга эга бўлган ва айнан мазкур қисмлар билан боғлиқ қатор диний-семантик урф-одагларга амал қилинган. Жумладан, водий ўзбекларида ҳам, республикаимизнинг бошқа минтақаларида бўлгани сингари, хона шифтига қўйиладиган тўсинлар сони доимо тоқ, яъни 5,7,9,11 тадан бўлиб, хона тури ва ҳажмини белгиловчи ўлчов бўлиб келган. Халқона қарашларга кўра, айрим жойларда тўсинларнинг жуфт бўлмагани Аллоҳга бағишланган дейилса, бошқаларида битта тўсин вазифасини хонадон эркаги бажаради, деб тушунилган. Шу ўринда Хоразмда уй тўсини билан

⁵⁴⁴ Ҳафта кунлари билан боғлиқ эътиқодий қарашлар борасида батафсилроқ қаранг: *Устаев Ш. Дни недели в поверьях народов Южного Узбекистана // Краеведение Сурхандарьи. — Т.: Ўзбекистон, 1989. — С. 146-155.*

⁵⁴⁵ *Дала ёзувлари.* Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Чўнгбағиш қишлоғи. 2003 йил.

⁵⁴⁶ *Дала ёзувлари.* Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2004 йил.

⁵⁴⁷ *Дала ёзувлари.* Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи. 2004 йил.

боғлиқ ўзига хос рамзий одатга амал қилинганлигини таъкидлаш даркор. Таниқли этнограф олима М.В. Сазонованинг ёзишича, Хоразмнинг айрим туманларида бирор хонадонда кетма-кет ўлим юз берганда, шу оила аъзоларидан қолганларининг умрини асраб қолиш ниятида хонанинг ўлим содир бўлган қисмидаги томнинг икки тўсини ёки томнинг тўғри келган жойидан иккита тўсин, айрим туманларда эса шифтнинг барча тўсинлари бутунлай алмаштирилган⁵⁴⁸. Тоғжикларда уйнинг ҳар бир ёғоч қисми ўзига хос вазифани бажарган ва уларнинг алоҳида маъноси бўлган. Бу борада, айниқса, уйнинг устуни муҳим аҳамият касб этган бўлиб, халқона тасаввурга кўра, уйнинг устуни аждодлар руҳи яшайдиган ер сифатида қадрланган⁵⁴⁹.

Янги қурилаётган уй деворини кўтариш, том ёпиш билан боғлиқ, тарзда ва кўп ишчи кучини талаб этадиган ишларда маҳалла эркаклари иштирокида махсус ҳашар уюштирилган⁵⁵⁰. Наманган вилояти Хўжамушкент қишлоғида яшовчи ўзбекларда бу тадбир «ҳокандозон» деб аталган. Ҳокандозон кўпинча турар жой томини ёпиш пайтида уюштирилган бўлиб, маҳалла эркаклари белгиланган кунда ҳашар ўтказиладиган уйга йиғилганлар ва уй томига қопларда тупроқ олиб чиққанлар. Ҳашардаги энг катта қоп *полвон қоп* дейилган. Мазкур қопни кўтариб томга тупроқ олиб чиққан одамга совға тариқасида уй эгаси томонидан белбоғ боғлатилган⁵⁵¹.

Уй-жойлар билан боғлиқ урф-одат ва расм-русмларнинг талай қисми янги уй тиклаб бўлинганидан сўнг ҳам ўтказилган. Қорамурт ўзбекларида янги уйга *душанба ва жума* кунлари кўчиб кириш хайрли ҳисобланган⁵⁵².

Дастлаб янги уйга кўчиб киришда уй кирди, уй оши маросими ўтказилган. Бундай урф-одатлар шарқий славян халқларига ҳам

⁵⁴⁸ Сазонова М.В. К этнографии узбеков Южного Хорезма ... – С. 292-294.

⁵⁴⁹ Мухиддинов И.М. Обычай и обряды, связанные со строительством жилища у припамирских народностей в XIX – начале XX в. ... – С. 24-29; Бабаева Н.С. Древние верования горных таджиков Южного Таджикистана в похоронно-поминальной обрядности... – С. 19.

⁵⁵⁰ Ҳашар ҳақида батафсил қаранг: Исмаилов Х. О народных трудовых традициях узбеков // СЭ. – 1990. – № 6. – С. 115-122; Бўриев О, Шоймардонов И. Ҳашар элга ярашган удум // Иқтисод ва ҳисобот. – 1996. – № 8. – Б. 69-73.

⁵⁵¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чортоқ тумани Хўжамушкент қишлоғи.

⁵⁵² Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чортоқ тумани қорамурт қишлоғи.

хос бўлган⁵⁵³. Фарғона водийси ўзбекларида янги уйга кўчиб кириладиган куни барча қўни-қўшни ва қариндош-уруғлар чақирилиб албатта жонлиқ (қўй ёки эчки) сўйиб худойи қилинган. Бу куни ўчоққа олов ёкилиб қозонга уч қошиқ ёғ қуйилган. Одатда, бу иш қайнона ёки кекса аёллар томонидан амалга оширилган. Ушбу хонадондан ўтган аждодлар руҳи покларига атаб пиширилган уч дона қатлама, уч дона чалпак қўни-қўшниларга улашилган.

Янги уйга кўчиб кириш жараёнида ҳам кўплаб магик урф-одат ва маросимлар бажарилган. Наманган вилояти Чортоқ тумани Оксув Говозон қишлоғи ўзбекларида янги уйга кўчилганда «ушбу уйда яшовчиларнинг келгусидаги ҳаётлари мисоли дўланадай мустаҳкам бўлсин!», деган ниятда уйнинг тўрт бурчагига дўлана шохи қоқиб қўйиш одати бўлган. Шунингдек, ушбу уй доимо ризқли, баракали бўлсин, деган умидда хонага дастлаб туз олиб кирилган⁵⁵⁴.

Анджон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғида яшовчи ўзбек туркларда янги турар жойга кўчишда хонадонга доимо капгир-чўмич хизмат қилсин, деган ниятда ушбу уйга дастлаб айнан ушбу анжомлар олиб кирилган. Қолаверса, уй эгаларининг ўзлари янги уйдаги дастлабки тунни ёлғиз ўтказмаганлар. Улар билан доимо кекса ёшли қариялар бирга тунаганлар. Ушбу уйда тўкин-сочинчилик бўлсин, деган ниятда уйда худойи сумалак қилиниб, қўни-қўшнилари ва қариндош-уруғларга тарқатилган⁵⁵⁵. Умуман олганда, ушбу афсунгарлик кўринишидаги маросимлардан кўзланган асосий мақсад келгусида мазкур хонадонда истиқомат қилувчи оиланинг фаровон ҳаёт кечириши таъминлашдан иборат бўлган.

Ўрта Осиёнинг кўплаб минтақаларида, жумладан, Воҳанда (Тоғли Бадахшон) янги уйга биринчи бўлиб аёл киши кирган. У хона устунлари ва шифтига ун сешиб чиққан⁵⁵⁶. Хоразмда ҳам уйга биринчи бўлиб уй бекаси ўзининг онаси билан кирган. Эртаси куни, янги уйга кўчиб ўтиш тўйи — “жой тўйи” берилган⁵⁵⁷. Дарҳақиқат,

⁵⁵³ Байбурин А.К. Обряды при переходе в новый дом у восточных славян (конец XIX — начало XX в.) // СЭ. — 1976. — № 5. — С. 81.

⁵⁵⁴ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Оксув ўвозон қишлоғи. 2004 йил.

⁵⁵⁵ Дала ёзувлари. Анджон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи.

⁵⁵⁶ Стеблин-Каменский И.М. Повседневная и ритуальная пища ваханцев // Страны и народы Востока. — М., 1975. — С. 207; Украинларда уй қуриш ва унга кўчиб кириш вақтини фолбин белгилаб берган. Қаранг: Байбурин А.К. Жилище в обрядах и представлениях восточных славян ... — С. 15.

⁵⁵⁷ Сазонова М.В. К этнографии узбеков Южного Хорезма // Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции. 1945-1948 гг. Т. 1. — М., 1952. — С. 292-293.

янги уйга кўчиб ўтиш билан боғлиқ удум кўп жойларда аёллар томонидан амалга оширилган. Аёл образи қадимдан наслдорлик тим-соли сифатида гавдаланган. Жумладан, қадимий ҳинд қўлёмаларидан бири «Атхарваведа»да янги уйга кўчиб ўтиш маросими баён этилган. Унда ҳам уйга биринчи бўлиб аёл кирган ва махсус суюқликка ботирилган ёғни хона қисмларига суртиб чиққан. Шунингдек, устун томонга қараган ҳолда от, сигирлар кўпайиб, бой бўлишини тилаб дуо ўқилган. Дуо ўқиш пайтида устуннинг тўрт томонига қўл теккизилган. Сўнгра уйдан чиқиб, осмонга (тангрига) илтижо қилиб, тўрт томонга қараб қўйилган⁵⁵⁸.

Хуллас, янги уйга кўчиб келиш билан боғлиқ урф-одатларга афсунгарлик қарашлари асос бўлган. Уйнинг тўрт бурчагига дўлана қоқиб қўйишда ўхшаш афсунгарлик, яъни дўланага хос хусусиятлар магик йўл билан ушбу уй аъзоларига ўтиши ғоясига асосланган. Дастлаб уйга капгир-чўмич олиб кирилишида ушбу хонадон аҳлининг ризқли-насибали бўлишига қаратилган магик ният асос бўлган бўлса, иккинчисидан эса серпуштглилик афсунгарлиги билан ўзаро қоришган ҳолда учрайди. Кексаларнинг серфарзандлик хусусияти ҳамда туз ва сумалакнинг одамлар тасаввуридаги ризқ-барака рамзига оид хусусиятлари келгусида мазкур оилага ҳам доимо ҳамроҳ бўлсин, деган эзгу ният айнан мазкур урфнинг бажарилишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Ўзбекларда уйнинг турли жойлари, айниқса, остонаси, ўчоғи энг муқаддас жойлардан бири ҳисобланган ва у билан боғлиқ қатор диний-афсунгарлик урф-одатлари ҳамда иримлари бажарилган. Бу ўринда, аввало шуни ҳам таъкидлаш керакки, халқнинг кундалик турмуш тарзида остона билан боғлиқ қатор нақллар ҳам мавжуд. Чунончи «*Остонада турмушга чиқмаган қиз ўтирса бахтсиз бўлади*», «*Остонада туриб бўлмайди, чунки бирор - бир кишисидан жудо бўлган одам остонада туради*», «*Остонада қулоч кериб туриб бўлмайди, барака тўсилиб қолади*», «*Остонада турган ҳолда саломлашилса, ўртага совуқлик тушади*», деган нақллар бутунги кунгача халқимизда сақланиб келмоқда ва улар ҳозирда ҳам омма орасида ўз аҳамиятини йўқотмаган⁵⁵⁹.

Наманган вилояти Чортоқ тумани Қорамурт қишлоғида марҳум

⁵⁵⁸ Антонова Е.В. Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. — М., 1984. — С. 74.

⁵⁵⁹ Ўзбек халқи лирикасида ҳам остона образи махсус тадқиқ этилган. Бу борада қаранг: Ҳамдамова С. Фурқат лирикасида остона образи // Ўзбек тили ва адабиёти. — 2003. — № 5. — Б. 63.

уйдан оёғи билан эмас, балки бош томони билан олиб чиқилади. Уни хонадан олиб чиқишдан аввал мархумнинг орқаси тинч бўлсин, яъни унинг орқасидан ушбу уйда бошқа таъзия бўлмасин, боши остонасига тегиб кетсин, деган ниятда уй остонасига тобутнинг бош томони уч марта тегилиб кўтарилган. Бундай удум нафақат водий, балки Хоразм ўзбеклари, қорақалпоқлар, тожиклар, белуджлар, курдлар орасида ҳам бўлган⁵⁶⁰.

Фарғона тумани Каптархона қишлоғида хомиладор аёл тўлғоғи тутганда у остонада туриб уч марта сакратилган. Бу русум замирида «икки йўл орасида турган аёлни муқаддас бўсага қўллаб-қувватлаб турсин, у осонлик билан қутилиб олсин», деган ният мужассамлашган. Қорақалпоқлар уй-жойлари билан боғлиқ урф-одатлар бўйича тадқиқот олиб борган этнограф Н.А. Тлеуберганованинг ёзишича, қорақалпоқларда уй-жойлар остонаси остига янги туғилган боланинг йўлдоши кўмилган⁵⁶¹. Қадимда қорақалпоқларда агар бола ёшлиғида вафот этса, уни қабристонга олиб бормаи, уйнинг остонаси остига кўмганлар. Фақат шундагина бола руҳи шу ерда қолиб оила аъзоларини ҳам турли бало-қазолардан асраб қолади, деган қатъий ишонч бўлган⁵⁶². Бойсун тумани кўнғиротларида чақалоқнинг дастлабки қорин сочи олинганда у уй остонасига «бўсага ҳидоят қилсин», деган ниятда осиб қўйилган⁵⁶³. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи ўзбекларида эса чақалоқ тирноғи олингандан сўнг ушбу уй остонасига кўмиб қўйилади. Чунки киши вафотидан сўнг унинг ёнига Дажжол келиб сўроқ-жавоб қилганда, олинган тирноқлар ўз эгасини қалъа бўлиб тўсиб туради деб ҳисобланади.

Ўзбек ва тожикларда келинликка мўлжалланган қиз яшайдиган хонадонга борган совчилар уйнинг остонасини ўз этаклари билан яхши ниятда супуриб қўйганлар⁵⁶⁴. Ўтмишда фарғоналик қипчоқларда янги келин уйга киришдан олдин остонага манглайини уч

⁵⁶⁰ Қаранг: Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований у узбеков ... – С. 116.: Бабаева Н.С. Древние верования горных таджиков Южного Таджикистана в похоронно-поминальной обрядности ... С. 92.

⁵⁶¹ Тлеуберганова Н.А. Некоторые обряды и верования каракалпаков, связанные с юртой ... – С. 101.

⁵⁶² Есберганов Х., Хошнйазов Ж. Этнографические мотивы в каракалпакском фольклоре. – Т., 1988. – С. 137.

⁵⁶³ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Работ қишлоғи. 2003 йил.

⁵⁶⁴ Моногарова Л.Ф. Семья и семейный быт // Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М.: Наука, 1969. – С. 227.

марта тегизиб ўтган⁵⁶⁵. Фарғона тумани Каптархона қишлоғи ўзбекларида келин-куёв уйига киришидан аввал остонага қизил ва оқ рангда, чақалоқ туғилганда эса оқ рангда поёндоз солинган. Айнан маросим сабабчиси ушбу поёндозни босиб ўтгандан сўнг унинг устидан турли-туман сочқилар сочилган. Юқори Зарафшонда «чилла гузарон» (чилла ўтказиш) номли одатга биноан янги туғилган гўдак навбатма-навбат еттита хонадонга олиб борилган ва ўша хонадонлар кириш эшиги остонаси чангидан «остонаи пирон» (пирлар остонаси) ва ўчоқдаги кулдан «ҳокистари пирон» (пирлар кули) чақалоқ лабига суртилган⁵⁶⁶.

Тошкент шаҳри ўзбекларида келин куёвнинг уйига келганидан кейин дастлаб уй остонасига салом берган ва унинг устидан ширинликлар сочилган⁵⁶⁷. Самарқандда янги келин бўлиб тушган қиз келинлигининг биринчи тунида юзини оқ мато билан тўсган ҳолда остонада туриб бу хонадонда яшаб ўтган аждодлар руҳига салом берган. Қарлуқларда ҳам қора уй бўсағаси муқаддас ҳисобланган. Агар кимдир бўсағани билмасдан босиб олса у уйга кирмасдан орқасига қайтиб бўсағани уч марта тавоф қилиб кирган⁵⁶⁸. Мўғулларда ҳам остонани босиш гуноҳ ҳисобланган⁵⁶⁹. Славян халқларида эса уйни кўриқловчи жинларнинг яшаш макони остонада бўлади деган қараш бўлган⁵⁷⁰.

Демак, юқоридаги мисоллардан дунёнинг кўп халқлари орасида остона билан боғлиқ тасаввурлар ва урф-одатлар кенг тарқалганлиги ва унинг узоқ тарихий асосга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Археологик қазилмалар жараёнида топилган материаллар қадимда остона култи кенг тарқалган ўзига хос архаик культлардан бири бўлганлигидан далолат беради. Илк ўрта асрларда Сўғдда остона култи бўлганлиги борасида илк маротаба Х.Г. Ахунбабаев маълумотлар берган. У Афросиёб ва Панжикентни қазилма жараёнида VII—VIII асрларда Сўғддаги ибодатхонанинг бўсағасига маросимий қурбонлик қилинганлиги тўғрисида маълумот беради⁵⁷¹. Ар-

⁵⁶⁵ Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа ... — С. 322.

⁵⁶⁶ Трошкая А.Л. Рождение и первые годы жизни ребенка у таджиков Заравшана // СЭ. — 1935. — № 6. — С. 128.

⁵⁶⁷ Дала ёзувлари. Тошкент шаҳри Ўрта масжид маҳалласи. 2006 йил.

⁵⁶⁸ Шаниязов К. Узбеки-карлуки ... — С. 151.

⁵⁶⁹ Путешествие в Восточные страны ПIANO Карпини и Рубрука. — М., 1957. — С. 30.

⁵⁷⁰ Токарев С.А. Религиозные верования восточнославянских народов XIX — XX века. — М — Л. Изд-во Академии наук, 1957. — С. 95.

⁵⁷¹ Ахунбабаев Х.Г. Об одном согдийском обычае // ИМКУ. Вып.23. — Т., 1990. — С. 199-207.

хеологлар остона культига бағишлаб қилинган қурбонликлар орасида энг қадимгиси тарзида Бухоро воҳаси Қизилқир ёдгорлигидаги ибодатхонани эътироф этадилар⁵⁷². Мазкур ибодатхона кира-веришига дафн этилган аёл қўйлаклари олтин безаклар билан безатилиб, бўйнига маржон таққанлиги ва унинг бош қисмига қўй калласи, оёқ томонига бронза кўзгу қўйилганлиги унинг жасади остонага тасодифан эмас, балки махсус қурбонлик сифатида кўмилганлигидан далолат беради. Қолаверса, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида жойлашган машҳур Сополлитепа ёдгорлигида⁵⁷³ қабрларнинг хонага кириш қисмида жойлашиши ва шу даврдан эътиборан уй остонасининг муқаддас даргоҳ сифатида қабул қилиниши, яқингача бу одатнинг қадрланиши, Ўрта Осиё халқлари тушунчасида турар жойдаги тандир, ўчоқ ва хона остонасининг аждодлар руҳига бағишланиши билан ифодаланган⁵⁷⁴.

Қадимда ҳиндоевропа халқлари тасаввурларига кўра уй, ибодатхона ва шаҳар ўзига хос микро олам, остона эса ана шу микро оламга ташқи дунёдан кириш жойи сифатида қадрланган. Қолаверса, айнан бўсаға аждодлар култи яшайдиган ер ҳисобланган. Шу боисдан ҳам қадимда жуда кўплаб халқлар остонани аждодлар руҳи яшайдиган маскан деб, унга сиғинганлар ва қурбонликлар қилганлар⁵⁷⁵. Бу культга ўхшаш ҳолат римликларнинг эшик ва дарвозалар илоҳлари Янус ва Портун мисолида ҳам учрайди. Янус римликлар илоҳларининг илоҳи ва Лациумнинг биринчи подшоси бўлган⁵⁷⁶.

Ривоятларга кўра африғийлар ва аршакийлар сулоласининг асосчиси Сиёвуш ҳам Бухоронинг шарқий дарвозаси остига дафн этилган⁵⁷⁷. Машҳур қомусий олим Абу Райҳон Беруний ҳам XI асрда суғдийлар турмуш тарзида аждодлар эътиқоди билан боғлиқ қатор

⁵⁷² Мухаммаджонов А.М., Сулейманов Р.Х., Ураков Б. *Культура древнебухарского оазиса III – I вв.* – Т.: Фан, 1983. – С. 119.

⁵⁷³ Аскарлов А. Сапаллитепа. – Т.: Фан, 1973. – С. 43.

⁵⁷⁴ Сухарева О.А. *Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии.* – М., 1975. – С. 25.

⁵⁷⁵ Чернецов В.Н. *Представление о душе у обских угров // ТИЭ 1959; Сулейманов Р. Древний Нахшаб...* – С. 274.

⁵⁷⁶ Штаерман Е.М. Янус // *Мифы народов мира. Т. 2.* – М., 1992. – С. 683-684; Сулейманов Р. *Древний Нахшаб...* – С. 274. Умуман олганда дунё халқлари орасидаги остона илоҳлари тарқалиши борасида батафсилроқ қаранг: *Геннеп А. Ван. Обряды перехода...* – С. 25-28; *Словарь античности.* – М.: Прогресс, 1989. – С. 450, 675.

⁵⁷⁷ Дьяконов М.М. *Образ Сиявуша в среднеазиатской мифологии // КСИИМК.* – № 40. – М., 1951. – С. 34-45.

урф-одатлар ва маросимлар ўтказилганлиги хусусидаги маълумотларни қолдирган⁵⁷⁸. Айнан шу сабабга кўра дунёнинг кўплаб халқларида марҳум вафотидан сўнг уни турар жойнинг асосий эшигидан эмас, балки уйга кириладиган яширин йўллар ёки деразасидан олиб чиқилган. Қадимда кўплаб халқлар орасида хомиладор ва ҳайз кўрган аёлларнинг уйга ёрдамчи йўллар орқали кириб чиқиш одати кенг тарқалганлиги масаласи ҳам этнографик адабиётларда кўп бора таъкидланган⁵⁷⁹.

Машхур археолог олим Б.А. Литвинскийнинг ёзишича, сўнгги зардуштийлик ёзувларида уй эгаси ёки бекаси хона ичида вафот этгудек бўлса улар жасадлари эшикдан чиқарилмас экан, акс ҳолда хонадаги фарн ҳам жасад билан чиқиб кетар экан. XX аср бошларига қадар Фарғонада хона фарни рамзини англатувчи фетиш, сифиниш учун бирор-бир шакл ясаб, уни жуда эҳтиёткорлик билан сақлаб келинган⁵⁸⁰.

Уй ва ташқи оламнинг халқ тасаввурида микро ва макро оламга бўлиниши “уй ва уйдан ташқари” каби ўзаро қарама-қаршиликни пайдо қилган. Шу боис одамлар ўз микро оламларини “хавфсизлик худуди” деб ҳисоблаб уни ташқи таҳдидлардан ҳимоялаганлар⁵⁸¹. Бундай шаклдаги муҳофазага барча халқлар орасида кенг тарқалган хонадонга ташқи оламдан кириладиган йўллар ва тирқишларни турли-туман қулф-қалитлар, занжирлар, панжаралар ўрнатиш билан бирга турар жойни афсунгарлик йўли билан ҳимоялаш, яъни уйнинг эшиги, бўсағаси, деразаси ва дарвозасига магик ҳимоя воситалари сифатида турли буюм ва ашёларни осиб ёқи қоқиб қўйиш одати ҳам кирган. Турар жойлар эгалари бу амаллар орқали гўё ушбу уйни нафақат ўғри ва қароқчилар, балки ёвуз кучлар ва зарар етказувчи магия учун ҳам эгаллаш мумкин бўлмаган мустаҳкам қалъага айлантирганлар.

Турар жойларни мавжуд ёки тасаввурдаги зиён-заҳматлардан турфа хил иримлар асосида ҳимоялашда уйни бевосита ташқарисидан чегаралаб қўйиш билангина чекланилмаган. Бунда хонадоннинг турли-туман ҳомий руҳлари кулътлари ҳам моҳиятан муҳим аҳамият касб этган.

⁵⁷⁸ Бируни А. Памятники минувших поколений / Избранные произведения. — Т., 1957. Т. I. — С. 236.

⁵⁷⁹ Геннеп А. Ван. Обряды перехода ... — С. 27-28.

⁵⁸⁰ Литвинский Б.А. Кангюско-сарматский фарн. К историко-культурным связям племен Южной России и Средней Азии. — Душанбе, 1968. — С. 49-50, 100-108.

⁵⁸¹ Токарев С. К методике этнографического изучения материальной культуры // СЭ. — 1970. — № 4.

Фарғона водийси бўйлаб ушбу муаммога дахлдор дала этнографик материалларни йиғиш жараёнида маҳалла, қишлоқ, уй, шаҳарни ўзига хос микро олам деб тасаввур этиш ва айнан остона микро оламга ташқи дунёдан кириш сарҳади эканлиги, уй ва ундан ташқаридаги олам ўртасидаги ўзаро зиддиятлар ва қолаверса, бўсагани ажодлар култи билан боғлиқлигидан далолат берувчи айрим маълумотларни аниқлашга муяссар бўлдик. Жумладан, водий ўзбекларида бошқа минтақалар аҳолиси сингари уйга киравериш ёки дарвозага от тақаси, қалампир, кўзтикан, исириқ каби анжомларни осиб қўйиш одати кенг тарқалган. Хоразмда эса ёмон кўзлар хуружидан уйни ҳимоя қилиш мақсадида хонадон кираверишига халтачада туз осиб қўйилган. Бундай магик ҳимоя воситалари орқали уй турли-туман зиён-заҳматлар ва бало-қазолар ҳамда ёмон кўзлардан ҳимояланган.

Кўқон шаҳри ўзбекларида жуда қизиқарли бир одат мавжуд. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, ҳар бир уйнинг эшиклари қуёш чиққунига қадар очилиши ва ўз навбатида қуёш ботишидан аввал ёпилиши лозим деб ҳисобланган. Кекса кишилар маълумотларига биноан агар эшиклар вақтида очилиб, вақтида ёпилса Хизр бува ушбу хонадонга барака улашиб кетаркан. Агар бунинг акси бўлиб, эшиклар шомдан кейин ёпилмаса ёки тонг ёришишидан аввал очилмаса Ҳазрати Хизр ушбу хонадонга инъом қилган баракасини олиб кетар экан. Қолаверса, уй эгаларидан кимдир бирор - бир узрли сабаб билан қоронғи тушгандан кейин уйга кеч қайтса махсус удумни амалга оширган. У уйга киришдан аввал ҳовлидаги мевали дарахтни кучоқлаб, ўзи билан бирга эргашиб келган турли-туман инс-жинсларини дарахтга ўтказгандан кейингина уйга кирар экан⁵⁸².

Демак, ушбу мисоллар орқали ҳам қадимдан халқимиз уйни ўзига хос микро олам деб тасаввур қилганлиги ва уни нафақат ташқи хуружлардан, балки турли зиён-заҳматлардан ҳам ҳимоя қилганликларини кўриш мумкин. Дарҳақиқат, бундай қараш тарихий асосга эга бўлиб, Н.А. Лавовнен таъбири билан айтганда “қадимги уй-жойларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири — унинг ўзига хос хавфсизлик ҳалқасига эга эканлигидир. Уй ёвуз кучлар хуружидан муҳофаза қилинган эпик макон сифатида тушунилган. Шу боисдан ҳам бу макон чегараси ҳисобланган остонага алоҳида эътибор берилган”⁵⁸³.

Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи ўзбек-

⁵⁸² Дала Ёзувлари. Фарғона вилояти Кўқон шаҳри. 2005 йил.

⁵⁸³ Лавовнен Н.А. Функциональная роль порога в фольклоре и верования казел.. С.177.

лари тасавурида, ҳар бир одам кимсасиз уйга кираётганида ҳам остонада салом бериши лозим дейилади. Чунки айнан уйнинг остонасида шу хонадонда яшаб ўтганлар руҳлари ва ёмонлик ҳамда яхшиликни ёзиб турувчи фаришталар доимо ҳозир нозир эканлар. Шу боисдан агар кимдир унга нисбатан ҳурматсизлик қилса зиён кўриши мумкин деб ҳисобланган⁵⁸⁴. Фарғона водийси қипчоқларида бўсагани аждодлар руҳи яшайдиган маскан эканлиги борасида жуда қизиқарли маълумотлар учрайди. Жумладан, уларда оилада биринчи фарзанддан кейин таваллуд топган болалар сурункасига вафот этаверсалар биринчи туғилган болани остона олдига олиб келиб “*сен укаларингнинг яшашини истайсанми*” —деб сўралган ва у рамзий равишда қийноққа солинган. У укалари яшашини хоҳлашини билдиргандан кейингина қўйиб юборилган. Бизнингча, бу одат орқали улар биринчи фарзанднинг укаларининг яшашини исташини гўёки аждодлар руҳига маълум қилган бўлсалар керак.

Яғноблик тожикларда янги турар жойга кўчиб киришдан аввал уйни поклаш мақсадида дастлаб остонада жонлиқ сўйилган⁵⁸⁵. Шунингдек, Ўрта Осиё халқларида юксак ҳурматга эга бўлган меҳмонлар қадамига бўсағада қўй сўйиш ёки келин ва куёв учун остонада оқлик солиш сингари одатлар ҳанузгача мавжуд. Демак, юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб фикр билдириш мумкинки, остона ҳам худди эшик каби хонани ташқи муҳит билан боғлашда асосий вазифани бажарган. У икки дунёнинг чегараси ҳисобланган. Эшик эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва қоронғулик, янгилик ва эскилик чегарасидирки очилади, ёпилади, шу билан нафақат ўз вазифасини бажаради, балки куёш чиқиши ва ботиши, кутиб олиш ва кузатиш каби рамзларни ҳам ифодалайди⁵⁸⁶.

XX аср бошларида Фарғона водийси ўзбеклари анъанавий турар жойлари “ичкари” ҳамда “ташқари” ҳовлиларга бўлинган. Кўплаб тадқиқотларда бу жиҳат аёлларни номаҳрам кишиларнинг назаридан четда бўлишини таъминлашга қаратилган исломий қарашлар билан боғлиқ деб таъкидланади⁵⁸⁷. Бундай қараш асосини бутунлай

⁵⁸⁴ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи. 2004 йил

⁵⁸⁵ Хамиджанова М. А. Жилище таджиков Яғноба // Жилище народов Средней Азии и Казахстана. — М., 1982. — С. 238.

⁵⁸⁶ Нозилов Д. Марказий Осиё меъморчилигида интеръер. — Т.: Фан, 2005. — Б. 77.

⁵⁸⁷ Хўжахонов И.М. Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси анъанавий турар жойларининг этнохудудий хусусиятлари (XIX аср охири — XX аср бошлари): Тарих фанлари номзоди ...дис. қўлёзмаси — Т., 2007. — 87 varaқ.

рад қилмаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ўзининг ички ҳаётини ўзгалар назаридан четда тутиш ўзбекларнинг азалий хусусияти бўлиб, бу анъана исломий қарашлар билан бевосита уйғунлашган ва ўз тасдиғини топган.

Ўзбеклар орасида уй ўчоғи остонаси билан бирга хонанинг энг муқаддас жойларидан бўлиши билан бирга оиланинг бахти ҳам ҳисобланган. Қадимги тасаввурларга кўра ўчоқ (оташкада)да илоҳий олов ёниб турган, ўчоқда таом олови ёнган, ўчоқда исиниш олови ёнган. Демак, ўчоқни ҳаётнинг диний ва ижтимоий инъикоси сифатида қабул қилиш мумкин. Шу сабабдан ҳам ўчоқ барча динларда эъзозланган⁵⁸⁸.

Ўзбеклар ҳам қадим даврлардан оилани уй ўчоғисиз тасаввур қилолмаганлар. Халқ меъморчилигида ҳам ўчоқ (оштон, дегдон) хонанинг энг асосий қисмларидан бири ҳисобланган. Хоразмда қадим замонларда хонадон ўчоғи ажодлар руҳига эҳтиромни билдирган⁵⁸⁹. Умуман олганда, кўплаб туркий халқлар орасида ўчоқ оиланинг кут-баракаси тимсоли бўлиб, усиз оилани ҳам тасаввур қилиб бўлмаган. Машҳур ўзбек этнографи К.Ш. Шониезовнинг ёзишича, Фарғона қипчоқлари одатига кўра ўтовлардаги ўчоқда олов умуман ўчирилмаган. Улар орасида “Оловсиз ўчоқ — эгасиз уй кабидир” деган нақл мавжуд бўлган. Чунки қипчоқлар қадимдан оловга (оташга) сиғинганлар ва бу одат тадқиқотчининг ўзи ҳам тўғри эътироф этганидек олов култи билан боғлиқ⁵⁹⁰.

Юқори Зарафшонда ўчоқлар ажодлар руҳи йиғиладиган жой ҳисобланган⁵⁹¹. Тоғли Бадахшонда турмушга чиқаётган қиз куёвни-кига, аслида ўзининг янги хонадонига кетиш олдидан ўзи туғилиб ўсган уй ўчоғидан розилик сўраб хайрлашган. Нурота туманидаги тоғли қишлоқлардан бири Синтопта ўчоқ олови (олови сер) тўқ олов, (олови гусна) оч оловга ажратилган⁵⁹². Таниқли диншунос олим С.А. Токарев фикрича, матриархат тузумида хонадон ўчоғи билан боғланган ҳолда «она олови», яъни «ўчоқ соҳибаси» каби тушунчалар юзага келган. У палеолит манзилгоҳларидан топилган аёл ҳайкалчаларни оила ўчоғи ҳомийси тимсоли⁵⁹³, деб ҳисоблаган.

⁵⁸⁸ Нозилов Д. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер.. – Б. 81.

⁵⁸⁹ Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма. – М.: Наука, 1971.

⁵⁹⁰ Қаранг: Шаниязов К.Ш. К этнической истории ... – С. 231.

⁵⁹¹ Хамиджанова М.А. Материальная культура матчинцев до и после переселения на вновь орошенные земли.– Душанбе, 1974. – С. 54

⁵⁹² Нозилов Д. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер ... – Б. 80.

⁵⁹³ Токарев С.А. Ранние формы религии. – М., 1990. – С. 552-563.

Энди анъанавий хўжалик машғулооти чорвачилик бўлган халқлар орасида кенг тарқалган кўчма уй-ўтов ва у билан боғлиқ айрим диний-фалсафий тасаввурлар, урф-одатлар таҳлилига батафсилроқ эътибор қаратсак. Қадимий яшаш жойи Дашти қипчоқ билан боғлиқ айрим ўзбек уруғларида никоҳ маросимида келинга бағишлаб махсус уй — оқ ўтов тикиш одати бўлган. Айнан никоҳ тўйи кун тикланадиган уй оқ уй ёки ўтов деб аталган. Анъанага кўра, туркий халқлар орасида оқ рангдаги ўтов, асосан, ўғил уйлантириш вақтида тикланган. Янги турмуш қурган келин-куёв ана шу оқ уйда яшаганлар. Ўғуларнинг қахрамонлик дostonларида таъкидланишича, Бойиндирхон даврида ўғулар орасида турли-туман зиёфат ва тантаналарни уюштириб туриш яхши бир анъанага айланган. Бунда хон буйруғига кўра кимнингдир ўғли бўлса, унга атаб оқ ўтов тикилган. Агар қизи бўлса, қизил рангли ўтов, умуман фарзандлари бўлмаган бекларга эса қора ўтов тиктирган⁵⁹⁴. Бизнингча, ёш келин-куёвлар учун оқ рангли ўтов тикланишида рамзий маъно бўлса керак. Чунки кўплаб халқларда оқ ранг поклик, бахт-саодат ва эзгуликни англатувчи тимсол ҳисобланган⁵⁹⁵. Оқ кигизга эга бўлмаган камбағал оилаларда никоҳ уйи қора рангли кигиз билан қопланиб, унинг усти оқ мато билан ёпилган⁵⁹⁶.

Қирғиз, курама ва қорақалпоқларда ўтов эшиги шамол йўналишини эътиборга олган ҳолда, кўпинча жанубга қаратиб ўрнатилса, қипчоқларда ҳар доим шарққа қаратиб қурилган. Этнограф олим К. Шониёзов қипчоқларда ўтов эшигининг кунчиқар томонга (шарққа) қаратиб ўрнатилишини уларнинг қадимдан куёшга сиғинганликлари билан изоҳлаган⁵⁹⁷.

Фарғона водийси қипчоқларида XX аср 40- йилларига қадар, қирғизларда эса то ҳозирги кунгача вафот этганларга бағишлаб махсус ўтов тикланади ва марҳум айнан ўтовда ювиб покланиб, охири йўлга кузатилади. Қипчоқларда, бошқа туркий халқлардаги сингари, қора уйнинг тўри энг эътиборли қисм ҳисобланиб, уй соҳиблари ётиб дам оладиган ва овқатланадиган жой саналган. Чорвадор аҳоли томонидан бу жойни жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилган. Аввало, бу жойга оиланинг энг ёши улуг кишиси, хурматли ва азиз меҳмонлар ўтқазилган.

Фарғона водийси ўзбеклари анъанавий турар жойларидаги қадимий диний эътиқодлар таҳлилига оид ушбу қисм якунида шундай

⁵⁹⁴ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа ... — С. 231.

⁵⁹⁵ Оқ рангининг рамзий хусусияти борасида батафсилроқ қаранг: Тўрнер В. Символ и ритуал. — М., 1983. — С. 72-73; Аширов А. Рангин дунё // Сирли Олам. — 2002. — № 5. — Б. 6.

⁵⁹⁶ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа ... — С. 225.

⁵⁹⁷ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа ... — С. 226.

хулоса қилиш мумкинки, анъанавий турар жойлар миллий моддий маданиятнинг асосий компонентларидан бири сифатида узоқ тарихий давр мобайнида шаклланган. Халқона турар жойлар тузилиш ва қурилишига турли табиий-географик муҳит, ҳўжалик турмуш тарзи, этник ўзига хослик таъсир кўрсатган. Шу билан бирга уйлар диний қадриятларда ҳам муҳим омил сифатида хизмат қилган. Энг асосийси анъанавий турар жойлар ижтимоий, маданий ва оилавий ҳаётда муҳим амалий аҳамият касб этиши билан бирга ўзига хос диний-семантик маъно ва мазмунни ҳам билдирган. Бунинг натижаси ўлароқ уй-жойлар билан боғлиқ кўплаб урф-одат ва расм-русумлар бажарилган. Қадимда кишилар уй, ибодатхона ва шаҳарни ўзига хос микро олам, ташқи дунёни эса макро олам деб тасаввур қилганлар. Уларнинг микро оламларини турли-туман магик ҳаракатлар, амаллар орқали ҳимоя қилишга қаратилган ниятлари асосида остона, эшик, дераза каби уй қисмлари билан боғлиқ урф-одатлар пайдо бўлган. Қолаверса, ўзбекларда янги қурилган уйга бағишлаб маросимий қурбонлик қилинмагунча у табу ҳисобланганлигини тўпланган материаллар тасдиқлади. Янги турар жойга кўчиб киришдан аввал маросимий қурбонлик қилиш ва у билан боғлиқ қатор расм-русумлар ушбу табуни олишга қаратилганлигига тадқиқот жараёнида амин бўлдик. Умуман олганда, уй-жойлар билан боғлиқ урф-одат ва расм-русумлар асосан турар жойларни тиклаш, улар баъзи қисмларига алоҳида эҳтиром билан қараш ҳисобланса-да, унинг негизида оила аъзолари тинчлиги, фаровонлигини таъминлашга қаратилган диний мазмундаги тасаввур ва тушунчалар мужассамлашган.

4.2. Анъанавий миллий кийимларда қадимий диний тасаввурлар ва афсунгарлик

Кийим-кечаклар инсоният турмуш тарзи тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланган. Қолаверса, инсоният тарихидаги илк энг муҳим ихтиролардан бири айнан кийим-бошлар ҳисобланади. Чунки инсониятни ҳайвонот олаmidан унинг тафаккур қобилияти ажратиб турса, ушбу тафаккурнинг бир меваси либосдир. Айнан кийим одамларни ҳайвонот олаmidан ажратувчи муҳим ташқи аломатлардан биридир.

Анъанавий миллий кийимлар шаклланиши тарихига назар ташлар эканмиз бир неча минг йиллар мобайнида унинг қатор муҳим

функциялари таркиб топганлигини кўришимиз мумкин. Кийимнинг биринчи ва асосий вазифаси — танани совуқдан ва табиатдаги турли бошқа ноқулай вазиятлар ва таъсирлардан ҳимоялашдан иборат бўлган. Кийим-бошлар тараққий этиб бориши ва унга ташқи (табиий) муҳит, хўжалик машғулоти, эътиқодий қарашлар, ижтимоий-маданий йўналишдаги ўзгаришлар, миллий ва диний қарашларнинг бевосита таъсири натижасида иккинчи муҳим вазифаси, яъни жинсий ва ижтимоий ажратувчи ҳамда маросимий-эътиқодий вазифаси ҳам пайдо бўлган. Қадимги даврга хос мифологик тасаввурларга кўра ҳар бир соҳа ва предметнинг ўзига хос ва мос маъбудаси бўлиб, шумер-аккадликлар мифологик қарашларига кўра Уйти номли илоҳ кийим-кечаклар маъбудаси ҳисобланган⁵⁹⁸.

Ўз навбатида шуни ҳам қайд этиш жоизки, кийим-кечаклар тараққиётининг дастлабки босқичида уларнинг жинсларо муносабатдаги кўриниши бироз ноаниқдай кўринади. Чунки кийимлар дастлаб икки томонлама, яъни бир тарафдан тананинг маълум бир қисмини ёпиб турувчи *”жинсий табу”* ҳимоя вазифасини бажарган бўлса, бошқа жаҳатдан қарама-қарши функция, яъни тақинчоқлар, тананинг турли қисмларини кўрсатиш орқали бошқа жинс вакилини ўзига жалб этиш вазифасини ҳам бажарган. Дунё халқлари этнографиясида бундай шаклдаги кийимлар мавжудлиги борасида кўплаб мисоллар мавжуд⁵⁹⁹. Бу эса бир воқеликнинг икки ажралмас шакли, кўринишидан дарак беради. Қолаверса, кийимларнинг жинсий функцияси унинг умумий ижтимоий-ажратувчи функциялардан бири ҳисобланган. Анъанавий кийим-кечаклар этноснинг ўзига хос этноижтимоий рамзи ёки ҳар бир халқнинг этник мансублигини, ижтимоий ва оилавий ҳолатини кўрсатувчи ўзига хос *”этник паспорти”* бўлган⁶⁰⁰. Дарҳақиқат, одамни кийимсиз кўз олдимизда гавдалантириб бўлмаганидек, ҳар бир этносни ҳам анъанавий миллий либосларисиз тасаввур қилиш мушкул. Бир сўз билан айтганда, миллий кийимлар халқнинг ўзига хос этно-таърифий тимсоли ҳисобланган⁶⁰¹. Шу боисдан ҳам ҳар бир халқ

⁵⁹⁸ Мифология древнего мира. — М., 1977. — С. 127.

⁵⁹⁹ Гроссе Э. Происхождение искусства. — М., 1899. — С. 87–94; Westermarck Ed. History of human marriage. — London, 1901. — P. 186–201, 206–212.

⁶⁰⁰ Сухарева О.А. Древние черты в головных уборах народов Средней Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. — М., 1954. — С. 299.

⁶⁰¹ Лобачева Н.П. Особенности костюма народов среднеазиатско-казахстанского региона // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып. IV. — М., 2001. — С. 70.

ўз хўжалик йўналиши, турмуш тарзи, яшаётган минтақасидаги иқлим, ижтимоий тузум, мафқуранинг баъзи унсурлари, урф-одатлар, диний эътиқод меъёрларига мос тарзда кийинган. Қолаверса, кийим тараққиёти билан ҳамоҳанг тарзда ўзига хос кийиниш маданияти ҳам ривожланиб борган. Таниқли олима О.А. Суҳарева ҳақли равишда таъкидлаганидек, кийимларнинг турли-туман янги кўринишлари яратилишига кишилар турмуш тарзи, меҳнат фаолияти ва иқлим таъсири билан бирга ўша жамият маданий тараққиёти ва эстетик диди ҳам сезиларли таъсир этган⁶⁰².

Ҳозирги кунга қадар этнология, санъатшунослик, археология, маданиятшунослик каби йўналишларда ўзбек миллий кийимлари тарихи, эволюцияси, трансформацияси ва маҳаллий (локал) хусусиятларни ўрганиш борасида маълум ютуқларга эришилган⁶⁰³. Бироқ, шунга қарамай, ҳалигача анъанавий либосларни ўрганишга доир муаммолар, жумладан, анъанавий кийимларнинг маросимий хусусиятлари, кийимлар билан қадимий диний эътиқодларнинг боғлиқлиги ҳамда улардаги рамзий функциялар масаласи тўлиқ ҳал этилган деб бўлмайди. Айнан шу сабабга кўра биз тадқиқотимизнинг ушбу қисмида Фарғона водийси ўзбеклари миллий кийим-кечакларига дахлдор урф-одатлар ҳамда улар билан боғлиқ қадимий диний эътиқодларни дала материаллари ва либослар тарихига оид илмий адабиётлар асосида таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Қолаверса, миллий кийимлардаги диний қарашлар билан боғлиқ кўринишларни тадқиқ этиш минтақа аҳолиси анъанавий маданиятининг қатор жиҳатлари ва унутилган диний эътиқодлар ва қадриятларни, қисқаси ўтмиш давр мафқураси тўғрисида бирмунча батафсил маълумотларга эга бўлиш билан ҳам аҳамиятлидир.

Фарғона водийси ўзбеклари орасида ҳам асрлар мобайнида ўзига хос кийиниш маданияти ва анъаналари шакланган. Бу анъаналарда водий аҳолисининг бир неча минг йиллик миллий ва диний қадриятлари ҳам ўзини намояндалар этган. Кийимлар ва уларнинг айрим

⁶⁰² Суҳарева О.А. Древние черты в головных уборах народов Средней Азии ... – С. 299.

⁶⁰³ Рассудова Р.Я. К истории одежды оседлого населения Ферганского, Ташкентского и Зеравшанского регионов // Сборник музея антропологии и этнографии. XXXIV. – Л., 1978. – С. 154-174.; Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари (XIX аср охири – XX аср боши). – Т.: Фан, 1979; Шаниязов К.Ш. Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX – начала XX в...; Майтдинова Г. Костюм раннесредневекового Тохаристана: история и связи. – Душанбе: Дониш, 1992; Содиқова Н. XIX – XX асрларда ўзбек миллий кийимлари. – Т.: Шарқ, 2001; Давлатова С.Т. Ўзбек миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. – Т.: Янги аср авлоди, 2006

қисмлари билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ҳамда урф-одатларни таҳлил этишга киришишдан аввал айнан либосларни бичиб-тикиш билан боғлиқ диний-афсунгарлик аҳамиятига эга бўлган баъзи расм-русумларга эътибор қаратсак.

Ўзбеклари орасида сақланиб келаётган анъанага биноан бичиқчилар матони қайчи билан қирқмаганлар, балки қўл билан йиртиб, айрим қийиқ жойларини пичоқда кесганлар. Кийимлар асосан бўй, энг ва ён қийиқлардан иборат бўлиб, авваллари уларнинг аксарияти игна билан қўлда тикилган. Бичиқчи ва тикувчилар у ёки бу сарпо учун олинган матодан иложи борича қийқим чиқармасликка ҳаракат қилганлар. Чунки қадимги матолар эни шуни тақозо этган. Шу билан бирга, ирим-сиримларга кўра, кийим бичиш ёки унинг қийқимларига ёмон кўзли ёки «назари бор» кишилар нигоҳи тушса, ўша либосни кийган киши касалланади, ҳаттоки вафот этиши ҳам мумкин, деган нуқтаи назар мавжуд бўлган⁶⁰⁴. Шу сабабга кўра чеварлар ҳам ўз фаолиятлари давомида қатор афсунгарлик урф-одатларига амал қилганлар. Жумладан, водий чеварлари одатда, бировнинг олдида кийим бичмайдилар. Чунки ўзга кишилар олдида кийим бичилса кимнингдир кўзи тегиб чевар касал бўлиб қолиши мумкин, деб ҳисобланган. Чустлик чевар Марҳамат опа Қурбонованинг таъкидлашича, тикувчилар биринчи марта тиккан кўйлагини сотишдан топилган пулга келгуси фаолиятлари қандай ширин бўлишини орзу қилган ҳолда ширинликлар сотиб олиб уни ўз яқинларига, кўпроқ болаларга улашганлар⁶⁰⁵.

Либосларни бичиб-тикувчи чеварлар ушбу фаолият учун ҳатто ҳафтанинг маълум бир кунларини белгилаб олганлар. Халқ наздида ҳафтанинг душанба, пайшанба, жумаси яхши, хосиятли кунлар деб баҳолангани сабабли айнан шу кунлари кийим бичилган, сешанба, шанба кунлари беҳосият ҳисобланганлиги туфайли бу кунларда кийим бичилмаган⁶⁰⁶.

Кийимлар юқорида қайд этилган функциялардан ташқари шахснинг бир ёш босқичидан иккинчисига ўтишини ҳам англатган, яъни инициацион аҳамият ҳам касб этган. Ўз навбатида бу билан боғлиқ қатор расм-русумлар бажарилган. Жумладан, бола туғил-

⁶⁰⁴ Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари ... – Б. 15-16.

⁶⁰⁵ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Дам қишлоғи. 2006 йил.

⁶⁰⁶ Ибрагимова М.Ю. Традиционная одежда и украшения населения Сурхандарьинского оазиса (конец XIX – начало XX вв.): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Т., 2002.

ганда чақалоққа, никоҳ маросимида бўлғуси келинга ва мотамда мархумга махсус кўйлак кийдирилган ва бу кўйлаklar ўзига хос умумийликларга эга бўлган. Қуйида биз бу ўхшашликлар масаласини бирмунча батафсилроқ изоҳлашга уринамиз.

Ўзбекларда чақалоқ туғилганига 3, 5, 7 кун бўлганда унга илк марта кўйлак, яъни «чилла кўйлак» кийдириш одати мавжуд. Ушбу кўйлак Фарғона водийсида «чилла кўйлак», Тошкент, Самарқанд, Бухорода «ит кўйлак» деб аталган⁶⁰⁷. Фарғона водийси шимоли-шарқий ҳудудларида яшовчи қипчоқларда ҳам “чилла кўйлак” билан бирга “ит кўйлак” атамаси кенг оммалашган. Биз учун бу ўринда муҳими чақалоқ чилла кўйлагининг «ит кўйлак» деб номланишидир. Ушбу кўйлакнинг «ит кўйлак» деб номланиши борасида турли қарашлар мавжуд. Айрим тадқиқотчилар чақалоққа чилла даврида зарар етказиши мумкин бўлган барча зиён-заҳматларни кўйлак орқали итга ўтказишга қаратилган магик ният сабаб бўлган⁶⁰⁸, дейишса, бошқа муаллифлар «чақалоқ туғилганига қирқ кун бўлгандагина унинг танасига инсоний руҳ киради. Қирқ кун мобайнида у «хайвонот олами»га тегишли дейилганлиги боис ҳам ушбу кўйлак «ит кўйлак» дейилган⁶⁰⁹, — деб таъкидлайдилар. Биз мазкур фикрларни рад этмаган ҳолда шуни ҳам таъкидлаймизки, чақалоқнинг қирқ кунлик — чилла даври тугагандан сўнг худди катталарникига ўхшаш кўйлак кийдирилиши ҳам рамзий равишда унинг одамлар оламига ўтишини англатган.

Никоҳ маросимида ҳам келин махсус тикилган оқ рангдаги либос кийган. Халқимизда оқ ранг поклик, покизалик тимсоли ҳисобланиши билан бирга рамзий маънода бўлғуси келинни қизлик олаמידан «аёллар» дунёсига ўтаётганлигини ҳам англатган⁶¹⁰.

Сурхондарёда никоҳ тўйнинг иккинчи куни келинга махсус аёллик либосини кийдириш маросими ўтказилган. Мазкур маро-

⁶⁰⁷ Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари .. — Б. 40-41.

⁶⁰⁸ Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. — Л., 1959. — С. 50; Есбергенов Х. Атамуротов Т. Традиции и их переобразование в городском быту каракалпаков. — Нукус, 1973. — С. 149.

⁶⁰⁹ Губаева С.С. Путь в зеркальце.. — С. 166; Чевыр Л.Я. Опыт анализа одного современного обряда в свете древневосточных представлений... С.132-133; Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов... С.75.

⁶¹⁰ Оқ рангнинг маросимлардаги рамзий маъноси ҳақида батафсилроқ қаранг: Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник. 1975. — М., 1978 С. 171; Аширов А. Анъанавий дунёқарашда ранглар рамзи // Фарғона водийси этнографияси ва этник тарихининг долзарб муаммолари.— Наманган, 2003. — Б. 14-17.

симда келинга халқ орасида «кампир ёқали» кўйлак деб аталган узун тик ёқали кўйлак кийдирилиб, унинг сочи иккита қилиб ўрилган. Одатта кўра, келинлар оилада биринчи фарзанд туғилгунга қадар келинлик либосларини кийганлар.

Ўрта Осиё халқларида бўлгани сингари ўзбекларда ҳам марҳумга махсус либос — кафан кийдирилиб дорулфанодан дорулбақога кузатилади. Кафан асосан оқ бўз матодан тайёрланади. Кафан аввал чап, сўнг ўнг томонидан бошлаб ўралади, ўнг томон устида бўлишига алоҳида эътибор берилади⁶¹¹.

Демак, ушбу фикр-мулоҳазаларга хулоса ясайдиган бўлсак, ўзбекларда инсон ҳаётининг муҳим уч босқичида ҳам махсус либос кийдирилганлигига амин бўламиз. Иккинчидан, барчасида либос доимо оқ рангда бўлган ва унинг пастки қисми умуман қайрилмаган. Учинчидан, чақалоқ, келин ҳамда майитга биринчи либос доимо маросимий тарзда кийдирилган. Демак, чақалоқ, келин ва майитга кийдириладиган ушбу либосларни инсон бир босқичдан иккичи босқичга ўтаётганлигининг рамзий ифодаси деб ҳисоблаш мумкин. Дарвоқе, бу борада аёллар рўмоллари ҳам рангги, ҳолатига кўра улар ёши, оиладаги ўрнига биноан ўзига хос тарзда ўзгариб борган. Қизлар турмуш қурганда, жувонлар биринчи фарзанд кўрганда, ўғлини хатна қилдирганда ва неваралик бўлганларида бош кийим ҳолати ва рангини ўзгартирганлар. Ўз навбатида бу жараён, яъни янги ижтимоий гуруҳга ўтиш билан боғлиқ қатор ҳолатлар урф-одатлар шаклида акс этган. Қадимги одатга кўра, қизлар турмушга чиққанларида никоҳ кунлари ёки тўйдан сўнг учинчи куни қизлик кўйлаklarини хотинлик либосларига алмаштирганлар.⁶¹²

Водий ўзбеклари анъанавий кийимларини илмий асосда таҳлил қилиш жараёнида биз кўплаб миллий либослар ва уларнинг айрим қисмлари, жумладан, кўйлақларга тикиладиган турли кашталар, тақинчоқлар ҳам кийим эгасини ёмон кўзлардан асрайди деган магик тасаввулар мавжудлигига амин бўлдик. Дарҳақиқат, қадимги одамлар назарида кийим ва зеб-зийнатда магик қудрат, уни ёвуз руҳлардан ҳимоялаш фазилатларига эга бўлиб бу борада этнографик адабиётларда ҳам айрим мулоҳазалар билдирилган⁶¹³. Қолаверса, тўйларда кийиладиган сарполар доимо жуфт қилинган. Ўз навба-

⁶¹¹ *Насриддинов Қ.* Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. — Б.64.

⁶¹² *Исмоилов Ҳ.* Анъанавий ўзбек кийимлари -Т.,1978.— Б.28.

⁶¹³ *Токарев С.А.* Ранние формы религии: — С. 120.

тида мотам учун қилинадиган кийимлар тоқ бўлиб, ушбу амаллар рақам магияси билан боғлиқдир⁶¹⁴.

Водий қипчоқларида ёш болаларни турли бало-қазолардан ёвуз ниятли кишилар нигоҳидан асраш умидида қўшнилар ёки хонадоннинг ўзидан турли газмол бўлаклари йиғилган ва матолар қийқимидан қуроқ кўйлақлар тикиб кийдириш расм бўлган. Шунингдек, бундай “қуроқ”дан янги келин-куёвлар учун ёстиқлар ҳам тикилган. Халқона қарашга кўра турли ранг ва шакллардаги газмол парчаларидан улаб тикилган “қуроқ” ёмон кўзлардан сақловчи ҳимоя воситаси ҳисобланган. Қадимги даврлардан сақланиб келаётган тасаввурларга кўра ўзгалар мувафаққиятига, яхши, эзгу нарсаларга ҳасад билан қарайдиган шахслар “кўзи бор” кишилар ҳисобланади. Шу сабабга кўра халқ томонидан уларга нисбатан “кўзлик” ибораси ишлатилади⁶¹⁵.

Энди эса бевосита кийимларнинг айрим қисмлари билан боғлиқ эътиқодий қарашлар масаласига эътибор қаратсак. Авало бу ўринда Фарғона водийси ўзбеклари ҳам бошқа минтақаларда яшовчи ўзбеклар сингари ёзда анъанавий миллий кийим-бош тарзида - дўппи, ятак, белбоғ, иштон, чорик, қишда эса—телпак, чопон, белбоғ, шим, махси-ковуш кийганликларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Эркакларга хос муҳим кийим-кечак элементларидан ҳисобланадиган белбоғ ва дўппилар ҳам миллий либослар таснифида ўз ўрни ва маросимий маъносига эга кийимлар таркибига киради.

Белбоғ ўзбек ва тожиклар томонидан жуда қадим замонлардан бери эъзозланиб келинади ва у миллий кийимларининг азалий ажралмас қисми ҳисобланган⁶¹⁶. Белбоғлар кишига кийимларнинг баданга ёпишиб туришини таъминловчи, қадди-қоматини тўғри тутувчи, ихчам ва хушбичим бўлишини таъминловчи восита ҳисобланади. Қадимда белбоғ киши ёшини ҳам ифодалаган. Белбоғ уни боғловчи шахснинг эр йигит, эр киши сифатида шаклланганлигидан далолат берган⁶¹⁷. Водийда белбоғ—белбоғ, қийиқ, қийиқча деб номланган. Илк ўрта асрларда туркий тилда дастлабки луғатни яратган машҳур олим Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, белбоғ XI

⁶¹⁴ Рақам магияси билан боғлиқ қарашлар борасида батафсилроқ қаранг: *Жураев М. “Сехрли” рақамлар сири.* — Т., 1990.

⁶¹⁵ Бу борасида батафсилроқ қаранг: *Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори...* - Б.182.

⁶¹⁶ *Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И.* Этнографические очерки материальной культуры узбеков.. — С. 74-75.

⁶¹⁷ *Исмоилов Ҳ.* Анъанавий ўзбек кийимлари ... - Б. 22.

асрда «кур», «курмақ» деб аталган⁶¹⁸. Дунё халқлари моддий маданияти билан шуғулланган мутахассислар белбоғни анъанавий миллий либосларнинг муҳим унсурларидан бири сифатида эътироф этганлар⁶¹⁹. Чунончи, Хитойда Тан ва Сун салтанати даврида фуқароларнинг белбоғ боғлашлари давлат томонидан аниқ ва қатъий белгилаб қўйилган. Хитой кийимлари бўйича мутахассислар фикрича, белбоғлар ранги, матоси, материали ва безаклари турли даражадаги одамлар орасидаги ўзаро фарқли жиҳатларни англатган. Қолаверса хитой тилидаги гуаньдай (қалпоқ ва белбоғ) сўзи лавозимни англатувчи жумладан, пайдо бўлган экан⁶²⁰.

Хитойда ҳар бир гуруҳ ва табақанинг маълум бир ранг ва шаклдаги камари бўлган. 1—2 даражали давлат раҳбарларига олтин қопламали, 3—6 даражали шахсларга каркидон суяги, 7—9 даражалиларга - кумуш, оддий фуқароларга эса темир тўқали камар тақиш ҳуқуқи берилган⁶²¹.

Туркий халқлар орасида ҳам қадимда белбоғ анъанавий миллий кийимнинг муҳим бир қисмини ташкил этиш билан бирга белбоғ эгасининг жамиятда тутган мавқеини ҳам билдириб турган. Кишининг белидаги белбоғига асосланиб унинг қанча давлат ва молдунё эгаси эканлигини англаш мумкин бўлган. Белдаги белбоғнинг кўплиги шахс мол-дунёсининг шунчалик кўплигидан далолат берган.

Фарғона водийси эркаклари ҳам кундалик ҳаётда доимо яқтак ва тўн устидан белбоғ боғлаб юрганлар. Белбоғ — эрлик рамзи. Аёллар рўмоли каби эрлар белбоғи ҳам тарихий асосларига кўра жинсларни фарқлашга хизмат қилади. Даврлар ўтиши билан белбоғ тимсолининг рамзий маъноси кенгайиб, бойлик, давлат тушунчаларини ҳам англата бошлаган. Ўзбек белбоғлари ўзининг амалий-маросимий функцияларига ҳам эга. Эркак ва аёлларнинг аза ва тўйларда бел боғлашлари маросимий аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, Қашқадарё воҳаси ўзбекларида бўйинга осилиб, учлари кўкракка туширилган белбоғ ўзига хос ғам-қайғу ва бу беҳаловат

⁶¹⁸ Қаранг: *Маҳмуд Кошғарий*. Девону луғотит турк ... Т. 1. — Б. 432.

⁶¹⁹ Қаранг: *Добжанский В.Н.* Наборные пояса кочевников Азии. — Новосибирск, 1990. — С. 40.

⁶²⁰ *Сычев Л.П., Сычев В.Л.* Китайский костюм. Символика. История. Трактовка и история искусства. — М., 1975. — С. 36.

⁶²¹ Қаранг: *Крюков М.В.* Китайский этнос в среднее века (VII—XII вв.). — М., 1983. — С. 156.

дунёдан воз кечишни англаган⁶²². Тошкент шаҳри ва Тошкент воҳасида ҳам белбоғ боғлаш мотам рамзини билдирган⁶²³.

Хотин-қизларнинг йигитлар ва эрлари учун турли ишонч, ирим-ларга асосланиб белбоғ тикканлари белбоғнинг афсунгарлик функциясини белгилайди. Белбоғнинг афсунгарлик, ишонч рамзи эканлигини никоҳ маросимларидаги «белбоғ боғлаш» маросими ҳам тўла тасдиқлайди.

Водийда никоҳ тўйи тантаналари ўтказиладиган кун куёв яқин дўстлари билан бирга келиннинг уйига куёвнавқарга боради. Куёвнавқарлар келин оиласи томонидан махсус зиёфат қилингандан сўнг куёв ва унинг иккита энг яқин дўсти ҳамда келиннинг янгалари иштирокида “белбоғ боғлаш” маросими ўтказилади. Ушбу маросимда куёвжўралар куёвга атаб келин ва унинг онаси томонидан тикилган белбоғларни турли хил усулларда бирин-кетин куёвнинг белига боғлайдилар. Куёвжўралар бу жараёнда белбоғ тугунининг мустаҳкамлигини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Қаттиқ тугун мустаҳкамлик тимсоли сифатида куёвнинг бели бақувват эканлигига ўзига хос ишорадир. Ўзбек халқида тугун магиясига ишонч жуда кучли бўлган. Аслида тугун йўл боғлиқлиги, чигаллик, ноиложлик белгисидир. Тугунларни ечишга эса йўл очиш, висолга етишиш, мушкул аҳволдан холос бўлишнинг афсунгарлик воситаси деб қаралган.

Наманган вилояти Чуст тумани Дам, Баймоқ, Шўрбулоқ, Ариқ-бўйи қишлоқларида келин куёвнинг хонадонига кузатилаётган пайтда отасининг оёғига бош қўйиб, ундан берган нон-тузига розилик сўрайди. Ота ўз навбатида қизини турғизиб, унга розилик билдириб, оқ фотиҳа беради. Шундан сўнг келиннинг бошига «локи» боғланади. «Локи» боғлашда кекса, серфарзанд аёллардан бири келиннинг бошига бир жуфт нон ва пахта, қулф-калит, тароқ қўйиб оқ рўмол (дока) билан боғлаган. Келин юзини XX аср бошларигача ўзига хос кашталар билан бежирим қилиб тикилган паранжи билан ҳозирда эса жойнамоз ёки бахмал билан ёпадилар. Келинчак тўйдан сўнг локига қўйилган пахтадан ёвуз руҳлардан ҳимояланиш ва серфарзанд бўлиш ниятида пилик қилиб сочига тақади⁶²⁴.

⁶²² Давлатова С.Т. Ўзбек миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик... — Б. 58

⁶²³ Шаниязов К.Ш. Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков.. — С.76.

⁶²⁴ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Дам қишлоғи. 2005 йил.

Келиннинг бошига бир жуфт нон қўйишда серпуштлик орзу-умидини кўрсак, пахта қўйиш эса келинчакнинг оқ пахтадай бокира, пок эканлигини билдирувчи рамзий магик маънони англади.

Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, келин ўзининг янги хонадонига келган вақтда унинг бошидаги локи куёв томонидан ечилган. Бунда агар куёв дастлаб қулф-калитни топса келгусида уларнинг дастлабки фарзандлари ўғил, буни акси бўлиб тарақни топса, бош фарзандлари қиз бўлади деб ирим қилинган⁶²⁵. Қолаверса, локи боғлашнинг кекса ёшли серфарзанд аёллар томонидан амалга оширилиши уларнинг хусусиятлари келинга ўтишига йўналтирилган, паранжи ёки бахмал ёпиш эса келинчакни ёвуз кучлардан, ёмон кўзлардан ҳимоя қилишга қаратилган магик амалдир.

Анимистик тасаввурларга кўра, инсон кийими ёвуз руҳлар ўта олмайдиган афсунлардан тайёрланган. Дастлаб афсунгарлик кўринишига эга бўлган бош кийим кейинчалик бошқа функцияларни ҳам бажарган.

Ўзбек миллий кийимларининг муҳим элементларидан бири дўппидир. Ўзбекистоннинг турли минтақаларига хос маҳаллий дўппилар — Марғилон, Андижон, Ўш, Шаҳрисабз, Тошкент, Бухоро, Бойсун, Чуст дўппилари машҳур бўлиб, уларнинг «ироқи чоргул», «ироқи қурбақа нусха», «ироқи санама», «тагдўзи», «йўрмадўзи», «заминдўзи», «зардўзи», «туспила», «бахмаш», «мунчоқ гулли», «оқлар нусха», «тож нусха», «қаҳрамон нусха», «пахта гулли нусха», «хуршид нусха», «кандакори нусха» каби турлари учрайди⁶²⁶. Водийда эса Кўқон, Марғилон, Чуст, Наманган, Андижон, Шаҳрихон дўппилари машҳур.

Дўппиларнинг устки қисми ва жияги гулдор геометрик нақшлар билан безатилган яхлит тагдўзидан иборат бўлиб, гоҳида гул шохлари шаклида тикилган. Умуман олганда, дўппилар асосан

⁶²⁵ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Ариқбўйи қишлоғи. 2005 йил.

⁶²⁶ Республикаимизнинг турли минтақаларига хос дўппилар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари борасида батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: *Сухарева О.А. Тубетейка // Народное декоративное искусство Советского Узбекистана. — Т., 1954. — С. 149-166; Ўша муаллиф. Древние черты в головных уборах народов Средней Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. — М., 1954. — С. 299-353; Турсуналиев К. Все цвета радуги. — Т., 1991; Ўша муаллиф. Бошга кийиб юриладиган китоб // Саодат. — 1992. — № 11. — Б. 25; Муродова Д. Бошингиз омон бўлса // Саодат. — 2001. — № 5. — Б. 28-29; Фозилий М. Дўппи космогонияси ёки бу бодом тасвири эмас // Санъат. — 2005. — № 3-4. — Б. 17-18.*

астар, авра, жияк ва пилтадан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида тикилиб, сўнг астар билан авранинг орасига ингичка симга ўралган қоғоз пилта ўтказилган⁶²⁷.

Фарғона водийси дўппилари ўзининг оқ ва қора ранглар уйғунлигида кампирнусха ва бодомнусха гуллари билан ажралиб турган. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шарқ халқлари анъанавий моддий маъаниятида, шу жумладан, кийимларда ҳар қандай тасвир маълум маънога эга бўлган. Ўз навбатида ушбу тасвирлар ажодлардан авлодларга ўтиб келувчи бой ахборотни жамлаган. Фалакиётшунос олим С. Азизовнинг ёзишича, дўппининг оқ-қора рангини тун-кун билан, чор қиррасини оламнинг тўрт томони билан, тўрт тарафида учтадан айлана думалоқ кўринишдаги жами ўн иккита шаклни ўн иккита зодиак буржи билан қиёслаш мумкин. Думалоқ дўппи — само гумбази ифодасидир. Дўппининг жияги ҳаракатни ифодалайди. Дўппидаги шакл аломатлари туну-кун ҳаракатдаги макон ва замонни англатади.

Дарҳақиқат, қадимги ажодлармиз дўппиларга кенг миқёсли маъно-мазмунни сингдириб юборганлар. Дўппидаги бирор-бир қисм, бирор - бир нуқта унга шунчаки киритилган эмас. Санъатшунос М. Фозилий дўппидаги тасвир авлодлар давомийлигини таъминловчи ҳомила билан боғлиқ деб ҳисоблайди⁶²⁸. Бошқа тадқиқотчилар эса дўппидаги қалампирмунчоқ тасвири дўппи эгасини турли балоқазо ва инсу жинслардан асровчи магик ҳимоя воситаси бўлган, деб таъкидлайди. Бизнингча, дўппидаги тасвирлар қадим ажодларимизнинг космогоник тасаввурлари асосида шаклланган бўлиш билан бирга магик ҳимоя воситаси ҳам бўлган бўлса керак. Айнан шу сабабга кўра водийда эркакларнинг дўпписиз, ялангбош юришлари ноахлоқий аломат сифатида тушунилган. Эркаклар ҳар қандай ҳолатда — ишда, ибодат пайтида, овқатланишда, кўчада, байрам ва сайилларда ва ҳатто ухлаганларида ҳам бошларида дўппи бўлиши лозим бўлган. Дўппи гўёки инсонларни ташқи оламнинг турли таъсирлари, инсу жинслар ва ёмон кўзлардан асровчи ўзига хос магик ҳимоя вазифасини бажарган. Умуман олганда халқ ўртасида бош кийим энг муқаддас унсурлардан бири ҳисобланган ва бош кийимга лоқайдлик одамнинг ўзига эътиборсизлиги деб ҳисобланган. Шу боисдан уни алмаштириб кийиш, ерда қолдириш, яъни оёқ ости қилиш тақиқланган. Олдинлари баъзи ҳолатларда тўй куни

⁶²⁷ Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари... - Б. 23.

⁶²⁸ Фозилий М. Дўппи космогонияси ёки бу бодом тасвири эмас.. - Б.17.

белгиланиб куёв маълум бир сабабларга кўра ўз никоҳ тўйида қатнаша олмаса, келин унинг *дўпписи* ёки *пичоғига* никоҳланган⁶²⁹. Лекин даврлар ўтиши билан бош кийимнинг асл моҳияти унутилиб, оддий маиший маъносигина сақланиб қолган.

Водий ўзбеклари никоҳ тўйи куни кечга яқин куёвнинг уйига келинни паранжи ёпинтирган ҳолда олиб келганлар. Ўз навбатида шуни таъкидлаш лозимки, XX аср 30—40-йилларигача водийда ҳам бошқа минтақалардаги сингари паранжи маҳаллий аёлларнинг асосий устки кийимлари мажмуига кирган. Паранжининг авраси папаша, банорас, духоба, кимхоб, шойи матодан бўлиб, астари сидирга кулранг чит ёки бўздан тикилган сохта енгли узун ёпингич бўлган. Унинг от ёлидан қилинган юзни тўсиб турувчи қисми — *чачвон* дейилган. Паранжи генезиси ва унинг эволюцияси масалалари қатор этнограф, санъатшунос ва шарқшунос олимлар томонидан махсус ўрганилган⁶³⁰. Шу боис, биз унинг тарихи ва кийилишидан кўзланган мақсад хусусида батафсил тўхталмаган ҳолда шуни таъкидлашимиз керакки, паранжи айнан исломдан аввалги эътиқодий қарашлар асосида шаклланган аёлларнинг бош кийими бўлган. Дастлабки даврларда паранжи ёпинишдан кўзланган асосий мақсад аёлларни турли хил ёвуз кучлар ва зиён-заҳматлардан ҳимоя қилиш бўлган.

Тақинчоқлар ҳам худди кийимлар сингари минг йиллар мобайнида шаклланган бўлиб, уларнинг ўзига хослиги миллий хусусиятлар, бир халқнинг бошқа этнос ёки этник гуруҳлар билан ўзаро иқтисодий алоқалари, сиёсий тузумнинг миллий маданиятга таъсири ва бошқаларда намоён бўлади. Дарҳақиқат, тақинчоқларнинг асосий вазифаси ва уларни яшашдан мақсад, бир тарафдан, кишиларга завқ шавқ бағишлаш, эстетик гўзаллик бўлса, иккинчи томондан ҳар хил бало-қазо, инсу жинслардан асровчи, касалликдан халос этувчи, турли ташқи таъсирлардан муҳофаза қилувчи, жамиятда эгалланган мавқе-мартаба белгиси сифатида анланган.

⁶²⁹ Турдимов Ш. Рўмол рамзининг семантикаси ҳақида // Адабий мерос. — 1985. — № 3. — Б. 96.

⁶³⁰ Сухарева О.А. К истории костюма населения Самарқанда // Бюллетень АН УзССР. — 1945. — № 10-11. — С. 38-40; Пугаченкова Г.А. К истории «паранжи» // СЭ. — 1952. — № 3. — С. 43.; Васильева Г.П. «Туркмены» Нохурли // СЭС. — М., 1954. Вып. 1. — С. 163-165; Лобачева Н.П. К истории среднеазиатского костюма (женские головные накладки халаты) // СЭ. — 1965. — № 3. — С. 44; Уша мураллиф. Почему мусульманки носили паранджу // Наука и религия. — 1970. — № 12. — С. 28-31; Исмоилов Г. Ой юзлар зиндони эди // Фан ва турмуш. — 1979. — № 1. — Б. 18-19; Исоқов М. «Паранжи» сўзининг этимологияси // Ўзбек тили ва адабиёти. — 2000. — № 2. — Б. 31.

Бундай тақинчоқлар пешона, бўйин, қулоқ, бурун, қўл ва оёқ панжаларига тақилган. Дарвоқе, Ўрта Осиё халқлари миллий кийимлари бўйича йирик мутахассис О.А. Сухареванинг бу борадаги мулоҳазалари ҳам эътиборга сазовордир. Муаллифнинг ёзишича, халқона миллий тақинчоқлар иккита муҳим — эстетик ва магик функцияни бажарган. Магик функцияни бажарувчи тақинчоқлар ҳам шартли тарзда иккига, яъни ёвуз кучларни бартараф этувчи, кўз тегиши ва бало қазолардан асровчи ҳамда бахт, омад, ёқимлилик, муҳаббатга чорловчи “туморлар” га бўлинади⁶³¹.

Археологларнинг таъкидлашларича, ҳунармандчилик тарихида даставвал аёллар тақинчоқлари пайдо бўлган, кейинчалик эркакларнинг ҳам безаклар тақиши урф бўлган⁶³². Бора-бора ҳайвонлар, уйлар ёки бирор буюмга ҳам тақинчоқ тақиш удуми шаклланган. Безаклардан фойдаланишга талаб кучая бошлагач, уларнинг турлари алоҳида мазмун-моҳият касб этган. Яъни тақинчоқлар тур-турга бўлиниб, инсу жинслардан асровчи, касалликлардан халос этувчи, турли ташқи таъсирлардан муҳофаза қилувчи, жамиятда кишининг кимлигини, унинг мавқеини белгиловчи деб тушунилган. Бундай тақинчоқлар пешона, бўйин, қулоқ, бурун, қўл ва оёқ панжаларига тақилиб, улар кўзли ё кўзсиз бўлган ҳамда турли ёзув ва нақшлар билан безатилган⁶³³. Илон кўринишидаги тақинчоқлар ўтмишда, айниқса кўп ишлатилган. Зебигардон, чачвон, рўмол, дўппига қадаладиган безаклар, нақшинкор тутмалар, зиракларнинг хилма-хил шакллари ва турли ранглар аслида олис ўтмишдан нусха олиб яратилган ва у ҳозирги даврда тенгсиз санъат даражасига кўтарилган⁶³⁴. Ўрта Осиё халқлари орасида сўзаналар, гиламлар ва кигизларни кўчқор шохи, илон тасвири билан безаш ҳам кенг тарқалган бўлиб, бу безаклар ҳам маълум маънода ушбу буюм эгасини турли-туман бало-қазолардан рамзий ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳолда тайёрланган.

XIX аср охири XX аср бошида маҳаллий аҳоли томонидан тайёрланган тақинчоқлар, турли кашта ва гиламлардаги безаклар бадий эстетик хусусиятидан ташқари магик хусусиятини ҳам сақ-

⁶³¹ Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма. — М.: Наука, 1982. — С. 117-120.

⁶³² Ахроров И. Тақинчоқлар таърифи // Саодат. — 1997. — № 3. — Б. 27.

⁶³³ Давлатова С.Т. Ўзбек миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик ... — Б.92.

⁶³⁴ Ахроров И. Тақинчоқлар таърифи .. — Б. 27.

лаб қолган. Айнан бу даврда зеб-зийнатлар шакли ва безакларига бир-бирига ўхшамаган услублар: ислимий, геометрик, самовий, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси асос қилиб олинган⁶³⁵.

Фарғона водийсида ўсимлик дунёси акс этган заргарлик буюмларини кўпроқ анъанавий хўжалик тарзи деҳқончилик билан боғлиқ бўлган ўтроқ ўзбеклар ва тожиклар тақишган бўлса, шаклишамойилида ҳайвонот олами акс этган тақинчоқлар кўпроқ қипчоқлар, қирғизлар ва қозоқларга хос бўлган. Ҳайвон аъзоларидан, хусусан бўри, от, кўй, тоғ эчкиси тирноғи, тиши ва суягидан тайёрланган турли хил туморлар Фарғона водийсининг тоғолди ҳудудларида яшаётган қипчоқлар орасида кенгроқ тарқалганлигини ҳозирги даврда ҳам кузатиш мумкин. Демак, туморларда ҳайвон шохи рамзининг акс этиши ҳам кўпроқ ўтмишда чорвадор бўлган аҳоли учун хос хусусият экан.

Тақинчоқлар қадимда асосан исломгача бўлган даврдаги анистик — ритуал характердаги кўринишлар билан боғлиқ бўлган. Замонлар мобайнида маълум бир тақинчоқ ва нақш мотивларининг асл мазмуни унутилган ва эзгулик ва муваффақият, бахт ва соғ-саломатлик олиб келувчи ҳамда ёвуз кучлар, душманлардан ва касалликлардан сақловчи ўзига хос магик ашё кўринишидаги умумий тасаввурларгина сақланиб қолган⁶³⁶. Қадимги рус маданияти тарихи бўйича мутахассис Б.А. Рыбаков фикрича, «тож ва маржонлардаги тасвирларни оддий эстетик безак сифатидагина эмас, калити қадимий дунёқараш бўлган яширин ёзув деб ҳам баҳолаш керак»⁶³⁷.

Одатда, водий аҳолиси орасида ярим қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ ўзига хос қарашлар мавжуд бўлган. Жумладан, қаҳрабо тўғнагичларни ҳалол, ростгўй одамлар тақиб юришлари лозим, акс ҳолда бу қимматбаҳо тош ўз рангини йўқотиб, хиралашиб қолади деб ҳисобланган. Ёш болалар виждонли, ҳалол, ростгўй бўлиб ўсишлари учун кўпинча улар кийим-кечакларига қаҳрабо бўлагини тақиб кўйиш одати бўлган.

Маҳаллий аҳоли тамонида кулоққа тақиладиган тақинчоқлар

⁶³⁵ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусства Узбекистана. — М., 1971. — С. 111.

⁶³⁶ Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. — Т.: Изд. лит-ры и искусства. 1988. — С.78.

⁶³⁷ Рыбаков Б.А. Прикладное искусства Киевской Руси IX — XI веков и южнорусских княжеств XII — XIII веков // История русского искусства. Т. 1. — М., 1953. — С. 269.

«сирға», «исирға», «балдоқ», «зирақ» каби номлар билан аталган⁶³⁸. Ўзбекистонда ҳудудий белгиларга кўра сирғалар Бухорода «шибирма», Тошкентда «зирақ», Самарқандда ўртасига катта ёқут кўзли тош ўрнатилган, атрофи гулбанд дурлар билан безатилган сирға «баргак» деб аталади⁶³⁹. Фарғона водийсида сирғанинг тилла ва қумушдан ясалган ярим ой шаклидаги «ой балдоқ» ёки «ой сирға» ҳамда «қашқарбалдоқ»⁶⁴⁰ турлари кенг тарқалган. Ўз навбатида мазкур сирғаларнинг келиб чиқиш тарихи қадимий ўтроқ деҳқонлар ва чорвадорлар орасида ҳам кенг ёйилган самовий (ой, қуёш, юлдузлар) культлар билан боғлиқ бўлган. Умуман олганда астрал (самовий) культлар минтақанинг қадимий аҳолиси эътиқодий қарашлари тизимида муҳим аҳамият касб этган⁶⁴¹. Айниқса «Авеста» да осмон ёритқичларининг маросимий аҳамияти жуда яхши баён этилган. Жумладан, «Авеста»нинг Вендидот қисми кўп ўринларида осмон ёритқичлари бўлмиш қуёш, ой ва юлдузларнинг поклаш хусусияти тўғрисидаги маълумотлар келтирилган⁶⁴².

Қуёш ва ярим ой рамзлари Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган ва энг қадимий астрокультлар — қуёш ҳамда ой культлари билан боғлиқ бўлган. Ой — аёл, қуёш эса эркак томонни англатган. Қолаверса, қадимдан қуёш осмон илоҳларидан бўлиб, ҳосилдорлик ва серпуштлик ҳомийси ва ҳар доим умуман ҳаёт рамзи ҳисобланган. Ўз навбатида ярим ой янги ҳаётнинг бошланишини англатган. Ярим ой тасвири келгуси ҳаётнинг узвий давомийлигини таъминлаган бўлса, қуёш тасвири бевосита ҳаётнинг ўзига ҳомийлик қилган.

Фарғона водийси аҳоли орасида қадимдан кўз тегиши, турли бало-қазолардан асровчи восита сифатида турли туморларни тақиб юриш одати мавжуд. Туморлар бугунги кунда ҳам водий аёллари анъанавий либосининг таркибий қисмига кириб, кўз тегишидан сақлайдиган тақинчоқ, безак сифатида уни тўлдиради. Бу борада водий аёллари орасида ёмон кўзлар, суқ ва кинна тегишидан сақланиш мақсадида 7 дона седона ва қалампирмунчоқ уруғидан

⁶³⁸ Тожиқларда балдоқ, халқа, ўзбекларда сирға, зирақ деб аталган. Қаранг: Чевър Л.А. Таджикиские ювелирные украшения ...С. 23.

⁶³⁹ Абдуллаев Т.А. Ҳасанова С.А. Одежда узбеков ... — С. 11.

⁶⁴⁰ «Қашқарбалдоқ»ни XVIII асрда Фарғона водийсига кўчиб келган қашқарлик уйғурлар олиб келганлар. қаранг: Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана ... — С. 119-120.

⁶⁴¹ Беленицкий А.М. О домусульманских культах Средней Азии // КСИМК. Вып XXVIII. — М., 1949. — С. 84.

⁶⁴² Авесто / А.Маҳкам таржимаси.. — Б. 133.

олиб тумор қилиб тақиб юриш одати оммалашган⁶⁴³. Шунингдек, аёллар томонидан тақиладиган туморларга бошқа ўсимликлар уруғлари ҳам қўшиб тайёрланган. Умуман олганда, тумор рангли матодан тикилган халтача бўлиб, унга чорраҳадан олинган 7 та майда тош, 7 та қалампир донаси, 7 та седана уруғи, 7 та исириқ уруғи ва 7 та қовоқ уруғи солинади. Халтача билан ёнма-ён иккита кўзmunчоқ ва 2 та дугдона⁶⁴⁴ тикиб қўйилади. Туморга албатта танга-чақа, мунчоқ, игначалар осиб қўйилади⁶⁴⁵.

Аҳоли тасаввурига кўра ҳар бир уруғ ва чорраҳадан олинган тошчалар кишиларни кўз тегишидан асрайди. Чунончи, қариялар учун нос тайёрланадиган қовоқ уруғи кишига енгиллик олиб келса, седана дони ёмон кўзлардан асрар экан. Қалампир донлари жинлардан асрар, исириқ эса одамга тароват бағишлар, ҳасадчи кишилар қутқусидан сақлар экан. Улар сонининг 7 та бўлиши эса етти рақамининг магик хусусияти билан боғлиқ бўлган⁶⁴⁶.

Фарғона вилояти Миндон қишлоғи хотин-қизлари, айниқса кекса аёллар орасида мунчоқ сифатида тўғноғичларни тақиш расм бўлган. Улар ўсимлик уруғларини ипга ўтказибгина қолмасдан, балки уларни рангли матодан учбурчак шаклида тикилган халтачаларга ҳам тикиб, либослари ва бош кийимларига яширган ҳолда қўйганлар.

Ўсимлик уруғларининг кучли ҳиди шайтон, жин, иблис, девларни ҳайдаб юборади деган тасаввур бўлган. Ривоятларга кўра, жинлар ўз ҳидларини сезиб (ҳис этиб), бу ҳидлар ўз қардошларидан келяпти деб ўйлаб одамларга нисбатан ёвузлик қилмас эканлар.

Фарғона водийси ўзбеклари ўртасида ҳам кенг тарқалган турли шаклдаги тумор, мунчоқ ва кўзmunчоқларни тақиш ҳам фетишизм кўринишидир. Фетишизм кўринишлари кўпинча тарзда тариқада эмас, балки турли диний эътиқодлар — тотемизм, афсунгарлик, табиат эътиқоди излари билан биргаликда учрайди.

Кўзmunчоқлар инсон туғилганидан бошлаб то унинг вафотига-ча одамларга ҳамроҳлик қилувчи қадимий тақинчоқ тури бўлган.

⁶⁴³ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Қайроғочовул қишлоғи. 2004 йил.

⁶⁴⁴ Ипга ўтказилган чиннигул уруғлари.

⁶⁴⁵ А.А. Чвырь. Ўратепа вилоятида кенг тарқалган елкага тақиладиган безаклар шаклидаги туморлар тўғрисида маълумот берган. Қаранг: Чвырь А. А. Таджикиские ювелирные украшения. С.32.

⁶⁴⁶ Жўраев М. “Сехрли” рақамлар сири. -Т.: Ўзбекистон, 1990.

Унинг асосий вазифаси одамни турли-туман бало-қазолар, суқ, кинна ва ҳасад, ёмон кўзлардан асраш ҳисобланган. Айнан шунинг учун ҳам у инсоннинг кўзига ўхшаш мунчоқлар шаклида тайёрланган. Водийда ҳам бошқа минтақаларда яшовчи ўзбеклардаги сингари чақалоқ туғилгандан сўнг унга дастлабки тақиладиган тақинчоқ кўзмунчоқ бўлган. Кўзмунчоқ кўпинча боланинг кўлига ипга тизиб билакузук сифатида ёки кийимининг кўзга ташланадиган ерига илиб қўйилган. Халқона тасаввурга кўра ёмон ниятли кишилар кўз кувватини айнан кўзмунчоқ қайтарар экан ва агар унга ёвуз ниятли кишилар нигоҳи тушса кўзмунчоқ синиб кетар, лекин болага зарар етмас экан. Айнан замонавий шаклдагига ўхшаш кўзмунчоқлар қадимда ҳам кенг тарқалганлигини археологик қазिशмалар жараёнида топилган материаллар ҳам тасдиқлайди⁶⁴⁷.

Ўрта Осиёдаги энг қадимий безак—мунчоқлар илк энеолит даврига мансуб қабрлардан топилган. Кишилар бу мунчоқларни бўйинларига бир ёки икки қатор қилиб тақиб юрганлар. Ўша замон либослари кўкрак очик қисмидан ёвуз кучлар кириб келишини бар тараф этиш мақсадида мунчоқ тақиб юриш зарур деб ҳисобланган. Мунчоқлар турли офатлардан сақлайди, барча эзгу ишларда омад келтиради, деган нуқтаи назар аҳоли орасида кенг тарқалган⁶⁴⁸.

Ўзбек халқи туморлари ўзининг шакли ва тузилиши жиҳатидан маълум даражада бир-биридан тафовут қилади. Жумладан, Фарғона водийси, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида тўғри тўрт бурчакли ва учбурчакли туморлар тақиш афзал кўрилса, хивалик ўзбеклар орасида цилиндрсимон туморлар кенг тарқалган⁶⁴⁹. Тўртбурчак ва учбурчак шаклда тайёрланадиган туморлар фарғоналик ўтроқ ўзбек ва тожик аҳоли орасида кенг ёйилган. Уз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, туморлар тананинг қайси қисмига тақилишига қараб 3 гуруҳга — бўйин тумор, кўкрак тумор ва кўлтиқ туморга ажратилган. Шунингдек, бош кийимга тақиладиган ва устки кийимга қадаладиган туморлар ҳам алоҳида гуруҳга кирувчи туморлар ҳисобланган.

Дарвоқе, туморлар қандай ашёдан тайёрланганлиги ва шаклига қараб бир неча хил бўлган. Ёғоч, турли мевали дарахтлар данаги, мунчоқ ва турли кўринишдаги тош, баъзи бир ҳайвонлар тиши

⁶⁴⁷ Қаранг: Пташникова И.В. Бусы древнего и раннесредневекового Хорезма // Труды ХАЭЭ. — М., 1952. Т. 1. таблица № 1.

⁶⁴⁸ Лунеева В. Ўрта Осиё мунчоқлари тарихидан // Санъат. — 2002. — № 4.— Б. 7.

⁶⁴⁹ Борозна Н.Г. Некоторые материалы об амулетах-украшениях населения Средней Азии. // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. — М., 1975. — С. 281

ҳамда тирноғидан тайёрланган туморлар ўтмишда эл орасида ом-малашган.

Кўзмунчоқ ва туморлар чорва молларига ҳам тақиб қўйилган. Жумладан, Фарғона водийси чорвадорлари ўзларининг зотдор, кўп сут берадиган сигирларини ёмон кўзлардан асраш мақсадида улар шохларига махсус дуолар ёзилган туморларни тақиб қўйганлар. Чунки қадимий эътиқодга биноан бундай сигирлар кўзга яқин бўлиб, тез кўзикиб қолар ва натижада улар касалликка чалинар ёки сут бермай қўяркан. Бу ҳолатга йўл қўймаслик ниятида сигирлар шоҳига тумор тақилар экан. Сигирлар шоҳига тақиладиган туморлар ҳеч қачон махсус безак вазифасини бажармаган. Улар асос эътибори билан узоқ аждодларимизнинг фетишистик қарашлари билан бевосита боғлиқдир. Ёмон руҳлар таъқиби, ёмон кўз назаридан асраш бундай туморлар тақилишининг асосий моҳияти ҳисобланади.

Гарчи туморлардан фойдаланиш аҳолининг барча гуруҳларига хос хусусият бўлсада, ундан кўпроқ асосан чақалоқ ва болаларни «ҳимоя» қилиш воситаси сифатида фойдаланилган. Шу мақсадда боланинг бешиги, бўйни ва қўли ҳамда кийимларига, айниқса бош кийимига инсу жинслар, бало-қазолардан ҳимояловчи восита сифатида турли шаклдаги туморлар тақилган. Аввал қайд этганимиздек, фетишизм характеридаги бундай туморларнинг магик қудратига ишонкиш одамлар орасида кучли бўлган. Бундай ишонч водийнинг барча этник жамоаларида барқарор эди.

Минтақада ислом дини тарқалиши билан баъзи бир фетишистик тасаввурларга ҳам исломий талқин берила бошланган. Чунончи, маҳаллий руҳонийлар томонидан араб имлосида Қуръондаги айрим суралари битилган туморлардан фойдаланиш буниинг ёрқин мисолидир⁶⁵⁰.

Водий ўзбеклари орасида «кийим-кечак одамнинг бир қисми, унга ижобий ёки салбий таъсир ўтказиш манбаидир» деган тушунча ҳам мавжуд бўлган. Шу боис, кийимни (унинг бир бўлагини) бошқа бирор кишига бериш (ҳадя қилиш, сотиш) чоғида ундан тугмаларини қирқиб олиш, унга кул сепиш ёки уни олов устига илиб қўйиш иримларига амал қилинган. Шу тариқа кийим-кечакка нисбатан кўпинча турли эҳтиёт чоралари кўрилган⁶⁵¹.

Фарғона водийсида оёқ кийимлари билан ҳам боғлиқ қатор урф-одатлар бўлган. Жумладан, кишилар бирор бинога кирганларида, масжид ва мадрасаларга борганларида пойафзални эшик олди-

⁶⁵⁰ Бу ҳақда қаранг: *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований узбеков Хорезма... — С. 37.

⁶⁵¹ Қаранг: *Абдуллаев Т.А., Ҳасанова Т.А.* Одежда узбеков. — Т., 1978.

га — пойгоҳга ечишган. Келган кишилардан бирортасининг оёқ кийими тескари туриб қолган бўлса, у дарҳол тўғрилаб қўйилган. Гўё тескари туриб қолган пойафзал эгаси шу хонадон ёки шу даврага ёмон ниятда келган бўлади деб ҳисобланган⁶⁵². Бу одат нафақат ўзбекларда, балки бутун Шарқ халқлари орасида ҳам мавжудлиги хусусида маълумотлар мавжуд⁶⁵³.

Хулоса қиладиган бўлсак, водий ўзбеклари анъанавий кийимлари ва улар билан боғлиқ урф-одатларда исломгача бўлган диний эътиқодий қарашлар, жумладан, фетишизм, анимизм, сеҳргарлик (афсунгарлик), тотемизм каби эътиқодий қарашлар исломий анъаналар билан уйғунлашган ҳолда сақланиб қолганига гувоҳ бўлдик. Анъанавий либослар баъзан кишилар ёшидаги фарқ ва улар оилавий ҳолатини белгилашга ҳам хизмат қилиб, улар насл-насабидан нишона бериб турувчи хусусиятга эга бўлган. Энг асосийси, миллий кийим-кечаклар ва тақинчоқлар турли ёмонликлар, балоқазолар, инсу жинслар хуружидан асровчи, хасталикдан халос этувчи ўзига хос афсунгарлик буюми сифатида ҳам ғоят қадрланган. Тадқиқот жараёнида бу билан боғлиқ расм-русумлар ҳамда ирим-сиримлар кенг тарқалганлигига гувоҳ бўлдик. Биз бунда анъанавий миллий кийим-кечаклар моддий маданият, нафосат олами ва илоҳий қудрат ҳақидаги тасаввурлар бир-бири билан узвий равишда боғланиб, бирлашиб кетганлигига амин бўлдик.

4.3. Маросим таомлари ва уларнинг моҳияти

Таомлар турли халқларга дахлдор этномаданиятнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Анъанавий таомлар инсоният кундалик турмуш тарзи ва ҳаёт фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Улар бир неча юз йиллар мобайнида турли халқлар оилавий ва тақвимий маросимларининг муҳим бўлак (қисм)ларидан бирига айланган⁶⁵⁴. Натижада маълум бир анъана ва урф-одат билан боғлиқ тарзда тайёрланадиган махсус маросим таомлари пайдо бўлган. Улар кундалик таомлардан фарқли равишда аста-секинлик билан бажарилаётган урф-одатнинг таркибий

⁶⁵² Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари ... — Б.26.

⁶⁵³ Буланова Л.А. Арабские этнографические коллекции МАЭ //Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. Л.,1970. — С. 276.

⁶⁵⁴ Листова Н.М. Пища в обрядах и обычаях //Календарные обряды и обычаи в странах зарубежной Европы. М.,1983. — С.161.

қисми умумий овқатланиш ёки афсунгарлик ҳаракати объектига айланиб борган. Айниқса, йил фасллари ўзгаришида, эски йил интиҳоси ва янги йил арафасида, қиш билан баҳор оралиғида ёки деҳқончилик юмушлари бошланиши ҳамда яқунланишида маросимий таомлар мазмун-моҳиятига катта эътибор қаратилган. Шунингдек, анъанавий хўжалик машғулоти, яъни экин ва мева дарахтлари экишда, уларни йиғиштириш ёки чорвачиликда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлашда ҳам маросимий таомлар алоҳида аҳамият касб этган. Уларни илк марта истеъмол қилиш кўпинча маросимий кўриниш олган. Баъзида эса бунинг акси тарзида уларни истеъмол қилиш тақиқланган ва овқат учун қўйилган табуни баргараф этиш ушбу таомнинг муқаддаслаштирилишига ҳам сабаб бўлган.

Халқ орасида озиқ-овқатларнинг алоҳида турларига, уларнинг магик ҳаракатлардаги ўрнига қараб таомларнинг ҳосилдорлик манбаи, даволовчи, шифобахшлик сингари илоҳий хусусиятлари намён бўлган. Шу боисдан айрим озиқ-овқатлар баъзи ҳолларда йил мобайнида сақлаб турилган. Улар янги бир амални бошлашдан аввал ёки табиий офатлар юз берганда маросимий таом сифатида истеъмол қилинган. Эътиборли томони шундаки, маросим таомлари кўпинча инсоннинг биологик эҳтиёжини қондириш мақсадида эмас, балки бало-қазолардан асровчи озиқ-овқат ёки маросимий қурбонлик сифатида истеъмол қилинган.

Шубҳасиз, ҳар қандай этнос анъанавий таомлари ҳам ушбу халқ турмуш тарзи, аввало хўжалик йўналиши, миллий ва диний қарашлари асосида, маҳаллий табиий шарт-шароитга боғлиқ ҳолда ўзгариб, ривожланиб боради. Қолаверса, миллий таомлар моддий маданиятнинг бошқа элементларига нисбатан анча консерватив бўлиб, улар ўзида барқарор диний-этник хусусиятларни сақлаб туриши билан характерлидир. Бундай жараёни ўзбек халқи анъанавий таомлари мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Илмий адабиётларда ўзбек халқи анъанавий таомлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда таомлардаги этник ва иноэтник компонентлар масаласи маълум даражада ёритилган⁶⁵⁵. Бироқ,

⁶⁵⁵ Ўзбек халқи анъанавий таомлари ва улардаги этник ва иноэтник компонентлар борасида қаранг: *Шаниязов К.* О традиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Т., 1972. – С. 106; *Махмудов К.* Ўзбек таомлари. – Т., 1960; *Ўша муаллиф.* Блюда узбекской кухни. – Т., 1985; *Ўша муаллиф.* Пловы на любой вкус. – Т., 1989; Традиционная пища как выражение этнического самосознания. – М.: Наука, 2001; *Абдуллаев У.С.* Халқ анъанавий таомларида этник ва иноэтник компонентлар // Фарғона водийсидаги этносларо жараёнлар. – Т., 2005. – Б.122-142.

маросим таомларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқлиги муаммоси махсус тадқиқ этилмаган. Шу сабабга кўра монографиянинг мазкур қисмида маросим таомлари ва улар билан боғлиқ қадимий диний-эътиқодий тасаввурлар борасида баҳоли қудрат мулоҳаза юритамиз.

Ўзбеклар анъанавий миллий таомларида озиқ-овқатлар таркиби ва уларнинг магик мазмуни ўтказилаётган маросим асл моҳияти билан бевосита боғлиқ. Улар кўпинча инсон ҳаёти давомийлигини таъминлаш, одамларни турли бало-қазолардан асраш, ҳосил унумдорлигини ошириш, чорвани кўпайтириш ва оилада тинчлик-хотиржамликни таъминлашга хизмат қилганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маросим таомлари нафақат оилавий маросимлар — бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тантаналари ва мотам маросимларида, балки Биби Сешанба, мушкулкушод, ашурлик, мавлудлик каби аёллар иштирокида ўтказиладиган махсус диний маросимларда, кўчирма ва ҳақиқат каби шомонийлик маросимларида ҳам тайёрланган. Шунингдек, Рамазон ва қурбон ҳайитларида, Наврўз ва сумалак сайли, гули армуғон ва лола сайли каби оммавий халқ сайилларида— *палов, шўрва, чучвара, шавла, ҳолвайтар, ҳалим, сумалак, ўйма, атала* каби ўнлаб махсус маросимий таомлар тайёрлаш анъанаси давом этган. Эътиборли томони шундаки, айнан мазкур маросимларда тайёрланган таомлар қатнашчиларнинг овқатланишга бўлган биологик эҳтиёжини қондириш вазифасини бажарибгина қолмай, улар тайёрланиши ва истеъмол қилиниши жараёнида маълум бир жамоа, уруғ, этнос, жинсий, ижтимоий ва диний жамоага вакилларининг ўзаро ижтимоий муносабатлари намоён бўлган. Қолаверса, маросимий равишда тайёрланган таомларни биргаликда истеъмол қилиш одамлар орасида дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик ва қариндошлик алоқалари жадаллашувиغا, айрим ҳолларда таомнинг ўзи дўстлик ёки қариндошлик ришталари шаклланишига сабаб бўлган.

Ўз ўрнида шуни ҳам қайд этиш керакки, таомлар одамларни бирлаштирибгина қолмай баъзан уларни бир-биридан ажратган ҳам. Таомлар ижтимоий мулоқот вазифасини бажариш билан бирга ижтимоий табақаланиш каби қарама-қарши функцияни ҳам бажарган.

Дунёдаги барча халқлар орасида кимнингдир ким биландир биргаликда овқатланишини тақиқловчи урф-одатлар мавжуд. Француз эр-хотин тадқиқотчилар Макариуслар “*овқат эгзогамияси*” номли

никоҳ ва овқат муносабатлари номутаносиблигини махсус тадқиқ этганлар. Тадқиқотчилар Океания, Шимолий Америка ва Африка халқлари орасидаги аёллар ва эркакларнинг биргаликда овқатланишига оид тақиқлар ва алоҳида-алоҳида овқатланишига оид қатор маросим ва урф-одатларни таҳлил қилганлар⁶⁵⁶. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, турли жинс вакилларининг биргаликда таом истеъмол қилишига бўлган табу ўзбек халқи орасида ҳам кенг тарқалган. Айниқса, ўзбек аёллари иштирокида ўтказилувчи *Биби Сешанба*, *Мушкулкушод*, *умоч оши*, *Гули армуғон* каби маросим ва сайилларда тайёрланадиган таомларга қўйиладиган жинсий табу ёрқин намоён бўлган. Шу боис қуйида ушбу маросимлар ва бу жараёнда тайёрланадиган таомларни илмий асосда батафсил тавсиф ва таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Ўзбек оилаларида ўтказилиши режалаштирилган бирор-бир муҳим тадбир, турли-туман тўй-тантаналар олдидан, фарзандсизлик ёки фарзанд туғилишида, оила бошига бирор - бир мусибат тушганда ёхуд кимдир касал бўлиб қолган вақтда аёлларнинг ҳомий култи—*Биби Фотима шарафига* маҳалла аёллари иштирокида махсус таом - *Биби Сешанба оши* тайёрланади. Мазкур маросим кўплаб туркий халқлар орасида кенг тарқалган бўлиб, Туркистон минтақасида *Биби Сейшанба*, Туркия турклариди *Пейшанбе*—*қоры* дейилган⁶⁵⁷. Эронда эса ушбу маросим *Биби хур* ва *Биби Нур* деб номланган⁶⁵⁸. Умуман олганда, бу Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳоли орасида аёллар иштирокида ўтказилувчи маросим эканлиги илмий адабиётларда ҳам қайд этилган⁶⁵⁹. Бу кун тайёрланадиган махсус таом ўзбекларда *умоч оши*, қипчоқларда эса *атала* дейилади⁶⁶⁰. Мароси-

⁶⁵⁶ Makarius R. et L. L'origine de l'exogamie et du totemisme. — Paris, 1961; Токарев С.А. Новое о происхождении экзогамии и тотемизме // Проблемы антропологии и исторической этнографии Азии. — М., 1968.

⁶⁵⁷ Андреев М.С. Среднеазиатская версия Золушки (Сарильоны). Св.Параскева Пятница. Див-и Сафед // По Таджикистану. Вып.1. — Т., 1927. — С. 60-76; *Уша муаллиф*. Женская богиня «госпожа вторник», покровительница прях // Религиозные верования народов СССР. Т. 1. — М. — Л., 1931. — С. 311.

⁶⁵⁸ Крамер А. Биби Сейшанба // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып.4. — М., 2003. — С. 17.

⁶⁵⁹ Биби Сешанба култи ва унинг ўтказилиш тартиби бўйича батафсилроқ қаранг: *Мажмуаи Нурнома*. — Т., 1914; Андреев М.С. Среднеазиатская версия Золушки (Сарильоны)... — С. 60-76; Aarne A., Rhotompson S. The Rures of Folktales. 2 rev. Ed. Helsinki, 1961; Berchrer R. Die weibliche Initiation im ostlawischen Zaubermärchen. Berlin-Wiesbaden, 1990; Крамер А. Биби Сейшанба.. — С. 17.

⁶⁶⁰ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Янгикўрғон тумани Чўнгбағиш қишлоғи. 2003 йил.

мий таом сифатида тайёрланадиган ушбу овқат асосан ҳафтанинг чоршанба куни қилинган ва уни тайёрлашда фақат аёллар иштирок этганлар. Маросимий таомни пиширишдан аввал сешанба куни умоч оши ёки атала тайёрлашни ният қилган аёл ўз юзини яширган ҳолда кўни-қўшнилardan (тоқ хонадондан-уч ёки беш уйдан) ун сўраб йиғиштирган. Ун тилаб олишда ҳам маълум бир тартиб-қоидаларга амал қилинган. Ун доимо уйнинг остонасидан ўтмаган ҳолда берилиши ва берувчи ҳамда олувчи ҳам аёл бўлиши лозим. Ўз ўрнида қайд этиш керакки, шарқ халқлари остонани азалдан бир олам билан иккинчи олам сарҳади деб ҳисоблаганлар, қолаверса ун, дон азалдан ризқ-рўз, давлат тимсоли бўлган. Шу сабабга кўра одамлар ушбу хонадон ризқининг бошқа бир уйга ўтиб кетишига рўйхушлик бермаганликлари туфайли учун ун айнан остонада туриб тарқатилган.

Атала тайёрлашнинг махсус шартларидан бири — уни фақатгина бева аёллар пишириши жоиз бўлган. Эри бор аёлнинг атала қилиши қатъиян тақиқланган. Ушбу таомни тайёрлаш жараёнида дастлаб хонадон супраси ёйилиб, унга бир пиёлада *сув, туз, хамир-туруш, қуруқ чой, исиріқ, шам* кўйилади. Сўнгра атала тайёрланиши лозим бўлган ундан *ўйма* пиширилади. Эътиборли жиҳати шундаки, тайёрланган ўймадан биттасини уй эгаси қўлтиғига қистирган ҳолда остонага ўтириб ейиши лозим бўлган. Шундан кейин атала тайёрловчи аёл уйнинг супрасида атала учун қўшнилardan олинган унга сув аралаштириб умоч қилиб, юмалоқлаб шар шаклига келтирган ва сут кўйилган қозонга солиб, таом тайёрлаган.

Машхур этнограф М.С. Андреевнинг ёзишича, Хўжандда мазкур таомни пиширишдан аввал уйнинг ўртасига солинган супрадаги уннинг юза қисмига бир косачани тўнтариб, устига оқ мато ёпиб кўйилган ва шундан кейин «Биби Сешанба» қиссаси ўқилган. Қисса ўқиб бўлингандан сўнг йиғилган аёллар косани кўтариб кўришган. Чунки айнан қисса ўқиладиган пайтда супрадаги ун юза қисмида Биби Сешанба ўзининг қўл панжаси изларини қолдириб кетар экан. Агар из битта бўлса, ушбу маросимни ўтказувчи аёл бир маҳал, иккита бўлса икки бора, учта бўлса уч марта Биби Сешанба ошини қилар экан. Мабодо супрадаги унда бирорта ҳам из қолмаган бўлса, катта тўй ўтказилар ва шундагина Биби Сешанба ўз изини қолдирар экан. Айрим жойларда (Тошкентда) қўл излари ўрнига товуқ панжаси излари ҳам пайдо бўлган ва у Биби Сешанбага бағишлаб товуқ қурбонлик қилинишини англатган⁶⁶¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, товуқ Биби Сешанба култи билан

⁶⁶¹ Андреев М.С. Женская богиня «госпожа вторник», покровительница пряж...— С.311.

ўзаро алоқадор бўлиб, аёл кишининг тушида товуқ ёки тухум кўриши Биби Сешанба маросимини ўтказишга ишора экан⁶⁶². Аёл худолар қадимда қуш образида тасвирланганлигини элшунос олим М.С. Андреев ҳам тасдиқлайди⁶⁶³. Хоразмда Анбар она тимсоли ҳам товуқ билан боғланади. Туғруқ пайтида Анбар онани чақирриш учун доя товуқни хомиладор аёл атрофида айлантириб дон сепган. Туғруқ муваффақиятли ўтгач, товуқ сўйилиб она ва бола қонланган⁶⁶⁴.

Биби Сешанба таомини тайёрлашнинг маълум бир шартларидан бири авваллари еттита бева аёлнинг қатнашуви зарур бўлса, ҳозирда биргина таом тайёрлайдиган аёлгина бева бўлиши ва маросим иштирокчилари сони еттита бўлиши шарт ҳисобланади. Лекин бева аёл томонидан тайёрланган умоч ошини асосан бева аёллар ёки қизлар ичганлар. Эри бор ва хомиладор аёлларнинг атала ичиши қатъий тақиқланган. Ўз навбатида, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, эри узоқ муддатли сафарга кетган ёки қорнидаги ҳомиласи қиз эканлиги маълум бўлган аёллар ҳам атала ичишлари мумкин деб ҳисобланган. Баъзи ҳолларда агар бирор аёл билмасдан аталани ичиб қўйса, у эри билан бир ой муддат мобайнида жинсий алоқа қилмаслиги лозим бўлган. Одатда, уч чоршанба уч марта атала қилингандан сўнг мушкулкушод қилинган. Демак, биз бундан шуни кўришимиз мумкинки, мазкур маросимда пишириладиган таом махсус ҳомий аёл култи шарафига бағишланган. Чунки айнан мазкур маросимда пиширилган таомни эркаклар ичиши ёки ҳомиласи ўғил бўлган аёлнинг истеъмол қилиши тақиқланган.

Дарҳақиқат, аёллар иштирокида ўтказилувчи йиғинлар, асосан, ҳомий аёл културларига бағишланганлиги боис мазкур маросимларда тайёрланадиган таомлар ҳам айнан шу културлари билан боғлиқ бўлган. Жумладан, Биби Сешанба маросимида пишириладиган асосий таом «*умоч оши*»нинг бева аёл томонидан тайёрланиши мазкур ҳомий култур ифодаси эканлигини англатади. Қолаверса, Биби Сешанба тўқувчи аёлларнинг ҳам ҳомий пири ҳисобланганлиги сабабли айнан мазкур кунда тўқувчи аёлларнинг ип йигирিশлари қатъий тақиқланган. Агар унинг шарафига бағишлаб махсус маросим ўтказилмаса ҳомий пир жазолайди, деган тасаввур ва

⁶⁶² Дала ёзувлари. Наманган вилояти Уйчи тумани. 2004 йил.

⁶⁶³ Горшунцова О.В. Идея двух начал в культе плодородия у народов Средней Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. — М., 2001. — С. 223.

⁶⁶⁴ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... — С. 241.

ҳадик бўлган. Шу боис олдинлари Тошкентда тўқувчилар орасида ип йигириш туфайли топган маблағларидан маълум бир қисмини пирлари Биби Сешанба шарафига махсус зиёфат уюштириш орқали эҳсон қилиш одати бўлган⁶⁶⁵. Умуман, ҳозирда ҳам айрим кишиларда чоршанба кун ип йигириш хайрли амал эмас, деган тасаввур сақланиб қолган⁶⁶⁶. Қадимги халқлар орасида аёлларнинг барча мифологик персонажлари, жумладан, ўзбек ва тожиклар орасида кенг тарқалган “Деви сафед”, “Биби Сешанба”, “Биби Расанда” сингари аёллар ҳомийлари тўқувчилик касби билан боғлиқ бўлган. Таниқли археолог Р. Сулаймоновнинг ёзишича, ип йигириш ва тўқувчилик касбининг ҳомийлари ҳисобланган бу “момолар” ўзбек ҳамда тожикларнинг аجدодлари - сўғдийларнинг қадимги қудратли тақдир илоҳалари ҳақидаги фольклор хотиралари билан боғлиқдир⁶⁶⁷. Қолаверса, қадимги одамлар тасавбурида ип йигириш билан шуғулланиш маълум маънода космогоник характер касб этган ва туғилиш, никоҳ, ўлим билан семантик алоқадор бўлган. Бунда ип йигириш алоҳида индивидлар тақдирининг рамзий ифодаси бўлса, тўқувчилик космогоник акт (бутун оламнинг яратилиши) билан боғланади⁶⁶⁸.

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Дўсти Худо зиёратгоҳида аёллар иштирокида баҳор кириб келиш вақтида Республикамининг бошқа ерларида учрамайдиган *арғувонгул* ёки маҳаллий аҳоли тилида *гули армуғон* деб аталувчи сайил ўтказилади. Баҳорнинг эрта ёки кеч келишига қараб март ёхуд апрел бошларида ушбу гулнинг пушти рангда очилиши маросимий тарзда байрам қилинган ва қишлоқ аёллари томонидан айнан мазкур маросимга хос таомлар тайёрланган. Дастлаб ундан тайёрланувчи *чалтак*, *ҳолвайтар*, сўнгра *шўрва*, *палов* пиширилган. Ушбу маросимда тайёрланган таомлар асосан аёллар томонидан истеъмол қилинган. Ҳар бир таомни тановул қилиш чоғида отин аёллар томонидан Куръон оятлари ўқилган. Шунингдек, бу кун айнан аёллар давра бўлиб «зикри жаҳр» (суҳбат ҳам дейилади) тушганлар. «Зикри жаҳр» ярим соат мобайнида айтилган. Шундан сўнг гули армуғон атрофида аёллар ўз ниятларини баён этиб айланишган. Маросим сўнггида Дўсти Худо мозори

⁶⁶⁵ Андреев М.С Женская богиня «госпожа вторник», покровительница пряж ... – С. 311.

⁶⁶⁶ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани Абдуллабий қишлоғи. 2003 йил.

⁶⁶⁷ Сулаймонов Р. Нахшаб унутилган тамаддун сирлари.. – Б.43.

⁶⁶⁸ Сулаймонов Р. Нахшаб унутилган тамаддун сирлари ... – Б. 43.

зиёрат қилиниб, ўтган аждодлар ва Дўсти Худога бағишлаб дуои фотиҳа ўқилган.

Демак, юқоридаги фикр-мулоҳазалардан шунга амин бўлиш мумкинки, айнан аёллар томонидан ўтказилувчи баъзи маросимларда тайёрланган таомларга бўлган табу эркакларнинг иштироки тақиқланишига сабаб бўлган. Қолаверса, бу маросимлар генезисига кўра Ўрта Осиё худудидаги қадимги аёл культлар, жумладан, Анахита култи билан боғлиқ бўлган. Тарихдан аёнки, Анахита деҳқончилик ва чорвачилик, ҳосилдорлик ва пишиқчилик маъбудаси бўлган, унинг қудратига инсон ва ҳайвонлар, қушлар ва барча жониворлар ҳам бўйсунган, деб ҳисобланар эди. Ана шу қудратли ишонч зардуштийлик динига, сўнгра ундан ислом динига кириб келди. У мусулмон халқлари орасида «Биби Мушкулкушод», яъни ҳар қандай мушкулдан халос этувчи Она образида ўз ўрнини тиклаган. Г.П. Снесарев фикрича, ислом дини Ўрта Осиёга кириб келгач, Анахитанинг вазифаси мусулмонлар орасида муқаддаслаштирилган. У Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.в.) қизлари Биби Фотима ва маҳаллий аҳоли орасидан чиққан Анбар она номи билан машҳур бўлган аёллар ҳомийсига бевосита ўтиб кетган⁶⁶⁹.

Фарғона водийсининг маҳаллий мусулмон аҳолиси орасида ҳам диний байрамлар таркибига кирувчи Рамазон ва қурбон ҳайитлари ўзига хос катта тантана, байрам сифатида нишонланган. Бу байрамлар муносабати билан махсус маросимий ширинликлар ва таомлар пиширилган. Айниқса водий аҳли томонидан мазкур ҳайитлардан бир кун аввал арафа кечаси барча хонадонларда маросимий таом тарзида палов тайёрлаш яхши бир анъанага айланиб улгурган. Ушбу кун ҳар бир хонадонда палов тайёрланиб, қўни-қўшнилар ва яқин қариндошлар орасида ўзаро алмашилган. Удумга кўра арафа кунни фақатгина яқинда кимдир вафот этган хонадонларда палов тайёрланмайди ва бу кун ўтган аждодлар руҳига бағишлаб йўма, чавати, ҳолвайтар каби маросимий таомлар тайёрланади.

Ушбу маросимий таомлар хусусида гап борганда шуни ҳам қайд этиш ўринлики, ўзбеклар орасида ҳафтанинг маълум бир кунларига бағишланган махсус таомлар пишириш одати ҳам кенг тарқалган. Жумладан, Тошкент шаҳри ўзбекларида сешанба кунини маросимий таом — ширгуруч (гуручни сутда пишириб тайёрланган шавласимон куюқ таом) пиширилган ва отинойи таклиф этилиб Қуръон ўқитилган. Шунингдек, айнан мазкур кунда *ҳолвайтар* тайёрланган ва у беш ёки етти қўшниларга тарқатилган. *Ҳолвайтар* одада, қовурилган унга шакар шиннисини қўшиш орқали тайёрлан-

⁶⁶⁹ Снесарев Г.П. Реликты домусльманских верований у узбеков... — С. 243.

ган. Водийда эса мотам маросимларида марҳум руҳига бағишлаб *ҳолвайтар* тайёрланган ва у мотам маросимига ташриф буюрган аёлларгагина тарқатилган. Элшунос олима Б.Х. Кармишеванинг ёзишича, Фарғона вилояти Оқшоҳ қишлоғи ўзбекларида ялангоёқ ҳолда билмасдан пешоб қилиб қўйган одамга ҳолвайтар нариги дунёда кафил бўлади, деган нуқтаи назар мавжуд эди⁶⁷⁰.

Ҳолвайтарнинг қадимий маросимий таом эканлиги борасида ёзма манбаларда ҳам айрим маълумотлар учрайди. Жумладан, Абу Райҳон Беруний сўғдийлар ф-г-кан ойининг иккинчи кунинда (сўғдийлар тақвимининг еттинчи ойи) М-н-и-д-Хвара байрамини ўтказганлар ва ушбу кун улар олов ибодатхонасида йиғилганлар ҳамда тариқ уни, ёғ ва шакар қўшиб тайёрланган овқат ейдилар, деб ёзган.⁶⁷¹ Бизнингча, Беруний томонидан зикр этилган ушбу таом аёллар томонидан тайёрланадиган ҳолвайтар бўлса керак.

Ўзбекларда “чоршанба — муродбахш кун”, “чоршанба — зиёрат кунини” деган тушунчалар ҳам мавжуд. Яъни «чоршанба кунини бошланган ишнинг охири бордир», ёки «бу кунини қандай ният қилинса, у ижобат бўлади» деб қаралган. “Биби Чоршанба”ни “Биби мушкулкушод” деб аташлари ҳам шу қарашлар билан боғлиқ. Аксарият аёллар ўша кунини мушкулкушод маросими ўтказиб, унда Куръон тиловат қиладилар⁶⁷². Шу ўринда «мушкулкушод» сўзининг луғавий маъносига эътибор берайлик. «*Мушкул*» — қийин, душвор маъносини, «*кушод*» — очувчи, яъни қийинчиликларни енгувчи, мушкуллик ва бандларни ечувчи маъносини англатади⁶⁷³. Бу ўринда “ечиш”, “очиш” иборалари диний-магик маъно ҳам касб этган ва кўплаб қадимий халқларга хос бўлган. Машҳур диншунос олим Мирчелла Элиадининг ёзишича, Ҳиндистон ва Эроннинг қадимги динларида тугун касаллик ва ўлимдан сақловчи магик символика ҳисобланган⁶⁷⁴.

Ушбу маросим Фарғона водийси ўзбекларида, асосан, “муш-

⁶⁷⁰ Кармишева Б.Х. Архаическая символика ... — С. 175.

⁶⁷¹ Бируни А. Избранные произведения. — Т., 1957. Т. 1. — С. 254.

⁶⁷² Мушкулкушод маросими тўғрисида батафсилроқ қаранг: Сухарева О. Ислам в Узбекистане. — Т., 1960; Муродов О.М. Трансформация мифологических и легендарных образов в таджикско-персидских хрониках. — Душанбе: Дониш, 1986. — С. 199; Фатхи Х. Смысл женских ритуалов Биби Мушкулкушод и Биби Сешанбе в современной Центральной Азии // Марказий Осиёдаги анъанавий ва замонавий этник жараёнлар. — Т., 2005. — С. 13-24.

⁶⁷³ Муҳиба Саййид Ҳасан қизи. Валий волидалар. — Т.: Ёзувчи, 1999. — Б. 30.

⁶⁷⁴ Mircea Eliade: Images et symboles. Essai sur le symbolisme magico-religieux. — Paris, Gallimard, 1980; Фатхи Х. Смысл женских ритуалов ... — С. 17

кулкушод”ни ташкиллаштирган аёл хонадониди ва айрим ҳолларда зиёратгоҳларда ўтказилади. Маросим дастурхонида қуйидагилар бўлиши шарт ҳисобланган: идишда ун ва сув, шакар, майиз (қуритилган кишмиш), тоза пахта, чироқ ва нон. Бу ерда ун, шакар ва пахта рамзий маънода аёл ибтидоси ҳисобланади⁶⁷⁵. Нон, сув, майиз эса ҳосилдорлик тимсоли ҳисобланган. Фикримизни Биби Мушкулкушод қиссасидан олинган қуйидаги сўзлар ҳам тасдиқлайди:

*Биби ҳақиға ким кишмиш улашса,
Ажаб эмас худо фарзанд берса.*

Маросимнинг локал вариантларида нон, албатта, махсус усулда пиширилиши ва у ширмон нон бўлиши лозим бўлган.

Маросим бошланишида отин ўз сўзини «бисмиллоҳ»дан бошлаб салават билан давом эттиради. Дуо сўнгиди айтиладиган «Омин»га барча иштирокчилар жўр овоз бўлиб қўшиладилар. Шу жараёнда бирин-кетин кишмиш чўплари, думчалари олинади, пахтани кичик-кичик қисмларга бўлиб, уларнинг ҳар бирига олинган майиз калтакчалари қўйиб чиқилади. Пахтанинг жами қисмлари қирқга бўлиши лозим. Отин бу маҳалда Қуръон сураларидан тиловат қилади. Майизлар тугагач, салават ҳам интиҳосига етади. Шундан кейин дастурхонга маросимий таом тарзида палов тортилади. Маросим якунида кишмиш думчалари ўралган пахталар оқар сув — ариқ, анҳор, канал ёки дарёга ташланади. Уни ташлашдан олдин «*Мушкулумиз осон бўлсин, ҳожатимиз равон бўлсин!*», деган ният билдирилади. Илгари сув тегирмонлари мавжуд бўлган пайтда пахта тегирмон новига ташлаб юборилган⁶⁷⁶. Аммо ҳозир бу вазифани сув ҳавзаларининг ўзи бажаради. Пахта ташлаш асносида ҳар бир аёл ўз тилагининг ижобат бўлишини сўрайди. Биз кузатувларимиз жараёнида барча аёллар пахтани сувга оқизиб, шу йўл билан ўз мушкуллари осон бўлишига ҳаракат қилишларига гувоҳ бўлдик.

Водий ўзбекларида чоршанба куни марҳумлар руҳига бағишлаб *ўйма* пиширилиб, «ис» чиқарилади. Тошкент ўзбекларида эса *ўйма*

⁶⁷⁵ Аёлларнинг барча ҳомий культлари Анбар она, Деви Сафед, Биби Сешанба ва Биби Мушкулкушод оқ либосда тасвирланганлиги оқ рангнинг аёл тимсоли ифодаси эканлигига ишорадир. *Қаранг: Горшунова О.В. Идея двух начал в культе плодородия у народов Средней Азии //Среднеазиатский этнографический сборник. М., 2001. — С. 223.*

⁶⁷⁶ *Хабиба Фатхи. Значение женских ритуалов «Биби Мушкулкушод» и «Биби Сешанба». — С.18.*

Ўрнида бўғирсоқ қилинади. Умуман олганда, чоршанба мушкуллардан халос бўладиган кун ҳисобланган. Шу боисдан ҳам айнан чоршанбада оиладаги барча муаммолар ечилсин деб «тугун оши» сифатида *чучвара* пиширилади. Ушбу кун тайёрланадиган чучвара учун хамир зуваласи охиригача пиширилган ва у 5 ёки 7 қўшнига тарқатилган. Баъзи ҳолларда эса 5 ёки 7 қўшни аёллар хонадонга чорланиб, уларга зиёфат берилган. Тугун ошини тайёрлаш жараёнида охириги 5 та ёки 7 та чучваранинг тугунлари ечиблиб кетсин деб тугилган жойидан ечиб қозонга солинган.

Пайшанба кунини Фарғона водийси ўзбекларида *марҳумлар кунини* дейилган⁶⁷⁷. Бу кун ўтган аждодлар, арвоҳлар ҳақиқага деб палов тайёрланиб Қуръон оятларидан ўқилиб, ис чиқарилади ва чироқ ёқилади. Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги ўзбек-туркларда эса бу кун маросимий таом сифатида «*қора ош*» («қора ош» борасида бироз кейинроқ батафсил маълумот берамиз) қилинади⁶⁷⁸.

Юқорида таъкидлаганимиздек, халқона анимистик тасаввурларга биноан марҳум вафотидан сўнг унинг арвоҳи вақти-вақти билан, айниқса, пайшанба кунини ўзи яшаган уйга ташриф буюриб туради. Агар бу кун ис чиқарилиб арвоҳ оши пиширилса ва ўтган аждодлар руҳига бағишлаб Қуръон оятлари ўқилиб, дуои фотиҳа қилинса арвоҳлар шодланади деган тушунча мавжуд. Агар бунинг акси бўлса, марҳумлар руҳи безовта бўлиб ушбу уйдаги авлодларидан бирортасига зарар етказиши мумкин, деб ҳисобланган. Тожик этнографи О. Муродовнинг ёзишича, ўзидан кейин бирор яқин кишиси қолмаган аёл марҳумлар арвоҳи оч қолиши оқибатида улар ёвуз, тирикларга зарар етказувчи руҳларга айланиб қолар эканлар⁶⁷⁹. Тошкент шаҳри ўзбекларида бундай тарзда қилинган ислик ва дуои фотиҳадан қарғишга қолган одамлар арвоҳи ҳамда никоҳсиз тугилган кишилар руҳлари баҳраманд бўла олмайди, деган қараш мавжуд бўлган⁶⁸⁰.

⁶⁷⁷ Бундай қараш бошқа минтақаларда яшовчи ўзбеклар ва тожиклар орасида ҳам мавжудлиги илмий адабиётларда таъкидлаб ўтилган. Қаранг: *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма ... С. 117; Таджики Каратегина и Дарваза. — Душанбе, 1976. Вып. 3. — С. 158.

⁶⁷⁸ *Дала ёзувлари.* Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2004 йил.

⁶⁷⁹ *Муродов О.* Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зерафшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. — М., 1975. — С. 120.

⁶⁸⁰ *Андреев М.* Таджики долины Хуф:(Верховья Амударьи). — Сталинабад, 1953. Вып.1. — С. 196.

Шанба куни эса чилтонлар ҳаққига деб *шавла* пиширилади ва уч дона чироқ ёқилади. Тошкент ўзбекларида шавлага 3—5 дона ўрик, қозоқларда эса лавлагги солиб пиширилади⁶⁸¹. Ўш вилояти Қорасув туманидаги Қашқарқишлоқда яшовчи уйғурларда никоҳ маросимлари таркибига кирувчи сеп ёйди маросими куни маросимий таом тарзида шавла тайёрланади.

Демак, юқоридаги факт ва далиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Фарғона водийсида ҳам Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари ўзбеклари сингари ҳафта кунларига алоҳида эътибор қаратилган ва бу кунлар билан боғлиқ кўплаб ритуал, рамзий, маросимий таомлар пиширилган.

Бундай таомлар тўғрисида сўз юритилганда мотам маросимлари таомлари ўзига хослиги билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фарғона водийсининг азалий ўтроқ ўзбеклари ва тожикларида удумга кўра ўлик чиққан хонадондан 3 кунгача ва марҳум вафот этгандан кейинги дастлабки арафа кунлари қозон қайнатилиб, таом пиширилмаган⁶⁸². Бу кунлари марҳумнинг яқин қариндошлари ва қўни-қўшнилар томонидан тайёрланган таомлар фотиҳа ўқигани келганларга берилган. Арафа куни эса марҳум яшаган хонадон дастурхонига *ҳолвайтар ва талқон* қўйилиши шарт бўлган. Гарчи мотам маросимларида бирор киши вафот этган хонадонда маросимий таом тайёрланмаса-да, марҳумнинг яқинлари ва қўни-қўшнилар томонидан унинг уйига турли таомлар пишириб келиш одати замирида ушбу жамоанинг маълум маънода ижтимоий бирлашуви, ҳамкорлиги ҳамда аздорларга ҳамдарлик изҳор этиш айнан улар тайёрлаб келган таомлар воситасида намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Фарғона водийси ўзбеклари мотам маросимларида маросимий таом сифатида *ҳолвайтар* билан бирга *қатлама* ҳам тайёрланган. Бу оламдан таомлар тўғридан-тўғри ўтган аждодлар арвоҳига бағишланган. Халқона тасаввурларга биноан вафот этган аждодлар руҳи айнан мазкур кунда пиширилган таомдан эмас, балки таомни тайёрлаш мақсадида ишлатилган ёғ исидан озиқланар экан. Шу боис маросимий таом шаклида *қатлама* тайёрлаш одати бўлган. Демак,

⁶⁸¹ Дала ёзувлари. Ўш вилояти Қорасув тумани Қашқарқишлоқ қишлоғи. 2005 йил.

⁶⁸² Бу хусусида айрим этнографик адабиётларда маълумотлар берилган. Қаранг: *Налиевкин В., Налиевкина М.* Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы.. — С. 235.: *Кармышева Б.Х.* Архаическая символика.. — С. 147.

биз бундан шунга амин бўламызки, қатлама хоҳланган пайтда тайёрланадиган таом эмас, балки ҳомий руҳлар учун пишириладиган маросимий пишириқ экан. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, марҳумлар руҳи мой ҳидидан озиқланиши тўғрисидаги анистик нуқтаи назар водий ўзбеклари орасидагина эмас, Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида яшовчи ўзбеклар ва тожиклар, татарлар, турклар, қорақалпоқлар орасида ҳам кенг тарқалган⁶⁸³.

Бирор кишининг вафотига уч кун бўлганда худойи қилинган. Бу маросимда худо йўлига, марҳум руҳига бағишлаб қўй сўйилган ва қурбонлик гўшtidан шўрва ёки палов тайёрланиб, ҳамдардлик билдиргани келганларга улашилган.

Фарғона водийси ўзбеклари мотам маросимларидаги археик кўри-нишларни махсус тадқиқ этган таниқли этнограф Б.Х. Кармишевнинг таъкидлашича, ушбу маросимнинг учинчи куни айнан шу йиғинга бағишлаб сўйилган қўй гўштининг етти қисмидан атала тайёрланади⁶⁸⁴. Муаллиф бу одат илдизларини археик зардуштийлик эътиқоди билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, мотам маросимининг учинчи куни қўйнинг етти қисмидан атала тайёрлаш одати қадимий зардуштийлик анъанаси билан боғлиқ эканлигини замонавий зардуштийлар мотам маросимларида ҳам марҳум вафотига уч кун тўлгунга қадар унинг яқинлари томонидан гўштли таом ейиш тақиқланганлигида кўришимиз мумкин. Тўртинчи кунга ўтар кечаси махсус мотам маросими учун сўйилган қўйнинг етти қисмидан махсус таом — andom тайёрланади⁶⁸⁵.

Дала тадқиқотларимиз жараёнида биз Фарғона водийси ўзбеклари орасида марҳумнинг яқинларига мотам маросимлари учун сўйилган қўй гўшти, айниқса, калла гўшtidан ва тухум ейишлари тақиқланганлигини кузатдик. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, марҳумнинг қариндошлари қурбонлик гўшtidан ёки тухум еб қўйсалар, гўёки вафот этган кишининг бутун авлоди қирилиб кетар эмиш⁶⁸⁶. Марҳумнинг энг яқин қариндошларига унинг ва-

⁶⁸³ Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: *Сухарева О.А.* Ислам в Узбекистане. — Т., 1960. — С. 34; *Народы Средней Азии и Казахстана.* — М., 1962. т.1. — С. 312-313; *Снесарев Г.П.* Реликты... — С. 117-118; *Татары Среднего Поволжья и Приуралья.* — М., 1967. — С. 176, 349; *Будагов Б.* Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. — СПб., 1869. Т. 1. — С. 520; *Есбергенов Х.К.* вопросу о борьбе с пережитками устаревших обычаев и обрядов // СЭ. — 1963. — № 5. — С. 36.

⁶⁸⁴ *Кармишева Б.Х.* Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы.. — С. 168.

⁶⁸⁵ *Литвинский Б.А., Седов А.В.* Культы и ритуалы ... — С. . 167.

⁶⁸⁶ Дала ёзувлари. Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Олабуқа тумани Оққўрғон қишлоғи. 2003 йил.

фотига қирқ кун бўлгунига қадар тухум истеъмол қилиш тақиқланган. Агар улар билмасдан тухум еб қўйсалар ушбу хонадондан яна ўлик чиқиши мумкин, деб ҳисобланган. Тухумга қадимдан серпуштлик тимсоли сифатида қаралган. Шу боис никоҳ маросимларида келин-қуёвга чимилдиқда бериладиган таомлар орасида албатта тухум бўлган.

Шу ўринда нима сабабдан мотам маросимлари озиқ-овқатлари га бундай тақиқ бўлган? — деган савол туғилади. Хоразм ўзбеклари анъанавий турмуш тарзидаги қадимий диний эътиқодлар қолдиқларини махсус тадқиқ этган олим Г.П. Снесаревнинг ёзишича, марҳум чиққан хонадонда уч ва ундан ортиқ кун мобайнида олов ёқиб овқат тайёрлашга бўлган тақиқ марҳумнинг маросимий нопоклиги билан боғлиқ бўлиб, унинг илдиzlари зардуштийлик динига бориб тақалади⁶⁸⁷. Дарҳақиқат, зардуштийлик концепциясига кўра инсон вафотидан сўнг маросим нопок ҳисобланган. Жумладан, Ведивдотда киши вафотидан кейин унинг яқинлари қачон таом пишириб ейиши мумкин деган саволга марҳумни уйдан олиб чиқиб кетилгандан кейин деган жавоб қайтарилган⁶⁸⁸. Лекин қанча муддат ўтгандан кейинлиги ноъмалум. Бироқ кейинги даврдаги зардуштийлар маросимларини ўрганган муаллифларнинг ёзишларича, замонавий зардуштийларда марҳумнинг уйдагилар ва дафн маросими га ташриф буюрган яқин қариндошларнинг уч кун мобайнида гўштли таомларни тайёрлаб ейишлари тақиқланган⁶⁸⁹. Марҳум ётган уйда уч кеча-кундуз, аниқроғи учинчи тун ўтмагунча ҳар қандай гўшти ни қурбонлик тарзида олиб келиш тақиқланган. Бу борада фақатгина пишлоқ, мевалар, тухум, ширинликлар ейиш, сут ичиш мумкин бўлган ва ҳар қандай жонивор гўштини истеъмол қилиш қатъий тақиқланган⁶⁹⁰.

Водий ўзбеклари ва тожикларида фақатгина марҳум чиққан уйда уч кун давомида иссиқ овқат тайёрлашга бўлган тақиқ сақланиб қолган. Қўни-қўшнилари ва яқин қариндошлари томонидан олиб ке-

⁶⁸⁷ Снесарев Г.П. Реликты домусьманских верований узбсков Хорезма ... — С. 131, 137-138.

⁶⁸⁸ *Авесто* / А.Маҳкам таржимаси — Б. 15

⁶⁸⁹ Dhabbar E.B.N. The Persian rivayats. — Bombay, 1932. — P. 165-166.

⁶⁹⁰ *Sayast-nū-ēzyast*: A. Pahlavi Text on Religious Customs / Ed. by J.C. Tavadia. — Hamburg, 1930. — P. 67.

линган иссиқ овқат, шу жумладан, гўштли овқатларни ҳам уч кун мобайнида истеъмол қилиш мумкин бўлган. Шу боисдан ҳам бу одатни тўла-тўқис зардуштийлик билан боғлиқ удум сифатида талқин қилиб бўлмайди. Чунки, биринчидан, ўз яқинидан айрилиб қолган марҳумнинг энг яқин кишилари учун бу кунлар таом тайёрлаш руҳий жиҳатдан оғир бўлса, иккинчидан, бу айнан мазкур уйнинг маросимий нопок бўлганлиги, яъни жон бераётган одамнинг гўё қон сачратиб уйни маросимий нопок қилиши билан боғлиқ бўлса керак⁶⁹¹.

Фарғона водийсида яшовчи турклар, қипчоқлар ва қирғизларда ўтроқ ўзбеклар ва тожиклардан фарқли равишда марҳум дафн этилмасдан аввал қўй сўйиб маросимий таом — *шўрва* тайёрланади. Лекин тайёрланган *шўрва* марҳумни қабристонга дафн этиб келингандан сўнг ичилган. Бу таом халқ орасида “қора ош” деб ҳам юритилган⁶⁹². “Қора ош” деганда мотам маросимида марҳум дафн қилинган кун тайёрланадиган маросимий таом тушуниланган. Қора ошнинг оддий ошдан фарқи шундаки, унга оддий ошдагидай пиёз солмасдан пиширилади. Чунки пиёз аччиқ маҳсулот бўлганлиги сабабли агар у қора ошга қўшилса совуқ маракага яна аччиқлик қўшилиб кетиши мумкин, деб ўйланган⁶⁹³.

Фарғона вилояти Каптархона қишлоғида марҳумнинг қирқида маросимий таом кўринишида 5 хил — *атала*, *ҳолвайтар*, *толқон*, *ўрик шарбати* ва *шавла* тайёрланиб ҳамдардлик билдиргани келганларга тарқатилган.

Водийнинг бошқа ҳудудларида яшовчи ўзбекларда марҳумнинг қирқи ўтказиладиган кун маросимий таом шаклида *ҳолвайтар* тайёрлаш удуми кенг ёйилган. Қолаверса, айнан мазкур маросим иштирокчилари учун *чучвара*, *мошкичири*, *шавла* каби енгил овқатлар тайёрланган ва ўрик қоқи сувда қайнатилиб *шарбат* тайёрланган. Кекса кишиларнинг таъкидлашларича, ўрик шарбатининг ҳиди қабристонгача етиб борар ва ундан марҳум арвоғи ҳам баҳраманд бўлар экан⁶⁹⁴.

⁶⁹¹ Бу борада тадқиқотнинг мотам маросимлари қисмида батафсил маълумотлар берилган.

⁶⁹² *Дала ёзувлари*. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи. 2004 йил.

⁶⁹³ *Дала ёзувлари*. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2004 йил.

⁶⁹⁴ *Дала ёзувлари*. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Чўнғбағиш қишлоғи. 2003 йил.

Водий ўзбекларида анъанавий таомлар кундалик истеъмол маҳсулотни вазифасини бажарибгина қолмай маълум бир рамзий маънони ҳам англатган. Жумладан, водийдаги ўзбек-қипчоқларида турмушга чиқадиган қизнинг уйига катта совчилар келганда пиширилган таомдан қиз томоннинг розилиги ёки рози эмаслигини ҳам англаб олиш мумкин бўлган. Агар қиз томон келган совчиларга рози бўлса, улар олиб келган маҳсулотдан палов тайёрланган, ёки бунинг акси бўлса, қизнинг онаси совчилар олиб келган маҳсулотни ишлатмаган ва ўзининг уйидаги масаллиқлардан шўрва тайёрлаган. Бунда келган совчилар пиширилган таомдан ҳам қиз томоннинг розилигини ёки рози эмаслигини таомга қараб била олишлари мумкин бўлган. Биз бу ўринда анъанавий таомларнинг яна бир функциясини, яъни рамзий характер касб этишини кўришимиз мумкин. Ўз ўрнида шуни ҳам қайд этиш жоизки, водий ўтроқ ўзбеклари никоҳ маросимида маросимий таом сифатида палов пиширилса, қипчоқлар, туркларда шўрва тайёрланган.

Водий қипчоқларида бошқа туркий халқлардаги сингари куёв куёвнавкарлар билан қизнинг уйига ташриф буюрган пайтда унинг олдига дастлаб тўққиз товоқ олиб кирилган⁶⁹⁵. Тўққиз товоқда тўққиз хил таом бўлган. Жумладан, *қўйнинг пиширилган тўши, сут ош, қовурдоқ, чучвара, қовоқ сомса, кулчатой, шўрва, қатлама, палов* олиб кирилган. Пиширилган таомлардан учтаси асосий ҳисобланган ва улардан бири қизнинг онаси томонидан тайёрлаган. Айнан қизнинг онаси тайёрлаган овқат “она товоқ” деб аталган. “*Она товоқ*” кўринишида, асосан қўй тўши киритилган ва у тўйнинг энг севимли, ҳурматли таоми ҳисобланган. Ўз навбатида, куёв мазкур таомни ўзининг энг қадрли меҳмонига илинган. Шуни ҳам қайд этиш ўринлики, пишган гўштнинг энг «ҳурматли» қисмини улашиш одати нафақат водий ўзбек-қипчоқлари, балки барча чорвадор халқларда ҳам бўлган⁶⁹⁶. Маросим якунида олиб келинган таомлар еб бўлингандан сўнг куёв ва унинг дўстлари миннатдорчилик рамзи сифатида товоқларга пул солиб қайтариб юборганлар. Бундай одат водий қипчоқларидан ташқари қирғизларда ҳам бўлган⁶⁹⁷.

Анъанавий никоҳ тўйи тантаналарида таомлар маросимий аҳамият

⁶⁹⁵ Тўққиз рақамининг магик хусусиятлари борасида батафсилроқ қаранг: *Жўраев М.* «Сехрли» рақамлар сири. – Т., 1990.

⁶⁹⁶ *Потапов Л.П.* Пища алтайцев // МАЭ. Т. XIV. – Л., 1953; *Ильминский И.Н.* Древний обычай распределения мяса, сохранившийся у киргизов // Изв. Археолог. об-ва. Т. II. Вып. 3. 1861; *Абрамзон С.М.* Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи ... – С. 158-161.

⁶⁹⁷ *Абрамзон С.А.* Свадебные обычаи у киргизов Памира // Труды АН ТаджССР. Т. 20. – М., 1959. – С. 35.

касб этибгина қолмай қатор афсунгарлик функцияларини ҳам адо этган. Жумладан, Наманган шаҳри ўзбекларида никоҳ кечаси ёш келин-куёвларга келгуси ҳаётлари асалдай тотли бўлсин, деб асал ялатилган ёки “келин-куёв ҳаёти келгусида мошдай бир-бирига қоришиб кетсин”, “*мошдай серҳосил ва серфарзанд бўлсин*” деган ниятда келин тушириб келинганда дастурхонга турли ноз-неъматлар билан биргаликда мошкичири тортилган. Ушбу мошкичирини фақат шу ерда ўтирган аёлларгина истеъмол қилганлар. Одатга биноан ушбу таом эркакларга берилмайди. Бунда янги келин ўзининг янги уйида мош-гуручдек аралашиб кетсин, мошкичиридек мулоғим, ювош ва киришимлик бўлсин, деган афсунгарлик нияти мужассамлашган. Дарвоқе, мошкичирининг афсунгарлик хусусияти борасида сўз юритганда шуни ҳам қайд этиш жоизки, мотам маросимларида пишириладиган таомлар орасида ҳеч қачон бу таом бўлмаган. Чунки мошкичири қилинса ушбу уйда яна бир бор мотам бўлиши мумкин деб ирим қилинган⁶⁹⁸.

Никоҳнинг эртаси куни келиннинг онаси куёвига атаб нонушталик жўнатган. Бунда нонушталикка асосан тухум пиширилган⁶⁹⁹. Биз бу ўринда тухумнинг серпуштлик, қувватдорлик, сердавлатлик хусусиятларига бўлган афсунгарлик ишончини кўрамыз.

Тўйдан сўнг ўтказиладиган «*куёв чақирди*» маросимида келиннинг қизлик хонадонидан хамиртуруш, ёғ, туз ва турли-туман рўзғор буюмлари юборилган. Бунда келиннинг ушбу хонадондан узилган нони-тузи энди унинг ўз хонадонига қўшилсин, деган афсунгарлик умиди-илинжи мужассамлашган. Демак, юқоридаги мисоллар шундан далолат берадики, анъанавий оилавий удумларда нон, тухум, мошкичири каби таомлар ўзига хос афсунгарлик функциясини адо этган маросимий аҳамиятга эга таомлар ҳисобланган.

Ўзбекларда моддий олам (жонли ва жонсиз нарсалар) хусусиятига кўра «иссиқ» ва «совуқ»қа бўлинган. Шу жумладан, ҳар қандай озиқ-овқат ҳам ўзининг таркибига кўра «иссиқлик» ёки «совуқлик»қа ажратилган. Масалан, *қовун ва тарвуз, палов ва шўрва, сут ва қатиқ, қора чой ва кўк чой*. Бу ерда биринчи ўринда турган нарсалар доимо *иссиқлик* деб эътироф этилса, иккинчиси *совуқлик*

⁶⁹⁸ Дала ёзувлари. Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Қорасув тумани Қашқарқишлоқ қишлоғи. 2003 йил.

⁶⁹⁹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 2006 йил.

ҳисобланган. Фарғона водийси ўзбеклари сигир ва эчки гўштини ҳар қандай ҳолатда (қайнатилган, қовурилган, хом, совуқ ёки иссиқ) бўлишидан қатъи назар «совуқлик», қўй гўштини эса «иссиқлик» ҳисоблаганлар. Агар мижози иссиқ бўлган одам совуқлик еб қўйса ёки аксинча бўлса, унинг соғлигига ёмонлашар экан. Анъанавий озиқ-овқатларнинг иссиқлик ва совуқликка бўлиниши уларнинг айрим ҳолларда тарқалиш ҳудудларига ҳам маълум маънода таъсир кўрсатар экан. Жумладан, халқимизда кўк чой совуқлик дейилганлиги боис асосан иссиқ минтақаларда жазирама об-ҳавода фойдали ичимлик сифатида, қора чой эса нисбатан иқлими совуқроқ ҳудудларда совуқ ва намгарчиликдан ҳимоялайдиган восита сифатида ичилган. Шу боис қора чойни кўпроқ шимолий ҳудудларда, кўк чойни эса жанубий минтақаларда ичишган⁷⁰⁰. Бу борадаги бошқа бир талқинга кўра қора чойни қора сувдан, яъни ер остидан чиқадиган сувдан, кўк чойни эса “оқ сув”дан, яъни тоғлардан оқиб келадиган оқар сувдан тайёрлаб ичилади⁷⁰¹. Қолаверса, айнан Фарғона водийси ўзбеклари тасаввурида “оқ сув” эркак сув, “қора сув” эса аёл сувга бўлинади⁷⁰².

Халқимиз орасида нафақат сув, балки айрим ҳолларда бир таом ёки озиқ-овқатлар ҳам ўз таркибига кўра «иссиқлик» ва «совуқлик»ка бўлинган. Жумладан, водий ўзбекларида тухумнинг оқи «совуқлик», сариғи эса «иссиқлик» ҳисобланган. Халқ табобатида кун (күёш) уриб иссиғи чиққан болаларга совуқлик сифатида тухумнинг оқи, қатиқ ва аччиқтош бўлаги берилган⁷⁰³, ёки аксинча «совуғи» ошган беморларга тухумнинг сариғини қўрда пишириб ейиш тавсия этилган. Шунингдек, қорни оғриган чақалоқларнинг орқасига илитилган тухум латта ёки пахтаининг устига қўйилар экан. Биз бунинг натижасини таҳлил қилишимиз орқали ажойиб бир манзаранинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, агар чақалоқнинг совуқлиги ошган бўлса, бола организми тухумнинг сариғини, иссиғи ошган бўлса оқини тортиб олар экан.

Шубҳасиз, ўзбек халқи озиқ-овқатларнинг анъанавий классификацияси тўғрисида анча батафсил яхши маълумотларга эга бўлган-

⁷⁰⁰ Абашинов С.Н. Чай в Средней Азии: история напитка в XVIII – XIX веках ... – С.46.

⁷⁰¹ Абашинов С.Н. Чай в Средней Азии: история напитка в XVIII – XIX веках ... – С.47.

⁷⁰² Басилов В.Н. Шаманство у народов Средний Азии и Казахстана ... – С. 28.

⁷⁰³ Қаранг: Сухарева О.А. Мать и ребёнок у таджиков // Иран. – Л., 1929. Т. 3. – С. 110; Горшунцова О.В. Идея двух начал в культе плодородия у народов Средней Азии ... – С. 221.

лиги ва ўзига хос халқона диетологияга амал қилганлиги сабабли доимо «иссиқ-совуқ» ўртасидаги меъёрни сақлашга ҳаракат қилган. Бунга биз кундалик ҳаётимизда одатий бир ҳолатга айланган палов истеъмол қилингандан кейин кўк чой ичишни оддий бир мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Баъзан мазкур меъёрларнинг бузилиши турли хасталикларга сабаб бўлган.

Фарғона водийсидаги ўзбеклар, тожиклар ва қирғизлар орасида нафақат атрофдаги нарсалар, балки инсоннинг ўзи ҳам иккига бўлинган. Жумладан, улар одатда, доимо эркакларни ўнг, аёлларни чап томонга ажратганликлари боис, ўтов ичида ёки оила даврасида ўтирилганда давранинг ўнг томони доимо эркаклар, чап томони аёллар жойи ҳисобланган. Шунингдек, никоҳнинг биринчи кечасида ёш келин-куёвнинг янгалари куёв доимо ўнг, келин чап томонда ётиши лозимлигини уқтирганлар. Ўрта Осиёдаги бошқа халқларда бўлгани сингари водийда ҳам туғилажак фарзанд жинсини олдиндан аниқлашнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлган. Водий қипчоқларида ҳомила ўнг томонда бўлса ўғил, агар бунинг акси бўлса қиз туғилади деб ҳисобланади. Бу фактнинг биз учун аҳамиятли томони шундаки бу ерда ўғил бола ўнг, қиз бола эса чап томон билан боғланган. Дарвоқе, водийда туғилажак фарзандни хомиладор аёлнинг истеъмол қиладиган овқатлари орқали ҳам аниқлаш мумкин деб ҳисобланган. Бунга кўра ҳомила ўғил бўлса она доимо совуқлик ёки аксинча, агар у қиз бўлса аёл кўпроқ иссиқ таомлар ер экан. Бизнингча, иссиқ мижоз бўлган ўғил бола доимо ўзига совуқликни талаб қилган ёки аксинча бўлган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан Ўрта Осиё халқларининг анъанавий дунёқарашида дунёнинг икки субстанцияга бўлиниши тўғрисидаги қарашларга асосланган диний-фалсафий концепциялар билан боғлиқ кўринишлар муҳим аҳамиятга эга эканлигига амин бўлдик. Дуалистик қарашлар кўплаб фаолият турларида, маҳаллий аҳолининг анъанавий турмуш тарзида ёрқин намоён бўлган, Шунингдек, бундай қарашлар халқ табобати асосини ташкил этган.

Фарғона водийси ўзбеклари маросимий таомларининг муҳим компонентларидан бири нон ҳисобланган. Нон қадимдан инсонлар учун асосий озиқ-овқат маҳсулоти бўлганлиги боис унга бўлган ҳурмат, уни қадрлаш борасида аҳоли орасида, айниқса, Ўрта Осиёнинг ўтроқ халқларида қадимдан ўзига хос иззат-эҳтиром муносабати шаклланган. Жумладан, зардуштийларда дрвана — оқ нон маздопарастлар маросими чоғида илоҳ Сурушга ниёз келтирилган.

Сувли суюқ таомлардан ташқари илоҳларга тортиқ қилинадиган барча таомлар — гўшт, мева, нон ва бошқалар Авеста луғатида «мазда» дейилган⁷⁰⁴.

Яснанинг 3—8- готлари «Суруш дравна» деб номланади. Ясна, 11-гот, 3-бандда эса «дравна» мутлақ қурбонлик ёхуд назр-ниёз маъносида истифода этилган. Авесташунос Баҳор шундай ёзади: «Дравна супра ва нон бўлиб, зардуштийларнинг диний маросимларидаги воситалардан бири саналган. Хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, бугдой унидан тайёрланган бу нон — дравна жаҳон устуворлигининг рамзидир. Дравнанинг ҳалқага монанд шакли ер шарини ҳалқадек ўраб олган Албурс тоғининг рамзи. Ноннинг юзи, кенглиги, сатҳи қуёш рамзи; мутлақ ҳалоллик ва поклик билан яратилганлиги эса ойга ишора; супра устига қўйилувчи уч дона хушбўй чўп эса — эзгу сўз, эзгу амал ва эзгу ният. Сув — яшиллик, мева, дарё эса яйлов ва ўрмонларнинг рамзи саналган⁷⁰⁵.

Дарҳақиқат, нон қадимдан қадрланган ва барча оила турмуш маросимларининг табаррук муқаддас неъматини бўлган. Ўзбек оилаларида фарзандлар болалик давридан оқ нонни эъзозлаш, уни исроф қилмаслик руҳида тарбияланган. Нон ҳеч қачон оёқ остига ташланмаган. Нонни босиш оғир гуноҳ ҳисобланган. Дастурхонга тортилган нон оила бошлиғи томонидан синдирилган. Нонни пичоқ ёки бошқа кесувчи буюмлар билан ушатиш ушбу муқаддас неъматга ҳурматсизлик сифатида баҳоланган. Мотам маросимидан ташқари деярли барча маросимларга келган меҳмонлар ўзлари билан нон олиб борганлар ва ўз навбатида, ушбу тантаналардан нон олиб қайтганлар.

Водий ўзбекларида ўтказиладиган кўплаб тақвимий байрамлар, сайиллар ва оилавий маросимларда аксарият ҳолларда нон билан боғлиқ қатор урф-одат ва расм-русумлар амалга оширилган. Жумладан, водий қипчоқларида келинни куёвниқига кузатишда унинг бошига нон қўйиб локи боғлаш одати бўлган. Хоразмда нон бўлакларини тумор қилиб тақилган ва нон учун хамир тайёрлаб қўйилган ерга (масалан, тандир олдида) жин, парилар яқинлашмайди, деб қаралган⁷⁰⁶. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, нон бор жойга

⁷⁰⁴ *Авесто*. А. Маҳкам таржимаси... — Б. 320.

⁷⁰⁵ *Авесто*. А. Маҳкам таржимаси... — Б. 320.

⁷⁰⁶ *Снесарев Г.П.* Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма... — С. 225.

турли инс-жинслар ва ёвуз кучлар яқинлашмас экан⁷⁰⁷. Шу боис ёмон кўздан, ёвуз кучлардан асровчи восита сифатида, янги туғилган чақалоқ ёки хатна қилинган боланинг ёстиғи остига бошқа қатор магик хусусиятга эга буюмлар билан бирга нон қўйилган. Хоразмда нон ёпиш учун қурилган янги тандирни қиздириш учун дастлаб сигирнинг тезағи ёқилган. Чунки айнан сигир тезағи биринчи марта тандирга ёқилса, ушбу уйда нон мўл-қўл бўлиб, тўкин-сочинлик бўлади, деган қараш мавжуд эди⁷⁰⁸. Водий қипчоқларида ётадиган ерда нон еб бўлмайди. Агар ётоқда нон ейилса киши ёмон туш кўриб тушида алаҳсираши мумкин, деб ҳисобланган⁷⁰⁹. Демак, юқоридаги фикр-мулоҳазалардан нон ўзбеклар орасида энг тансиқ ва калорияли таом тарзида, Шунингдек, энг муқаддас ва илоҳий неъмат сифатида ҳам эъзозланганини кузатиш мумкин. Қолаверса, маҳаллий халқ орасида нон турли бало-қазоларни, ёмонликларнинг олдини олувчи магик қудратга эга дейилган ҳамда бу билан боғлиқ қатор расм-русумлар ва урф-одатлар бажарилган.

Водий ўзбеклари ва тожиклари орасида кенг тарқалган одатга биноан қизнинг ота-онасидан розилик аломатлари олингач, йигит томон бир неча кундан сўнг, кўпинча совчиларнинг учинчи марта келишларида алоҳида дастурхон ва совға-саломлар қилиб келадилар. Дастурхон атрофида ҳар икки томон тўй тўғрисида маслаҳатлашадилар. Шундан сўнг даврадагилар орасидан кекса ёшли, кўп фарзандли, бир никоҳли киши йигит ва қиз тақдирининг мустаҳкам боғланиши ҳақиқа дуои фотиҳа ўқиб, кўлига қиз томонидан дастурхонга қўйилган ва йигит томонидан олиб келинган нонлардан биттадан олиб жуфт қилади ва нонни юза тарафига қаратиб тенг қилиб синдиради. Ушбу удум ўзбекларда *нон синдириш*, деб номланган. Нон синдириш удуми тожикларда ҳам кенг тарқалган⁷¹⁰.

Кекса ёшли онахонларимизнинг таъкидлашларича, нон тирикликнинг энг буюк неъматидир. Унаштирилаётган ёшларнинг нондай азиз бўлиб, ўз қадр-қимматларини йўқотмасин деган ният ушбу удумда мужассамлашган⁷¹¹. Нонни жуфт синдиришда эса ке-

⁷⁰⁷ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот қишлоғи. 2005 йил.

⁷⁰⁸ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма.. — С. 311.

⁷⁰⁹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Қорасув қишлоғи. 2005 йил.

⁷¹⁰ Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. — С. 123.

⁷¹¹ Дала ёзувлари. Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Олабуқа тумани Мозор (Сафед Булон) қишлоғи. 2005 йил.

лин-куёвнинг қўша қариши ҳақидаги магик орзу-истак намоён бўлади.

«Нон синдириш» удуми серпуштлик ғояси билан боғлиқдир. Л.Я. Штернберг эса нон синдириш удумини қадимги афсунгарлик кўри-нишлари билан боғлайди⁷¹². Ушбу маросим ҳар икки томон ўртасида қариндошчилик ришталари боғланганлиги рамзи ҳисобланган.

Косонсой тумани ўзбеклари ва тожиклари орасида оилада бирор - бир нотинчлик юз берса Ҳазрати Баҳоуддин ҳаққига деб 7 дона кулча пиширилади ва девоналарга садақа сифатида берилади. Чунки Ҳазрати Баҳоуддин 7 рақамини табаррук ҳисоблаб яхши кўрар экан. Ўзлари ҳам еттинчи ойда таваллуд топиб, етти ёшида қуръонни ёд олиб, етмиш ёшида бу оламдан ўтган эканлар. Дарҳақиқат, водий ўзбеклари маросим таомларида ҳам рақамлар символикасига алоҳида эътибор берилган. Масалан, муқаддас жойларни зиёрат қилишда ёки оиладаги бирор-бир диний тадбирлардан аввал чалпак пиширилган ва у доимо тоқ—3, 5, 7, 11 та бўлиб, бу борада ўзига хос қараш бўлган. Жумладан, 3 рақами Хизр пайғамбар, 7 рақами Баҳоуддин Нақшбанд, 11 рақами эса Ғавсул Аъзам ва Аҳмад Яссавий култи билан боғлиқ деб қаралган⁷¹³.

Водий ўзбекларида ҳам юртимизнинг бошқа минтақаларида яшовчи ўзбеклар ва тожиклар сингари баҳор фаслидаги Наврўз тантаналари арафасида махсус маросим таоми сифатида сумалак тайёрлаш, чалпак ёпиш каби удумлар кенг тарқалган.

Сумалак тайёрлаш маросими аёллар, айниқса, уй бекаларининг руҳий-маънавий эҳтиёжи манбаи бўлган. Улар бу ерда ўз муаммоларига ечим топадилар, ахборот алмашадилар, орзу-умидлари ниятларининг бажо бўлишини тилайдилар. Маълумотларга кўра, сумалак тайёрлаш вақтида ҳам бефарзанд аёллар 3,5,7 дона ёнғоқни «келаси йил янаги сумалакка қадар фарзанд кўрай», деган ниятда сумалак пиширилаётган қозонга ташлаганлар ва сумалак пишгач шу ёнғоқларни олиб чақиб еганлар. Ахборотчиларнинг берган маълумотларига кўра, сумалак бир хонадонда етти марта пиширилса савоби кўп бўлар экан. Шунингдек, сумалакка ташланган тошни хосиятли деб билганлар. Сумалак тошини «серҳосил бўлсин» деб дарахт остига кўмганлар, баъзилар эса тошчаларни ушбу хонадондан қут-барака аримасин деган ниятда сақлаб қўйганлар.

⁷¹² Штернберг. Р. Я. Новые материалы по свадьбе Л., 1926. — С. 123.

⁷¹³ Дар байан-и Йаздаҳ Аҳмад //ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди № 3313/ХIII, лл. 113а-114б.

Кўриниб турибдики, сумалак пишириш бу аёлларга хос одат бўлиб, уни тайёрлашда ўчоққа ўт ёқишдан ташқари барча ишлар аёллар томонидан бажарилган.

Фарғона водийси аёллари турмуш тарзини ўрганган эр-хотин Наливкинлар сумалак маросимининг келиб чиқишини қуйидагича изоҳлаганлар: қишда дон сақлаш усуллари яхшиланмагунча кишилар буғдой сақлашга қийналганлар, қиш охирида ўрада сақланган дон нишлаб қолган. Шунда буғдойдан ун ҳосил қилмоққа уринганлар. Натижада ширин бир таом ҳосил бўлган. Бу тўғрида қўшнилари ҳам маълум қилинган. Тайёрланган таом уларга ҳам манзур бўлган. Нон ва дон узилиши пайтида шундай бўлиши табиий эди. Шу тариқа сумалак тайёрлаш маросимга айланиб кетган. Бу қарашдан шундай хулоса қилиш мумкинки, таом тайёрлаш аёллар маросими бўлгани учун ҳам сумалак аёллар маросимига айланиб кетган. Гарчи ҳозирги даврда синфдошлар, курсдошлар, касбдошлар каби бирор умумий жиҳатга эга кишилар гуруҳи томонидан ҳам сумалак пишириш одат тусига кираётган бўлса-да, сумалак аёллар иштирокида ўтказилувчи маросим тарзидаги хусусиятларини тўла тўқис йўқотмаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тадқиқот жараёнида биз миллий маросим таомлари таркиби ва тайёрлаш технологиясига катта аҳамият бермаган ҳолда унинг ижтимоий функциясига, яъни аҳоли турмуш тарзида, дунёқараши тизимида тутган ўрни ҳамда локал кўринишларига жиддий эътибор қаратдик. Анъанавий миллий таомларга содиқлик нафақат этник аломат белгиси, балки локал хусусиятлар ва маданиятни ҳам англатади. Водий маросим таомларини ўрганиш жараёнида анъанавий таомлар маросимий аҳамият касб этибгина қолмай жинсий табу вазифасини ҳам бажарганлиги аён бўлди. Аёллар иштирокида ўтказилувчи Биби Сешанба, мушкулкушод, умоч оши, гули армуғон каби маросим ва сайилларда тайёрланадиган умоч оши, атала, ўйма, чалпак сингари қатор маросимий таомлар юқоридаги хулоса далилидир. Эътиборли томони шундаки, ўзбеклар орасида нафақат махсус байрам ёки тадбир муносабати билан, балки ҳафтанинг маълум бир кунларига бағишлаб махсус маросимий таомлар пишириш одати ҳам кенг тарқалганлиги ва бундай одат замирида макон ва замон тўғрисидаги тақвимий қарашлар, қадимий эътиқодлар ва аждодлар культига бўлган эътиқодий қараш асос бўлганлигини илмий асосда исботлашга ҳаракат қилинди. Монография якунида шуни қайд этиш лозимки, мил-

лий маросимий таомлар халқнинг ўзлиги, тарихий миллий анъаналари ва диний қадриятларини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этувчи омил сифатида вазифасини бугунги кунда ҳам йўқотмаган. Бу замонавий этнология фанининг долзарб мавзуларидан бири эканлигига тадқиқотларимиз жараёнида амин бўлдик.

Х О Т И М А

Миллий мустақиллик даврида Ўрта Осиёнинг кўплаб тадқиқотчи олимлари сингари мамлакатимиз этнологлари жамоаси ҳам кенг имкониятларга эга бўлдилар. Ўзбек халқи этнологиясини олдиндан белгилаб берилган ғоявий меъёрларсиз тадқиқ этиш, фикрлар хилма-хиллиги учун кенг йўл очилди. Этнология йўналишида бажариладиган тадқиқотлар методологияси, илмий мактаблари борасида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Айнан миллий мустақиллик йиллари тадқиқотчилар «бир хиллик» андозасидан озод бўлдилар ва «маданият», «маданий мерос», «менталитет», «миллий рух» сингари миллий тушунчаларнинг соф миллий шаклига ва мазмунига қайтдилар. Фаннинг асосий тадқиқот объекти бўлган этнос назарияси, этниклик, этногенез ва этник тарихга оид янги назарий-методологик қарашлар ва концепциялар яратилди. Шунингдек, айнан ўтган давр мобайнида халқ моддий ва маънавий маданияти, оилавий ва жамоавий турмуш тарзи ва маросимларини ўрганиш борасида жиддий тадқиқотлар бажарилди. Шу билан бирга анъанавий қўни-қўшничилик анъаналари, этнослараро жараёнлар, локал миллий маданиятлар ва диний эътиқодлар муаммоларини тадқиқ этиш долзарб муаммолар сифатида эътироф этилмоқда.

Мазкур муаммоларни илмий равишда тадқиқ этишнинг фавқуллодда долзарблиги муаллифга Фарғона водийси ўзбеклари анъанавий турмуш тарзидаги қадимий диний эътиқодлар изларини тарихий-этнографик материаллар асосида ўрганиб чиқиш учун тўртки бўлди.

“Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари” мавзусидаги ушбу тадқиқот натижалари бизга қуйидаги асосий хулоса ва таклифларни баён этиш имкониятини беради:

1. Ўзбек халқи қадимги аждодларининг табиат ва жамият ҳодисалари тўғрисидаги дастлабки эътиқодий қарашлари натижаси ўлароқ анимизм, фетишизм, тотемизм, афсунгарлик (магия), осмон тангриси Кўк тангри эътиқоди, шомонлик ва дастлабки китобий дин — зардуштийлик каби динлар ва диний эътиқодлар айнан мазкур ҳудудда шаклланган. Ҳар бир диний эътиқод муайян қарашларни илгари сурган ғояларга асосланган ва ўз даврининг асосий мафку-

равий тизимини ташкил этган. Умуман олганда, қадимий диний эътиқодлар, маросимларнинг ранг-баранглиги ва илмий қиммати шундаки, улар ҳукмрон синфлар ёки бирор-бир шахс томонидан ўйлаб топилмаган, балки ўтмиш даврларнинг ўзига хос тарихий бурилиш даврида — инсоният тараққиётининг маълум босқичида янги маънавий ва руҳий зарурат, фикрий ва ҳиссий изланишлар эҳтиёжига жавоб сифатида пайдо бўлган. Кейинчалик ушбу эътиқодий қарашлар ислом ҳукмронлиги даврида исломий анъаналар билан ўзаро уйғунлашиб кетган ва ҳозирга қадар миллий қадриятлар шаклида ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида сақланиб келмоқда.

2. Қадимги туркий халқлар ҳаётида тотемизм эътиқоди муҳим аҳамият касб этган. Халқимизнинг тотемистик қарашлари асосан икки йўналишда тараққий этган бўлиб, булардан бири қондош аждод боши — бобокалон тотемлар бўлса, бошқаси инсонларга ҳомий дўст жонивор ва ўсимликлардан иборат бўлган.

Туркийлар турмуш тарзида *бўри, от, бургут, балиқ, илон, да-рахт* каби тотемларга эътиқод бўлганига ва ушбу тотемлар билан боғлиқ қарашлар излари водий ўзбеклари анъанавий турмуш тарзида то ҳозирги кунга қадар сақланиб қолганлигига тадқиқот жараёнида амин бўлдик. Тадқиқот давомида тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ этнонимларни ўрганиш асосида *авжин, буқа, бағиш, баҳрин, овшин, буғун, бойбўри, гувалак, илонли, калтатой, қожар, керайит, кийикчи, жавли, олчин, сари, тойлоқ, тулки, тулга, тўпичоқ, энака, эсабой, ёби(ёбу), човган, чувалай, қарға, қийғочли, қорабура, қоралочин, қорақуш, қорақўйли, қорақурсоқ, қуйин, қўзичи, қўзичи, қўнғирот, қўчқорқулоқ* каби 40 дан зиёд туркий этнонимларнинг тотемик эътиқодлар билан алоқадорлиги аниқланди.

Ўзбек халқининг тотемистик эътиқодий қарашлари тарихини ўрганиш жараёнида аждодларимиз эътиқодий қарашлари тизимида бўрига бўлган инонч муҳим аҳамият касб этганлигига дахлдор янги факт ва далиллар аниқланди. Бўри тотем сифатида қабул қилинган, ота-она сингари халоскор, йўл кўрсатувчи, қаҳрамонларга ёрдам берувчи, шавкатли, жасоратли, яхшиликсевар илоҳ сифатида танилганлигига амин бўлдик. Бўри тимсоли — тотемининг оила, фарзанд тушунчалари билан боғлиқлиги масаласини водий ўзбеклари орасида давом этаётган кўплаб маросим ва расм-русумларда кузатдик.

Фарғона водийси қипчоқлари таркибида от тотеми билан боғ-

лиқ *тўрт айғир*, *саманотли*, *қорабайтал*, *қулон* каби бир қатор уруғлар бўлиб, от қадимда қипчоқлар ёки уларнинг баъзи бир уруғларида уруғ аждоди—тотеми ҳисобланган. От тотемига бўлган эътиқод излари ўзбеклар анъанавий турмуш тарзида бола туғилишидан тортиб то мотамгача бўлган маросимларда ҳанузгача сақланиб қолган.

3. Шомонлик қадимда Ўрта Осиёда кенг ёйилган бўлиб, у туркий халқлар дунёқараши тизимида муҳим аҳамият касб этган. Ислом кириб келгунга қадар туркий халқларда, шомонлар ўз қавмларининг жисмоний етуклиги учунгина эмас, маънавий олами учун ҳам масъул шахслар бўлганлигини кўплаб тарихий-этнографик манбалар тасдиқлайди. Шомонлар жазави пайтида ер ости (марҳумлар), ер усти (тириклар), осмон (руҳлар) дунёсида бемалол кезиб юра оладилар ва у ердагиларга ҳам таъсир ўтказишлари мумкин деб ҳисобланганлиги туфайли ҳам ислом динида қораланганлигига қарамай у маҳаллий аҳоли турмуш тарзидан бутунлай йўқолиб кетмаган. Фарғона водийси ўзбеклари анъанавий турмуш тарзидаги шомонлик эътиқоди изларини тадқиқ этиш жараёнида биз шу нарсага амин бўлдикки, водий шомонларининг Сибирдаги ҳамкасблари сингари махсус кийимлари бўлмаган ва бошқа оламга ҳам саёҳат қилмаганлар. Улар ёрдамчи руҳлар — махсус «сайланган» одамлар кўмагида касаллик сабаби ва уни даволаш йўллари излаш турли маросимлар асосида беморларни даволаш, келажак ва инсон тақдирини олдиндан башорат қилиш ва ниҳоят йўқолган одамлар, ҳайвонлар ва нарса-буюмларни қидириб топиш каби муҳим вазифаларни бажарганлар. Шомонлик анъаналарининг айнан ўзига хослиги шундаки, мазкур ҳудудда ушбу фаолият билан асосан аёллар шуғулланганлар. Улар ўзига хос сеансларини, психотерапевтлик вазифаларини қуёш боггунга қадар бўлган пайтда, яъни кундузи бажарганлар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, илмий жиҳатдан ўрганилаётган минтақадаги ўзбек шомонларининг асосий иш қуроллари доира, тасбеҳ, турли диний китоблар, пичоқ, тол новдаси бўлган. Улар ўз фаолиятлари давомида “*кўчирма*”, “*ҳақиқат*”, “*банди-баст*”, “*иссиқ-совуқ*” каби ирим-сирим ва урф-одатларни адо этганлар.

4. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзи, тарихий-этнографик хусусиятлари, миллий маданияти, тафаккур-ментал хусусиятларини илмий асосда ўрганиш жараёнида зардуштийлик динининг айнан Ўзбекистон ҳудудида вужудга келганлиги, қолаверса, ушбу

диннинг эронийзабон халқларгина эмас туркий халқлар, шу жумладан, ўзбеклар маънавий дунёқараши шаклланишида асосий омил бўлганлигига амин бўлдик. Ўзбеклар оила турмуш маросим ва расм-русумларининг кўплари ўз мазмун-моҳиятига кўра зардуштийлик дунёқараши билан вобасталиги ҳам халқимизнинг минтақага хос қадимий цивилизацияга ва қомусий-диний, этнографик ва фалсафий асар — “Авеста”га ворислигини тасдиқлайди. Тадқиқотлар жараёнида зардуштийлик динининг макон ва замон, инсон ва табиат тўғрисидаги концепцияси ислом дини ҳукмронлиги даврида ҳам синкретик шаклда сақланиб қолганлигига амин бўлдик. Чунончи, водий ўзбекларининг сув, олов, ер ва ҳавонинг мусаффолиги ва поклиги ҳамда уларнинг маросимий ифлосланишдан асрашга қаратилган удумлари келиб чиқиш асосларига кўра зардуштийлик анъаналари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шунингдек, ишда зардуштийларнинг йил фасллари билан боғлиқ байрамлари, Наврўз, ойлар байрами, аждодлар эътиқоди, турли дуолар ўқиш, покланиш маросимлари, ўсмирларни зардуштийликка қабул қилиш (сидрапўшлик оқ либос кийиб, белбоғ боғлаш) каби анъаналари билан боғлиқ айрим кўринишлар ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида то XX асргача сақланиб қолганлиги аниқланди. Тадқиқотда зардуштийларнинг “Сада” маросими билан боғлиқ “Сафар қочти” одати, ғассоллар ва улар касб-ҳунарлари билан боғлиқ қатор расм-русумлар ва одатларнинг келиб чиқиши зардуштийликдаги «наса-салар»га алоқадорлиги, деҳқончилик хўжалик анъаналарига боғлиқ ҳолда кенг тарқалган “Бобо деҳқон” култи келиб чиқиш асосига кўра Митра илоҳи билан боғлиқлиги илк бора ўзаро таққосланган ҳолда таҳлил этилди ва ушбу культларнинг келиб чиқиш асослари бир эканлигини исботлашга ҳаракат қилинди.

5. Фарғона водийси ўзбеклари анъанавий оила турмуш маросимларини этнографик жиҳатдан ўрганиш жараёнида биз бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ бўлган маросимларда фетишизм, тотемизм, анимизм, аждодлар эътиқоди ва бошқа кўплаб қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқ кўринишларни кузатдик. Бўлғуси онанинг ҳомиладорлик вақтида, чақалоқ туғилгандан кейинги чилла пайти, боланинг кейинги ривожланиш даври билан боғлиқ бажариладиган маросим ва урф-одатларда қадимий диний эътиқод белгиларини, айниқса кўплаб учратдик. Халқимизда оғироёқ аёлга ҳомила соғлигини сақлаш ниятида боланинг ўз вақтида дунёга келишини таъминлаш мақсадида туя гўштини ейиши тақиқланган.

Ҳомиладор аёлнинг совуқ маъракаларга боришига изн берилмаган.

Водий ўзбекларида чақалоқнинг феъл-атвори у туғилмасдан олдин шаклланади, унинг келажакда қандай одам бўлиши онасининг хатти-ҳаракатлари ва ижтимоий муҳитга боғлиқ деган магик қарашлар натижасида чақалоқ билан боғлиқ бир қатор удумлар шаклланган. Чақалоқнинг чилла даврида ҳам она ва болани ёвуз кучлар таҳдидидан асраш мақсадида қатор расм-русумлар бажарилган. Жумладан, чиллани уйга бепушт аёллар, бегона кишилар киритилмаган, хонадон чироғи ўчирилмаган ва ҳоказо. Болага исм қўйиш ҳам тотемизм, афсунгарлик, шомонлик каби қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқ. Қолаверса, чақалоққа бериладиган исмга одамни ўзаро фарқлаш, номлаш учунгина эмас, уни турли бало-қазолардан асровчи магик восита сифатида қаралган.

6. Никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ афсунгарлик усуллари бажарилишига кўра хилма-хил бўлиб, улардан янги оиланинг хотиржамлиги ва фаровонлигини таъминлаш, келин ва куёв, қайнота-қайнона ва келин ўртасида илиқ муносабатни яратиш билан бирга бошқа бир асосий мақсад — бўлғуси авлодни давом эттириш - зурриёт қолдириш нияти бўлган. Диний тусдаги афсунгарликлар ҳам келин-куёвнинг серфарзанд бўлишларини тилаб, уларни турли ёвуз кучлар ва ёмон кўзлардан сақлашга йўналтирилган.

Фотиҳа тўйи маросимида ҳам кўплаб афсунгарлик элементларини учратамиз. Чунончи, куёв тарафдан келин хонадонига келган меҳмонларга дастлаб «ширин сув» олиб кирилади. Бу удум ҳар икки томон бошлаган эзгу ишнинг давоми ҳам худди ширин сув каби ўтсин, ёшларнинг турмуши ширин, тотли бўлсин деган ниётда амалга оширилади.

Никоҳ куни бажариладиган «оёқ босиш», «ойна кўрсатув», «соч сийпатар» каби удумлар ҳам ўзига хос афсунгарликлар ҳисобланади. Никоҳ тўйи маросимларида янгалар ҳам ўзига хос магик функцияларни бажарганлар. Чунончи, улар ёш келин-куёвни ёмон кўзлар, ёвуз кучлардан сақловчи ҳомий бўлганлар.

Маросимларда одамлардагина эмас, нарсаларда ҳам маълум даражадаги афсунгарлик хусусиятларига гувоҳ бўламиз. Жумладан, нон, тухум, ширин сув, сут, кўзгу, пичоқ сингари буюмлар ҳам афсунгарлик вазифасини ўтаганлар. Тўйларда ранглар ҳам шундай хоссага эга бўлганлар. Амалга оширилган тадқиқот жараёнида Фарғона водийси никоҳ тўйи маросимларида кўплаб афсунгарлик кўринишлари билан бирга тотемизм, фетишизм, табиатга ва ҳосилдор-

ликка сиғиниш излари ва турли демонологик тасаввурлар билан йўғрилган маросимларни ҳам қузатдик.

7. Фарғона водийси мотам маросимларида кўплаб қадимий диний эътиқод ва топинишлар элементлари ҳанузгача сақланиб қолган. Жумладан, халқнинг жон тўғрисидаги тасаввурларида содда анимистик қарашлар кўринса, жон бераётган одамнинг оғзига сув томизиб туриш эса зардуштийлик одати билан боғлиқ.

Мотам маросимларидаги йиғи (бўзлов, бўзлаш, марсия айтиб йиғлаш) қадимий зардуштийлик анъаналарига дахлдорлиги тадқиқотлар жараёнида аниқланди.

8. Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги деҳқончилик маданияти тарихи, зироатчилик маросимлари ва уларнинг генезисини тадқиқ этиш ўтмиш аждодларимиз турмуш тарзини ўрганиш, тарихий жараёнларни реконструкция қилиш ҳамда қадимги давлатчилик анъаналари ва минтақа халқлари хўжалик анъаналари ва диний эътиқодлар тизимини илмий асосда ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис монографияда водий ўзбеклари анъанавий деҳқончилик анъаналарини этнологик аспектда тадқиқ қилиш асосида қадимий аграр культлар ва уларнинг генезиси ҳамда исломий анъаналар билан синкретлашган кўринишлари борасида ҳам қатор янги мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбек халқи анъанавий деҳқончилик маросимларини ўрганиш асосида маҳаллий деҳқонлар томонидан баҳорги юмушларни бошлаш жараёни билан боғлиқ равишда ўтказилувчи «Кўш чиқариш», «Шох мойлар», «Кўш оши» ва ҳосилни йиғиштириш билан боғлиқ «Обло барака» «Ҳақулло» маросимлари ҳамда ушбу маросимлар генезисга оид янги мулоҳазалар илмий истеъмолга олиб кинилди.

9. Тадқиқот жараёнида ўзбек халқи анъанавий хўжалик машғулоти ҳисобланган чорвачилик ҳамда у билан боғлиқ халқона эътиқодий қарашлар, урф-одатлар ҳам этнографик материаллар асосида ўрганилди. Водий ўзбеклари анъанавий чорвачилигига дахлдор «Чўпонота» култи, унинг тарихий асослари, у билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатлар генезисига оид мулоҳазалар билдирилди. Чорвачилик маросимлари ва урф-одатларини тадқиқ қилиш жараёнида уларнинг аксарияти афсунгарлик, магия, тотемизм билан боғлиқ қарашлар асосида шаклланганлигини гувоҳи бўлдик.

10. Ҳар бир этнос ўзининг маънавий-эстетик диди ва миллий

қадриятлари асосида уй-жойларни жиҳозлайди. Уй-жойларни тиклаш ва янги уйга кўчиб кириш билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимлар негизида маълум бир эътиқодий, фалсафий қарашлар ҳамда миллий қадриятлар мужассамлашган. Бу эса ўз навбатида ушбу урф-одатларнинг қадимийлиги, халқнинг азалий мафкура-си, узоқ аждодлар диний эътиқодлари тараққиёти тарихи ҳамда диний қарашларнинг яшовчанлик хусусиятларидан дарак беради. Ўзбекларда уйнинг турли қисмлари, айниқса, остонаси, ўчоғи энг муқаддас жойлардан бири ҳисобланган ва у билан боғлиқ қатор диний-афсунгарлик урф-одатлари ҳамда иримлари бажарилган. Биз тадқиқот жараёнида уларнинг тарихий асослари исломгача бўлган қадимий эътиқодий қарашлар билан боғлиқ эканлигига амин бўлдик. Жумладан, қадимдан уйнинг остонаси аждодлар култи яшайдиган ер ва икки олам, яъни микро ва макро олам ўртасида чегара ҳисобланган. Шу боисдан остона билан боғлиқ қатор расм-русумлар, табуларга амал қилинган ва қурбонлик сифатида баъзи жониворлар сўйилган.

Умуман олганда, халқимиз анъанавий турмуш тарзидаги қадимий диний эътиқодлар ва улар билан боғлиқ урф-одатларнинг аксарияти асл моҳияти ва мазмуни унутилган бўлсада, исломий кўринишда ёки у билан ўзаро уйғунлашиб одат, анъана сифатида яшаб келаётганлиги тасдиқланган. Бу эса, бир томондан, халқимиз миллий урф-одатлари ва анъаналари узоқ тарихий асосга эга эканлигидан далолат берса, бошқа тарафдан, диний бағрикенглик (толерантлик) анъаналар ва қадриятларга содиқлик каби фазилатлар айнан ўзбек халқи этномиллий психологиясига хос хусусият эканлигидан далолат беради.

Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзи, маросим, урф-одатлари ҳам ҳаётнинг бошқа соҳаларида рўй бераётган каби, давр талаби, фан-техника тараққиёти ва ҳозирги замон билан уйғунлашган ҳолда ўзгариб бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган муаммога оид қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунгача ёзилган рисолалар, қўлланма ва дарсликларда араблар босқинига қадар ота-боболаримиз оташпараст, мажусий бутпараст бўлганлар ёки зардуштийлик билан мажусийлик ягона дин деб талқин қилинмоқда. Тадқиқот жараёнида биз шунга амин бўлдикки, Ўрта Осиёга ислом дини кириб келгунга қадар минтақада аждодлар эътиқоди, шомонлик, зардуштийлик кабилар асо-

сий диний эътиқодлар бўлган. Қолаверса, зардуштийлик дини билан оташпарастлик бошқа-бошқа динлар ҳисобланади. Шу боис, биз келгуси тадқиқотлар, рисола ва дарсликларда зардуштийлик мавзусини ёритишда унга нисбатан зардуштийлик ёки маздапарастлик ибораларини ишлатиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Қадимги туркийлар дини — шомонлик ва унинг халқимиз ҳаётидаги бугунги изларини ҳам махсус ўрганиш лозим. Чунки, шомонларнинг руҳлар билан мулоқоти, шомон бўлиш арафасида *“шомон касаллигига”* чалиниши, уларнинг жазави ҳолатига тушиши ўзига хос тилсим ҳисобланади. Бизнингча, шомонларнинг бундай сирсинаотларини ўрганиш ва тадқиқ этишда этнограф ва медикларнинг ўзаро ҳамкорликлари даркор. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шомонликнинг яна бир қирраси борки, унга алоҳида эътибор бериш керак. Бу ҳам бўлса, шомонликнинг оммавий тус олишига йўл қўймаслик лозим. Бошқачасига айтганда, ўлимга сабабчи бўлувчи захарнинг озгина миқдори фойдали бўлганидек, ҳар қандай соҳада ҳам меъёрни сақлаш керак. Баъзида сохта бахшилар таъсирга оммавий берилиб кетиш ҳам жамият учун зиён келтиради.

Республикамизда ҳозир шундай ҳол юз бераяптики, умуммиллий тарихимиздан (умуммиллий тарихимиз деганда, сиёсий тарих, миллий маросимлар муайян қисмининг миллий кадриятларга айланиш тарихи, урф-одатларнинг келиб чиқиши ва маълум қисмининг сақланиб келиши тарихи, анъаналар пайдо бўлиши, ажодлардан авлодларга ўтиб келиш тарихи, янги кадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарнинг яратилиш тарихи ва шу кабилар назарда тутилмоқда) унчалик хабардор бўлмаган айрим муаллифлар ўз мақолалари, телевидение ва радио орқали чиқишларида, анжуманларда сўзлаган маърузаларида қадимий миллий урф-одат ва маросимларимизни бошқа, бизга ёт нарсалар билан аралаштириб юбораяптилар. Шу сабабга кўра ҳам исломий урф-одат ва маросимлар билан қадимий диний эътиқодларга хос бўлган одатлар ўртасида аниқ чегарани белгилаш учун махсус тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда экологик муаммолар умумбашарий аҳамият касб этмоқда. Аждодларимиз минг йиллар мобайнида ер, сув, ҳаво, олов ва бошқа табиат инъомларини муносиб равишда эъозлаб келганлар. Афсуски, аждодларимизнинг табиатдан фойдаланиш борасидаги қадимий анъаналари унутиб юборилди. Шу сабабли ўзбек халқи қадимий маданияти, табиатдан оқилона фойдаланишга йўналти-

рилган анъана ва маросимларини чуқурроқ ўрганиш, унинг моҳиятини кенг оммага етказиш долзарб вазифалардан биридир. Бунда ўзбекларнинг табиатни асраб-авайлаш ҳақидаги қарашлари, инсон ва табиатнинг уйғун муносабатларини ўзида акс эттирган қадимий диний қадриятларни махсус ўрганиш ва кенг омма эътиборига ҳавола этиш лозим.

Ўзбек халқи анъанавий ҳаётидаги қадимий диний эътиқодлар изларини ўрганиш амал қилинаётган маросим ва урф-одатлар моҳиятини маълум маънода англашга ёрдам беради ва унутилиб бораётган баъзи бир маросимларни маданий мерос сифатида қайта тиклашга қўмаклашади. Хуллас, қадимий диний эътиқодлар изларини тадқиқ этиш ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маданиятини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлади ҳамда, этнология фанидаги маълум бўшлиқни тўлдиради деб ният қилиб қоламиз.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А. КАРИМОВ АСАРЛАРИ ВА ҲУКУМАТ ҚАРОРЛАРИ

- I.1. *Каримов И.А.* Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 64 б.
- I.2. *Каримов И.А.* Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- I.3. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // *Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.* Танланган асарлар. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 31-362.
- I.4. *Каримов И.А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // *Биз ўз келажигимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.* Танланган асарлар. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б.132-155.
- I.5. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интиломда. // *Биз ўз келажигимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.* Танланган асарлар. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 370-405.
- I.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори // *Халқ сўзи.* 1998, 28 июнь.
- I.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг “Авесто”нинг 2700 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисидаги” қарори // *Халқ сўзи.* 2000. 29 март.

II. МАНБАЛАР

- II.1. *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий.* Ҳадис. Т. 4. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 527 б.
- II.2. *Абу Райҳон Беруний.* Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: Фан, 1968. – 468 б.
- II.3. *Абулозий Боҳодирхон.* Шажарайи турк – Т.: Чўлпон, 1992.
- II.4. *Абулғозий Баҳодирхон.* Шажарайи тарокима. – Т.: Чўлпон, 1995. – 48 б.
- II.5. *Авеста.* – Баку: АН АзербСССР, 1960. – 142 с.
- II.6. *Авеста.* Избранные гимны / Перевод с авестийского и комментарии проф. И.М. Стеблин-Каменского. – Душанбе: Адиб, 1990. – 176 с.
- II.7. *Авеста* в русских переводах (1861 – 1996). – СПб.: Журнал “Нева”, 1997.
- II.8. *Авеста.* Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Т., 2001. – 338 б.
- II.9. *Авеста: Яит китоби* / М. Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 128 б.

- П.10. *Авеста: “Ведведот”* китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Т.: ТошД-ШИ нашриёти. – 100 б.
- П.11. *Кайковус*. Қобуснома. – Т.: Мерос, 1992. – 173 б.
- П.12. *Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа*. Мажмаъ-ул-Мақсуд ёки Мухтасар ул-Викоънинг ўзбекча шарҳи. 1-қисм. – Т., 1996.
- П.13. *Маҳмуд Қошғарий*. Девону луғатит турк. Т.3,-Т.:Фан, 1963.- 460 б.
- П.14. *Мирзо Улуғбек*. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994. – 352 б.
- П.15. *Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар*. Бухоро тарихи. – Т.: Фан, 1966. – 120 б.
- П.16. *Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий*. Қиссаи Рабғузий. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1990. – 235 б.

III. МОНОГРАФИЯ, БРОШЮРА ВА ТЎПЛАМЛАР

- III.1. *Абашин С.Н.* Чай в Средней Азии: история напитка в XVIII – XIX веках // Традиционная пища как выражение этнического самосознания. – М.: Наука, 2001.
- III.2. *Абашин Н.С.* Семь святых братьев // Подвижники ислама: Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. – М., 2003. – С. 18-40.
- III.3. *Абашин С.Н.* Культ Двуророго Искандара у горцев Центральной Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. – М., 2006. – С. 190-209.
- III.4. *Абдуллаев У.С.* Фарғона водийсидаги этнослараро жараёнлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – 216 б.
- III.5. *Абдулаҳатов Н., Хошимов Б.* Аҳмад ал-Фарғоний. – Фарғона: Фарғона, 1998. – 94 б.
- III.6. *Абрамзон С.М.* Рождение и детство киргизского ребенка // Сборник музея антропологии и этнографии. Т. XII. – М.: ИАН СССР, 1949. – С. 78-138.
- III.7. *Абрамзон С.М.* К характеристике шаманства в старом быту киргизов // КСИЭ. 1958. Вып. XXX. – С. 31-42.
- III.8. *Абрамзон С.А.* Свадебные обычаи у киргизов Памира // Труды АН ТадССР. Т. 20. – М., 1959.
- III.9. *Абрамзон С.М.* Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л., 1971.
- III.10. *Агаджанов С.Г.* Огузские племена Средней Азии IX – XIII вв. // Страны и народы Востока. – М., 1971. Вып 10. – С. 181-184.
- III.11. *Айдаров Г.* Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII в. – Алма-Ата.: Наука, 1971. – 308 с.
- III.12. *Алексеев Н.А.* Культ айыы – племенных божеств, покровителей якутов: К вопросу о так называемом белом шаманстве // Этнографический сборник. Вып. 5. – Улан-Удэ, 1965. –
- III.13. *Алексеев Н.А.* Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. – Новосибирск: Наука, 1980. – 223 с.

III.14. *Аманалиев Б.* Доисламские верования киргизов // Религия, сводомыслие, атеизм. – Фрунзе, 1967. – С. 18-30.

III.15. *Анарбаев А.А., Максудов Ф.А.* Древний Маргилан. (Из истории земледельческой и городской культуры Ферганы). – Т.: Фан, 2007. – 160 с.

III.16. *Андреев М.С.* Вещие сны, несколько примет и детская игра “Сорока-воровка” среди некоторых народов главным образом Средней Азии // Известия Главного Среднеазиатского музея. Вып. 12. – Т., 1923. – С. 3-31.

III.17. *Андреев М.* Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандской области // Известия Туркестанского отд. Русс. географического общества. Вып. XVII. – Т., 1924.

III.18. *Андреев М.С.* Зреднеазиатская версия Золушки (Садрильоны). Св. Параскева Пятница. Див-и Сафед // По Таджикистану. Вып. 1. – Т., 1927. – С. 60-76.

III.19. *Андреев М.С.* Чильтаны в среднеазиатских верованиях // В.В. Бартольд. – Т., 1927. – С. 334-338.

III.20. *Андреев М.С.* Поездка летом 1928 г в Касансайский район (Север Ферганы) // Известия общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. – Т., 1929. – С. 12-23.

III.21. *Андреев М.С.* Женская богиня “госпожа вторник”, покровительница прях // Религиозные верования народов СССР. – М.-Л., 1931. Т. 1. – С. 311-315.

III.22. *Андреев М.С.* Таджики долины Хуф: (Верховья Амударьи). Вып. 1. – Сталинабад, 1953.

III.23. *Андреев М.С.* Материалы по этнографии Ягноба (записи 1927 – 1928 гг.). – Душанбе: Дониш, 1970. – 193 с.

III.24. *Анорбоев А.* Ўзбекистонда илк суформа деҳқончиликнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтинг ташкил топиши // Ўзбекистон хувида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдиэлари ва замонавий жаэёнлар. – Т., 2006. – Б. 9-16.

III.25. *Анохин А.В.* Материалы по шаманству у алтайцев // Сборник Музея антропологии и этнографии. Т. 4. Вып. 2. – Л., 1924. – С. 34-49.

III.26. *Антонова Е.В.* Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. – М., 1984.

III.27. *Антонова Е.В.* Обряды и верования первобытных земледельцев Востока. – М.: Наука, 1990. – 310 с.

III.28. *Арсеньев А.* Звери – боги – люди. – М.: Политиздат, 1991. – 131 с.

III.29. *Аскарлов А.* Сапаллитепа. – Т.: Фан, 1973. – 172 с.

III.30. *Асқаров А.* Энг қадимги шаҳар. – Т.: Маънавият, 2001. – 24 б.

III.31. *Аскарлов А., Абдуллаев Б.Н.* Джаркутан. – Т.: Фан, 1983. – 120 с.

III.32. *Аширов А.* “Авесто”дан мерос маросимлар. – Т.: Мерос, 2001. – 31 б.

III.33. *Ахелис Т.* Очерк сравнительного изучения религии. – Спб., 1906.

III.34. *Ахунбабаев Х.Г.* Об одном согдийском обычае // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 23. – Т., 1990. – С. 198-207.

- III.35. *Афзалов М.И.* Ўзбек эртақлари ҳақида. — Т.: Фан, 1964. — 26 б.
- III.36. *Аҳмад Ҳодий Мақсудий.* Ибодати Исломия. — Т.: Меҳнат, 1992. — 121 б.
- III.37. *Банзаров Д.* Черная вера или шаманства у монголов // Туркестанский сборник. — Т., 1901. Т. 495. — С. 68.
- III.38. *Бабаева Н.С.* Древние верования горных таджиков Южного Таджикистана в похоронно-поминальной обрядности (конец XIX — начало XX века). — Душанбе, 1993.
- III.39. *Байбурун А.К.* Жилище в обрядах и представлениях восточных славян. — Л., 1983.
- III.40. *Бартольд В.В.* Бахши / Сочинения. — М., 1968. Т. V. — С. 501.
- III.41. *Бартольд В.* Ислам. Ч. 2. — Петроград, 1918. — С. 59.
- III.42. *Баруздин Ю.Д., Брыкина Г.А.* Археологические памятники Баткена и Ляйляка (юго-западная Киргизия). — Фрунзе. 1962.
- III.43. *Басилов В.Н.* О прежитках тотемизма у туркмен // Труды Института истории, археологии и этнографии АН Туркменский ССР. — Ашгабат, 1963. Т. 7. — С. 136-151.
- III.44. *Басилов В.Н.* Культ святых в исламе. — М.: Мысль, 1970. — 144 с.
- III.45. *Басилов В.Н.* Следы культа умирающего и воскресающего божества в христианской и мусульманской агиологии // Фольклор и историческая этнография. — М., 1983. — С. 44-56.
- III.46. *Басилов В.Н.* Избранники духов. — М.: Политиздат, 1984. — 208 с.
- III.47. *Басилов В.Н.* Пережитки шаманства у туркмен-гёкленов // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. — М., 1986. — С. 94-110.
- III.48. *Басилов В.Н.* Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. — М.: Наука, 1992. — 325 с.
- III.49. *Баялиева Т.Д.* Доисламские верования и их пережитки у киргизов. — Фрунзе: Илим, 1972. — 168 с.
- III.50. *Бегматов Э.* Номлар ва одамлар. — Т., 1966.
- III.51. *Бегматов Э.* Ўзбек исмлари. — Т.: Қомуслар бош нашриёти, 1999. — 650 б.
- III.52. *Беленицкий А.М.* О домусульманских культах Средней Азии // КСИИМК. Вып. XXVIII. — М., 1949.
- III.53. *Беленицкий А.М.* Конь в культах и идеологических представлениях народов Средней Азии и евроазиатских степей в древности и раннем средневековье // КСИА. Вып. 154. — М., 1978. — С. 31-39.
- III.54. *Берзин Э.* Зардуштийлик таълимоти нима? — Т.: Ўзбекистон, 1987. — 246.
- III.55. *Бернштам А.* Социально-экономический строй орхоно-енисейских тюрок VI — VIII вв. — М.-Л., 1946. — С. 83-84.
- III.56. *Бернштам А.* Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. — М.-Л.: АН СССР, 1952. — 347 с.

III.57. *Бертельс Е.Э.* Пери // Культура и искусство народов Средней Азии в древности и средневековье. – М., 1979. – С. 123-130.

III.58. *Бертельс Е.Э.* История персидско-таджикской литературы. – М.: Изд-во восточной литературы, 1960. – 556 с.

III.59. *Бёрнс А.* Путешестве в Бухару. Ч. 3. – М., 1850. – 192 с.

III.60. *Бичурин Н.Я.* (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.-Л.: АН СССР, 1950. Т. 1. – 312 с.

III.61. *Богатырев П.Г.* Вопросы теории народного искусства. – М.: Искусство, 1971. – 544 с.

III.62. *Богомолова А.* Следы древнего культа воды у таджиков // Известия отд. общественных наук АН ТаджССР. Вып. 2. – Сталинабад, 1952. – С. 121-158.

III.63. *Бойс М.* Зороастрийцы. Верования и обычаи. – М.: Наука, 1987. – 302 с.

III.64. *Борозна Н.Г.* Некоторые материалы об амулетах-украшениях населения долины Зеравшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 281-297.

III.65. *гагинский И.С.* Из истории таджикской народной поэзии. – М.: АН СССР, 1956. – 495 с.

III.66. *Бросс Шарль де.* О фетишизме. – М.: Мысль, 1973. – 207 с.

III.67. *Бряннов А.И.* На память о Фергане (1876 – 1901 г.). – Новый Маргилан, 1901.

III.68. *Брыкина Г.А.* Юго-Западная Фергана в первой половине I тысячелетия нашей эры. – М., Наука, 1982.

III.69. *Бутанаев В.Я.* Культ богини Умай у хакасов // Этнография народов Сибири. – Новосибирск, 1984. – С. 98-104.

III.70. *Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ.* Ўзбек оиласи тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.

III.71. *Бўриев О.Б.* Анъанавий уй қуриш билан боғлиқ расм-русмлар // Ўзбек халқи боқий қадриятлари. – Қарши, 2005. – Б. 83-94.

III.72. *Бўриев О.* Ҳашар элга ярашар // Ўзбек халқининг боқий қадриятлари. – Қарши, 2005. – Б. 57-67.

III.73. *Бўриев О.* Қўйчилик удумлари // Ўзбек халқи боқий қадриятлари. – Қарши, 2005. – Б. 40-50.

III.74. *Брыкина Г.А.* Культы и культовые места в Фергане // Тезисы докладов конференции, посвященной 90-летию дня рождения Б.А. Латынина. – Л., 1990. – С. 6-8.

III.75. *Валиханов Ч.Ч.* Следы шаманства у киргизов / Избранные произведения. – М., 1986. – С. 298-318.

III.76. *Велецкая Н.Н.* Языческая символика славянских архаических ритуалов. – М., Наука, 1978. – 240 с.

III.77. *Востров В.В.* К вопросу о пережитках древних верований у казахов // Известия АН КазССР. Вып. 2. – Алма-Ата, 1959. – С. 55-62.

III.78. *Воронец М.Э.* Каменное изображение змеи из кишлака Сох Ферганской области // КСИИМК. Вып. 61. – М., 1956.

III.79. *Гаврилов М.Ф.* Рисола сартовских ремесленников. Исследования преданий мусульманских цехов. – Т., 1912.

III.80. *Гаврилов М.* О ремесленных цехах Средней Азии и статусах-риосоля // Известия Средазкомстариса. Вып. 3. – Т., 1928. – С. 223-241.

III.81. *Гараджа В.И.* Религиоведение: Учеб. пособие для студентов высш. учеб. заведений и преп. ср. школы. 2-е изд., дополненное. – М.: Аспект Пресс, 1995. – 351 с.

III.82. *Гараджа В.И.* Социология религии. – М., 1996.

III.83. *Гафуров А.* Имя и история. – М.: Наука, 1987. – 220 с.

III.84. *Гафуров Б.* Таджики. – М.: Наука, 1972. – 652 с.

III.85. *Геродот.* История в девяти книгах. – Л.: Наука, 1972. – 600 с.

III.86. *Геннеп А., ван.* Обряды перехода: Систематическое изучение обрядов. – М.: Восточная литература, 2002. – 346 с.

III.87. *Голодухин Ю.Н.* Вопросы классификации и духовный мир древнего земледельца по петроглифам Саймалы-Таша // Первобытное искусство. – Новосибирск: Наука, 1971.

III.88. *Горбунова Н.Г.* Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // АСГЭ. Вып. 25. – Л., 1984. – С. 99-108.

III.89. *Гордлевский В.А.* Что такое “босый волк”? К толкованию “Слова о полку Игореве” // Известия АН СССР. Т. 6. Вып. 4. – М., 1947. – С. 32-48.

III.90. *Горшунова О.В.* Женское паломничество к святым местам (по материалам Ферганской долины) // Итоги полевых исследований. – М., 2000. – С.23-39.

III.91. *Горшунова О.В.* Идея двух начал в культе плодородия у народов Средней Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. – М., 2001.

III.92. *Горшунова О.В.* Узбекская женщина: Социальный статус, семья, религия (по материалам Ферганской долины) / Отв. ред. П.И. Пучков. – М., 2006. – 360 с.

III.93. *Гребенкин А.Д.* Узбеки // Русский Туркестан. Т. ?? – М., 1872. – С. 4-6.

III.94. *Губаева С.С.* Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. (по данным топонимии). – Т.: Фан, 1983. – 105 с.

III.95. *Губаева С.С.* Путь в зазеркалье (Похоронно-поминальный ритуал в обрядах жизненного цикла) // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып. 4. – М., 2001. – С. 164-175.

III.96. *Гудкова А.В.* Ток-кала. – Т.: Фан. 1964. – 153 с.

III.97. *Гулямов Я.Г.* История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Т., 1957.

III.98. *Гумилёв Л.Н.* Древние тюрки. – М.: Наука, 1967. – 504 с.

III.99. *Давлатова С.Т.* Ўзбек миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 213 б.

Дандамаев М.А. Культура и экономика древнего Ирана. – М.: Наука, 1980. – 416 с.

III.1. *Абашин С.Н.* Чай в Средней Азии: история напитка в XVIII – XIX веках // Традиционная пища как выражение этнического самосознания. – М.: Наука, 2001.

III.2. *Абашин Н.С.* Семь святых братьев // Подвижники ислама: Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. – М., 2003. – С. 18-40.

III.3. *Абашин С.Н.* Культ Двуророго Искандара у горцев Центральной Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. – М., 2006. – С. 190-209.

III.4. *Абдуллаев У.С.* Фаргона водийсидаги этнослараро жараёнлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – 216 б.

III.5. *Абдулахатов Н., Хошимов Б.* Аҳмад ал-Фаргоний. – Фаргона: Фаргона, 1998. – 94 б.

III.6. *Абрамзон С.М.* Рождение и детство киргизского ребенка // Сборник музея антропологии и этнографии. Т. XII. – М.: ИАН СССР, 1949. – С. 78-138.

III.7. *Абрамзон С.М.* К характеристике шаманства в старом быту киргизов // КСИЭ. 1958. Вып. XXX. – С. 31-42.

III.8. *Абрамзон С.А.* Свадебные обычаи у киргизов Памира // Труды АН ТадССР. Т. 20. – М., 1959.

III.9. *Абрамзон С.М.* Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Л., 1971.

III.10. *Агаджанов С.Г.* Огузские племена Средней Азии IX – XIII вв. // Страны и народы Востока. – М., 1971. Вып 10. – С. 181-184.

III.11. *Айдаров Г.* Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII в. – Алма-Ата.: Наука, 1971. – 308 с.

III.12. *Алексеев Н.А.* Культ айыы – племенных божеств, покровителей якутов: К вопросу о так называемом белом шаманстве // Этнографический сборник. Вып. 5. – Улан-Удэ, 1965. –

III.13. *Алексеев Н.А.* Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. – Новосибирск: Наука, 1980. – 223 с.

III.14. *Аманалиев Б.* Доисламские верования киргизов // Религия, сводомыслие, атеизм. – Фрунзе, 1967. – С. 18-30.

III.15. *Анарбаев А.А., Максудов Ф.А.* Древний Маргилан. (Из истории земледельческой и городской культуры Ферганы). – Т.: Фан, 2007. – 160 с.

III.16. *Андреев М.С.* Вещие сны, несколько примет и детская игра “Сорока-воровка” среди некоторых народов главным образом Средней Азии // Известия Главного Среднеазиатского музея. Вып. 12. – Т., 1923. – С. 3-31.

III.17. *Андреев М.* Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандской области // Известия Туркестанского отд. Русс. географического общества. Вып. XVII. – Т., 1924.

III.18. *Андреев М.С.* Зреднеазиатская версия Золушки (Садрильоны). Св. Параскева Пятница. Див-и Сафед // По Таджикистану. Вып. 1. – Т., 1927. – С. 60-76.

III.19. *Андреев М.С.* Чильтаны в среднеазиатских верованиях // В.В. Бартольд. — Т., 1927. — С. 334-338.

III.20. *Андреев М.С.* Поездка летом 1928 г в Касансайский район (Север Ферганы) // Известия общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами. — Т., 1929. — С. 12-23.

III.21. *Андреев М.С.* Женская богиня “госпожа вторник”, покровительница прях // Религиозные верования народов СССР. — М.-Л., 1931. Т. 1. — С. 311-315.

III.22. *Андреев М.С.* Таджики долины Хуф: (Верховья Амударьи). Вып. 1. — Сталинабад, 1953.

III.23. *Андреев М.С.* Материалы по этнографии Ягноба (записи 1927 — 1928 гг.). — Душанбе: Дониш, 1970. — 193 с.

III.24. *Анорбоев А.* Ўзбекистонда илк сугорма деҳқончилиқнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтнинг ташкил топиши // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдишлари ва замонавий жараёнлар. — Т., 2006. — Б. 9-16.

III.25. *Анохин А.В.* Материалы по шаманству у алтайцев // Сборник Музея антропологии и этнографии. Т. 4. Вып. 2. — Л., 1924. — С. 34-49.

III.26. *Антонова Е.В.* Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. — М., 1984.

III.27. *Антонова Е.В.* Обряды и верования первобытных земледельцев Востока. — М.: Наука, 1990. — 310 с.

III.28. *Арсеньев А.* Звери — боги — люди. — М.: Политиздат, 1991. — 131 с.

III.29. *Аскарлов А.* Сапаллитепа. — Т.: Фан, 1973. — 172 с.

III.30. *Асқаров А.* Энг қадимги шаҳар. — Т.: Маънавият, 2001. — 24 б.

III.31. *Аскарлов А., Абдуллаев Б.Н.* Джаркутан. — Т.: Фан, 1983. — 120 с.

III.32. *Аширов А.* “Авесто”дан мерос маросимлар. — Т.: Мерос, 2001. — 31 б.

III.33. *Ахелис Т.* Очерк сравнительного изучения религии. — Спб., 1906.

III.34. *Ахунбабаев Х.Г.* Об одном согдийском обычае // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 23. — Т., 1990. — С. 198-207.

III.35. *Афзалов М.И.* Ўзбек эртақлари ҳақида. — Т.: Фан, 1964. — 26 б.

III.36. *Аҳмад Ҳодий Мақсудий.* Ибодати Исломия. — Т.: Меҳнат, 1992. — 121 б.

III.37. *Банзаров Д.* Черная вера или шаманства у монголов // Туркестанский сборник. — Т., 1901. Т. 495. — С. 68.

